

Нодиржон Абдулахатов

ҚАДИМ АРСИФ ТАРИХИДАН

Фарғона – 2024

**Нодиржон Абдулахатов / ҚАДИМ АРСИФ ТАРИХИДАН/
илмий оммабоп/518 бет/Classic нашриёти/ 2024 йил.**

Китоб Фарғона вилояти Қувасой шаҳрининг Арсиф қишлоғининг узоқ ўтмиши ва ундаги мавжуд археологик ёдгорликлари, арсифлик авлиёлар ҳақида ҳикоя қилади. Қолаверса, мазкур китобда Туркистон халқларининг қадим тарихига доир қимматли маълумотларнинг келтирилиши ҳам тарихимиз мухлисларига муносиб тухфадир.

Монография тарих, манбашунослик, археология, элшунослик, адабиёт, ўлкашунослик, агиография, маданиятшунослик, зиёрат туризми билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:
АШИРБЕК МЎМИНОВ**

Тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчи:

**Тарих фанлари номзоди, доцент
ТОҲИРЖОН ҚОЗОҚОВ**

*Фарғона вилояти педагогларни янги методикаларга
ўргатиш маркази илмий методик кенгашининг 27.06.2024
йилдаги №1 сонли қарорига асосан чоп этишга тавсия
этилган.*

© Н. Абдулахатов.
© Classic-2024

ISBN: 978-9910-676-11-6



БИЗ БИЛМАГАН ТАРИХ

*Ушбу китоб Арсиф тарихида ўчмас
из қолдирган ҳазрати инсонларнинг
ёрқин хотирасига бағишланади.*

Касбимиз нуқтаи назаридан вилоятимизнинг кўп жойларида бўламиз. Халқимизнинг қизғин суҳбатида бўлиб, улар бизга ўзлари туғилиб ўсган замин тўғрисида кўпгина қизиқарли воқеа, ҳодисаларни сўзлаб беришади. Беихтиёр халқимиз бой тарихга, ўзига хос такрорланмас маданиятга эга эканлигига амин бўламиз. Ҳар қайси қишлоқ, маҳалла ёки кўча ўз тарихига, ўз ўтмишига эга.

“Тарихда жисмоний қирғинлар кўп бўлган, аммо маънавий миллий қирғинни фақат совет империализми амалга оширди. Агар дунёда бирор бир муқаддас ва ҳаётий туйғу бўлса бу унинг миллий онгидир. Совет империализми янги йўл топди, у нафақат тилни йўқотиш, балким тарихни ҳам йўқотишга, халқлар тарихидан ўтмишни ўчириб юборишга ҳаракат қилди”.¹

Вақтлар бўлди халқнинг миллат ва ватаннинг тақдири учун қайғурган маърифатпарвар фарзандлари минг хил тавқи лаънат билан қирғин қилинди. Бу ҳам етмагандай муқаддас зиёратгоҳлар ҳам оёқ ости қилиниб топталди.

1918-1920 йилларда, яъни совет ҳокимиятини ўрнатиш жараёнида диний муассасалар ва асосан масжид ва мадрасаларни вайронага айлантирилиши халқдаги нафсоният ва ғурурни топташ бўлди. Қолаверса, ўлкада маориф ва маданиятнинг тараққиёти диний муассаса ва

¹ Авторхонов А. Кремль салтанати. – Т.: “Чўлпон”, 1993. – Б.78.

ташкilotлар, вақф мулклари билан кўп жиҳатда боғлиқ бўлиб келганди.

Совет ҳокимиятининг динга юмшоқлик билан муносабати номигагина бўлиб, аёвсиз жанглардан кейин унга қарши янгидан кураш бошлаш учун шунчаки бир нафасни ростлаб олиш эди. XX асрнинг 20-30 йилларида қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, қулоқлаштириш сиёсати билан бир пайтда динга, диндорларга узоқ вақт ўзларини ўнглаб ололмасликка, ўлимга ёки қочиб ва яшириниб жон сақлашга тўғри келадиган даражада қаттиқ зарба берилди.

Эскилик сарқити сифатида 1925-1929 йилларда республикадаги юзлаб масжидлар ёпилди. Муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжолар вайронага айлантирилиб, улардаги ёғоч, ғишт ва бошқа қурилиш материаллари омбор, касалхона, қизил чойхона, клуб кабилар қурилишига олиб кетилди.²

Маълумотларга қараганда, 1917 йилларга қадар Туркистон заминида йигирма мингдан ортиқ масжид ва шу сингари меъморий обидалар мавжуд эди. Чорак аср ўтиб уларнинг сони айрим маълумотларга улар бир неча баробарга қисқариб кетган. Шунча қирғинларга қарамасдан қалбида доим Аллоҳ таборак таолони ёд этиб келган чин эътиқодли ҳамюртларимиз табаррук қадамжоларни зиёрат қилишни тарк этмади. Улар шу зайлда хаста кўнгилларга таскинлик бахшида этдилар. Зиёрат қилишга бўлган самимий ихлосга йўлнинг азоб уқубати, масофанинг олислиги монъелик қила олмаган. Ана шундан зиёратгоҳлардан бири - Фарғона вилояти, Қувасой шаҳари ҳудудида, Фарғона шаҳридан тахминан 15 километр шимолий-шарқ томонда (Фарғона-

² Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йиллар). – Т.: “ABU MATBUOT KONSALT”, 2008. – Б.69.

Қува автомобил трассасидан ўнг томонда) жойлашган Арсиф зиёратгоҳига ҳам йилнинг тўрт фаслида зиёратчилар келишдан тўхтамаган.

Болалик пайтимизда Арсиф қишлоғига ота-онамиз билан дам олгани келар эканмиз ундаги дарахтзор ва адирликлар бизга худди эртаклардаги сирли маконларни эслатарди. Кунларнинг бирида Арсифда болалигимизнинг шўхлиги ортиб кетиб атрофни бошимизга кўтарганимизча бақириб бир-биримизни қувлай бошладик. Шу пайт олдимизга оппоқ соқоли кўксига тушган нуроний бир чол келиб: *“Болаларим бу ерда кўп шовқин солманглар азизларнинг руҳи безовта бўлади”*, дея насиҳат қилди. Ўша пайт барчамиз нуроний чол айтган *“азизлар”* ҳақида бу ернинг ҳозирги эгаси бўлса керак, деган тушунчага келган эдик. Шу боис шўхлигимиз учун ҳозир бизни келиб уришмасин, дея бир оз кўрққандик.

Ўсиб, улғайиб, ҳар биримиз касб-корлик бўлган кезларимизда (бу вақтда биз Фарғона вилоят ўлкашунослик музейида иш бошлаган пайтимиз эди) оғайниларимиздан бири бизни яна Арсиф қишлоғига таклиф қилди. Биз бу ерда бирон бир зиёфат уюштирилаётган бўлса керак, деган ниятда йўлга чиқдик. Бироқ, Арсифга келганимизда бу ерда кекса отахон ва онахонлар ўтирганлигини кўриб хижолат тортдик. Улар бу ерга аввало зиёрат учун, қолаверса, дўстимизни бир неча йилдан бери фарзанд кўрмаётганлиги сабабли Аллоҳ таолодан мушкулларини осон қилиш мақсадида эҳсон қилгани келган эканлар. Дўстимиз бизни кексалар даврасига олиб келиб *“Булар менинг дўстларим, иккаласи ҳам тарихчилар!”,* дея таништирди. Биз биров хижолатчиликдан кейин ўзимизни эркин ҳис қила бошладик. Аммо бизнинг бу ҳолатимизга ўтирганлар ичида энг кексаси, ёши тўқсонга

бориб қолган отахон ўз саволи билан чек қўйиб, бизни яна хижолатга қўйди.

У биздан Арсиф ҳақида нималар биласиз, - деб сўраганда, тўғриси бир оғиз ҳам сўз айтилмадик. Ноилож айбимизни тан олиб, *“Ҳали бу жой тарихи билан шуғулланганимизча йўқ”*, дея жавоб билан чекланиб қолдик.

Шу зайлда ўтирганимизча зиёратга келганларни анча кузатдик. Чиндан ҳам зиёратга келаётган одамларни кўплигини кўриб, қачонлардир албатта Арсиф қишлоғи тарихини ўрганиш лозимлигини тушундик. Ўшанда VIII асрда яшаб ўтган Билга хоқон ва Култегин ёдномаларининг муаллифи донишманд Йўллуқ тегиннинг *“Авлодларнинг биринчи бурчи - ўз аجدодларини унутилишидан сақлаб қолишдир. Ўшанда шафқатсиз ва қудратли вақт улар устидан ҳукм юрита олмайди”*, деган сўзларини эсладик.

Орадан бир неча йил ўтди. Арсифда ўзимизга берган ваъдамизни унутаёзиб бошқа ишлар билан машғул бўлиб турган чоғимиз 1999 йилда хонамизга ёши қирқлардан ўтган барваста бир киши кириб келди. У ўзини *“Арсиф ширкат хўжалиги”*нинг раиси Ҳафизжон бўламан, дея таништириб, нима мақсадда келганлигини айтди.

Маълум бўлишича, раис акамиз болалигидан шу қишлоқ тарихига қизиқар, бироқ бу ҳақда бирон бир китобда маълумот тополмай, ўз саволларига ечим қидириб юрган экан. У *“Имконларингиз бўлса, шу масалада менга яқиндан ёрдам берсангизлар”*, дея биздан илтимос қилди. Шундан сўнг, арсифлик кексалар билан Арсиф тарихи юзасидан суҳбатлашиш мақсадида шу қишлоқда хизмат сафарида бўлдик. Вақт пешин маҳал бўлганлиги сабабли пешин намозини ўқиб бўлингач қишлоқдаги кексалар билан биргаликда қишлоқ жанубидаги Арктепа манзилгоҳига йўл

олдик. Арсиф тарихи ҳақидаги суҳбатимиз айнан қадимги Арктепа ёдгорлиги устида кечди.

Ҳамкасбим ва қадрдон дўстим Баҳодиржон Ҳошимов билан уларнинг суҳбатларини қоғозга туширдик. “Ёзганларимизни келгусида китобга киритамиз”, деб хайрлашдик. Бироқ 2006 йилда музейдан ишдан кетганимдан сўнг бошқа китобларимиз сингари Арсиф тарихи ҳам яна ўрганилмай қолди...

2009 йилнинг август ойини сўнгги кунлари эди. Эртаиндин янги ўқув мавсуми бошланаётган бир вақтда фарзандларимга учун ўқув қуроллари ва мактаб формасини сотиб олиш учун чўнтагимда бир тиййин ҳам йўқлигини оиламдагиларга билдирмай гўёки иш жойимга ойлик иш ҳақини олгани кетаётгандек ўзимни кўрсатиб шаҳарга йўл олдим. Аслида мақсадим уйдан қочиб чиқиш бўлганди. Чунки фарзандларимни кўзига қарашга уялардим. Ўзимни жуда ҳам хўрлангандек ҳис қилдим. Бошим қотганди...

Ўша вақтларда тайинли иш жойим ҳам бўлмагани боис вилоят “Олтин мерос” хайрия жамғармасининг нураб турган биносидagi зах босган бир хонани ўзимга жой қилиб дарвишнамо тарзда илмий изланишлар билан овора бўлган эдим. Шаҳарга келгач ўша зах босган хонага қамалиб олиб кунни ўтказмоқчи бўлдим. Бино эшигига яқинлашган пайтимда чинорлар остида турган бир кишига кўзим тушди.

Бу арсифлик истеъфодаги ҳарбий учувчи Ўктамжон Абдурахмонов эди. Билдимки, у мени кутаётганди. Саломлашгач ундан “Ўктам ака тинчликми, биз томонларга сизни қайси шамол учирди”, дедим. У менга “Арсифнинг шамоли” дея кулиб жавоб берди.

Ўктамжон Абдурахмонов билан илк бор вилоят кутубхонасида кўришганимиздаёқ у мени тарихчи эканлигимни билиб, Арсиф тарихи ҳақида сўз очган эди. Ўша-

ўша қаерда кўришмайлик суҳбатимиз мавзу Арсиф қишлоғи тарихи тўғрисида кечарди. Эғнидаги уст-бошидан уни биров собиқ зобит деб тасаввур қилолмасди. Бироқ фикрларни теран бу одам билан бир марта бўлса ҳам суҳбатлашган кишида яна у билан суҳбатлашиш истаги туғиларди.

Афсуски, бу гал мен Ўктам ака билан суҳбатлашиш кайфиятида эмасдим. Чунки фикри-хаёлим қандай бўлмасин эртанги кун учун пул топиш эди. Шундай бўлса-да, хонага таклиф қилдим. У ҳам мендан даб-дурустдан Арсиф тарихини ўрганишга жиддий киришим учун нималар кераклигини сўради. Унинг бу саволига “150 минг сўм керак” дедим. Ахир менга айнан ҳисоб-китобим бўйича шунча миқдордаги маблағ зарур бўлаётганди.



Ўктамжон Абдурахмонов.
2009 йилда олинган сурат.

Ўктам ака менга кулимсираб қаради-да, “2 соатгача ҳеч қаерга кетмай тулинг”, деб хонадан чиқиб кетди. Мени

ниятим 2 соат эмас балки 24 соат шу хонадан чиқмай ўтириш эди. Хаёлимда шу вақт давомида бир воқеа юз бериши керакдек. 2 соат ўтди. Бир пайт Ўктам ака хонамга кириб келди-да, столга бир даста пулни қўйди ва менга қараб “Мана айтган пулингиз. Ишни бошланг”, деб стулга ўтирмай ортига қайтиб кетди.

Столдаги пулларга қарар эканман кўзимдан ёшлар оқа бошлади. Мен йиғлаётган эдим. Нима қилай эртанги кунги бозорлик учун маблағ топилганди. Аллоҳ таборак таоло менинг оҳимни эшитганлигини англадим. Жалолиддин Румийнинг ушбу ҳикматлари ёдимга тушди: Бир инсон сиздан ёрдам истаса сиз уни шундай тушунинг: “У Аллоҳдан ёрдам сўради, Аллоҳ таоло эса сизни манзилингизни берди”.

Ўктам ака мен учун ўша куни худди ҳазрати Хизрдек йўлимда пайдо бўлди ва шу тарзда мушкуллим ечилганди.

Ҳар гал ўша воқеа ёдимга тушса, Ўктам аканинг ҳақларига дуо қиламан. Орадан йиллар ўтди. 2021 йилда 76 ёшида Ўктам ака оламдан ўтди. Мен Ўктам акага берган ваъдамни кечиб бўлса-да, бажармоқдаман. Аллоҳ таоло у кишини охиратини обод қилсин.

Қадимдан ҳар бир ёзилган ва ёзилажак китоблар дили пок, эзгу ниятли инсонларнинг яқиндан кўмаклари туфайли дунё юзини кўрган. Сўзимиз ниҳоясида биз ҳам ушбу китобни нашрга тайёрлашда, китоб учун сира эринмай шаҳардан шаҳарга, қишлоқма-қишлоқ юриб маълумотларни тўплашда, бирга сафарларда ҳамроҳлик қилган Шарофиддинхожи Аҳмадалиев, Ҳошимжонхожи Раҳматуллаев, Ёдгорхожи Ҳамралиев, Арсиф маҳалла фуқаролари йиғини раиси Ҳайитвой Мамадиев ва халқ таълими фидойиси, олий тоифадаги тарих фани ўқитувчиси, устоз Раҳмонали Ортиқалиевдек эзгу қалб соҳибларига, китобни чоп этишда

яқиндан ёрдам берган саховатпеша Жаҳонгир ҳожи Аҳмедовга Аллоҳдан беҳисоб ажру-мукофотлар тилаб қоламиз.

АРСИФ АТАМАСИ ҲАҚИДА

Қўқон хонлиги архиви ҳужжатларида **ارسف** номи қайд этилган.

Арсиф қишлоғида жойлашган Арктепа ёдгорлигида ўтказилган археологик қазишмаларининг хулосаларига кўра, эрамизнинг V асри охирларига келиб вайрон этилган. Милоднинг бешинчи асрида Фарғонага водийсига бостириб келган душманларнинг босқини Арсиф қишлоғини четлаб ўтмаган бўлса керак. Бироқ, бу ерда душман жангчилар билан эмас, дунё хою-ҳавасидан воз кечган умрини ибодатга бағишлаган зоҳидлар билан жанг қилишига тўғри келганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Милоднинг V-VI асрига мансуб Арсиф ибодатхонасидаги зоҳидлар ҳам душман билан жанг қилган бўлса керак. Ваҳоланки, ибодатхона атрофидаги 14 та ҳарбий миноранинг мавжудлиги ва мудофаа деворидаги ўқ отишга мослашган шинакларнинг кўплиги бундан далолат бериб турибди.

Арктепа ибодатхонаси бир муддат ёнғин ичида қолиб кетган Арктепа минораларидаги ёнғин излари бу ерда даҳшатли воқеалар содир бўлганлигини кўрсатади. Деворлар гўёки, қизил бўёққа бўялган эди. Аслида бу ранг оловдан қизариб кетган лойнинг ранги эканлигини назарда тутсак, Арктепа ёндириб кули кўкка совурилганлигига амин бўламиз. Афсуски, сон жиҳатдан кўп сонли душман Арсиф

ибодатхонасини забт этади ва уни ер билан яксон қилади. Арсиф ибодатхонаси ва ундаги хизматчилар тўғрисида эса, йиллар ўтиб одамлар унутиб юборади. Маҳаллий аҳоли ибодатхона харобасини афсонавий подшо билан боғлаб унга “*Арктепа*” деб ном берган бўлсалар керак. Бу фақат тахмин холос.

Хатто нима учун қишлоқни номи “*Арсиф*” деб атаб келинганлиги ҳам кейинчалик ҳеч кимни қизиқтирмай қўйди. Ваҳоланки. Арсиф номи ҳам ва ундаги ибодатхонада яшовчилар билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиши мумкин. Зотан қадимги туркий тилидаги “*Arsi*” сўзи “*авлиё*”, “*зоҳид*” маъносини англатиб³, Арсиф номини келиб чиқиши мазкур сўз билан боғлиқ эканлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Бинобарин, Арсифдаги муқаддас маконда асосан зоҳид авлиёлар яшаган эди ва айнан шу сабабдан бу ерлар “*Авлиёлар макони*” - яъни “*Арсиф*” ёки “*Арсиф*” деб аталган бўлиши мумкин. Маҳаллий халқ эътирофига кўра, “*Арсиф*” номини келиб чиқиши “*Арз сўрамоқ*” сўзидан олинган бўлиши ҳам мумкин.⁴

Бу ҳақда таниқли олим С. Қораевнинг фикрлари диққатга сазовордир: “*Арсиф* - ... Қувасой ариғи бўйида, адирлар орасида [жойлашган]. Арсиф тожикча “*Арз пурс*” – “*арз сўраш*” сўзларидан келиб чиққан дейишади. Марказий Осиёдаги, жумладан Ўзбекистондаги жой номлари замирида кўпинча бирон географик термин, ўсимлик ё ҳайвон номлари ёки этноним ётади. Баъзан эса феол шаклидаги номлар ҳам учрайди. Арсиф – “*Арз пурс*” эканлигини янада синчиклаб текшириб кўриш керак”.⁵

Араб тилида “*Арса*” сўзи майдон яланг жой маъносини англатади.⁶ Эҳтимол қишлоқни яланг жойда жойлашганлиги

³ Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. С.55.

⁴ Дала тадқиқотлари. 2009 йил. Фарғона вилояти Қувасой шаҳри Арсиф қишлоғида истиқомат қилувчи Тешабой ҳожи Ҳамдамовдан (1928 йилда туғилган) ёзиб олинган.

⁵ Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми?. Т.: Ўзбекистон, 1969. – Б.18-19.

⁶ Фарҳанги тоҷики-руси. Душанбе. 2006. -Б.45

туфайли шу ном била, яланг жой маъносида Арса – Арсаф-Арсиф номини олган бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, қишлоқ номини келиб чиқишида уни баландликда жойлашганлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Чунки арабча аръсун, баландлик маъносини англатади. Бу ҳақда Ш. Раҳматуллаев қуйидаги иозохни келтиради: “Арш – бу арабча *ʔars(un)* шаклига эга; ўзбек тилига фатҳали айн товушини а товушига алмаштириб қабул қилинган; *ʔars* -арш. Бу сўз асли “кўтарди”, “баланд ерга жойлади” маъносини англатувчи *ʔarasa* феълининг I боб масдари бўлиб, араб тилида “тахт” ва бошқа маъноларни англатади. Бу сўзнинг тўғри маъноси асли “баландлик” бўлиб, “тахт” маъноси шу маънодан ўсиб чиққан”.⁷

Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, Арсиф номи билан аталувчи жой номлари ёзма манбаларда тилга олинмайди. Фақатгина ўрта аср муаррихлари томонидан Амир Темур тарихи билан боғлиқ воқеалар ҳақида маълумотлар берилганда Сейистондаги “*Арсаф*” номи чўлни ҳам тилга олиб ўтилади. Амир Темур 1362 йилда Сейистонда бўлган жангларнинг бирида ярадор бўлганидан сўнг бир ой шу Арсаф чўлида дам олиб, даволанган ва мўғулларга қарши курашиш учун аскар тўплаган.

С. Қораев таъкидлаганидек, бу жой номини янада синчиклаб текшириб кўриш керак.

Арсиф қишлоғи даставвал “*Арки Юсуф*”, яъни Юсуфнинг арки деб аталган эмиш. Эмишки, қачонлардир ҳазрати Юсуф алайҳис салом ана шу ерда севгилиси Зулайҳога ва ўзи учун ҳашаматли арк қурдирган экан. Халқ эса, шу жойни “*Арки Юсуф*” деб атаб келган. Вақтлар ўтиши билан бу жой халқ тилида “*Арсиф*” деб аталадиган бўлибди.

⁷Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. II. – Т.: “Университет”, 2003. - Б.41.

Бу афсонани бизга 1998 йилда айтиб берган 76 ёшли Холматжон Мелибоевнинг таъкидлашича, бу ривоятни бобосидан эшитган экан.

Бизнингча, Арсифни Юсуф пайғамбар билан боғлашда шарқда машҳур бўлган “Юсуф ва Зулайҳо” достонининг халқ орасида кенг тарқалганлиги сабаб бўлган бўлса керак. “Таврот”даги гўзал Иосиф ва “Қуръони каримдаги Юсуф пайғамбар ҳақидаги ривоят асосида дунёга келган Юсуф ва Зулайҳо ҳақидаги ривоят ва достонлар тўғрисидаги асарлар бир неча асрлар мобайнида халқимиз томонидан севиб ўқиб келинган.

Маълумки, “Юсуф ва Зулайҳо” Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган, турли давр ва турли халқ шоирлари томонидан қайта-қайта ишланган сайёр сюжетли қиссаларнинг биридир⁸.

Муҳаммад Содик Номийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достони⁹, Ҳамдаллоҳ ибн Оқ Шамсиддин Муҳаммад Ҳамдий (1449-1503) “Юсуф ва Зулайҳо” достони¹⁰, Хусайн ибн Муҳаммад Камолиддин Замирий (973/1565-66 йилда вафот этган) “Юсуф ва Зулайҳо” достони¹¹, Дурбекнинг (XIV аср) “Юсуф ва Зулайҳо” достони бўлиб, Дурбек қадимги шарқ афсонасини биринчи бўлиб туркий тилда назм қилган ва ушбу афсонага дунёвий тўн кийгизишга интиланган¹². Бу ҳақда Ф. Сулаймонова шундай ёзади: “XIV-XV асрлар ўртасида яшаган балхлик туркиғўй шоир Дурбек томонидан яратилган

⁸ Сулаймонова Ф. “Юсуф ва Зулайҳо” достонининг Алишер Навоийга нисбат берилган Париж қўлёзмаси ҳақида // XX аср ўзбек мумтоз адабиётшунослиги.- Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2016. - Б.83.

⁹ Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. В трех частях. Часть III. – М.: Главная редакция Восточной литературы, 1972. С.1477.

¹⁰ Дмитриева Л.В. Дмитриева Л.В. Каталог тюрских рукописей Института востоковедения Российской академии наук. – М.: Издательская фирма “Восточная литература” РАН.2002.С.209.

¹¹ Дмитриева Л.В. Дмитриева Л.В. Каталог тюрских рукописей Института востоковедения Российской академии наук. – М.: Издательская фирма “Восточная литература” РАН.2002.С.307.

¹² Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. Биринчи том. –Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959. -Б.93.

“Юсуф ва Зулайхо” достони юксак бадиий маҳорат билан тўлиқ ишланган ва бизга маълум бўлган ўзбек тилидаги баркамол дostonларнинг қадимгисидир. Маълумки, Абдурахмон Жомий ҳам 1483 йилда “Ҳафт авранг”нинг учинчи китоби сифатида Юсуф ва Зулайхо афсонаси асосида юксак бадиий маҳорат билан ёзилган йирик дoston яратган. Кейинги асрларда Юсуф ҳақидаги афсона Ҳамдий, Нозим Ҳиравий, Андалиб каби туркигўй шоирларни ҳам шу мавзуда асарлар яратишга илҳомлантирди”¹³.

Туркий адабиётда шу мавзуда 50 га яқин асар ижод қилинган. Жумладан, Қул Али, Носириддин Рабғузий, Ҳайдар Хоразмий, Мулла Юсуф Ёркандий, Нозим Ҳиравий, Сайқалий, Хиромий, Салоҳий, Андалиб, Ҳозик каби ижодкорлар қисса ва дostonлар битганлар. Асарнинг кенг тарқалиши ва шуҳрат қозонишига асосий сабаб унинг мазмун-моҳиятидаги муҳаббат талқинидир. Асар “Юсуф ва Зулайхо”, “Қиссаи Юсуф алайҳиссалом” ёки “Қиссаи Юсуф пайғамбар” дея турлича номланишига ва турли даврларда, турли ижодкорлар томонидан ёзилишига қарамай, унда ишқ мавзуи суфиёна талқиннинг энг жозибадор намунаси бўлиб қолаверди. Шу билан бирга, “Юсуф ва Зулайхо” дostonлари ўзига хос соф инсоний муҳаббатни тараннум этувчи дунёвий адабиёт намунаси ҳамдир. Масалан, Дурбекка нисбат бериб келинган Хоразмийнинг “Юсуф ва Зулайхо” дostonида (1409) Ўрта Осиё халқларининг турмуш тарзи, ошиқларнинг муҳаббат тўла саргузаштлари жуда ёрқин бўёқларда гўзал тасвирланган. Умуман, даврлар ўтиши билан “Юсуф ва Зулайхо” достони сюжети асосида яратилган асарларда ўз даврининг турли ахлоқий ва фалсафий қарашлари, ижтимоий ва сиёсий тушунчалари акс этиб бораверди.

¹³ Сулаймонова Ф. “Юсуф ва Зулайхо” дostonининг Алишер Навоийга нисбат берилган Париж қўлёзмаси ҳақида // XX аср ўзбек мумтоз адабиётшунослиги.- Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2016. - Б.84

Юқорида айтиб ўтганимиздек, “Юсуф ва Зулайҳо” Шарқ халқлари орасида машҳур ва кенг тарқалган ишқ қиссаси, дoston. Асл манбаи — илоҳий муқаддас китоблар: Таврот, Инжил ва Қуръони карим. Қуръондаги талқини бирмунча ихчам ва бадий шакланган. Тавротдагиси фольклорга яқин ва қадимий Миср афсоналарига бориб тақалиши тахмин қилинади. Шарқда кенг тарқалган қиссанинг бу варианты Қуръони каримнинг “Юсуф” (12) сураси асосида шакланган бўлиб, жамики “Юсуф ва Зулайҳо” қисса ва дostonларининг илҳом манбаи ушбу сурадир. Ушбу қисса Қуръонда “Аҳсан ул қисас” (“Қиссаларнинг энг гўзали”) дея таърифланади.

Абдурахмон Фаҳмий Марғиноний (1842-1898) “Сабаб таълифи назми китоб” фаслида “Юсуф ва Зулайҳо” дostonини ёзишининг сабабларини қуйидагича изоҳ беради:

Юрурдим мақсадим, ҳар кимдан истаб,
Сўрардим яхшилар, пиримдан истаб.
Солиб қалбимга, партав ул Худованд,
Йўқ эрмиш қиссалар Юсуфга монанд.
Қасас ичра бу аҳсан қисса эрмиш,
Ашойиқ аҳлига, кўб ҳисса эрмиш.
Димоғимга тушуб, андак бу савдо,
Дилимни сафҳасига айладим жо.
Хаёлоти бўлуб фикрим узайди,
Тараннум соз этиб, зикрим узайди.
Бўлуб саҳми маломатга нишона,
Бу ишни айлаб ўзумга баҳона.
Юфанчикқа бериб ёш баччага қанд,
Сут эммак ёдидин, кетмакга монанд.
Бу аҳсан қиссани туркий қилурға.
Бу Туркистон била, осон билурға.
Қилиб ўзумни жазм, ушбу ишқа,
Юфатмоққа солиб, йўл бу равишқа.

Қилибдурлар неча ўтган азизлар,
Бўлак тартиб ила соҳибтамизлар.
Алардин қолмамиш, бир нукта ғайри,
Туғаб мазмунсанж ҳўбу хайри¹⁴.

Бундан маълум бўладики, XIX асрнинг охирига келиб ҳам “Юсуф ва Зулайҳо” қиссасига қизувчилар сони ортиб борган ва қисса ихлосмандлари учун ушбу мавзуда туркий тилда битилган достонга эҳтиёж бўлган. Ушбу достонни ёзишда Фаҳмий албатта нақшбандия тариқатининг пири Бузрукхон эшон ўғитларига таянган.

Аларнинг ҳар сўзи эрмиш жавоҳир,
Жавоҳир йўк эрур, луълўи фохир.
Тизиб назм ифига, сўз дурру маржон,
Маонийда калима, баҳри уммон.
Ки, ҳар бир ҳарфлари, неча тарафга,
Далолат қилғуси, зебо шарафга.
Баён этсам аларни васфи, исмин,
Туганмас умрлар этмокда қисмин,
Алар шерони майдони тариқат,
Жиҳод айлаб, очиб роҳи шариат.
Қилиб покиза, адён йўлларини,
Бу элга бидцуруб, ўнг-сўлларини.
Риёзат илмида, якто эканлар.
Сухандонлиқда, кўб доно эканлар¹⁵.

Фаҳмий Марғиновий томонидан XIX асрнинг охирида “Юсуф ва Зулайҳо” достони яратилишидан маълум бўлмоқдаки, Фарғона водийси мазкур достон халқ томонидан севиб ўқилган ва халқ орасида турли хил ривоятларни

¹⁴ Мулла Абдурахмон Фаҳмий Марғиновий. Девон...-Б.373.

¹⁵ Абдурахмон Фаҳмий. Девон. 531- варақ

тарқалишига сабаб бўлган. Шу боисдан талаффузда “Арсиф” сўзини Арки Юсуфга яқин келиши мумкинлиги ўзи жой номини Юсуф пайғамбар билан боғлашга олиб келганлиги эҳтимолдан холи эмас. Чунончи, манбаларда тилга олинган пайғамбарлар номи билан боғлиқ жойлар Фарғона водийсида кўплаб учрайди. Бу ҳақда айрим тарихчилар ҳам ўз асарларида тўхтаб ўтишган. Жумладан, “*Ҳайр ул-билод*” китобининг муаллифи Ўш шаҳрини бунёд бўлишида шундай усулга ёндошган.

АРСИФ ТАРИХИ ХУСУСИДА

Кўпчилик аҳоли яшайдиган барча иморатлар яқин вақтларгача пахса ёки хом ғиштдан қуриб келинган. Бундай иморатнинг ўртача “умри” археологлар томонидан 40-50 йил деб белгиланган. Шу муддатдан кейин эса, яна қайтадан таъмирланмаса, қанчалик кўркам ва ҳашаматли бўлмасин ўша бино нурай бошлайди. Шу тарзда катта-кичик шаҳарлар табиат таъсири, ёки душманлар тажовузи натижасида ўзининг иккинчи ҳаётини бошлаган, ё бундан ҳам даҳшати, улар ўз фаолиятига хотима ясаган. Даврлар ўтиши билан эотиборсиз қолган ҳашаматли қасрлар ана шу аснода кимсасиз тепаликка айланиб қолаверган. Уларнинг тарихи ҳам шу кимсасиз тепалик бағрига кўмилиб кетаверган. Лекин халқ орасида улар тўғрисидаги афсона ва ривоятлар ҳали ҳануз яшаб келмоқда. Арсиф ёдгорлиги билан ҳам шундай ҳодиса юз бериб, унинг тарихи билан боғлиқ афсоналар ҳали-ҳануз оғиздан оғизга ўтиб келмоқда.

Унга кўра, бу ерда қачонлардир қадимий Қуванинг подшоси Қайқубоднинг арки бўлиб, у шикорга чиққан пайтда

шу ерда дам олишни хуш кўрган эмиш. Бу ҳақда қишлоқ кексаларидан бири Тешабой ҳожи Ҳамдамов қуйидагиларни сўзлаб берган эди: “

Арсиф қишлоғининг ер майдони тахминан 30-35 минг кв.метрдан иборат.

Қишлоқнинг жанубий-шарқ томонидаги тоғлар бағридан етти та булоқ суви оқиб тушиб қишлоқни обод қилган. Аҳоли шу булоқлар сувидан фойдаланган. Улардан ортган сувлар коса ўртасига оқиб кетаверган.



*Арсиф фаоллари. Чандан ўнгга. Мамадиев Ҳайитвой,
Ҳасанов Исломжон ҳожи, Ортиқалиев Раҳмонали. Меҳнат
фахрийлари. Сураат 2023 йилда олинган.*

Қадим одамлар коса ўртасини сувли кўл, қамишзорларни “денгиз” деб аташган. Ҳозир ҳам бу ерларнинг номи “денгиз” деб аталади. Оз миқдордаги аҳолига ер сув бемалол тирикчилик қилиш учун етарли бўлган. Бу хушманзара қишлоқда тирикчилик қилиш

осон эканлигини эшитган қўшни қишлоқ ва шаҳар одамларини ўзига жалб қилган.

ХІ асрда Кува подшолиги юзага келиб, бизнинг қишлоғимиз ҳам шу подшоликка бўйсунган. Унинг атрофи унча баланд бўлмаган қир-адирлар ва текисликлардан иборат эди. Қишлоқ бамисоли коса шаклидаги чуқурликда жойлашган ва жануб томони тоғлар билан ўралган. Бу тоғ ёнбағридан 10 та булоқ-чашмадан сув ўша замонлардан буён отилиб чиқади. Улардан чиққан сув қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан бемалол таоминлай олган. Экин, боғ-роғлар учун ҳам шу сув етарли бўлган. Хушманзара жойга ҳаваси келган Кува подшоси адир ёнбағрига дам оладиган жой – “Арк” қурдирган ва шу ерга келиб дам олган. Бу даврда қишлоқнинг номи бўлмаган. Кейинчалик одамлар “Арсиф”, яъни “подшонинг арз сўрайдиган жойи” деб ном беришган. Бу қишлоқ аҳолиси асосан бошқа ерлардан келиб ўтроқ бўлиб қолишган. Аҳолини борган сари кўпайган булоқлардан оққан сув уларнинг эҳтиёжини қониқтирмай қолди. Сув танқислиги сезилгач, қишлоқдаги оқсоқоллар халқ билан маслаҳат қилиб, Исфайрам дарёсидан сув олмоқчи бўлишган. Муён, Бўстон қишлоғи орқали Қарамкўл, Қалача қишлоқлари ёнбағри орқали Арсифга 30 чақиримли катта ариқ қазишиб, сув олиб келинган. Бу ариқдан сув олиб келиш анча мушкул бўлганлиги сабабли кейинчалик ариқ Суфон қишлоғи орқали 10 чақиримга қисқартирилиб ҳозирги “Арсиф ариғи” юзага келган ва қишлоқ аҳолиси қўшимча сув билан таоминланган”.¹⁶

Хўш, Тешабой ота Ҳамдамов сўзлаб берган тарихда қанчалар асос бор? Қишлоқ тарихи ҳақиқатдан ҳам шундай кечганми?

Маълумки, Кува (Қубо) шаҳри ўрта асрларда Фарғона водийсининг энг гуллаб яшнаган, марказий шаҳарларидан бири бўлиб, Х асрда яшаб ўтган араб сайёҳларининг

¹⁶ Дала тадқиқотлари. 2009 йил. Фарғона вилояти Қувасой шаҳри Арсиф қишлоғида истиқомат қилувчи Тешабой ҳожи Ҳамдамовдан (1928 йилда туғилган) ёзиб олинган.

маълумотларига кўра, ўзининг бойлиги ва оқар сувлари жиҳатидан ҳатто пойтахт Ахсикентдан ҳам устунлик қилган.¹⁷

Археологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Қува шаҳрининг ёши эрамиздан аввалги V-III асрларга оид бўлиб, Буюк ипак йўлидаги стратегик шаҳарлар қаторидан ўрин олган. Бироқ, Қува шаҳрида Қайқубод исми подшоҳ ўтганлиги фақатгина афсонадан иборат. Бу афсона қуваликлар ва унга яқин бўлган аҳоли ўртасида кенг тарқалган.



Тешабой Ҳамдамов. 2009 йилда олинган сурат.

Шу сабабдан Тешабой ота ҳам шу подшоҳ номини келтирмоқда. Аслида бу ўринда подшоҳнинг исми ҳеч қандай рол ўйнамайди. Фақат Арсифни ким бўлишидан қатъий назар Қува подшоҳи томонидан тикланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Демак, Арсиф Қува подшоҳи ташаббуси билан

¹⁷ Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард. Мовароуннаҳр / араб тилидан тирж, изоҳ муаллифи Ш.С.Камолиддин. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Давлат илмий нашриёти, 2011. –Б .79.

тикланган қўрғон. Археологларнинг маълумотларига кўра, бу қўрғон - Арктепа Қува подшоси томонидан бунёд этилганлиги тўғрисидаги маълумотга келсак, ушбу ёдгорлик эрамизнинг III асрида бунёд этилиб, V асрнинг охирида батамом вайрон бўлган.

Қува шаҳри водийдаги Фарғона ҳукмдорларининг қароргоҳи вазифасини ўтаганлиги боис бу ерда алоҳида танга зарбхонаси мавжуд бўлиб ушбу зарбхонада VII асрдан XIII асрга қадар тангалар зарб қилинган.¹⁸

X асрда яшаган яна бир араб олими Мақдисий *“Қубо шаҳри махсус бир вилоятнинг пойтахти бўлиб, яқин атрофда ундан бошқа шаҳарлар бўлмаган”* деган маълумотни келтиради.¹⁹ Бу эса, ўз навбатида Қубо атрофидаги бутун қишлоқлар унга қарашли бўлганлигини англатади. Юқорида айтилганидек, Арсиф қишлоғи ҳам Қубо шаҳри тасарруфида бўлган. Қолаверса, Арктепа шунчаки дам олиш жой эмас, балки диний иншоот сифатида қурилган. Уни қурилиш лойиҳаси аркасимон усулда қурилганлиги учун ва унинг аркалари яқин ўтмишда ҳам мавжуд бўлганлиги боис маҳаллий халқ ёдгорликка шу номни берганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шунингдек, Арсифни суғориш системаси ҳақида. Биз бу хусусида устозимиз тарих фанлари номзоди археолог Г. П. Иванов билан суҳбатлашганимизда у қуйидаги фикрни билдирган эди:

“Агар Арсиф атрофидаги ерларни суғориш ҳақида сўз кетса, аввало бундай катта ҳудудни булоқ суви билан суғорилганлиги тўғрисидаги гоёни ҳақиқатга тўғри келмаслигини англаб етишимиз керак. Булоқ суви, агар улар олдин ҳозиргига нисбатан

¹⁸ Смирнова О.И. О древнетюркских монетах Кувы (Фергана). (Предварительное сообщение). // Письменные памятники проблемы истории культуры народов Востока: XII годичная научная сессия ЛО ИВ АН (краткие сообщения), Москва., 1977. С. 53.

¹⁹ Al-Moqadasi. Ansab at - taqsim // BGA. 3. P. 272.

кўп бўлган тақдирда ҳам, адирлик ҳудудида сувларни юқоридаги ерга сингиб кетиш ҳолатини назарда тутсак, фақатгина унча катта бўлмаган ерни ёки аҳолини ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондиришни ўзигагина етарли бўлган. Шунинг учун Арсиф аригини қачон қазилганлигини аниқламоқ лозим бўлади. Ариқ ўз сувини Қувасой дарёсидан олиб, Суфон, Қарамкўл ва Қалача қишлоқлари орқали ўтарди ва Арсиф атрофидаги кенг ерларни суғора олган.



Арсифликлар даврасида. Сураатда чандан ўннга Аҳмадилло Нематуллаев, Асқарали Қурбонов, Иброҳимжон Мамазиев, муаллиф Нодиржон Абдулаҳатов, Каримжон Иброҳимжонов.

Сураат 2009 йилда олинган.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, Қалача қишлоғига келган ариқ қадимги Қувасой ўзининг тармоғига тўғри келади. Бинобарин айнан шу ариқ Қарамкўл адиридаги дара йўллари пайдо қилган эди. Шундай экан, Арсиф ариғи ўзига сувни қадимда Қалача орқали шимолга қараб оққан ана шу ўзандан олган (буни ҳозирги жой рельефидан ҳам кўриш мумкин). Арсиф ариғи

ана шу ирмоқнинг табиий йўналишидан оққан бир вақтда қазиб келинган. Фақат шундай ҳолатдагина Арсиф ариғи дарё ўзанидан 90 градус бурчак остида қайтиб оқиши мумкин эди. Ариқни қайси даврда ўтказилганлигини аниқлашда унинг йўлида жойлашган археологик ёдгорликлардан билиш мумкин. Ҳозирги вақтда бизга қадимги бронза даврига оид Қарамқўл ва Арсиф қабристонлари, илк темир даврига оид Суфон қабристони ва иккита деҳқончилик манзилгоҳи маълум. Улардан бири эрамининг бошларида, иккинчиси эса кейинроқ пайдо бўлган. Бундан ташқари биз Арсиф қишлоғининг ўзида жойлашган Арктепа манзилгоҳини ҳам биламиз.

Умуман олганда, Фарғона водийсининг жанубида обикор деҳқончиликнинг ривожланиш вақти эрамининг биринчи асрларида пайдо бўлган катта Суфонтепа даврига тўғри келади. Ўша пайтларда Арсиф ариғи сувни Қувасой дарёсидан Суфон ҳудудидаги ерларни сугориш учун бўлинган тармоқдан олган. Фақат бир тахмингина бизга бу масалани ечишда ёрдам бериши мумкин. Яъни Арсиф қишлоғига сувни олиб келаётган Арсиф ариғи Қалачадан ўз оқими билан келаётган сувдан олдин қовланган. Шундай экан, бу нарсa эрамининг биринчи асрларидан аввалроқ юз берган. Шу билан бирга Арсифга ариқ унинг атрофидаги ёдгорликлар пайдо бўлган даврдан кейинги пайтда яратилган (яъни, эраминдан аввалги I минг йиллик ўрталарида), дея оламиз. Шахсан мен Арсиф ариғи ҳозирги Арсиф қишлоғи ҳудудида яшаган қадимги аҳоли учун эраминдан аввалги IV-III асрларда сув танқислигини бартараф этиш мақсадида олиб келинган, деб ҳисоблайман. Айнан шу даврларда Фарғона водийсининг жанубий қисмида яшовчи халқлар хўжаликни деҳқончилик тизимига ўтказа бошлаган эди”.

Модомики шундай экан, Арсиф тарихини ўрганишда археологик тадқиқотлар бош манба бўлиб хизмат қилиши хусусда тўхталиб ўтсак.

АРСИФНИНГ ТОШ ДАВРИ ТОПИЛМАЛАРИ

Арсиф қишлоғидаги дастлабки археологик текширишлар 1954 йилда Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи томонидан олиб борилган. Навбатдаги сафарларининг бирида ҳаваскор ўлкашунос П. Т. Конопля Арсиф адирларидаги ёдгорликларни кўздан кечириб бошқа тошларга нисбатан бошқачароқ ишлов берилган тошга дуч келади. П. Т. Конопля ушбу тошни бундан 40 минг йил аввалги юқори палеолитга, яъни тош даврига оид эканлигини тасаввур ҳам қилмаган эди. Изчил текширишлардан сўнг маълум бўлдики, бу тош юқори палеолит давридан гувоҳлик берар экан. Кейинги сафарги қидирувда яна бир неча шундай тошлар топилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, юқори палеолит даври (40-минг йил илгариги давр) манзилгоҳлари Фарғона водийсида кўплаб учрайди. Бу даврга хос бўлган одамлар юқори тоғ чўққиларидан аста секин водийнинг ички районларига кира бошлаган. Шу вақтда Арсиф ҳудудига ҳам тош даври одамлари кели ўрнаша бошлаган. Шоҳимардон сойининг юқори оқими, Исфара ва Сўх дарёлари қирғоқлари ва Исфайрамсойнинг пастки оқимларида юқори палеолит даври одамларининг манзилгоҳи кўп учрайди. Қолаверса, Фарғона шаҳри атрофларидан, Каркидон сув омбори қурилиши ва Суфон қабристонини ўрганилаётган вақтдаги текширишларда бу ердан топилган тош қурооллар ҳам юқори палеолит даври одамларининг қуроли эканлиги маълум бўлди. Бу тош қуроолларнинг қирғоқлари астойдил учирайди чиқилган ва бунда тошни майда учирашга алоҳида эътибор қаратилган. Натижада кесил қобилияти юқори бўлган қўлда

ушлашга қулай (тошнинг иккинчи томони ишловсиз қолдирилиб, кафт учун махсус майдонча ҳосил қилинган) тош қурол ҳосил бўлган. Бу қуроллар қадимий қуроллар кўринишида бўлиб, ўзининг ўткир кесиш майдонлари билан ажралиб туради. Бундай усул жанубий-шарқий мамлакатларда топилган юқори палеолит даври манзилгоҳларидаги тошга ишлов бериш усулига жуда яқин туради. Бундай қуроллар дарахт ёки суякларни ёришда бемалол қўллаш мумкин эди. Олиб борилган тажрибалар тош қурол - чопқичнинг унуми анча юқори эканлигини кўрсатган.

Масалан, чопқич билан диаметри 9 см. бўлган дарахтни кесиш учун 7 дақиқа вақт сарфланган. Ҳаттоки бу қуроллар душман ёки йиртқич ҳайвонлар билан курашиш вақтида даҳшатли воситага айланиш мумкин бўлган. Айнан шу даврлардан бошлаб одамлар тош қуролларни суякларга ёки ёғочларга боғлаб қурол сифатида фойдаланишни анъанага айлантирдилар. Уларнинг найзасифат тош қуроллари улоқтиришга, ҳимояланишга зарба беришга ва бошқа усулларда фойдаланишга жуда қўл келарди. Демак, Арсиф ҳудудида бундан 40 минг йил аввал яшаган ибтидоий одамлар тошдан ўта унумли фойдаланганлар.

П. Т. Конопля топган тош қуроллар Арсифнинг қадимги тарихини ўрганишда муҳим манба сифатида хизмат қилди. Зеро, Арсифнинг сувсиз адирларида қачонлардир одамлар йиртқич ҳайвонларни овлаб кун кечирганлиги шу вақтга қадар ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган эди. Шу сабабдан П. Т. Конопля ҳақида Баҳодиржон Ҳошимовнинг “Фарғонашунос археологлар” китобидан қуйидаги маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз:

Фарғона водийси тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшган археологлардан яна бири, аниқроғи, ўзини "археолог" деб

аташга тўлақонли ҳақли ҳисобланган ҳаваскор ўлкашуностадқиқотчи П.Т.Конопля ҳисобланади. Зотан ушбу шахс тўғрисида жуда кам маълумот сақланиб қолган бўлса-да, унинг хизматлари эвазига тўпланган ашёлар Фарғона тарихи учун муҳим аҳамият касб этади.



П.Конопля 1907 йилда Украинанинг Донецк (Екатеринославкс) вилоятида таваллуд топган. Отаси машинист ёрдамчиси бўлиб ишлаган. П.Конопля кўп болали оилада туғилганлиги сабабли оиланинг молиявий аҳволи у қадар яхши эмас эди. Бунинг устида, бахтсиз ҳодиса туфайли отаси бир қўлидан ажралиб ҳам қолганди. Оқибатда оилада ҳамма ишлашга, тирикчилик қилишга мажбур бўлган. У ҳам ёш бўлишига қарамай, чилангар устага шогирд тушиб, велосипед ва тикув машинаси устаси бўлиб етишди. Бироқ тез орада унинг отаси оламдан ўтди. Бу эса унинг ўқишига ҳам тўсқинлик қилди ва фақат кечалари мустақил тарзда ўқишни ўрганишга ҳаракат қилган. Кундузлари велосипедда юриб тикув машинкаларини таъмирлаш билан шуғулланган. Уруш

бошлангач, ҳамма қатори у ҳам урушда қатнашган. Унинг шахсий варақасида "1942-1945 йилларда уруш қатнашчиси" ва "1944 йилда "Жанговар хизмати учун" медали билан тақдирланган", деган қисқа ёзув қайд этилган. Бошқа жойдаги меҳнат фаолияти кўрсатилмаган. Афсуски, П.Коноплянинг Фарғонага қачон ва қай тарзда келганлиги тўғрисида ҳам маълумот мавжуд эмас. 1950-йилларда Фарғона шаҳри, Бозор кўчаси 2-"А" уйда яшаганлиги маълум холос.

П.Коноплянинг ўзи ёшлигидан археологияга қизиққанлигини таъкидлайди. Профессор Н.Леоновнинг ёзишича, чилангар П.Конопляда А.Бернштамнинг "Қадимги Фарғона" деб аталган китобини ўқигандан сўнг археологияга қизиқиши уйғонган. Китобдаги "одамлар Фарғонани жуда қадимда - тош даврида маскан қилиб олишган" деган сўзлар хаёлидан чиқмасди. Аввалига бир неча ойлик изланишлар бесамар кетди. Ҳатто А.Бернштам билан дўстлашиб, у ташкиллаган экспедицияларда шунчаки ишчи сифатида иштирок этганлиги ҳам унинг кўнглини тўлдирмади. Бироқ П.Конопля аллақачон "археология касаллигига" чалинган ва шу "дард" билан бутун умри давомида водийдаги ибтидоий одамларнинг манзилгоҳларини аниқлаб юрган. 1954 йилнинг мартада, шундай сафарлардан бирида П.Конопля Олой тоғ тизмалари этакларидаги Ўхна қишлоғида қурилиш учун олинган тупроқ уюми ичидан ғайриоддий қайроқ тош бўлагини топиб олди. Уй эгасидан бу тупроқни қаердан олганлигини сўраб, ўша жойга борди. У ердан ҳам шунга ўхшаш бир-икки тошни топгач, яқин атрофдагиларга энди бу ерни қазимасликларини, тез кунларда археологлар қазинишлари олиб боришлари мумкинлигини айтиб, топилма билан Фарғонадаги музейга келди. Музей мутахассислари ушбу топилмалар ҳақиқатан ҳам ибтидоий одамлар қўли билан ясалганлигини тасдиқлашди. Бироқ унинг аниқ

даврини аниқлаш учун соҳа мутахассисига мурожаат қилиш лозимлигини айтишиб, Москвадаги профессор А.Окладниковнинг манзилини беришди. П.Конопля эса ўз маблағлари эвазига Москвага бориб, топилмаларни А.Окладниковга кўрсатди. А.Окладников ва бошқа бир неча олимлар бу тош қуроолларни ўрта палеолит (мустье) даврида неандертал туридаги одамлар томонидан ясалганлигини таъкидлашган. Олимлар топилмаларни янада чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида уларни вақтинча Москвада қолдириб кетишни таклиф қилишди.



Ўлкашунос П.Т.Конопля.

Орадан бир мунча вақт ўтиб, П.Конопля А.Окладниковдан хат олди: "Шак-шубҳасиз, сиз жуда қизиқ ва муҳим топилма

кашфиётчиси бўлдингиз. Уни ўрганар эканман, кун сайин бу нуклеус мустъе даври одамнинг қўллари билан ясалганлигига амин бўлиб бормоқдаман. Шу ўринда сизнинг ёрдамингиз ва ғайратингизга умид қилиб, ўша топилма атрофини ўрганиш нияти туғилди". Орадан уч ой ўтиб А.Окладников Фарғонага келди ва П.Конопля билан бирга Ўхна қишлоғига йўл олди.

Бунгача эса П.Конопля яна бир неча топилмаларни йиғиб, олимнинг келишини кутиб турган эди. Ўхнага боргач, А.Окладников атрофни синчиклаб қўздан кечирди ва бир нечта ёш археологлар гувоҳлигида "Табриклайман, Петр Трофимович, Фарғонадаги биринчи неандертал одам манзилгоҳи топилди", деди. "Мен Жанубий Фарғонада палеолит манзилгоҳи топилганлигини тасдиқлайман. Ва у Павел Трофимович Конопля томонидан очилди", деб қўшиб қўйди. Бу ҳаваскор ўлкашунос хизматларининг расман тан олинishi эди.

Бундан руҳланган ва тиниб-тинчимаган П.Конопля топилмалар жойини аниқлаб, уларни рўйхатга олиш бўйича керакли муассаса ва мутахассисларга кетма-кет таклифлар киритди. Натижада 1950-йилларнинг бошларида собиқ совет ҳукумати Фарғона водийсини ўраб турган тоғли ҳудудларда мақсадли ва режали археологик-этнографик тадқиқотлар олиб бориш учун профессор Окладников бошчилигида махсус экспедиция тузилди.

Аслида А.Окладников водийни урушдан аввал ҳам қўздан кечириб чиққан эди. П.Коноплянинг топилмалари водийнинг ибтидоий тарихини зудлик билан ўрганиш зарурлиги кўрсатарди. Водийнинг палеолит даврига оид манзилгоҳларни аниқлаш борасида А.Окладников ва Ранов П.Коноплянинг хизматлари беқиёс бўлганлигини кўп марта таъкидлашган.

У Қувасойнинг Полмон ва Учқўрғон қишлоқлари оралиғидан оқиб ўтувчи Исфайрамсой этакларидаги яйдоқ жойдан яна бир неча ибтидоий қурооллар - чоппер, чақмоқтошли чоппинг ва тош учриндиларни топиб олди. Бу қуроолларни В.Ранов Ўн арча манзилгоҳида учраган тош қуроолларга жуда ўшаш эканлигини, улар кенг дастакли ва кесиш юзали бўлиб, тухумсимон ярим доира кесиш юзага эга эканлиги, икки томонлама учринди чиқариш йўли билан ясалганлигига қараб қуйи палеолит даврига мансуб эканлигини таъкидлаган. Бу топилмаларнинг барчаси ҳозир Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида сақланмоқда.

П.Конопля Исфайрамсой қирғоқларидаги Хўжа Хайр зиёратгоҳидан 1,5 км. баландроқда тахминан 20 метрча келадиган яйловда тиғсимон ва қабарик дастакли кўндаланг қирғичга эга бўлган тош қуроолларнинг жуда кўпини топди. Қуроолларнинг ҳар икки томони чопперларга ўхшаб учуриб чиқилган ва қора чақмоқтош ёрдамида иккиламчи ишлов бериш йўли билан ўткир қирра ҳосил қилинган.

П.Коноплянинг яна бир топилмаси Исфайрамсойнинг ўнг қирғоғида жойлашган Учқўрғон қишлоғи яқинидаги шағалдаштли даладан топилган бўлиб, бу ердан кўпол ишлов берилган, бир томони шишган ва икки томонлама ўткирлаб чиқилган "чоппер" меҳнат қуролини топган эди. Бу қурол қуйи палеолит даврига мансуб эканлиги аниқланган.

Баткен вилоятининг Қадамжой тумани Марказ қишлоғи яқинидаги Хўжа Хайр дараси бўйлаб бешта палеолит даври манзилгоҳлари ҳам П.Конопля томонидан фанга маълум қилинган. Бу ердан топилган тош қурооллар А.Окладников томонидан ўрта палеолит даврига мансуб деб айтилди.

1956 йилда эса П.Конопля Хўжа Хайр дараси бўйлаб юргач, Қапчуғай деб аталган жойда яна бир неча

манзилгоҳларни аниқлади. Бу манзилгоҳлар фанга "Қапчиғай тоштарошлик устахонаси" номи билан кирган. Олой тоғ тизмалари этаклари бўйлаб ястаниб ётган, денгиз сатҳидан 1400 м. баландликдаги мазкур манзилгоҳлар ўрта палеолит даврининг ноёб ёдгорликлари ҳисобланиб, бу ердаги Дангилик Данги дарасида минглаб қора чакмоқтош парчалари қалашиб ётарди. Уларнинг аксариятига одам қўли билан ишлов берилган эди. Айримлари чала, айримлари битган қуроолар бўлса, яна айримлари шу қуроолар учун негиз вазифасини ўтаган. Яъни улардан тош қуроолар учуриб олинган.

Изланишларни давом эттириб П.Конопля Қапчуғайдан ўта қадимий тош қуроолар ҳам топди. А.Окладниковнинг таъкидлашича, шундай қуроолардан бири Шелль даврига (1,7 млн. - 100 минг йил аввал) мансуб бўлиб, шу кунгача Марказий Осиё ҳудудида учраган энг қадимги қурол эди ва ундан 600 минг йил аввалги одамлар қўл чопқичи сифатида фойдаланишган. Бу эса бутун жаҳон миқёсидаги шов-шувли воқеа эди.

П.Конопля 1957 йилда В.Ранов билан бирга Қапчуғайга келганда, бу ердаги дўнг-тепаликларда табиий қайроқтошга ўхшаш плиткасимон тошлар орасидан каттароқ ҳажмдаги, қабарик ҳолдаги тошларга аҳамият берди. Маълум бўлишича, улар тош қурол учун хом ашё вазифасини ўтаган экан. Шундагина уни қадимий устахона - мустъе даврига оид тошқуроолар яшаш устахонаси эканлигига амин бўлинди.

Шу йилларда П.Конопля Олой тоғ тизмаларидаги бошқа дара ва ғорларни ҳам кўздан кечириб чиққан. Профессional археологлардан фарқли ўлароқ, у "эркин сайёҳ сифатида" хоҳлаган объектларни кўздан кечириши мумкин эди. Шундай қизиқишлар билан у Ҳайдаркон қишлоғининг ғарб томонларида (Сўх тумани билан чегарадош), текисликдан 30-

40 метрлар чамаси баландликда жойлашган Селунгур ғорини ҳам бориб кўрди. Ғорнинг оғзи шарққа қараган, умумий баландлиги тахминан 25, эни 20 метрларча келарди. Ғор ичкарига томон кўтарилиб борар ва жуда зах эди. Ичкарида устунга ўхшаш қоятошлар кўриниб турарди. П.Конопля бу ғор ҳақида аввал ҳам эшитган ва бу ерда А.Пошка ва А.Окладников бир-биридан мустақил тарзда қазилар ишлари олиб борганлигидан хабардор эди. Шу йилларда П.Конопля яна А.Окладниковни шу ғорга таклиф этиб, уни биргаликда қазиб кўрди. Топилган материаллар ўрта палеолит даврига мос келиб, археологларни у қадар қизиқтирмади. Лекин топилмаларнинг мўллиги, айниқса, бошқа ҳудудлардан (водий ташқарисидан) келиб қолган ибтидоий қуроолларнинг учраётганлиги олимлар диққатини тортарди.

Натижада 1964 йилдан бошлаб Ўзбекистон ФА Археология институти Селунгур ғорида мунтазам режали тадқиқот ишларини олиб бора бошлади. Унга Ўткир Исломов бошчилик қилиб, тез орада оламшумул янгиликларни фанга маълум қилди. Айтиш жоизки, Ў. Исломов 1958 йилда А.Окладников ташкил этган экспедицияда ёш аспирант сифатида, ҳамкасби Аҳмадали Асқаров билан бирга илк марта қатнашган ва келгусида Марказий Осиёнинг қадимги тош даври тарихи билан шуғулланишга бел боғлаган эди.

П.Конопля тоғларда кезиб юрар экан, ибтидоий одамлар яшаши учун қулай шарт-шароит мавжуд (сув, мевазор, шамолдан ҳимояланган, усти берк ва ҳоказо) яна бир неча ғорлар тўғрисида олимларга маълумот берган. Қадамжой яқинидаги Катта ғор, Камар ғори, Обишир ғори, Хўжа Ҳайр дарасидаги Айрбоз, Ўхна қишлоғи яқинидаги ғор, Ўхна ва Шоҳимардон атрофларидаги бир неча туркум ғорлар П.Коноплянинг хизматлари эвазига фанга маълум бўлган.

Уни кўрган-билганлар Павел Трофимовични ўта камтар, қизиқувчан, одамлар билан осон мулоқот қиладиган шахс сифатида таърифлашади. Аслида, унинг қайси касб эгаси эканлигини ҳам аниқроқ айтиб бериша олмайди. Фарғонада П.Конопля эски одатига кўра велосипедда қишлоқма-қишлоқ юриб, тикув машиналари, соатлар ва бошқа кичик механик қурилмаларни сошлаб юрган. Шу баҳонада яқин атрофлардаги қадимги шаҳарлар, муқаддас жойлар, тепаликлар, табиий ва сунъий қурилмалар ҳақида, уларда учрайдиган топилмалар ҳақида суриштириб юрган. У ҳар йили музейга нимадир олиб келарди. Натижада 1961 йил 20 февралда Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи маъмурияти уни илмий ходим лавозимига ишга қабул қилди. Иш жараёнида у турли шаҳар ва қишлоқларга тинимсиз хизмат сафарига чиқиб турган. Музейдаги кўплаб қадимий ашёларнинг келиб чиқиш тарихига "П.Конопля томонидан топширилган" деган ёзувлар сақланиб қолган.

Бироқ 1963 йилга ўтганда у ҳақида маълумотлар ҳам, унинг ўзи ҳам кўринмай кетади. Музейдан шу йил 29 мартда ўз аризасига мувофиқ ишдан бўшайди. Бу вақт давомида П.Конопля ҳеч қачон тинч ўтирмаган.

Музейдаги уч йиллик меҳнат фаолияти давомида 57 марта илмий хизмат сафарига чиққан. Бу ҳар йили ўрта ҳисобда 20 тадан хизмат сафари дегани! Ҳар қандай тадқиқотчи ҳам бу қадар кўп сафарни ташкиллай олмайди. Унинг ўрганиш ҳудуди бутун водий бўйлаб тарқалган объектлар бўлиб, у вақти-вақти билан Ўш, Поп, Қува, Шохимардон, Қўқон, Андижон, Сўхда пайдо бўлиб қоларди. Шу ерларда ишлаётган археологларга қўшилиб, қазилма ва қидирувларда иштирок этарди.

Шунинг учун ҳам у ҳамма археологлар билан яхши таниш бўлган. Музейдан бўшаб кетгач, унинг фаолияти кўзга

ташланмай қолди. Кимлардир уни яшаш жойини ўзгартириб, бошқа шаҳарга кўчиб кетган, деса, яна бошқалар "хизмат юзасидан" бошқа вазифага ўтказилган ва фаолият турини ўзгартирган дейди.

Нима бўлганда ҳам, Павел Трофимович Конопля Фарғона водийсининг ибтидоий тарихига ойдинлик киритишга улкан ҳисса қўшган фавқуллодда ноёб истеъдодли шахс сифатида тарихда қолган. Унинг кўп сонли топилмалари ва мўъжазгина бўлса-да, қуйидаги мақолаларини Фарғона тарихини ўрганмоқчи бўлган ҳеч бир олим четлаб ўтолмайди".²⁰

АРСИФ ЁДГОРЛИКЛАРИ ҚАДИМШУНОСЛАР ТАДҚИҚОТИДА

Ўлкашунос П. Т. Коноплянинг Арсифдаги қадимий харобалар тўғрисидаги фикрлари археологларни ҳам ушбу ёдгорликка қизиқишларини уйғотган.

Шу боис 1954 йилнинг ёз ойида вилоят музейининг илмий ходимлари Н. Г. Горбунова, Б. З. Гамбург ва П. Т. Конопля Фарғона-Водил, Фарғона-Қувасой-Қизилқия йўналишида жойлашган ёдгорликларни таҳлил қилишга киришди. Бироқ, бу текширишлар атрофлича бўлмаган. Улар ёдгорликни умумий ҳажмини режасига тушириб келгусида бу жойларни чуқурроқ ўрганиш режалаштирилган.

Арсифда олиб борилаётган қурилишлар чоғида ёдгорликнинг йўқолиб кетишига бир баҳя қолди. Бундай ҳолат аввал ҳам содир бўлиб, мамлакатимиздаги сон-саноксиз ёдгорликлар бузиб юборилган эди. Расмий маълумотларга кўра, XX асрнинг 90-йилларигача Ўзбекистонда минглаб

²⁰ Ҳошимов Б. Фарғонашунос археологлар. – Ф.: "Фарғона", нашриёти, 2020. -Б.46-56.

ёдгорлик йўқ қилиб юборилган, ёки 2,5 минг янги топилган ёдгорлик давлат ҳимоясига мутлақо олинмаган.

Хайриятки, археолог олима Т. И. Кулик Арктепани бузилишдан сақлаб қолди. У бузилишда қатнашаётган ишчилар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориб, уларга таъсир ўтказди. Натижада маҳаллий ҳукумат вакиллари ушбу ёдгорликни тўлиқ тадқиқ қилиш талаби билан тегишли ташкилотлар мурожаат қилди.

1971 йилдан бошлаб, 1985 йилга қадар Фарғона вилоят музейи ва Ленинград Давлат Эрмитажининг илмий ходимлари ҳамкорлигида Арсифдаги ёдгорликлар тадқиқ этилди. Қазилма ишлари Н. Г. Горбунова бошчилигида олиб борилди.



Арсифдаги ёдгорликларни тадқиқ этган археолог олима Н. Г. Горбунова.

Дастлаб Арктепа ёдгорлиги бир қатор кўздан кечириб чиқилди. Аммо археологлар бу ишдан сира қониқмадилар. Улар қисқа вақт ичида ёдгорликнинг даври ва уни қайси туркумга ажратиш мумкинлигини аниқлай олмаганлар. Бу эса келгуси йилларда Арктепа ёдгорлигини чуқур ва атроф-лича ўрганиш зарурлигини тақозо этди.

1972-1973 йилларда Арсифдаги Арктепа, Октепа ҳамда қадимги қабрларни ўрганиш учун Н. Г. Горбунова, Т. Г. Обольдуева, Т. Т. Кулик, Н. Н. Соснина, Г. П. Иванов, Ғ. Мирзалиев, Ю. Ю. Пиотровский ва А. Е. Шигин сингари археологлар қазилма ишлари олиб борди. Улар олиб борган тадқиқот хулосалари кўпгина илмий тўпламларда қайд этилди.²¹

Гарчи уларнинг аксарияти оддий ходим сифатида тадқиқотда қатнашган бўлса-да, ҳар бир тадқиқотчи Арсиф тарихининг энг қадимги саҳифаларини ёритишда ўзига яраша ҳисса қўшган.

Агар Арсифдаги қадимий ёдгорликлар бўйича археологик ҳисоботларнинг кўздан кечирсангиз, тадқиқотлар асосан қадимшунос олима Н.Г.Горбунова томонидан олиб борганлигини гувоҳи бўласиз.

Шу сабабдан Н.Г.Горбунова ҳақида Баҳодиржон Ҳошимовнинг “Фарғонашунос археологлар” китобидан қуйидаги маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз:

²¹ Бу ҳақда қаранг: Н.Г.Горбунова, Г.П.Иванов. Ферганская экспедиция. АО 1972 года. - М., 1973. С.458.; Н.Г.Горбунова, Г.П.Иванов, Т.М. Кулик. Ферганская экспедиция. АО 1973 года. - М., 1974. С.479.; Т.Г.Обольдуева. Ферганская экспедиция. АО 1973 года. - М., 1974. С.479.; Н.Г.Горбунова. Поселения Ферганы первых веков н.э. СА, №3. 1977. С.113.; Н.Г.Горбунова. Отчёты Ферганской экспедиции 1971-1973. гг., 1973-1984 гг. (Государственный Эрмитаж – ОИПК, Ферганский музей. Н.А. 93, № 103-104.); Н.Г.Горбунова Итоги исследования археологических памятников Ферганской области (К истории культуры Ферганы) // СА. - М., 1979. №3. С.16-35.; Б.З. Гамбург, Н.Г.Горбунова. Дневник разведки 1954. Н.А. Ферганского музея № 107.; Н.Г. Горбунова. Итоги исследований поселения Арк-тепе в Фергане // Задачи советской археологии в свете решений XXVII съезда КПСС: Тез. Докл. - М., 1987. С.81-82.; Н.Г.Горбунова. Поселения Арк-Тепе в Южной Фергане // Р.А. 1994. №4. С. 191-2006.

“Наталья Григорьевна Горбунова 1927 йил 2 март кунин Ленинградда, зиёлилар оиласида туғилган. Ўсмирлик йилларидаёқ ота-онасидан айрилиб, тақдирнинг аччиқ синовлари билан тўқнашишга мажбур бўлган. Отаси блокадада вафот этган бўлса, онаси урушдан кейин, ҳеч қанча ўтмай вафот этди. Наталья Григорьевнанинг Ўзбекистон билан боғлиқ ҳаёти ҳам уруш сабабли рўй берган.



Археологлар Арктепа ёдгорлигини тадқиқ этиш вақтида. 1984 йил.

У 1942 йилда Тошкентга эвакуация қилинган эди ва шу ерда у онаси каби мусиқачи бўлиш ниятида Тошкентга эвакуация қилинган Ленинград консерваторияси қошидаги техникумга ўқишга кирган. Шу йилларда қадимий ёдгорликларга бой бўлган бу ўлкага меҳри тушиб, уларни билишга астойдил интилар эди. Вақт ўтиши билан тарихни

билишга бўлган қизиқиш устун келиб, Ленинградга қайтгач, 1946 йилда Ленинград давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кириб, Археология кафедрасида Ўрта Осиёнинг қадимий тарихи бўйича ихтисосликка эга бўлди. Унинг устози ва илмий раҳбари машҳур тарихчи-шарқшунос ва археолог А.Бернштам эди. Ҳали талабалик йилларидаёқ Н.Горбунова А.Бернштам раҳбарлигидаги Помир-Олой, Тянь-Шан ва Помир-Фарғона экспедицияларида иштирок этган эди. 1951 йили университетни тамомлаб Н.Горбунова Фарғонага келади ва бу ердаги вилоят ўлкашунослик музейида, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари сифатида иш бошлайди. Бу ерда у музей коллекцияларига илмий тавсиф бериш, янги экспозициялар яратиш ҳамда кенг миқёсдаги илмий-оммавий ишларни ташкиллаш билан жиддий шуғулланади. Шу вақтдан бошлаб унинг ва музейнинг Фарғона водийси бўйлаб мустақил равишдаги қазилма ишлари бошланди. Бу ишлар ўттиз йилдан кўпроқ вақт давом этди. Айнан Н.Горбунова шу вақтгача бўлган археологик-разведка ишларини аввалдан режалаштирилган қазилма ишларига айлантирди.

Дастлабки йилларда қабр ва қўрғонлар тадқиқоти билан бошланган изланишлар, йиллар давомида деҳқончиликка асосланган манзилгоҳларни режали ўрганишга айланганди. Унинг раҳбарлигида водий жанубидаги милодий эра бошларига мансуб ўнлаб мустаҳкамланган манзилгоҳларда қазилма ишлари олиб борилди. Бу тадқиқотлар натижасида қадимги Фарғона халқларининг юксак маданиятини акс эттирувчи турли-туман ноёб материалларга эга бўлинди.

Унинг шундай одати бор эдики, манзилгоҳда тадқиқот бошланса, шу объектни комплекс тарзда, бутунлайича ўрганишга интиланган. Айниқса, илк темир даврига мансуб манзилгоҳларни ўрганишда у бунга қатъий амал қиларди. Бу

даврга мансуб ёдгорликларни археологик жиҳатдан ўрганиш янада кенгроқ даврларга боғлиқ эканлигини Н.Горбунова яхши билган ва бу мавзуда ўз мақолаларида кўп ёзарди.



Археологларнинг Арсифдаги лагери. 1984 йил.

1956 йилда, сургун ва қамоқлар таъқибидан қутилиб, бир амаллаб Фарғона экспедициясини ташкиллаган Б.Латинин билан учрашиш Н.Горбунованинг ҳаётида муҳим рол ўйнади. Келгусида Б.Латинин Н.Горбунованинг яқин дўсти ва устози бўлиб қолди. Устозининг кўрсатмаси билан у 1957 йилда Ленинград давлат Эрмитажига, дала ишларига раҳбарлик қилган М.Грязновнинг илмий раҳбарлигида аспирантурага кирди.

Аспирантурада ўқиши давомида, 1957-58 йилларда Н.Горбунова Фарғона шаҳри марказидаги (Аҳмад Фарғоний истироҳат боғи ҳудудидаги) Симтепа манзилгоҳида режали қазиш ишларини олиб борди. У биринчи бўлиб Фарғона шаҳри ўрнида милодий эра бошларига мансуб қадимий

шаҳар-қўрғон гуркираб яшнаганлигини исботлаб берди. Дастлаб бу ерда рус маъмурларининг топшириғи билан ҳаваскор археологлар 1910 йилда қазилш ишларини ўтказган. Уларнинг фарази бўйича бу ерда қадимий қабристон қолдиғи бўлиб, хумлардаги суякларга қараб "остадон қолдиқлари", дея янглиш хулоса қилишган. Н.Горбунова ҳам бу каби хумларнинг бир нечтасини топган бўлиб, улардаги суяк қолдиқлари фақат уй ҳайвонларига тегишли эканлигини аниқлаган. Айтиш жоизки, Симтепа атрофидан йирик хумларнинг қолдиқлари гоҳ синиқ, гоҳ бутун ҳолда ҳозирги кунларгача учраб турибди. Сўнгги марта 2019 йилининг баҳорида, боғнинг шимоли-ғарбий қисмида (2-мактаб рўпарасидаги автоманзилгоҳ ёнида), қурилиш ишлари вақтида шундай хумга дуч келинди. Уни ФарДУ ўқитувчилари ва музей ходимлари ўрганиб чиқиб, аввал учраган хумларнинг айнан ўзига ўхшашлигини аниқлашди.

1939 йилда эса профессор М.Массон ҳам шошилиш тарзда Симтепани кўздан кечириб чиққан эди. Лекин ўрганиш натижаларини ҳеч қаерда чоп эттирмаган. Фақатгина Н.Горбунова бу ёзувлар билан танишиб чиқишга муяссар бўлган.

Афсуски, бу манзилгоҳ ҳозирда сақланиб қолмаган. Унинг ўрнида катта чархпалак атракциони ва фонтанли ҳовуз жойлашган. Шунга қарамай, яқин атрофда Симтепа даврига мансуб маданий қатламлар сақланиб қолган. Буни 2019 йилда охириги топилган хум ва ўша ердаги ер қатламлари ҳам кўрсатиб турибди.

1961 йилда Н.Горбунова асосан ўзи тадқиқ қилган материаллар асосида "Фарғонанинг илк темир даври маданияти" ("Культура Ферганы в эпоху раннего железа") мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилди. Мазкур ишда биринчи марта Фарғонадаги милоддан аввалги VI- IV асрларга

мансуб манзилгоҳ ва қабр мажмуаларининг умумлашган таснифи келтирилади ва уларни хронологик даврлаштириш масаласи ўртага ташланади. Унинг кўпгина фикрлари келгусида янги тадқиқотларга туртки бўлди. Масалан, Фарғонанинг кўплаб ҳудудларида учрайдиган қизил ангобли сопол буюмларни типларга ва даврларга ажратиш Н.Горбунованинг кейинги даврдаги мақолаларида кўп гапирилди.

Н.Горбунова музей иши билан дала тадқиқотларини уйғунлаштира олган ноёб истеъдодли олима эди. У ҳар йили Фарғонага экспедиция уюштириб, янги-янги манзилгоҳларни фанга маълум қиларди. Наталя Григоревна ўз ишига катта масъулият ва ҳурмат билан ёндошар эди. У ўз тадқиқотларни тўла нашр эттирган кам сонли археологлардан бири ҳисобланади.

Унинг фанга киритган янгиликларидан бири Фарғонадаги қадимги темир даври маданиятини икки даврга, яъни Эйлатон-Оқтом (мил. ав. VI - мил. II асрлар) ва Қўғай-Қорабулоқ (мил. II-VI асрлар) даврларига бўлиб ўрганиш лозимлиги тўғрисидаги қарашлар эди. Н.Горбунова ўзи яратган хронологик шкала бўйича топилмаларни - узук, мунчоқ, пойнак, ойна ва бошқаларни даврлаштиришга муҳим эътибор қаратган.

Фарғона тарихи тадқиқотларини умумлашган натижаларини Н.Горбунованинг 1986 йилда Лондонда нашр этилган "Қадимги Фарғона маданияти" ("The Culture of Ancient Ferghana") номли фундаментал китобида кўриш мумкин. Унда Фарғонада милoddан аввалги VI асрдан милодий VI асргача бўлган узoқ даврда юз берган тарихий ва маданий ўзгаришларни қамраб олувчи жараёнлар атрофлича ёритиб берилган. Монографияда Фарғонадаги маданий ўзгаришлар асосли фактлар ва илмий хулосалар ҳамда қўлга киритилган

кенг кўламдаги материаллар ёрдамида очиб берилган. Ҳар бир мавзу авваламбор муаллифнинг ўз тажрибалари, кўздан кечирганлари, дала тадқиқоти натижалари ва бошқа илмий манбаларга шахсан қиёслаб чиқарган хулосалари асосида ёритилган.



*Археолог олма Н.Г.Горбунова Арсифда.
1971 йил.*

Н.Горбуновани ҳар доим Фарғона водийсининг ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланган аҳолиси билан чорвадор кўчманчилар ўртасидаги ўзаро алоқалар қизиқтирган. Бунинг учун у саклар давридан бошлаб рўй берган ўзгаришни таҳлил қилиб борарди. Умрининг охириги ўн йиллигида эса у Ўрта Осиё чорвадор қабилалари билан сарматлар ўртасидаги ўзаро алоқаларга оид муаммолар билан жиддий шуғулланди. Унинг муаммога ёндашишдаги ўзига хос оригиналлиги шундан иборатки, у кўчманчи халқларнинг этнографик

материалларини ҳар бир географик ҳудуднинг археологик материаллари билан таққослаб чиқди. Афсуски, унинг ушбу мавзуга бағишланган "Бақтрия, Суғд ва Марказий Қизилқум чорвадорлари" номли катта иши фақатгина вафотидан сўнг нашр этилди. Умумий ҳисобда Н.Горбунова томонидан 130 дан зиёд илмий ишлар ёзилиб, аксарияти чоп этилди.

Н.Горбунованинг инсон сифатидаги муҳим қирраларидан бири, у доимо адолат учун курашиб борган. Ҳар доим ўз норозилигини "амал ва унвон"га қарамай, очик ва тўғридан-тўғри айта билган ва нотўғри чиқарилган қарорларни бекор қилиш учун қатъий курашган. Бу эса унинг келажаги ва истиқболи учун кўпинча салбий таъсир ўтказган. Бироқ у ўз фикридан ҳеч қачон воз кечмаган. Унинг ютуғи ҳам, ҳаётдаги муваффақиятлари ҳам шунда эди. Айнан шу феъли сабабли у кўпинча ғолиб бўларди.

Афсуски, ҳаёт шафқатсиз. Наталья Григорьевна Горбунова 2000 йил 11 сентябрда 73 ёшида узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этди. Бу вақтда у Санкт - Петербург давлат Эрмитажининг Шарқий Европа ва Сибир археологияси бўлимида сектор мудири лавозимида ишлаётган эди. Ундан юзлаб ноёб экспонатлар ва ўнлаб муҳим илмий ишлар қолди. Аминмизки, унинг мероси ҳали кўплаб олимларга муҳим манба ва музокаралар мавзуси бўлади".²²

Арсифдаги тош даври топилмаларининг аҳамияти шундан иборат бўлдики, мазкур ҳудудни янада чуқурроқ таҳлил қилмоқни тақозо этади. Жанубий Фарғонада тош даври манзилгоҳларининг сони кўпайибгина қолмасдан, уларнинг географик майдони яна ҳам кенгайди. Арсиф эса ўз топилмалари билан олим диққатини жалб қилди.

²²Хошимов Б. Фарғонашунос археологлар. – Ф.: "Фарғона", нашриёти, 2020. - - Б. 154-159.

АРСИФДАГИ ҚАДИМГИ ҚАБРЛАР

Арсиф атрофларидаги тепаликларда милоддан аввалги II минг йиллик охирларига мансуб қабрлардан, эрамизнинг ўрта асрларига мансуб қабрларгача учраши мумкин. Уларнинг асосий қисмини, албатта, сўнгги бронза даври қабрлари ташкил этади.

Дастлаб шу - сўнгги бронза даври қабрларидаги қазилмалар хусусида тўхталиб ўтсак. Ушбу кўҳна қабристон эрамиздан аввалги II минг йилликнинг охири, I минг йилликнинг бошларига тўғри келиб, кўчманчи чорвадорларга тегишли бўлган. Бу эса, Арсифдаги қадимги қабристонда дафн этилганлар кишиларнинг ўзига хос маданияти мавжудлигини кўрсатиб, ушбу маданият қадимшуносликда *“Қайроққум маданияти”* номи билан юритилади. Хўш, *“Қайроққум маданияти”* нинг ўзи нима?

Сўнгги бронза даврига ўтиб (эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг охири биринчи минг йилликнинг бошлари) Фарғона водийсида қизгин ҳаёт кечган. Бу даврда Фарғонада икки хил маданиятга мансуб қабилалар ўзаро иттифоқда яшаган. Биринчи маданиятга оид қабилалар кўпроқ чорвачилик билан шуғулланган бўлиб, улар тарихда *“Қайроққум чорвачилик маданияти”* номи билан аталади. Айнан мана шу маданият қадимги арсифликлар ҳам хос бўлган.

Бронза даври манзилгоҳлари умумий ном билан *“Андронов маданиятига хос манзилгоҳлар”* дейилади. Бу атама аслида Ғарбий Сибир ва Қозоғистоннинг даштликларидаги бронза манзилгоҳларига нисбатан қўлланилади. Ўтган асрнинг олтинчи йилларига келиб бутун Марказий Осиё, Еттисув воҳаси, Тошкент атрофлари ва Фарғона водийси манзилгоҳлари ҳам Андронов маданиятининг ажралмас

қисми сифатида қабул қилинди. Марказий Осиёдаги дашт-бронза даври манзилгоҳлари қозоқ археологи С. С. Чернигов томонидан Андронов маданиятининг *“жанубий гуруҳи”*, деб кўрсатилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Марказий Осиёдаги мавжуд Хоразм ва унинг атрофларидаги *“Тозабогёб маданияти”* га оид бронза даври манзилгоҳларидан алоҳида мустақил равишда Фарғона водийси ва Тошкент воҳасидаги бронза даври манзилгоҳларини ўзида мужассам этган *“Қайроққум бронза даври маданияти”* аниқланди. Лекин улар ўртасидаги умумий боғланиш материалларнинг ишланиш услубига яқинлиги, географик муҳитнинг бир хиллиги ва бошқа омиллар билан яққол сезилиб турарди. Шунинг учун Тозабогёб ва Қайроққум маданияти умумий ном билан Марказий Осиёнинг дашт-чорвачилик бронза даври ёдгорликлари, деб аталади.

Қайроққум даштларини 1955-1956 йиллардаги экспедиция мукаммал текшириб чиқилган. Бронза даври манзилгоҳлари ҳам худди шу йилларда аниқланган. Бу вақтдаги экспедицияга Б. А. Литвинский бошчилик қилиб, уларнинг олдига бронза даври манзилгоҳларни аниқлаш масаласи қўйилган. Икки йиллик текширишлардан сўнг Қайроққумдаги бронза даври манзилгоҳлари тўла рўйхатга олинди ва уларнинг харитаси тузилди.

Қайроққум манзилгоҳлари кичкинагина майдондаги пунктлардан ва 10 гектаргача борадиган майдондаги йирик манзилгоҳлардан иборат эди. Ўрта ҳажмдаги манзилгоҳлар одатда 0,1-0,3 гектарни ҳосил қилади. Шу манзилгоҳлар ҳудуди ичида яшаш жойи ҳам сақланиб қолган. Баъзи манзилгоҳларда бўлса, улардаги ўчоқларнинг жойлашишига кўра, бир вақтнинг ўзида бир неча оила яшаганлиги маълум бўлади қизиқки, кўпинча ўчоқлар бир чизик бўйича ётарди. Ҳатто бир йўналиш бўйлаб ўнтагача ўчоқлар қурилган.

Айрим манзилгоҳларда шундай қатордаги ўчоқлар марказида яна бир катта ўчоқ бўлиб, афтидан бу ўчоқлар турли маросимларда фойдаланилган бўлиши мумкин. Бу сингари ўчоқларнинг кўплигига қараганда, манзилгоҳларнинг ҳажми тахминан 20 метр узунликда, 12-15 метр кенгликда бўлган кўринади. Бундай яшаш жойлари Қозоғистон, Урал олди ва Волгабўйи бронза манзилгоҳларига услубий жиҳатдан жуда яқин туради.

Қайроққумликларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлган. Қазишмалар чоғида манзилгоҳлардан кўп миқёсда чорва ҳайвонларининг суяк қолдиқлари топилди. Айниқса, қўйлар, эчкилар, қора мол, от ва бошқа ҳайвонларнинг суяклари топилманинг асосий қисмини ташкил этди. Отлардан Қайроққумликлар транспорт воситаси сифатида фойдаланганлар. Ҳатто уларда улов аравалари ҳам бўлиши мумкин. Қайроққум даштликлари, Сомғар ва Қамиш қўрғон водийлари Қайроққумликларнинг асосий чорва боқувчи майдонлари бўлиб хизмат қилган.


Чорвачиликдан ташқари уларда деҳқончилик ҳам муҳим рол ўйнаган. Деҳқончилик маҳсулотларидан буғдой етиштириш айниқса катта аҳамият касб этган. Шунинг учун буғдой ва ун маҳсулотлари қайроққумликларда камёб ҳисобланмаган. Қазишмалар давомида Қайроққум манзилгоҳларидан ўнлаб тошдан ясалган қўл тегирмонлари топилди. Қабрлардан кўплаб қайроқтошлар топилган.

Хўжаликнинг ёрдамчи машғулоти сифатида овчилик ва балиқ овлаш уларда кенг тарқалган эди. Бу нарсани биз қазишмалар вақтида топилган ёввойи ҳайвонларнинг суяклари ёрдамида ва ҳатто йирик балиқларни овлаш учун мўлжалланган катта бронза илмоқ ёрдамида кўрсатишимиз мумкин. Турган гапки, бу даврда бронзадан ясалган буюмлар кенг қўлланишда бўлган.

Қуроолларнинг деярли барчаси қуйма усулда ишлаган бўлиб, баъзи ҳолларда қолипсиз ишлов бериш ҳам амалга оширилган. Жанг, меҳнат қурооллари одатда қуйма усулда ясалса, заргарлик буюмлари кўпроқ моҳир усталар томонидан қолипсиз ясалган. Афсуски, Арсифдаги қадимги қабрлардан ўша даврга оид бронза буюмларни учратмаймиз. Чунки, мавжуд бронза даври қабрлари қадим замонлардаёқ талаб кетилган эди. Биз буни қабрлардаги бетартиб сочилиб ётган ашёлардан ҳам кўришимиз мумкин.

Бу даврга келиб сополдан ясалган рўзғор буюмлари деярли барча хўжалик ва қабиланинг оддий кундалик ашёсига айланиб қолди. Фарғона водийсидаги бронза даврига хос бўлган барча сопол буюмлар сингари, арсифликларнинг ҳам сопол буюмлари қўлда, ибтидоий усуллар билан ишланган эди. Бирон бир буюм ёки идиш ясаш учун махсус шаклдаги халтача олинган ва унинг ичига қум тўлдирилган, атрофига бўлса лой қалин қилиб суртилган ва лой қотгандан сўнг халта ичидаги қум тўкиб юборилган. Ҳосил бўлган шаклдаги идиш кейин ўчоқдаги оловда пишириб олинган. Бу усулда ясалган идишларда одатда мато излари идишнинг ичида сақланиб қолган. Қадимги арсифликларда, бундай усулда ишланган сополларнинг парчалари, кам бўлса-да, археологлар томонидан аниқланган. Аксарият ҳолларда сопол идишлар қўлда шакл бериш йўли билан ясаларди. Бу идишларга турли йўллар билан гул солиниб, маҳсулотни чиройли бўлишини таоминлаган. Идишлардаги безаклар кўпинча учбурчакли, синиқ бурчакли, тўғри чизиқли арчасимон шакллардан иборат бўлади. Идишларнинг шакли асосан бир хил ишланган, лекин уларнинг вазифаси турлича бўлганлиги учун лаблари турлича ишланган. Сополларни ясашда қўлланилган матоларни анализ қилиб кўрилганда бир неча турдаги матолардан фойдаланганлиги маълум

бўлди. Демак, бронза даври одамларининг рўзгорларида ҳам матоларнинг турлари кўп бўлган ва улар эҳтиёж ёки имкониятдан келиб чиққан ҳолда ясалган эди.



Арсифдаги қадимий қабрларнинг кўриниши.

Қадимги қабрлар қайроқ тошлардан доира ва тўртбурчак шаклда ишланган. Арсифда қабр-қўрғонлар сони 27 та бўлганлиги маълум. Улардаги тошлар шу даражада бири-бирига қадаб терилганки, орада бўш жой қолмаган. Қабр ичидаги тош гул шаклида терилган. Уларнинг тепасидан эса, яна тошлар билан беркитиб чиқилган. Бу усулдаги тош халқали қабрлар қўрғонларни эслатиб турган. Қабрларни махсус тошлар билан ўраб чиқилишини А. Н. Бернштам қуёш култи билан боғлиқ эканлигини айтиб ўтган эди.

Еттисув водийсидан топилган тош халқали қабрлар ҳақида Г. А. Кушаев шундай фикр билдирган: “Қабрлардаги халқа тошлар осмон ёритгичлари бўлмиш қуёш, ой ва

юлдузларнинг рамзий ифодасидир”. Бу биринчи тахмин холос. Ҳиндларнинг муқаддас китоби “Ригведа” да шундай жумлалар учрайди: “Мен бу ҳалқани тириклардан ҳимоя қилиш учун тошлардан барпо қиламан. Токи улардан ҳеч ким бу сарҳадларга ета олмасин”. Б. А. Литвинский бу сўзларни таҳлил қилар экан. “Марҳумларни тош ҳалқа билан ўрашга марҳум руҳидан қўрқини тушунчаси сабаб бўлган”, деган фикрни билдиради. Масалан, нефрит тошини олайлик. Уни одамлар қадим замонлардаёқ мўмийё ўрнида ҳам ишлатиб келганлар. Агар ушбу тош киши жасадига қўшиб кўмилса, у ҳолда жасад сира чиримайди деб ўйлаганлар. Бу ҳақда И. Тўхтиев қуйидаги маълумотларни келтиради:

“1968 йил Хитойнинг Хабэй ўлкасида олиб борилган археологик қазишма натижасида милoddан аввалги биринчи асрда кўмилган подшо ва унинг аёлини жасади топилган. Бу жасадлар юпқа қош тош (нефрит)ларни бир-бирига тилла иплар билан чатиб совутга ўхшаб тикилган кафанликка ўралган бўлиб, ҳар бир кафанлик учун икки мингдан кўп майда қош тошлари ишлатилган”.

Машҳур рус сайёҳи Н.М.Пржевальский қош тош ҳақида тўхталиб: “Хитойлар нефритни “юй” ёки “юйши”, туркистонликлар “қош” ёки “қош тоши” деб атайдилар... Бой уйғурлар бу тошдан ёстиқча ясаб, қабр ичига қўядилар, унинг ҳикмати катта бўлармиш”. Демак қабрларга қўйилган тошлар биз ўйлагандек оддий белги вазифасини бажармаган. Аксинча уларда қудратли куч мавжудлигига ишониш аждодларимизни тошларга доим ёвуз кучлардан асровчи муқаддас ашё сифатида эъзозлаб келишга олиб келган. Нима бўлганда ҳам сўнгги бронза даврида Арсиф худудида ҳаёт кечирган қадимги аҳоли шомонийлик динига эътиқод қилганликларини билиб олиш қийин эмас.

Эътиборли томони шундаки, Арсифдаги қўрғонларнинг бирида 300-400 йил кейинги одамнинг ҳам қабри аниқланган. Қабрда сопол коса ва бронза ойина ҳам бўлиб худди шу сингари топилмаларга археологлар Фарғонанинг Суфон, Оқтом, Найман манзилгоҳларида дуч келган эдилар. Бу маданиятга оид халқлар Фарғонага қачон кириб келган.

Еттисув, Тянь-шан атрофлари ва Тошкент воҳасида яшаган чорвадор қабилалар шимолий тоғлар ва Тошкент воҳаси орқали Фарғона водийсига кириб келган. Уларнинг айримлари тоғ ёнбағирларида яшаб чорвачилик билан машғул бўлганлар. Қадимги арсифликлар ҳам шу сингари чорвадорлар жумласига кирганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Улар ҳаётларини асосан чорвачилик турмуш тарзи билан ўтказган.


Юқорида таъкидланганидек, даврлар ўтиши билан бир қабрнинг ичига бошқа бир майит қўйилаверган. Уларнинг даври эса, топилаётган моддий ашёларга қараб белгиланган. Бу ҳолат ўрта асрларга қадар давом этиб, ислом дини кириб келиши билан янги қабристонлар барпо этилган.

1982 йили Арктепада навбатдаги археологик қазишмалар чоғида яна бир янгилик қўлга киритилди. Арктепа ёдгорлигидан 400 метр жанубий-ғарб томондан тошлар билан уюлган қабр қўрғонига дуч келинди. Тошлар уюми бу жойни қабр эканлигини эслатиб турарди. Тошлар уюми айлана шаклда 5-6 м. диаметрдан иборат бўлиб, баландлиги 60 см.ни ташкил этган. Тошлар уюми марказининг остида тошлар билан тўлдирилган хандақ мавжуд эди. Қабрнинг катталиги 270 x 150 см. ни ташкил қилган. Қабр ғарбдан шарққа қаратиб қавлаган. Қабрнинг шимолий қисмида 30-40 см. чуқурликда отнинг суюк қолдиқларига қабрнинг жанубий томонида эса 80-100 см.

чуқурликда узала ҳолатда бошига ғарб қаратиб дафн этилган 35-40 ёшлардаги эркак кишининг суякларига дуч келинди.



Турк жангчиси қабрининг ташқи кўриниши



Турк жангчисининг қабри

Унинг оёқ остига идишлар қўйилган бўлиб идишлардан қабр VII асрларга оид эканлиги ва бундай одат туркий қавмларга хос бўлганлиги аниқланди. Хўш, бу турк жангчисининг қабри Арсифга қандай келиб қолди?

Маълумки, VII асрнинг бошларига келиб, Фарғона ғарбий Турк хоқонлигининг диққат марказида бўлди. Бу ҳақда қадимги Хитой манбаларида, хусусан “Таншу”да (Тан хонадонининг тарихини ҳикоя қилувчи солнома. VII-IX асрлар) кўпгина маълумотлар учрайди. Унда келтирилишича, Ғарбий Турк хоқонларидан бири Ашина Шунини 627-649 йиллар орасида Фарғона водийсининг бир қисмини эгаллаб олади. Гарчи Турк хоқонлари Фарғонани VI асрдаёқ ўз тасарруфларига киргизган бўлсалар-да, дастлабки йилларда уларга бу ерни бошқариш осон кечмаган. Натижада Фарғонада бошқарув аввалгидай қолиб кетаверди. Бу эса, Фарғонани бир неча асрлардан буён бошқариб келаётган сулола ҳокимиятни яна бир неча ўн йиллар давомида ўз қўлида сақлаб қолишни таъминлаган эди.

Бироқ, энди турк хоқонлари бу аҳвол билан келиша олмасдан Фарғонадаги мавжуд ҳокимиятни тўлиқ қўлга олишга интилди. Бунинг сабаби эса, Фарғона водийси уларга қароргоҳ вазифасини ўташи мумкинлигида эди. Оқибатда VII асрнинг ўрталарига келиб, Фарғонада икки ҳокимиятчилик пайдо бўлди. Чунончи, турк ҳукмдори Ебочжи (Ашина Шунининг ўғли) Косон (хитойча Гесай) шаҳрида туриб, Фарғонанинг шимолий ҳудудларини идора қилган бўлса, маҳаллий сулола вакили Аляоцан (бу хитойча ном) Хумин шаҳрида туриб (бизнингча бу шаҳар қадимги Қубо бўлиши мумкин (?) водийнинг жанубий ҳудудини бошқарган.²³ Афтидан, у турк хоқонига вассал бўлган кўринади. Чунки, VII асрда Қубо шаҳрида Тургаш туридаги танга шунчаки зарб қилинмаган.

Юқорида келтирилган маълумотдан кўринадики, Арсифдаги турк жангчисининг қабри ана шу воқеалар силсиласининг яна бир жонсиз гувоҳидир. У Арсиф яқинида

²³ Иванов Г.П. Қадимги Қува шаҳри // Фарғона водийсининг қадимий шаҳарлари. Т.,2008. - Б.88-89.

юз берган жангларнинг бирида ҳалок бўлган ва шу ерга дафн этилган. Шу ўринда от билан кўмиш одатига тўхталиб ўтсак.

Туркий халқларда марҳумни дафн маросимида унинг отини ҳам бирга дафн этиш одати мавжуд бўлган. С. П. Нестеровнинг таъкидлашича, бундан икки мақсад кўзланган. Биринчиси, от марҳумни нариги дунёга ўтишида улов вазифасини бажариши лозим эди. Иккинчиси, эса от марҳумни нариги дунёдаги ҳаётида унга доим ҳамроҳ бўлиши керак эди. Бундай тушунчалар отнинг кишилар ҳаётидаги ўрнини янада муҳим аҳамият касб этишини таоминлаган. Бинобарин, от шундай диний қарашлар замирида инсониятнинг энг яқин ишонган садоқатли дўстига айланиб борган. Марказий Осиёнинг барча ҳудудларидан топилган турк-мўғул халқларининг қабр манзилгоҳларидан кишилар суяклари билан бирга от суяклари топилган. Бундан ташқари отнинг узанги ва эгари ҳам худди от вазифасини ўташи учун марҳум билан бирга дафн этилган.

Туркий халқларда от кишининг энг яқин дўсти деб тушунилган. XV асрда ёзилган “Қўрқут” китобининг қаҳрамони Бамсий Берек ўз отига шундай мурожаат қилади: “Сени от деб атамасман. Сени оғам деб атайман... сени дўстим деб атайман”²⁴.

“Ўзбек дostonларида от образи баъзан бош қаҳрамон даражасига кўтарилади” деган эди фольклоршунос олим Ҳоди Зариф (1900-1972) - қаҳрамон туғилган куни унинг бўлғуси йўлдоши - жангавор оти ҳам туғилади²⁵. Халқ оғзаки ижодида, “От йигитнинг қаноти” деган нақл бежиз тўқилмаган. Айниқса, эртакларда отлар қаҳрамоннинг ёрдамчиси сифатида келади²⁶. Қозоқ халқининг “Қобланди

²⁴ Липец Р.С. Отражение погребального обряда в тюрко-монгольском эпосе // Обряды и обрядовый фольклор. - М.: “Наука”, 1982 С. 217.

²⁵ Мусакулов А. “Бойчибор илоҳий от”. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1998 йил 21 август. № 34 (3470).

²⁶ Афзалов М. И. Ўзбек эртаклари ҳақида Тошкент., 1964.

ботир” эпосида “ботир ва унинг отини жони бир бўлар” деган нақл келтирилган²⁷. Бу мисоллар отни инсон ҳаётида тутган ўрни нақадар муҳим эканлигини кўрсатади. Хусусан отсиз умрини тасаввур қила олмайдиган, отган қадрдон дўстидек меҳрибонлик кўрсатиб, доим ардоқлаб келган кишиларнинг ўлиши оти учун инсонлар каби катта жудолик саналган. Шу ўринда биз аввало чавандозлар билан боғлиқ йиғилар билан танишсак. Зотан чавандозлик санъатини туркий халқлар сингари бирон бир халқ маромига етказа олмайди. Қолаверса, ёзма манбаларда Марказий Осиё халқлари орасида фарзандларини уч ёшидан от минишга ўргатишларини ўзи бу ерда чавандозлик қай даражада кўтарилганлигини кўрсатади.²⁸

Бу ҳақда IX асрда яшаб ўтган араб муаррихи ал-Жоҳиз Абу Усмон Амир ибн Бахр (тахм. 767 — 868) келтирилган маълумотлар аҳамиятга моликдир: “У (турк) от устида юришдан сира чарчамайди. Турк ёввойи ҳайвонларга, қушларга, ўргатиб нишонларга, ҳаракатсиз нарсаларга, йиртқич ҳайвон ва қушларнинг ясама нусхаларига қарата ўқ отиб машқлар ўтказади. У отни бор кучи билан чоптириб келаётганда ортга, олдига, ўнга, чапга, юқорига ва пастга қарата камондан ҳеч қийноқсиз ўқ узиши мумкин... Турк - у бир вақтнинг ўзида ҳам чўпон, ҳам от боқувчи, ҳам чавандоз, от билан савдо қилувчи, ҳам уларни даволовчидир...”²⁹. Демак, чавандозлик халқимизда узоқ ўтмишга бориб тақалади ва халқимиз чавандозларини доим улуғлаб келган. Чавандозлар вафоти муносабати билан айтилган йиғилар туркий халқларда кўплаб учрайди. Жумладан, бу йиғилар ўзбек халқида ҳам бор бўлиб, бу ҳақда марҳум устозим,

²⁷ Орлова. С. Казахский героический эпос. М.-Л. 1945.С.85.

²⁸Берштам А.Н. Материалы и исследования по археологии. №26. М.-Л. 1952. С.223.

²⁹Пугаченкова.Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана. - Т.:”Искусство”, 1960. С. 56.

адабиётшунос олим Баҳодиржон Саримсоқов қуйидагиларни келтиради: “Ўзбек халқининг ўтмишини оммавий байрам ва сайилларисиз тасаввур қилиш қийин. Бундай байрам ва сайилларда ўтказиладиган спорт мусобақаларининг энг кенг тарқалган тури кўпқари (улоқ) бўлган. Кўпқари чопиб донг таратган мард ва чапдаст кишиларни эл эъзозлаган. Бундай кишиларнинг ўлими юрт учун катта йўқотиш саналган. Ўзбек халқ йиғилари орасида чавандозлар вафоти муносабати билан айтиладиган махсус йиғиларнинг мавжудлиги ҳам бунини тасдиқ этади.³⁰

Адабиётшунос олим Насимхон Раҳмон ўзининг “Турк хоқонлиги” китобида туркийларнинг от билан дафн этиш одати тўғрисида қуйидагиларни келтиради: “Одам вафот этганда (асосан амалдор ёки лашкарбоши), жасад чайлада сақлаган. Марҳумнинг қариндош-уруғлари от ва қўйни роса югуртириб, сўнг чодир олдиға олиб келиб марҳумга атаб қурбонлик қилганлар. Бу маросимда аёллар ҳам, эркеклар ҳам иштирок этаверадилар. Қурбонлик келтирилгач, чайланинг атрофини зотдор отларда етти марта айланадилар. Маросим бир неча кун давом этади. Марҳумни дафн қилиш учун бирор кун белгиланган. Ўша куни марҳум билан хайрлашиш учун чайлага кирадилар. Киришдан олдин юзларини ўткир нарсга билан тилиб йиғлайдилар. Сўнгра марҳумни ва унинг миниб юрган отини бирга ёқадилар. Марҳум тириклигида ишлатилган буюмлар, озиқ-овқатлар ва идиш товоқларни жасад кулига қўшиб дафн қиладилар. Улар шундай ўйлаганлар: от у дунёда ҳам эгасига хизмат қилади, марҳум у дунёда ҳам ноз-неоматлардан баҳраманд бўлади ва буюмларни ишлатади. Уларга рухга ишонганлар. Ҳайвонларни эса, хусусан отларни худди одам сингари мавжудот деб билганлар”.

³⁰ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. - Т.: “Фан”, 1986– Б.217.

Қадимшунос олим Б.Х.Матбобоев “Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти” номли илмий тадқиқот ишида Арсифдаги мазкур қабрга алоҳида тўхталиб қуйидагича фикр билдирган эди:

“Водийда учрайдиган яна бир кўмиш урфларидан бири-марҳум билан отни қўшиб дафн этишдир. Бу одат қачонким, чорвадор аҳоли кўчманчилик ҳаёт тарзига ўтган даврдан бошланган. Аммо марҳум билан отни қўшиб кўмиш одати Ўрта Осиё ҳудудида унчалик кўп учрамайди. Ўрта Осиёни Икки дарё оралиғида фақат тўртта ёдгорликдагина марҳум билан отни қўшиб кўмиш одати аниқланган.

Булар Самарқанд шаҳар Улуғбек расадхонаси яқинида, Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги Далварзин ёдгорлигида³¹ ва Фарғона вилоятидаги Арсиф мазоридан³² аниқланган. Бу одат билан боғлиқ яна бир ёдгорлик яқинда шарқий Фарғонада (Тотон-тепа) топилди. Бу ердан эрамиз бошларига оид қатламлардан отнинг калла суяги ва уни бир неча суяги қолдиқлари топилди³³. Марҳум билан от қўшиб кўмиш одати асосан Жанубий Сибирь ва Тоғли Олтойда кенг тарқалган. Тадқиқотчилар фикрига кўра, ушбу одатлар Олтойдаги туркий халқлар анъаналари билан боғлиқ. Таъкидламоқ лозимки, Фарғона билан Олтойнинг ушбу типдаги ёдгорликлари ўртасида ўхшашлик бор³⁴.

Демак, Фарғона водийси тарихида икки хил кўмиш одати: куйдириб кўмиш ва жасадга отни қўшиб дафн этиш аниқланди. Фарғонанинг ўзида бу урф-одатларга асос бўладиган қадимий илдизлари аниқлангани йўқ. Ушбу

³¹ Заднепровский Ю.А. Тюркские памятники в Фергане // СА. №1. –М., 1967. –С. 270-274.

³² Матбабаев Б.Х, Иванов Г.П. Находки погребений с трупосожжением и конем в Фергане // ОНУ. № 5. – Ташкент, 1997. –С. 72-75

³³ Малтаев К.Ж., Молдобаев И.Б., Насиров Т.А., Сулайманов Э.Ж. Раскопки городища Ооз-дебе в 2000 г. // Ош и древности Южного Кыргызстана. Вып. 5. – Бишкек.:Мурас, 2000. –С. 35.

³⁴ Могильников В.А. Тюрки // Степи Евразии в эпоху средневековья. Археология СССР. –М., 1981. –С.33.

урфларнинг пайдо бўлишига сабаб бўладиган манбалар VII-VIII асрлардаги кўҳна турклар тарихи билан боғлиқ бўлиб, бу одат туркийгўй қабилаларда сўнгги бронза давридан маълум. Бу одат ҳақида Хитой ёзма манбаларида ҳам тегишли маълумотлар келтирилган: “Белгиланган куни марҳум тириклигида минган отини ва буюмларини ёқадилар (турклар -М.Б) ва кулини йилнинг маълум вақтида қабрга қўядилар”.³⁵ Лекин турк хоқонликлари даврида Ўрта Осиёда кўмиш маросимлари бошқача-ўзига хос хусусиятларга эга эди. Куйдириб кўмиш (кремация) билан боғлиқ мазор-қўрғонлари жуда кам учрайди.³⁶ Аммо кўҳна туркларда куйдириб кўмиш бўлганлиги ҳақида кўплаб ишончли далиллар бор.³⁷

Дарҳақиқат, мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида (III-V асрлар) Ўрта Осиёнинг бир неча нуқтасида куйдириб кўмиш одати тадқиқотчилар томонидан аниқланган ва у эрамик бошларидаги Жанубий Сибирь ёдгорликлари билан боғланмоқда.³⁸

Демак юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, Суфон мазорида дафн этилган жасад, Мунчоктепадаги куйдириб кўмиш билан боғлиқ жой (ўра), Арсиф ва Далварзиндаги марҳум билан отни қўшиб кўмиш одати билан боғлиқ қабрлар кўҳна туркларга хос ёки уларни бевосита қатнашуви оқибатида пайдо бўлган деб тахмин этиш мумкин. Хитой манбаси “Таншу” да келтирилишича Фарғона

³⁵ Бичурин Н.Я (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Том I. –М. –Л.: Изд-во АН СССР, 1950. –С.230.

³⁶ Могильников В.А. Тюрки // Степи Евразии в эпоху средневековья. Археология СССР. –М., 1981. –С.31.

³⁷ Савинов Д.Г. Народы Южной Сибири в древнетюркскую эпоху. – Л.: Издво ЛГУ, 1984.–С. 34-35

³⁸ Болелов С. Погребение по обряду кремации на территории Средней Азии в первой половине I тыс. н.э. // ТД ТашГУ «Археология Средней Азии». – Ташкент, 1990. –С.34-35.


659 йили кўҳна турклар қўл остида бўлган.³⁹ Демак, вафот этганларни куйдириб кўмиш ва мархумларга от қўшиб дафн этиш билан боғлиқ қабрларни топилиши кўҳна турклар урф-одатини - Фарғонада ҳам акс этишидир”.⁴⁰

АРСИФДАГИ АРКТЕПА ЁДГОРЛИГИ

Арсиф қишлоғи ҳудудида жойлашган энг катта археологик ёдгорлик бу Арктепа харобаларидир.

Арктепанинг умумий майдони 200х150 м. Баландлиги 7 м. Арсиф қишлоғидан жануб томондаги адирлик устида жойлашган.

Ушбу ёдгорлик ҳам илк бор ўлкашунос П.Т. Конопля томонидан аниқланган.⁴¹



Арктепанинг умумий кўриниши

³⁹ Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального ТяньШаня и Памиро-Алая // МИА. №26. –М.-Л., 1952. -С. 187-197.


⁴⁰ Бу ҳақда қаранг: Матбобобев Б.Ҳ. Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти (V- VIII асрлар археологик манбаларининг тарихий таҳлили асосида) Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация . Самарқанд, 2009.

⁴¹ Отчет о работах по составлению свода археологических памятников Ферганской области. Самарканд, 2014. С.182.

Ушбу ёдгорликни ўрганиш 1971 йилдан бошланган ва бу ёдгорлик тўғрисидаги қазилмалар натижаси тўғрисида орадан икки йил ўтиб қадимшунос олима Н. Г. Горбунованинг 1973 йилдаги Фарғона археологик экспедициясининг ҳисоботида қуйидагича маълумотлар келтирилади.

“Шундай қилиб уч йиллик иш мавсумидаги ишлар натижасида тахмин қилиш мумкин бўлдики, Арктепа биносининг дастлабки қурилиш режаси хочсимон шаклидаги ҳар томонлама туртиб чиққан минорали ва улар орасидан мураккаб ўтиш йўллари мавжуд бўлган. Минораларнинг бурилиш деворларида ўқсимон шинак бўлиб, улар бинога ташқаридан салобат ва жанговар тус берган. Бироқ, бу шинаклар сохта эди. Бино ичида деворларнинг периметри бўйича гумбазли йўлаклар жойлашган эди. Ушбу йўлаклар алоҳида хоналарга бўлиниб, аркасимон йўл билан ўзаро бири бири билан туташган эди. Йўлаклар ҳам шу аснода туташган. Бундан ташқари минораларнинг ичида бошқа хоналар ҳам мавжуд бўлиб, улар йўлаклар билан туташган. Бинонинг марказида ҳовли бўлиб, унинг гишт билан терилмаган марказий қисми пўк ёғоч ва гишт парчалари билан тўлдирилган эди.

Бино ташлаб кетилгач, у маълум вақтга қадар очик қолган ва йўлаклар аста секин тупроқ билан тўлган. Шу тарзда бинонинг марказий қисми ҳам вайрон бўлган. Бу ерда қачонлардир очик жой бўлиб, айрим вақтларда бу жойга одам дафн этилган. Шунини айтиб ўтиш керакки, қабрлар пухта қилинмаган. Оқибатда одам суяк-лари йиртқич ҳайвонлар ва кемирувчилар томонидан ташиб кетилган. Шу боисдан одам суякларини бино йўлакларида, марказда ва бошқа жойларда ҳам учратиш мумкин.



Арктепа гиштларидаги тамгалар

Шундан сўнг бинода қайта қуриш ишлари олиб борилган. 1973 йилда Арктепани шимолий-шарқий ҳудудидаги иккинчи ва учинчи бурилиш бурчагидаги шарқий томондан шимолга қаратилган минорада қазилган хандақдан кўриниб турибдики, дастлабки пайтларда бино маълум бир муддатда бузилган. Бу ҳолатни ерда сочилиб ётган гишт парчаларидан ҳам кўриш мумкин. Бузилиб кетган гиштларнинг устида қуриш учун тайёрланган гиштлар ётибди. Гиштлар қора лойдан, уларни оралари эса оч қора лойдан ясалган бўлиб, қалинлиги 6-8 см. ни ташкил этади. Маҳаллий аҳолининг айтишича бундай сифатли лой ҳозирги вақтларда Арсиф ҳудудида учрамайди. Гиштларнинг ҳажми 30x30x15; 40x30x15; 40x26x10 см".

Хом гиштдаги белгилар эса оддий белгилар бўлмай улар гишт қуювчи ҳунармандларнинг ўзига хос махсус белгиси, яъни тамғасини англатган. В.Л.Воронинанинг таъкидлашича, гиштдаги белгилар ҳар бир гишт қуювчи усталарнинг буюртмага асосан қуюлган гиштларини белгилаш учун туширилган. Демак, Арктепа учун ёлланган усталар бир неча гуруҳни ташкил этган. Бу эса гишт тамғаларида ўз ифодасини топган.

Арктепани қайта қуриш вақтида бинонинг шимолий қисми барпо этилган (№1 траншеяда қўйилган гиштларнинг

ва ғарбий йўлакларнинг чегараси бири-бирига мутаносибдир), шу тарзда бинонинг ғиштдан қурилган олди қисмининг режасига ўзгартириш киритилган. Бинонинг бутун тепа қисми ғишт билан беркитилган. Эҳтимолдан ҳоли эмаски, бино икки қаватдан иборат бўлган. Бироқ унинг иккинчи қавати сақланиб қолмаган.

Қазилма ишлари мобайнида асосан Арктепадан сопол парчалари топилган бўлиб, тахминан 400 та сопол парчаларини ташкил этади. Улар асосан қизил ангоб билан қоплаган. Сопол парчалари асосан хоналар ичидан топилган. Уларнинг ҳам кўп қисми жанубий гумбаз тепасидаги ахлат чуқурларидан топилган.



Арктепадан топилган қадимий сопол парчалари

Хона ва ахлат чуқурларидаги сопол парчалари ҳам бир хил типдаги сополларни ташкил қилади. Сопол ишланган вақти тахминан биринчи минг йилликнинг V асрларига тўғри келади. Кўриниб турибдики, бинонинг мавжудлиги ва қайта қуриш вақти шу даврларда содир бўлган. Бино нима мақсадда


қурилган ва нима сабабдан мудофаа девор ҳамда миноралар билан ўралганлиги хусусида бирон бир аниқ фикр айтиш қийин. Ғайриоддий лойиҳа асосида қурилган бино бизни шу фикрга олиб келдики, бу бино яшаш учун мўлжалланмаган эди. Уч йил давомида олиб борилган қазишмалар ҳам Арктепа сирини очиб бера олмади. Археологлар келгуси йилда уни атрофлича ўрганишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган бир пайтда маблағнинг йўқлиги уларнинг ишини орқага суриб юборди.



Арктепадаги жанговар миноранинг кўриниши

Шу тариқа Арктепа ёдгорлигидаги қазишма ишлари бир мунча вақтга қадар тўхтаб қолди. Фақатгина 1981 йилга келиб Арктепада яна археологик қазишмалар бошланди. Бу сафар ҳам экспедицияга Н. Г. Горбунова бошчилик қилди. У билан биргаликда қазишмаларда тарих фанлари номзоди Т. Г. Оболдуева, Этнография музейининг катта илмий ходими Е. А. Тимофеев, Фарғона ўлкашунослик музейи илмий ходими Г. П. Иванов ҳамда архитектор Е. Г. Арапова иштирок этдилар. Бу

гал экспедиция ўз ишини 1986 йилга қадар давом этди ва қазилма ишлари натижаси сифатида қуйидаги хулосага келинди.



Арктепадаги аркасимон зиналар

Арктепа ёдгорлигини марказий биноси ва муҳофаа иншоотида олиб борилган қазилмалар натижасида олинган маълумотлар таққослаб кўрилганда, умумий қонуниятларга асосланиб, ушбу бинолар қурилиши давларини аниқлаш мумкин бўлади.

I. Давр. Қурилиш учун белгиланган майдон муҳофаа девори билан ўралиб, унга ясси шаклдаги миноралар икки тўғри бурчакли ички хоналари билан қўшимча тарзда қурилган. Миноралар гумбазлар билан беркитилиб, унинг деворларида тўғри бурчакли жанговар шинаклар қўйилган.

Миноралар жанубий девор томонида тахминан тўққизта, ғарбий деворда бешта бўлган. Шимолий ва шарқий

деворлар сақланиб қолмай, пастга яъни адирлар ёнбағрига кулаб тушган. Девор бўйлаб ички томондан махсус йўлаклар бўлиб улар ҳам гумбазлар билан ёпилган.

Минораларга йўлаклардан аркасимон зиналар орқали ўтилган. Жанубий йўлакка кириш ғарб томондан бўлган.



Арктепанинг шимолдан кўриниши

Арктепага кириш ғарбий деворнинг жануб қисмидан бўлган, шу сабабдан ҳам ташқи миноралар бежиз қурилмаган. Ушбу минора қурилгунга қадар бинога кириш қисмини

қўриқлаш вазифасини жанубий-ғарбий минора бажарган. Арктепанинг марказида юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ҳовлили бино барпо этилган бўлиб унда йўллакли хона ва миноралар мавжуд бўлган.



Арктепанинг шимоли-ғарбий қисмидаги хўжалик ҳовлисининг кўриниши.

Ҳовлининг шимолий-ғарбий қисмида хўжалик хоналари бўлган. Ҳовлининг жанубий қисмида сув сақлаш учун ерга хумлар кўмилган бўлиб уларнинг тепаси ёғоч тўсинлар билан беркитилган.




Арктепадаги жанг шинаклари

Ҳовли, йўлак ва миноралар аркасимон йўллар билан бир-бирига туташган эди. Миноралар деворида бўлса ўқсимон шинаклар жойлашган. Арктепа пойдеворсиз адирнинг устига шимолга оғган ҳолатда барпо қилинган. Бинонинг юқори қисми текисланмаган. Бинонинг тепасига зина орқали чиқилган бўлиб зина жанубий-ғарбий томондаги йўлак рўбарасида жойлашган. Тахмин қилиш мумкинки, бинога кириш ёғоч дарвозалар билан мустаҳкамланган. Улардан фақат ҳозирга қадар йўлак бошида устун қолдиқлари сақланиб қолган.

Арктепа мудофаа ва одамлар учун бошпана вазифасини бажарган.

I.“А” Давр. Бу даврда Арктепа марказий биносини жанубий деворини мустаҳкамлаш билан биргаликда, №1

минорада ҳам қурилиш ишлари олиб борилган. Хонанинг дастлабки гумбази, эҳтимол, қулаб тушган. Шу бос минорани ерда турган девор билан тўсишган.



Арктепа арклари

II. Жанубий ва шимолий ҳоналар барпо қилиниб улар гумбазлар билан беркитилган. Шу гумбазлар йўналиши ўзгаргани туфайли уларни очик жойларини ёпиш зарурати туғилди. Оқибатда деворлар бир мунча кўтарилган. Ушбу

иншоотлар кўндаланг девор билан уланган. Хоналар аркасимон йўлаклар билан бир-бирига боғланган.


II. Давр. Арктепадаги дастлаб қурилган бинолар эҳтимол ёнғин оқибатда йўқ бўлиб кетган. Мудофаа деворига ичкари томондан қўшимча девор қурилиб, у минорага чиқиш зиналарини беркитган. Ушбу деворга зич беркитилган йўлак қилиниб, унинг остонаси йўлакдан 70 см. баланд бўлган. Энди кўриниб турибдики, минорага тираб қўйиладиган нарвон орқали чиқишган. Ташқаридан ҳам мудофаа девори ва минорани қўшимча девор билан мустаҳкамланган. Миноранинг девори жанубий хоналар билан бирга туташ қурилган. Арктепанинг шимолий хоналари шу кунларга қадар сақланиб қолган. Унинг жанубий – ғарбий бурчагида бўлса, ўша даврда ташқи бинолар барпо қилинган бўлиб улар жанубий ғарбий деворни атрофига туташган.

Демак, вақтлар ўтса-да, Арктепа мудофаа вазифасини бажаришда давом этиб келган. Бироқ энди мудофаа деворнинг юқори қисмидагина бажарилган.

III. Давр. Бу вақтга келиб Арктепанинг марказий биноси бутунлай бўшаб қолиб, ўз фаолиятни тўхтатган. Марказий бионинг ички хоналари ўз фаолиятини қандай тўхтатган бўлса, мудофаа ҳам фақат иккинчи қаватда қолган.

IV. Давр. Бу давр фақат марказий бинода сақланиб қолган. Вақти вақти билан бузилиб кетган. Кейинчалик бўлса одамларни дафн қилиш учун жой бўлиб хизмат қилган. Бу ҳақда 1973 йилги қазилмалар чоғида айтиб ўтилган эди. Топилган ҳайвон суяклари бўлса, асосан I-II даврларга мансуб бўлиб, III даврларда ҳам учраб турган. Сопол парчалари асосан бинони тупроқ билан тўлдирилган ва бостирилган қисмида учраган. Сополлар фарқ деярли йўқ (лекин охириги хулоса қилинмаган.). Сопол парчалари асосан эрамизнинг II-

III асрларга тегишли бўлиб, Арктепанинг қурилиш вақти ҳам шу даврга таалуқлидир.



Аркасимон йулакларнинг кесими.

Қазишмалар натижаси археологларни бу хочсимон шаклдаги ёдгорлик диний маросимларни бажарувчи бино вазифасини ўтаган бўлиши мумкин деган хулосани келтириб чиқарди.

Чунончи, Исломга қадар баъзи бир осмон жисмларига атаб қурилган ибодатхоналар қурилиш режасига кўра хочсимон кўринишда бўлган эди. X асрда яшаб ижод қилган араб олими Маъсудийнинг келтирган маълумотларига кўра Собеийлар осмон жисмларига бағишлаб ибодатхоналар қурганлар. Шу ўринда Собеийлар тўғрисида тўхталиб ўтсак, Собеийлик эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларида қадимги Бобилда пайдо бўлган диний таолимот бўлиб, ушбу таолимотдагилар асосан юлдузларга сиғинган эдилар.




Арктепадан топилган қўл тегирмонлари

Уларни осмон жисмларига сиғиниш таолимоти ўша вақтлардаёқ Марказий Осиёга ҳам кенг тарқалган ва IX-X асрга қадар бу ерда фаолият кўрсатиб келган. Бироқ Марказий Осиёда Собеийлик таълимоти монийлик дини билан қўшилиб кетган кўринади. Абу Райхон Берунийнинг такидлашича, Монийнинг (216-276 йй.) Самарқанддаги издошлари ўзларини “Собеийлар” деб аташган экан.

Тарихдан маълумки, монийлик динининг асосчиси Моний ўз таълимотини ёйишда барча маҳаллий динлардан ҳам усталик билан фойдаланган. Бу эса, у асос солган динни кенг тарқалишига сабаб бўлган. Моний таълимотига кўра, коинотда нур билан зулмат, руҳий асос билан моддий асос, эзгулик билан ёвузлик ўртасида кураш боради. Кимки комилликка эришмоқчи бўлса, у албатта эзгуликка интилмоғи керак бўлади.

Биз монийлик дини тўғрисида бежиз тўхталмадик. Зеро Арсифнинг Арктепа ёдгорлиги монийлик дини таолимотидаги роҳиблар ва уларнинг ибодатхонаси бўлиши мумкин.

Арктепада қазишмалар пайтида рассомчиликка оид мўй қалам ва бўёқ қолдиқлари топилган.




Арктепадаги ибодатхона лойиҳаси

Бинобарин Марказий Осиёга келган монийлик динининг илк тарғиботчилари ҳам рассомлар бўлган. Бу ҳақда Шарқий Туркистондан топилган монийлик динига оид ҳужжатда жумладан қуйидагича маълумотлар келтирилган. *“Қачонки, ёруғлик элчиси Моний Хулвон вилоятининг пойтахтида эканлигида у ўз олдига парфиён тили ва ёзувини билимдони устоз Мар-Амони чорлади. У уни Арбашаҳрга шаҳзода ва ака-ука хаттотлар ва рассом билан жўнатди”.*

Маълумотларга кўра, уларнинг ибодатхона ва диний китоблари ҳам гўзал сураат ва тасвирлар билан безатилган эди. Биз юқорида собейилар яъни Марказий Осиёдаги моний дини таолимоти тарафдорлари ибодатхонани осмон жисмларига атаб қурганликларини айтиб ўтган эдик. Маъсудийнинг келтиришича, Собейилар Зухал (Сатурн) ибодатхонасини олти бурчакли, Муштарий (Юпитер)

ибодатхонасини ички қисмини тўртбурчаклик, ташқи томонини эса учбурчаклик, Қуёш ибодатхонасини тўрт бурчаклик ва ой ибодатхонасини саккиз бурчаклик қилиб қурган эканлар. Қизиғи шундаки, ибодатхоналарни турли шаклларда қуришда маълум бир рамзий маъно яширинган бўлиб, мазкур таолимотдагилар бу маънони барчадан сир тутганлар.



Арктепа минораларининг режаси

Арсифнинг Арктепа ёдгорлиги ҳам тўрт бурчакли хочсимон шаклда эканлигини ва Дунё халқларида қадимдан хоч бу Қуёшнинг рамзий белгиси сифатида қаралганлигини назарда тутсак уни чиндан ҳам Монийлик ибодатхонасига хос бўлган дейишимизга асос бўлади. Шу ўринда Қуёш ва хоч ўртасидаги рамзийлик хусусида тўхталиб ўтсак.

Маълумки, шарқда хоч Қуёшнинг рамзи сифатида эътироф этиб келинган. Бобилдан топилган цилиндрсимон мухрнинг ўрта қисмидаги хоч Қуёшни англатган. Керч (Россия) дан топилган қадимги суратда хоч меҳробга жойлаштирилган бўлиб, унинг тепасида фаришталар учи

юрганлиги акс эттирилган. Форс-юнон геммаларида эса хоч оловнинг марказида тасвирланган. Эрамизнинг биринчи асрига оид Коптдан топилган қабр тошидаги тасвирда гавдаси одам аммо боши хочли тасвир топилган. Бу тасвирларда хоч насронийлик дини белгиси эмас балки Қуёшнинг рамзи сифатида ифодалаган эди.

1983 йилда олиб борилган қазилмалар чоғида топилган сопол парчаларида қуёш тасвирини туширилганлиги ҳам фикримизни ёрқин исботидир. Арктепадаги сополларда қуёш тасвирини туширилишини биз қуйидагича изоҳлашимиз мумкин. Арктепада сополларни ишлаган ҳунармандлар кўп ҳолларда монийлик таолимотидан келиб чиққан ҳолда иш кўрган бўлсалар керак. Қуёшни уй-рўзгор буюмларида ифодаланиши Арсифда қадим замонларда Қуёшга эътиқод қилганликларини кўрсатади. Бинобарин, осмон жисмларига нисбатан илоҳий қараш Монийлик таолимотини асосий шартларидан бири бўлган.

Ўрта аср араб ёзма манбалари ҳам Фарғона водийсида осмон жисмларига атаб ибодатхоналар қурилганлигини айтиб ўтганлар. Араб тарихчиси аш-Шаҳристонийнинг ёзишича, Фарғонанинг пойтахтида Қуёшга атаб қурилган ибодатхона бўлган. Бу ибодатхона *“Ковус уйи”* деб аталган. Сабаби, уни Ковус исми шоҳ қурдирган экан. Мазкур ғаройиб ибодатхонани кейинчалик халифа Муътасим (833-842) замонида буздириб ташланган. Энг қизиғи шундаки, Фарғонада *“маъжусийлар томонидан Аторуд (Меркурий) сайёрасига атаб қурилган ибодатхона”* си ҳам бўлган экан. Ушбу ибодатхона ҳам халифа Муътасим даврида буздириб юборилган. Меркурий ибодатхонасининг қоқ ўртасида тўрт оёқли тахт бўлиб унда қимматбаҳо металллар ва хитой лойидан ишланган санам, яъни бут-ҳайкал қад кўтариб турган. Фарғоналиклар ушбу ибодатхонада ҳар йили бир одамни

қурбонликка келтирган. Яна бир араб олими Димишқийга кўра Уторуд ибодатхонасини деворларида яшил новдалар ушлаган чиройли ўсмирларни сурати чизилган экан. Ушбу маълумотларга эътиборини қаратган А. М. Беленицкий қуйидаги фикрларни баён қилган эди: *“Суратдаги яшил новдалар дарахт образини тасвирайди. Маълумки, яшил дарахт рамзи Монийлик таолимотида муҳим ўрин эгаллайди”*. Демак, Фарғонадаги осмон жисмларига атаб қурилган ибодатхоналарда Монийлик динининг таосири кучли бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, Фарғонадаги қадимги диний қарашлар, хусусан, осмон жисмларига сиғиниш одати монийлик таолимоти остида янада кучайиб борган бўлиши мумкин. Айрим тадқиқотчи олимлар *“Монийлик маҳаллий халқ эътиқодида кучли ўрин эгаллаган, қадимги диний қарашлар ва урф одатларга сингиб кетиши билан, кенг ҳудудларга тарқалганлиги учун ўзига осон йўл топа олди. Зеро, Марказий Осиёда бирон бир сарой ибодатхона ёки аҳамиятга молик иншоот йўқки, унда монийликнинг муҳим хусусияти бўлган тасвирий саноат амалга оширилмаган бўлса”*, деб Панжикент, Варахша, Болаликтепа ва Қубо сингари шаҳарлардан аниқланган монийликка таълимотига доир топилмаларга ишора қилган эдилар. Ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар Фарғонадаги ибодатхоналар асосан ўрта асрларгача қад кўтариб турганлигини кўрсатмоқда.

Демак, Арктепа Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби ўз ҳудудининг йирик диний-мафкуравий ўчоғи ҳисобланган. Бунга албатта, ўша вақтдаги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт катта таосир ўтказган. Турган гапки, Арктепа бу ўринда алоҳида мавқега эга эди.

АРСИФДАГИ ОҚТЕПА ЁДГОРЛИГИ

Арсиф ҳудудидаги иккинчи кўҳна ёдгорлик бу Оқтепа манзилгоҳи бўлиб, ушбу ёдгорлик эрамизнинг IV-VIII асрига мансубдир. Оқтепа ёдгорлиги илк бор ўлкашунос П.Т. Конопля томонидан 1954 йилда аниқланган. Оқтепа ёдгорлигининг майдони дм. 35. Баландлиги 4-7 м.⁴²

Маълумки, халқимизда қадим тепаликларнинг тилсими борлиги тўғрисида турфа хил қарашлар мавжуд. Кимдир азиз жойларда авлиёлар руҳи яшайди деса, яна бошқа бировлар у ерларни илон парилар қўриқлашига шубҳа қилмайдилар. Одамлар, айниқса, қадимги тепаликларда беҳисоб бойликлар яширинганлигини айтишиб, қадимшунослардан ёдгорликларни қазиш чоғида қанча олтин топдинглар?, деган саволни беришдан ҳеч толмайдилар. Шундай пайтларда қадимги Фарғона тарихининг билимдони олима Н.Г.Горбунованинг қуйидаги сўзларини ёдга олгимиз келади: “Кўпинча биздан “тилла топдингизми, гавҳар топдингизми” деб сўрашади. Келинг, биргалашиб ўйлаб кўрайлик: Ҳар қалай олтин, ҳар қадамда сочилиб ётмаса керак?!

Борди-ю, уйингиздан кўчиб кетмоқчи бўлдингиз. Сизни ёв қуваётгани йўқ. Бирон-бир сабаб билан кўчиб кетяпсиз, деб фараз қилайлик. Шундай бўлганида, уйингизда нима ҳам қолдирган бўлардингиз? Албатта, олтин қолиб кетмаса керак. Нокерак бирон бир нарсаси, тасодифан ҳаёлингиздан кўтарилган бирон бир буюм қолиб кетса, эҳтимол. Шундай экан, қадимги замондаги одамлар ҳам бир оз бизга ўхшаб кетишгандир. Бу одамлар ҳам кўч-кўронларини ўзлари билан бирга олиб кетишган. Бирор фалокат рўй бериб, одамлар

⁴² Отчет о работах по составлению свода археологических памятников Ферганской области. Самарканд, 2014. С.181.

ташлаб чиқиб кетган ёдгорликлар эса тушуниб турибсизки, кўп учрамайди. Албатта, хазиналарга ҳам дуч келиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Лекин бу ҳол ҳаётдаги каби камдан-кам учрайди. Биз кўп ҳолларда одатдаги қароргоҳларни қазиймиз. Бунда қўлга киритиладиган асосий ўлжа - сопол идишлардир. Бу сопол буюмлар эса биз учун жуда муҳим... Кўп ҳолларда ана шу сопол идиш ёдгорлик қурилган даврини аниқлаб берувчи восита бўлади”⁴³.



Арсифдаги Оқтепанинг № 15-хонасининг шимолий бурчаги

Н.Г.Горбунованинг ушбу сўzlари бизга ёдгорликлардаги ҳар бир сопол тарих фани олдида олтиндан қимматлироқ эканлигини эслатиб туради. Бинобарин, ана шу сополлар бизга узоқ тарихни сўзлаб берувчи жонсиз гувоҳлар бўлиб хизмат қилади. Чунончи, Оқтепа ёдгорлигининг тарихи ҳам биз айтиб ўтган сополлар ёрдамида аниқланган эди. Бир қарашда оддий сопол парчаси бўлиб кўринган ушбу топилмалар, бизга ушбу ёдгорлик тақрибан 2000 йиллик тарихини сўзлаб беришга қодирдир.

⁴³Горбунова Н. Г.Кўҳна Фарғона. Т.: Ўзбекистон, 1972. – Б.25.

Оқтепанинг қурилиш лойиҳаси айлана шаклда бўлиб, бундай ёдгорлик Фарғона водийсининг бошқа ҳудудида учрамаган. Чунончи, шу сингари лойиҳа асосида барпо қилинган бинолар асосан Хоразм воҳасидан топилган эди. Ушбу ёдгорликда қазилмалар асосан 1972 йилдан бошланиб 1973 йилда ҳам давом эттирилган. Қазилмалар асосан учта жойда олиб борилган.



Арсиф Оқтепасидаги № 15-хонанинг шимолдан кўриниши

Оқтепа ёдгорлигининг муҳофаа деворлари икки қаватдан бўлиб улар орасидаги оралик эса 2,5 м. ни ташкил қилган. Қазилмалар чоғида айланма деворларнинг пахсадан

қилинган ташқи қисми ва хом ғиштдан ишланган ички қисми ҳам очилган. Қазिशмалар шуни кўрсатадики, Оқтепа кўп қатламлик бўлиб, уч маротабадан зиёд ўзини қайта қуриш даврини бошдан кечирган. Бу ерда уч даврга оид ўн олти хона очиб ўрганилди. Шулардан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтсак.

№ 15 хона 4,5 x 4 м. ҳажмда бўлиб, бу хонага кириш икки томондан бўлган. Ушбу хонада икки ўчоқ бўлиб улардан бири хонанинг ўртасида 80 x 30 см. катталиқдаги ва иккинчиси жанубий девор томондаги 50 x 50 см. катталиқда ғиштдан ясалган ўчоқ эди.

№13 хонанинг жанубий томондаги девори ёнида ҳам худди №15 хонадаги сингари ўчоқ қолдиғи, ва унинг яқинидан эса бронза ойна парчаси топилган. Хоналардан қўл тегирмонларини кўплаб топилиши шунингдек сопол идишлар ҳамда пахта чигитларидан шу нарса маълум бўладики, Арсиф Оқтепасида IV аср мобайнида ҳаёт қизғин кечган.



Арсифдаги Оқтепасининг ғарбий қисмидаги хўжалик хонаси

Чунки бу ерда яшаган қадимги арсифликлар асосан деҳқончилик билан кун кечирганлар. Улар асосан пахта ва буғдой етиштирганлар. Бу эса, VII асрда Фарғона водийсига ташриф буюрган хитой сайёҳи Хой Чаони келтирган маълумотларини тасдиқлайди. Унинг таъкидлашича, фароналиклар дон маҳсулотларидан тайёрланган таомларни кўпроқ истеъмол қилиш билан бирга асосан пахта ва теридан ишланган матоларни кийишни афзал кўрганлар. Қизиги шундаки, шу вақтга қадар Фарғона ҳудудида Оқтепадан бошқа жойларда археологлар пахта чигитига кам дуч келишган.



Қадимшунос олим Г.П.Иванов.

Тарих фанлари номзоди Г. П. Ивановни таъкидлашича, Оқтепа ёдгорлигини барпо қилган қадимги арсифликлар қурилиш соҳасида етук билим ва тажрибага эга бўлишган. Чунки адирлар тепасида айлана усулда бино қуришни ўзига хос афзаллик томонлари бўлган.

Айлана шаклда қурилган бино адирликда мустаҳкам ўрнашиб қулаб кетмаган. Шу боис у ҳозирга қадар яхши сақланиб қолган. Қолаверса, бинони адирлар тепасида жойлашиш ўрни ҳам у ердан туриб олишдан келаётганларни кўриб назорат қилиш учун жуда қулайлик яратган. Ўзининг уч марта қайта қурилиши даврида Оқтепа икки марта катта ёнғинни бошдан кечирган. Бу ёнғинлар душман босқини вақтида содир бўлган. Чунки, Оқтепанинг муҳофаа деворларидан топилган темирдан ишланган камалак ўқлари VII-VIII асрларда яшаган Арсиф аҳолисига душман бир неча маротаба ҳужум қилганлигини кўрсатади.

Бизнингча, Оқтепани вайрон этилиши араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслимнинг милодий 712 ва 715 йилларда Фарғонага қилган ҳарбий юришлари билан боғлиқ бўлса керак. Тарихчи Табарийнинг ёзишича, 715 йилда Қутайба ибн Муслимнинг Фарғонага водийсига юриши аввалги юришидан ҳам шиддатли кечган.

Шарқшунос олим С. Г. Кляшторнийнинг таъкидлашича, Қутайба ибн Муслимнинг бу сафарги юришидан асосий мақсад Фарғонада сақланиб қолган ҳарбий кучларнинг бутунлай тор-мор келтириб фарғоналикларнинг қаршилигига барҳам бериш эди. Шундай экан, араб қўшинлари дуч келган шаҳар ва қишлоқларга жумладан Арсифдаги Оқтепага ҳам ҳужум қилганликлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Қолаверса, араблар билан фарғоналикларнинг тўқнашувлари кўпроқ Қубо шаҳри атрофларида юз берганлигини тарихий манбалар ҳам тасдиқлайди. Табарийнинг келтиришича 738 йили Хуросон

ноибн Наср ибн Сайёр билан Фарғона қўшинлари ўртасида жанглар Қубо шаҳри атрофида бўлиб ўтган.⁴⁴ Бундай жанглardan бири Арсиф худудида ҳам бўлиб натижада Оқтепа вайрон этилган бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Оқтепа ҳозирга қадар тўлиқ ўрганилмаган ва келгусида тадқиқ этилишни тақозо этади.

Арсифнинг қадимги археологик ёдгорликларини ўрганишда устозим Г.П. Ивановнинг хизматлари каттадир. Чунки бу фарғонашунос олимни мен арсифшунос олим деб атаган бўлардим. Чунки айнан Г.П.Иванов ўтган асрнинг 70-80 йилларида Арсиф қишлоғи худудида жойлашган археологик ёдгорликларни тадқиқ этишда фаол иштирок этган. Ҳозирги вақтга келиб Г.П.Ивановни Арсифнинг қадимги тарихи бўйича ягона мутахассис тарихчи олим деб ҳисоблаш мумкин. Қолаверса ўтган асрнинг охирларида мени шогирд сифатида Арсифга олиб келиб унинг археологик ёдгорликлари хусусида батафсил ҳикоя қилиб берганлиги сира ёдимдан чиқмайди. Айнан ўша вақтлардан бошлаб Арсифни тарихига нисбатан қизиқишим орта бошлади.

Чунончи, 1990 йили ҳарбий хизматни тугатиб олий ўқувга юртига ўқишга кирган чоғим Фарғона вилоят ўлкашунослик музейига келиб кўп йиллардан буён қийнаб келаётган саволларимга жавоб топдим. Чунки бу ерда мен учун келгусида энг қадрли устозим Генадий Петрович Иванов билан кўришиш бахтига муяссар бўлдим. Бинобарин, айнан шундай инсонлар туфайли мен ҳозирги кунда тарих фанлари номзоди даражасига эришдим. Олтмишдан ортиқ китобларнинг муаллифи бўлдим.

Қуваликлар орасида “Гена ака”, “Устоз Генадий Петрович” номи билан ҳурмат қозонган самимий инсон,

⁴⁴ История ат –Табари / Избранные отрывки. Перевод с арабского В.И. Беляева с дополнениями О.Г.Большакова и А.Б. Халидова. –Т.: “Фан”, 1987. С.269.

қадимги Фарғона тарихининг билимдони, Фарғона вилоят ўлкашунослик музейининг илмий ходими, тарих фанлари номзоди, қадимшунос Генаддий Петрович Иванов (илк ўқувчилик давридан бошлаб, Қува шаҳристонидаги қазилмаларининг бевосита иштирокчисига айланган эди. Чунки, унинг хонадонида археолог олимлар кўп вақт истиқомат қилишган ва ҳар доим ёш Генаддийни ўзлари билан Қубо шаҳристониغا олиб боришни одат қилган эдилар. Натижада Г.П.Иванов болалигидан Қува тарихига қизиққанлиги туфайли йиллар ўтиши билан ўрта мактабни тамомлагач, ҳарбий хизматдан сўнг Санкт-Петербургдаги (собик Ленинград) олийгоҳнинг тарих факультетига ўқишга кирган. Г.П.Иванов ўзининг вилоят ўлкашунослик музейидаги қирқ йиллик илмий фаолияти мобайнида диққат-эътиборини айнан Қува тарихини ўрганишга қаратиб, йиллар давомида Қува шаҳристонидаги қазилма ишларига раҳбарлик қилиб келди. У турли халқаро анжуманларда Қува тарихи юзасидан маърузалар ўқиб, ўнлаб илмий мақола ва китобларни чоп эттирди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида олиб борилган қазилма ишларидан сўнг Қубо шаҳристонида археологик қидирув ишлари тўхтаб қолган эди. Фақат 1996 йилга келиб устозимиз Г.П.Иванов бошчилигида археологик қазилма ишларини мен ва дўстим Баҳодиржон Ҳошимов жами уч киши яна бошлаб юбордик. Кечагидек ёдимда. Қачонки шаҳристон олдидан ўтар эканман, ўша кунларни қайта-қайта эслагим келади. Чунки устозим ва қадрдон дўстим билан ҳар куни бирга қадим шаҳар харобаларида тадқиқот ишларини олиб боришдек орзуимиз ваниҳоят рўёбга чиққанлигидан қувончимиз ичимизга сиғмасди. Ёзнинг айни саратон кунларида одамлар соя салқин жойларда дам олаётганларида ҳам тепаликда сира қазилма ишларни тўхтатгимиз келмасди.

Ўша вақтда биз орадан икки йил ўтиб шаҳристондаги ишлар Республика миқёсида олиб борилиши хаёлимизга ҳам келмаган эди. Мана орадан салкам йигирма йил вақт ўтди. Бу вақт ичида Қубо шаҳристониди бир неча йил давомида мунтазам археологик қазишма ишлари олиб борилди.

Ўйлайманки биздан кейинги авлодларимиз ҳам Қубо тарихини ўрганиш давомида шаҳристон бағрида кўмилиб ётган тарихимизнинг номаълум саҳифаларини очишга муяссар бўладилар. Чунки ҳали тепалик остида биз билмаган сир-саноат қанча эканлиги фақат Яратганинг ўзига аён.

Юқорида вилоят ўлкашунослик музейидаги меҳнат фаолиятим ҳақида сўз юритган эдим. Бу даргоҳга келишим тарихи эса қуйидагича бўлган.

1990 йилда Фарғона педагогика олийгоҳи (кейинчалик Университет) нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетини кундузги бўлимига ўқишга кирдим. 1 сентябр куни талаба сифатида ўқишга келсам мендан бир оғиз ҳам сўрамай сиртқи бўлимга ўтказиб юборишибди. Ўша пайт тўғриси айтсам ўзимни қаттиқ ҳақоратлангандек ҳис қилдим. Чунки мен кундузги бўлимда ўқишни жуда-жуда хоҳлаган эдим. Шундан сўнг Қува туманимиздаги ўзим яшайдиган совхоздаги 31-мактабга кашшофлар етакчиси бўлиб ишга кирдим. Бир йилдан сўнг туманимиздаги 37-мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси сифатида иш бошладим. Бўш пайтларимда кутубхоналарда Қува тарихига доир адабиётларни излай бошладим. Қачонки, олийгоҳга ўқишга борар эканман, ўлкашунослик музейи ёнидан ўтишга тўғри келар эди. Шундай кунларнинг бирида музейга қадимшунос Г.П.Ивановнинг олдида кириб Қува тарихига қизиқишим борлигини айтдим. У киши менга айрим адабиётлар номини айтиб “Ўша китобларни ўқисангиз, саволларингизга жавоб топасиз”, деди. Мен у айтган китобларни олийгоҳ

кутубхонасидан топдим ва астойдил ўқишга киришдим. Аммо китоблардан жавоб топиш ўрнига янада саволларим кўпайди. Шундан сўнг яна Г.П.Ивановнинг олдига кириб саволларимга тўла жавоб ололмаганимни айтсам, “Шунчалик қизиқсангиз, бизнинг музейда ишламайсизми?”, деса бўладими. Мен ҳеч иккиланмай рози бўлдим ва 1992 йилнинг июлидан токи 2006 йилнинг январига қадар музейда меҳнат қилдим. Мен бу мозийгоҳда ишлабгина тарих тўғрисида тушунчаларим нақадар саёз эканлигини англаб етдим. Шу сабабдан устозим Г.П.Иванов менга деярли бир йил мобайнида бошқа ишлардан озод қилиб фақат кутубхонада ишлашим учун шароит яратиб берди. Авваллари бундай устозларни мен фақат китобларда бўлади деб ўйлар эдим. Шукрлар бўлсинки менга мана шундай устоз учраб қолди.

Устозим Генадий Петрович Иванов ҳақида гап кетганда, инсонларда бўлган барча яхши хислатларни унга нисбатан қўллаш мумкин. Дарҳақиқат У аввало яхши инсон, яхши дўст, яхши турмуш ўртоғи, яхши устоз ва энг муҳими яхши, жоиз бўлса, аъло даражадаги олим сифатида ёдга олинади. Унинг камтарлиги, тажрибалилиги, дунёқарашининг кенг қирралилиги кишини таажжубга солади. Бироқ бу хислатлар билан у ҳеч қачон бошқалардан ўзини юқори қўйишни хаёлига ҳам келтирмайди ва ўзини бошқалардан юқори қўймайди. Бу ҳақда Баҳодиржон Ҳошимов “Фарғонашунос археологлар” номли китобида қуйидагиларни келтиради:

“У бутун умр Фарғона ҳаёти билан, Фарғонанинг қадимги тарихи билан яшади. Ёшлик чоғларидаёқ Қува харобаларида ўйнаб юриб, В.А.Булатовани устоз сифатида билган ва унинг қазилмаларида иштирок этиб, илк кашфиётларини қилган эди. И.Аҳроров билан дўст тутинган, Я.Ғуломов, В.Жуков каби забардаст олимлар билан ҳамсуҳбат бўлган. Водийда у

билмаган ёки кўрмаган бирон-бир археологик ёки меъморий ёдгорликнинг ўзи йўқ.

Геннадий Петрович Иванов 1951 йил 18 майда Волгоград вилояти Комсомол районидаги Чеботари хуторида таваллуд топди. 1954 йилда онаси билан доимий яшаш учун Фарғона вилоятининг Қува шаҳарчасига кўчиб келди. Геннадий Петровичнинг айтишича, унинг онаси Аня хола урушдан аввал Қувадаги Федченко темир йўл станцияси яқинида ота-онаси билан маълум муддат яшаган.

Уруш йиллари ҳам шу ерда ишлаб, урушдан сўнг ўз юртига қайтиб кетган. Ўша ерда у турмушга чиқиб, тез орада фарзандли бўлган. Бироқ унинг турмуши омадсиз бўлиб, эри билан ажрашгач, ёшлиги ўтган Қувага яна қайтиб келади. Аня хола бу ерда бир умр почта ходими бўлиб ишлаб ўтди.

Ҳали ўқувчилик йилларидаёқ Г.Иванов (1956-1970 йй.) Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий экспедицияси Қува шаҳристонида иш олиб бораётганлигига гувоҳ бўлган эди. Бу экспедицияга Яҳё Ғуломов умумий раҳбарлик қилиб, Қува бўлинмасини В.А.Булатова бошқарарди. Шу кезларда Геннадий Петрович илк марта археологияга меҳр қўйганди. В.Булатова бўлинмаси билан Қувадаги барча археологик объектларни ўрганиб чиққан. 1968 йилда Қува туманидаги 1-ўрта мактабини тамомлади ва Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) университети тарих факультетининг археология бўлимига ўқишга кирди. Бир йил ўтиб уни ҳарбий хизматга чақиришди.

Хизмат ҳам Ленинград яқинидаги ҳарбий қисмлардан бирида ўтди. 1971 йили ҳарбий хизматдан қайтгач, дастлаб университетнинг кечги бўлимида ўқиди, бир йилдан сўнг кундузги бўлимда ўқишни давом эттирди. Г.П.Иванов 1976 йилда университетни муваффақиятли тамомлаб, Ўзбекистонга қайтди ва Фарғона вилоят ўлкашунослик

музейида иш бошлади. Бу даргоҳда у илмий ходим, бўлим бошлиғи ва илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди. Музейда ишлаш билан бир вақтда Фарғона вилоятининг турли манзилгоҳларида тадқиқотлар олиб боди. Энди унинг устози Ленинград давлат Эрмитажи илмий ходими Н.Г.Горбунова бўлди.

У ҳам қачонлардир шу музейда иш бошлаб, талайгина коллекцияни йиғиб қўйган эди. Г.Иванов Н.Горбунова билан бирга ўн йилдан ортиқ тадқиқотлар олиб борди. Бу вақт ичида Фарғонанинг илк темир даврига оид қатор манзилгоҳлари аниқланди. Жанубий Фарғонадаги бронза даврига оид бир неча манзилгоҳ ва қабристонлар тадқиқ қилиб чиқилди. Қўчқорчи, Водил, Ўхна (Шоҳимардон), Акбаробод каби бронза даври манзилгоҳлари ҳамда Риштоннинг Соҳиби Ҳидоя ва Калавоттепа каби ўрта аср манзилгоҳлари Г.Ивановнинг кашфиётларидан дир.

Шунингдек, унинг илмий ишланишлари натижа-сида Фарғона водийсининг жануби-ғарбий қисмида кўпроқ чорвачиликка асосланган қабилалар яшаганлиги, шимоли-шарқий қисмларида эса асосан деҳқончилик билан шуғулланган қабилалар яшаганлиги исботланди. Бу Г.Ивановнинг фанга қўшган "камтарин" ҳиссаси эди.

Г.П.Ивановнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборат эдики, у назариячидан кўра, кўпроқ амалиётчи ҳисобланади. Водийдаги юзлаб объектларни ўрганиб чиққан бўлишига қарамай, унда ишлаётган ҳамкасбини ҳурмат қилган ҳолда илмий янгиликларга давогарлик қилмасди. Аксинча, бу янгилик хусусида ўз фикрларини очиқ-ойдин баён этарди. У археология соҳасида 40 йилдан ортиқ тажрибага эга. Бу тажриба ҳам Фарғонанинг қадимги манзилгоҳ ва қўрғонларида орттирилган. Ҳозир кимки Фарғонада тадқиқот олиб бормоқчи бўлса, албатта

Геннадий Петровичга мурожаат қилади. Унинг тадқиқот объектлари турли-туман бўлган.

Водийнинг тоғ тизмаларидаги ибтидоий одамлар яшаган ғорлардан тортиб сўнгги хонликлар давридаги қўрғон харобаларигача. Ҳатто табиий ғор тизмаларини геологик жиҳатдан ўрганишда ҳам иштирок этган. Унинг учун у ёки бу мавзуга хос объектларга мослашиш муҳим эмас эди. Қадимий ва ноёб тарих саҳифаларини биринчи бўлиб очиб кўриш унинг "касаллиги" ҳисобланади. На моддий, на маъмурий тўсиқ унга монелик қиларди. Бу эса ҳамма олимга ҳам хос хислат эмас.

Г.Ивановнинг тажрибаси буюк аллома Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида (1998 й), Қува шаҳристонида олиб борилган қазилмалар вақтида қўл келди. Аҳмад Фарғоний яшаган давр моддий-маданияти-ни у ҳар жиҳатдан кенг очиб берди. Унда топилган ашёлар ҳар қандай музейда ўзбек халқининг ноёб маданий ёдгорликлари сифатида ардоқланиши табиий. Айниқса, шиша буюмлар коллекцияси муҳим аҳамият касб этади. Йиғилган материаллар асосида "Аҳмад Фарғоний даврида Қува шаҳри" номли ноёб китобни чоп эттиришга муваффақ бўлди. Эски Қубо шаҳар харобаларида археологик тадқиқотлар олиб борди. 1997 йилда "Қубо" археологик экспедициясининг илмий раҳбари этиб тайинланди. Археологик қазилмалар жараёнида тўпланган материаллар ҳамда мавжуд илмий адабиётларни чуқур таҳлил этиш асосида Г.П.Иванов тарих фанлари доктори, профессор Т.Ш.Ширинов раҳбарлигида "Фарғонанинг археологик маданиятлари (даврлаштириш ва синхронлаштириш)" мавзусида номзодлик диссертациясини тайёрлади ва уни 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти қошидаги ихтисослашган илмий

кенгашда муваф- фақиятли ҳимоя қилди. Унинг сўнгги йиллардаги фаолияти ҳам анча самара- ли бўлмоқда. Япониянинг Токио, Италиянинг Сапиенса (Рим), Украинанинг Киев университетлари ҳамда Россия, Швейцария ва Тожикистон археологик экспедициялари билан ҳамкорлик қилмоқда. Улар билан бирга бир неча мақола ва китоблар чоп этишга муваффақ бўлди.

Дала тадқиқотлари эса, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида олиб борилмоқда. Айниқса, Хитойнинг Пекин университети билан ҳамкорликда олиб борилаётган тадқиқотлар диққатга сазовордир. Андижон вилоятининг Мингтепа шаҳристонида олиб борилаётган археологик қазил ишлари қадимги Фарғона тарихининг очилмаган қирраларини ёритишга хизмат қилмоқда.

Г.П.Иванов 1985-2000 йиллар оралиғида Фарғона давлат университетида ўриндошлик асосида ўқитувчи ва катта ўқитувчи лавозимларида меҳнат қилиб талабаларга археология асослари ва ибтидоий жамоа тарихи фанидан маърузалар ўқиди ва семинар машғулотларини олиб борди. Шунингдек, юқорида номлари тилга олинган давлатларнинг ҳар бирида бир неча марта маърузалар ўқиди. Техронда [Эрон] чоп этиладиган "Гап" илмий журналида бир неча мақолалари чоп этилди. Умумий ҳисобда Г.Иванов қадимги Фарғона тарихи муаммоларини акс эттирган 3 та монография, 40 дан ортиқ илмий, юздан ортиқ илмий-оммабоп мақолалар муаллифидир.

Археология фанининг ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳукумат томонидан эътироф этилди ва жамоат ишларида фаол иштирок этганлиги учун Г.П.Иванов 2001 йилда "Дўстлик" ордени билан тақдирланди".⁴⁵

⁴⁵ Ҳошимов Б. Фарғонашунос археологлар. – Ф.: "Фарғона", нашриёти, 2020. – Б.272-277.

Устозим қадимшунос олим Г.П.Иванов ҳақида бежиз сўз очмадим. Чунки у шу кунга қадар Фарғона водийсининг қадимий тарихи бўйича ягона мутахассис олим ҳисобланади. Афсуски, ўттиз йил давомида мен бирон бир олийгоҳда Г.П.Ивановни таклиф қилиб, талаблар билан учрашув ўтказилганлигини эслай олмайман. Аслида айнан шундай олимларнинг суҳбатидан сўнг ўқувчи ва талабаларда мозийга қизиқиш кучаяди. Уларда археологик ёдгорликлар тўғрисидаги тушунчалари ўзгаради. Осори атиқаларни қадрлай бошлайдилар. Агар Арсиф қишлоғида ҳам Г.П. Иванов билан ўқувчилар ўртасида давра суҳбатлари ташкил қилинганида, эҳтимол Арсифдан ҳам қадимшунос олимлар етишиб чиққан бўлармиди?


ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВРИДА АРСИФ ҚИШЛОҒИ

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Арсиф қишлоғининг сўнгги асрлардаги тарихи тўғрисида ёзма манбаларда маълумотга дуч келмадик. Бу табиий, албатта. Одатда йирик шаҳарларнинг тарихини ёзиш мақсадга мувофиқ деб тушунилади. Қишлоқлар тарихи эса, шу шаҳарлар тарихи соясида ёзилади ёки қисман тилга олиб ўтилади. Унда ҳам шу қишлоқ шаҳарларга яқин бўлган тақдирда.

А. Л. Троицкаянинг *“ХIXасрдаги Қўқон хонлари архиви каталоги”* номли китобида Арсиф тарихига оид айрим маълумотлар учрайди. Унда келтирилишича, 1872 йили Марғилон беги Султон Муродбек муҳри билан муҳрланган пата - ер ҳужжатида кўра, *“Мубаширони таноба”* деб аталувчи

ер солиғи Арсифдаги Мирзо Раҳим тўқсобанинг хизматида бўлган мулозимлар еридан олинмаслиги айтилган.⁴⁶

Изданишлар давомида Фарғона музейи архивида XIX асрнинг иккинчи ярмига оид Арсиф билан боғлиқ "Васиқаи маҳзар ва ривоят" деб аталувчи ҳужжат аниқланди. Ушбу васиқанинг ҳажми 35x21 см. бўлиб Қўқон қоғозига кўчирилган. Унга кўра Арсифлик Зиё юзбоши билан Абдурахмонбой исмли томонидан Муҳаммадсолиҳ ва Муҳаммад Иброҳим исмли кишилар орасида бир ер икки марта сотилган. Натижада ўртада жанжал чиққан фатвонинг мазмуни биринчи савдо доимий кучда қолиб иккинчи марта қилинган савдо бекор қилинган.



Арсифга доир васиқаи маҳзар ва ривоят

Бундан ташқари каталокдаги № 1033 рақамли ер ҳужжатида 1870 йили Исо юзбошининг Арсифда экилган полиз экинлари учун таноба солиғининг миқдори қайд этилган.

⁴⁶ Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. –М.: Наука, 1968. С. 263.

№ 1431 рақамли ҳужжатга кўра, 1870 йилда Марғилон ҳокими Султон Муродбекнинг ўғли Саййид Муҳаммад Али Акбарбек томонидан Тўйчибек Мирохурга берилган патта ёрлиғига асосан хон хизматида бўлган мерганларнинг Арсифдаги ерларидан солиқ фақат ярим баравар тарзда олинган.

Маълум бўлишича, мерганлар Қўқон хони Худоёрхоннинг Шаҳрихондаги қалъасида хизмат қилганлар. Уларнинг баъзилари, мерган, аскар, тўпчи, ботир, дахбоши, панжоббоши лавозимида турганлар. Бундан ташқари Худоёрхон даврида хонлик ҳудудида етиштирилган пахталарга жавобгарлик саркорлар зиммасига юклатилган бўлиб, Арсифда экилган пахталарга Мулло Оғалиқ саркор жавоб берган.

Маҳаллий аҳолининг таъкидлашига қараганда, XVIII-XIX асрларда Марғилон беклигига қарашли бу ерларга Олой тоғи орқали кўпгина аҳоли келиб ўрнашган. Қўқон хонлиги билан Бухоро амирлиги ўртасида Помир (Дарвоз ва Қоратегин) учун бўлган кураш оқибатида тинч яшаш истагида бўлган аҳоли Арсиф атрофларига кўчиб ўтган. Бундай ҳол водийнинг бошқа қишлоқларига ҳам хос кўриниш. Аҳолининг тожик тили бўлиб шаклланишини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин. Шу қишлоқлик кексаларнинг кўпи Дарвоз ва Қоратегинда боболарининг қариндошлари қолганлигини эслайди. Яқин-яқинларга қадар улар ўртасида ўзар алоқалар йўлга қўйилган эди. Ҳатто, кексалар Арсифда “*Масчойи*” маҳалласи бўлганлигини таъкидлашади.

1909 йили Фарғона шаҳрида (ўша вақтда Скобелев номи билан юритилган – Н.А.) чоп этилган “Фарғона вилоятининг аҳоли яшайдиган жойлар рўйхати” номли китобдаги маълумотларга кўра бу вақтда Арсиф қишлоқ

сифатида Марғилон уездининг Қува волости таркибига кирган бўлиб, унда икки маҳалла фаолият юритган.

1. Хунуч маҳаллада 44 та хонадонда 207 нафар киши истиқомат қилган.

2. Шайхон маҳаллада 136 та хонадонда 626 нафар киши истиқомат қилган.⁴⁷ Демак 1909 йилда Арсифда жами 833 нафар аҳоли ҳаёт кечирган. Булар орасида туб аҳолидан ташқари Қошғардан келган уйғурлар ва Қоратегинда кўчиб келганларнинг авлодлари ҳам бор эди.

Маълумки, Қўқон хони Олимхон замонида (1800-1810) салтанатнинг мудофаа салоҳиятини кучайтириш мақсадида Қоратегинлик жангчиларни хонликка қўшин таркибига олиб уларга кўп имтиёзлар ва ер-мулклар инъом этган. Бизнингча айнан шу даврда Арсифга ҳам Қоратегин ҳудудидан келган жангчи сарбозларнинг оилалари келиб ўрнашган бўлса керак. Бу ҳақда ёзма манбаларда қуйидагилар баён этилган. Жумладан Муҳаммад Хўқандий ўзининг “Ибратул-хавоқин” (“Тарихи Шоҳрухий”) номли асарида қуйидагиларни баён этади:

“(Олимхон) мамлакатни тартибга келтириш, уни кўриқлаш ва жаҳонбонлик ишларга машғул бўлиш учун бел боғлади. Ҳар бир ер ва ҳар бир шаҳарда ул замонлари ишбилармон ва майдон муборизлари бор бўлиб, уларни саройга чақириб Хўқандда йиғдилар. Бир куни уларни кўриқдан ўтказиб, янги дафтарга рўйхат қилди ва уларга “*гала баҳодирлар*” деб ном қўйди. Унинг замонида кўп шаҳарлар унга қарши муҳолифат ноғорасини чалдилар. Подшоҳлик кучи ва шаҳаншоҳлик зўри билан барча вилоятларни фатҳ этиб, ундан кейин душманлари вилоятларига ғайрат кўзи билан қаради. Бир-икки марта лашкар йиғиб душмани

⁴⁷ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 87.

вилоятлари ва ғаними қалъалари устига от чоптириб, ғалаба билан ўз қароргоҳига келиб қарор топди.

(Олимхон) табиатида соҳибқиронлик бўлгани боис, кам сонли оломондан ташкил топган бесару сомон қўшинни унинг алпдек юраги қабул қилмади. (У) кўҳистонлик ва бадахшон⁴⁸ликларни дўст тутар эди. Унинг бир-икки нафар бадахши ва дарвозлик⁴⁹ халқидан давлатхоҳлари, бир неча киши эса Қоратегин⁵⁰, Ҳисор⁵¹ ва Кўлоб⁵² аҳлидан яқинлари бўлган. У аксар кечалар улар билан бирга бўлиб, ҳамсухбат эди. Бир кеча шафқат ва мусофирпарварлик юзаси, чексиз хоқонлик лутфидан уларни сарафроз этган ҳолда соҳибқиронлик маслаҳати учун ораларидан жой олди. (Кўҳистонликлар ҳам) бандалик тариқаси ва бош эгиклик йўли билан арз қилдиларки, жаҳонпаноҳо! Бу ўзбек халқи жуда ёмон ва ёмон тадбирли халқдир. Уларнинг тадбирлари ва ёмон қутқуларидан биз мусофирларни сенинг ғарибнавоз лутфинг ва марҳаматпардоз шафқатингдан узоқлаштириб, бизни ҳижронда қолдирадилар. Салим юракли хонни юмшоқ сўзлар ва ширин калималар билан ром этиб, шундай қарорга келдиларки, биз мусофирларнинг хатоларидан биров келиб ҳумоюн қулоғига хабар берса, асло унга аҳамият бермасин, чора кўрмасин. Шундай қарорга рози бўлиб, келишилди. Иккинчидан, ҳумоюн қулоғига етказдиларки, қўшинни икки тоифа тожиклардан ташкил қиламиз ва уларни нусрат асар лашкарнинг муқаддимасига айлантирамиз. Қоратегиний ва

⁴⁸ Бадахшон – Амударёнинг юқори қисмида, Помир ва Олой тоғ тизмаларида жойлашган ҳудуд. Бир қисми Тожикистон республикаси (маркази Хоруғ) ва бир қисми Афғонистон (маркази Файзобод) таркибига кирган.

⁴⁹ Дарвоз – Помирнинг ғарбий қисмидаги Обихингов, Панж ва Ванч (Панж ҳавзаси) дарёлари оралиғида жойлашган ҳудуд маркази. Ҳозир ноҳия маркази.

⁵⁰ Қоратегин – Ҳисор тизмасининг жанубий тармоғида, Душанбе шаҳрининг шимол-шарқида жойлашган ҳудуд.

⁵¹ Ҳисори Шодмон – араб манбаларидаги Шуман. Хонақо дарёсининг Кофарниҳонга қуйилиши жойида барпо этилган шаҳар.

⁵² Кўлоб – ҳозир Тожикистоннинг Кўлоб вилояти маркази.

вахёйилардан бир гуруҳ тузамиз, бадахший, кўлобий, ҳисорий, шуғноний ва чатрорийлардан иккинчи гуруҳни тузамиз. Ҳар иккала гуруҳни қалъалар қамалларида икки тарафдан соламиз. Улар ному номус талашиб //17⁶ бир-бирлари билан жўшу хурўш қиладилар (ва шунда ўзбеклар) айтадиларки, “бу қандай беномуслики, беболу пар тожиклар ва бепою сар мусофирлар бу вилоят анҳоридан бир коса сув ичмай туруб, бу амирлик эҳсон дастурхонидан бир луқма нон емасдан шунча жонсупорлик ва фармонбардорликни ўзларига лозим деб билиб, мусобақа тўпини хизматкорлик ва давлатхоҳлик майдонидан ютиб олибдилар?!

Бизнинг томиримиз шу хонадондан. Қадимул-айёмдан ота боболаримиз бу вилоят эҳсонлари ва шу саодатли давлатхонанинг шоҳона лутфу марҳаматларидан баҳраманд бўлиб, озиқланиб сарафроз бўлганмиз. Бу ҳаммаси бизларнинг қобилиятсизлигимиз, аёлларга ўхшаб уй анжомларни эр билан қиморга бой берганга ўхшаймиз”. Охир оқибат бир-бирлари билан олишиб-талашиб, хизматга журъат қилишлари мумкин.

Сўзга учадиган хон бу гапларни қабул қилди ва дарвозликлар ва бадахшийларга қаердан ва қайси маконда бўлмасин вахёйи, дарвозий, бадахший, шуғний ва рўшоний, чатрорийларни топиб, йиғинлар, деб амр қилди. Қоратегинликларга сизлар вахёйи ва Қоратегинликларни тўпланг деб буюрди. Қисқа муддатда Қоратегин ва Вахё халқидан уч минг, тожиклардан етти юз киши тўпланди. Валекин, дарвозий, бадахший, шуғний ва рўшаний элидан ўз оёғи билан келганлар сони беш юз нафарга етди, холос.

Шунча тожик халқини хон назаридан ўтказиб, уларга сарпо бериб, қурол-аслаҳа билан мукаммал жиҳозлантириб, от ҳам бердилар. Дарвозликлар ва бадахшийлар жаноби ҳумоюнӣ арзига етказдиларки, жаҳонпаноҳо бу элдан беш

юздан ортиқ одам топмадик. Агар ижозат берсангиз ва биз ғуломларга бағоят марҳамат ва бениҳоят карамингизни сочсангиз хоҳ рўшаний, хоҳ шуғноний, хоҳ чатрорий ва хоҳ эроний бўлсин, ҳар қандай тоифага мансублигидан қатъи назар, хоҳ бандий ва хоҳ озод бўлсин олиб Хўқандда йиғамиз. Соҳибқирон амир уларнинг арзини қабул қулоғи билан эшитиб розилик берди. Бу рухсатни олиб хоҳ ғулом, хоҳ озодни кўча-кўй ва уйлардан, жувозхоналардан ушлаб олиб, олий саройда жамладилар. Андак фурсат ва оз муддатда бир минг икки юз кишини тарқоқ хизматкорлардан йиғиб, салтанат паноҳи бўлган жаноби ҳумоюнӣга манзур ва соҳибқироний назаридан ўткардилар. Уларнинг барчаларини хоқонлик дафтарига киритиб, уларга ҳам сарпо, яроқ ва аслаҳа, от бердилар. Уларнинг вазифалари саройни қўриқлаш этиб тайинланди. Бинобарин, (Олим) “золим” ном олиб, бир йил муддат ичида аскарлик ишларини тартибга солиш билан машғул бўлди”.⁵³

Арсифга уйғурларни келиб ўрнашган даврини Ёрмуҳаммад Ёркандий номи билан боғлайдилар. Яъни Ёрмуҳаммад Ёркандий Шарқий Туркистондан Фарғонага сафар қилган вақтида ўзи билан бирга бир қанча унга ихлосманд бўлган оилаларни ҳам олиб келган. Шу сабабдан Ёрмуҳаммад Ёркандий яшаган Арсифда яшаган маҳалла Шайхон номини олган эмиш.

Бу ҳақда арсифлик педадог Тешабой Ҳамдамов қуйидагиларни ёзади: “Шоир, олим ва уламо Хитойлик, уйғур миллатига мансуб Мулло Ёрмуҳаммад Ёркандий деган инсон Ёркенддан водийга сафар қилган. Фавкулотда Арсиф қишлоғида дам олган. Қишлоқ оқсоқоллари билан суҳбатда бўлган. Бу ердаги меҳмондўст инсонлар, хушманзара Арсиф

⁵³ Ибратул хавоқин / Ниёз Муҳаммад Хўқандий; (Таърихи Шаҳрухий) – Т.: “Турон Замин Зиё” нашриёти, 2014- Б.63-64.

қишлоғи унга ёқиб қолган ва шу ерда қолиб кетган Бир кун мулло Ёрмуҳаммад Эшон қир ён бағрини ковлаб сув чиқармоқчи бўлган. Аллоҳнинг иноятими ёки Эшоннинг қудратими катта булоқ суви варақлаб чиққан. Бу кароматни кўрган халқ эшон бувага ихлос қилиб, у кишининг хизматига шошилган. Булоқ суви чиққан ён бағирликда катта боғ барпо этилган ва кейинчалик бу ер “Мулло Ёрмуҳаммад Ёркандий” мазорига айланган. Булоқ суви боққа етиб, ортиб пастга оқа бошлаган.

Мулло Ёрмуҳаммад Ёркандий маълум вақт олашавур йилларда ўз ватанига кетган.

1941 йил жаҳон уруши вақтида совет ҳукумати Хитой-Қашқарга маълум миқдорда чекланган армияни киритган Шулар орасида Суфон қишлоқлик Мирзалиев Сулаймонбой ҳам хизматда бўлган. Мен у инсон билан суҳбатлашдим. Ҳозир ёши 87 да. “Биз мусулмонлар Қашқар шаҳрида хизмат қилдик. Ул зотнинг мазори Ёркент шаҳрида эканлигини билдик. Беш олти нафар аскар йигитлар бориб ул зотнинг мазорини зиёрат қилдик”.⁵⁴

Маълумотларга кўра, XVIII–XIX асрларда Хитойдаги Цин ҳокимиятига қарши кўтарилган халқ ҳаракатларининг шафқатсизлари бостирилишлари натижасида Шарқий Туркистондан уйғурларнинг Марказий Осиёга, жумладан Фарғона водийси ерларига эмиграция қилинган бўлиб, уларни кўчиш давларни қуйидаги тарзда кўрсатиш мумкин:

- 1758 йилдаги Азизхожа, Бурҳониддин бошчиликларидаги қўзғолонлар вақтида;
- 1816 йилдаги қоратоғлик Зиёвуддин охун бошчилигидаги қўзғолон вақтида;
- 1826-1828 йилларидаги Жаҳонгирхожа қўзғолони вақтида;

⁵⁴ Ҳамдамов Т. Арсиф – қадимий қишлоқ. Арсиф. 2011.

- 1830 йилдаги Жаҳонгирхожанинг биродари Юсуфхожа бошчилигидаги қўзғолон вақтида;
- 1847 йилдаги етти хожалар қўзғолони вақтида;
- 1857-1858 йиллардаги Жаҳонгирхожанинг жияни Валихонтўра бошчилигидаги қўзғолон вақтида;
- 1864 йилдаги Рашиддинхожа қўзғолон вақтида.

Қашқар заминида бундай қўзғолонлар юз берган вақтларда ҳар сафар минглаб уйғурлар оилаларини сақлаб қолишлари мақсадида ўз она юртларини тарк этишга мажбур бўлганлар⁵⁵. Бу қўзғолонлар тарифи ёзма манбаларда ҳамда тадқиқотчиларнинг асарларида ўз ифодасини топган⁵⁶. Биргина 1829 йилда бир неча минг бундай уйғур хонадонлардан Фарғона заминига бош олиб келишга мажбур бўлган эдилар.

⁵⁵ Никольская Г.Б., Матвеев А.М. Присоединение Средней Азии к царской России и сопредельные страны Востока // Материалы по истории присоединения Средней Азии к России. Труды ТашГУ. Ч. I. Вып. 43. – Т., 1969. С. 107.

⁵⁶ Бу ҳақда қаранг: Ходжаев А. Захват Цинским Китаем Джунгарии и Восточного Туркестана: Борьба против завоевателей // Китай и соседию – М., 1986; Тўхтиев И. Тангалар тилга кирганда. –Т.: «Фан», 1989; : Кутлуков М. Муҳаммад Содиқ Қошғарий. — Т., 1968; Муҳаммат Эмин Қурбони. Қашқардаги ёдгорликлардан термалар. «Қашқар – уйғур наشريёти», 1990; Зотов О.В. Китай и Восточный Туркестан в XV – XXVIII вв.: межгосударственные отношения. –М., 1991; Абдували Али. Опоқхўжа. 1-2 китоб. Урумчи.: Шинжонг халқ наشريёти, 2000; Одил Муҳаммад Турон. Қашқардаги қадимги излар. Урумчи.: «Шинжонг халқ наشريёти», 2001. Роҳила Довуд. Уйғур мазорлари. Урумчи.: «Шинжонг халқ наشريёти», 2001; Замир Садуллозода, Фарход Ғаффор. Марказий Осиёдаги ислом мазҳаблари. Урумчи.: «Шинжонг халқ наشريёти», 2002; Акбаров Қ., Маъмуров Ж., Ботирова Н., Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон билан алоқалари тарихидан // «Қўқон асрлар силсиласида» Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Қўқон, 2004; Непомнин О.Е. Истории Китая. Эпоха Цин. XV- начало XX века. – М., 2005; Вей Ляктоу, Ляо Чигин. Хожалар жамияти ҳақида / Таржима қилгучи Қурбон Турон. Бейжинг. «Миллатлар наشريёти», 2006; Кадырбаев А.Ш. Ходжи Суфийского ордена Накшбандие в Восточном Туркестане накануне в эпоху Маньжуро-Китайского владычества XVII – начала XIX века // Суфизм в Иране и Центральной Азии. Алматы.: «Дайк-Пресс». 2007; Мулло Мўсо Сайрабий. Тарихи Ҳамиди. Бейжинг.: «Миллатлар наشريёти», 2007; Мирзо Олим Маҳдум хожи. Тарихи Туркистон / Араб тилидан тадбил: Ш.Воҳидов ва Р.Холикова. –Т.: «Янги аср авлоди», 2008; Абдулаҳатов Н., Мастонов С., Тўхтабоев И. Ҳазиний юрти. –Т.: «Янги аср авлоди», 2010. Kawagoe Yasuhiro. "Jihangiru ryakuzono hakken". Tokyo, Bunkoshoho, No.7, 1976; The Bazaars and Mazaars of the Hingiang Uighur by Sanada Yasusi, Wang Jianxin, Shnmen. Studia culturae islamicae 70. 2002; Papas A. Soufisme et Politque entre Chine, Tibet et Turkestan. Paris: Jean Maisonnuve Successeur. 2005; Shimen Y., Kawahara Y. Mazar Buzyrgh Khan Tora in Katta Kenagas Village // Islamic Sacred Places in Central Asia: The Fergana Valley and Kashghar Region (Silk roadology, № 28). Tokyo, 2007.

Манбаларда ёзилишича, 1829 йилда Қўқон хони Муҳаммадалихон (1822–1842 йиллар) Қашқарга қўшин тортиб боради. Қашқарнинг мусулмон аҳолиси Қўқон хони келганлигидан фойдаланиб хитойларга қарши бош кўтаради, лекин анчагина хитой қўшинлари яқинлашиб келаётганини эшитган Қўқон хони Қашқардан чиқиб кетишга мажбур бўлади, у ердан 70 мингга яқин кишини ўзи билан Фарғонага олиб келиб, хонликнинг турли ерларига жойлаштиради. Бундан ташқари, 1856-1860 йилларда ҳам талайгина қашқарликлар Фарғона атрофларига келиб ўрнашадилар. Шундай қилиб, қашқарликлар ҳисобига алоҳида-алоҳида маҳаллалар, қишлоқлар ташкил топади⁵⁷.

Шарқий Туркистон аҳолиси қайси ҳудудлардан кўчиб келган бўлсалар кейинги жойларига нисбатан ҳам аввалги яшаган юртларини номини беришга одатланганлар. Масалан, Қашғар шаҳри ва ушбу воҳадан келганлар -“қашғарлик”, Ёркентдан кўчиб келганлар- “ёркентлик”, Турфондан ўтганлар – “турфонлик” номлари билан аталганлар.

Элшунос олим Улуғбек Абдуллаевнинг таъкидлашича, Шарқий Туркистонлик уйғурлар асосан, қашғарликлар Фарғона водийси ҳудудига доимий равишда иш қидириб келиб турганлар. Уларнинг баъзилари бу ерда турғун бўлиб қолганлар⁵⁸. Шундай экан қашқарликларнинг Фарғона водийсига кўчиб ўтишлари нафақат XVIII-XIX асрларда балки XX асрлар бошида ҳам давом этган. Масалан, В.И.Юферовнинг келтирган маълумотларига кўра, Қашқардан Фарғона вилоятига XX асрнинг бошларида тирикчилик мақсадида келган одамлар сони қуйидагиларни ташкил этган:

1904 йилда 14,556 нафар киши;

1905 йилда 13,337 нафар киши;

⁵⁷ Охунов Н. Жой номлари тарихи... 71-б.

⁵⁸ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослар аро жараёнлар.-Т.: «Янги аср авлоди», 2005. – Б.27.

1906 йилда 16, 882 нафар киши;
1912 йилда 21, 174 нафар киши⁵⁹.

Тарихчи олима Гульнора Валихонова “Фарғона водийси уйғурлари” номли асарида уйғурларни Фарғона водийсига келиб ўрнашишларини қуйидагича изоҳлайди:

“Шарқий Туркистон уйғурларининг Фарғона водийсига миграциясининг асосий сабаби Хитой ҳарбийларининг зуллари, иқтисодий-моддий жиҳатдан турмуш қийинчиликлари эди. Шундай қилиб, уйғурларнинг Ўрта Осиёга, хусусан, Фарғона водийсига тўхтовсиз давом этган 150 миграцияси, ўлканинг сиёсий, иқтисодий аҳволи билан чамбарчас боғлиқ жараёндир. Уйғурларнинг айнан водийга кўчиб ўтишларига қуйидагилар:

- аввало, бу халқлар қадимдан ягона этномаданий муҳитда яшаганлари;
- мустаҳкам қон-қариндошлик алоқалари;
- ҳудудий яқинлик;
- диннинг бирлиги ва маданият яқинлиги;
- савдо-иқтисодий алоқаларининг мустаҳкамлиги;
- қадимдан ҳаракатдаги савдо ва карвон йўлларининг мавжудлиги;
- уйғурларнинг водийга кўчишларидан маҳаллий ҳукмдорларнинг манфаатдорлиги асосий омил бўлди.

Уйғурларнинг ўз Ватанларини ташлаб кетишларининг асосий сабаблари ҳақида қуйидагича мулоҳаза юритиш мумкин:

Биринчидан, Шарқий Туркистон ҳудудининг хитой-манжурлари томонидан босиб олиниши ва ундан кейинги шафқатсиз сиёсат ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан халқ турмушининг оғирлиги, ер-жойнинг етишмаслиги, очлик, қашшоқлик шарқий

⁵⁹ Юфев В.И. Труд в колхозных хозяйствах Туркестана, СПб., 1914. С. 22-23.

туркистонликларни, хусусан, уйғурларни ўз ватанларини ташлаб кетишларига мажбур қилган.

Иккинчидан, мазкур муаммони тадқиқ этишда Шарқий Туркистон ўлкасидаги икки диний гуруҳнинг ўзаро курашини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Зеро, хитой босқинидан аввалроқ бошланган хўжаларнинг муҳожирлиги ҳокимиятни эгаллаш учун олиб борилган курашнинг кескинлашуви оқибатидир. Мазкур давр муҳожирлигига диний омил кўпроқ сабаб бўлган.

Учинчидан, 1864 йилдан сўнг хитойликлар томонидан ўлканинг босиб олиниши, мусулмон аҳолини тазйиққа учраши, солиқ ва бошқа тўловларнинг ҳаддан зиёд оширилиши асосий оқимнинг пайдо бўлишига туртки берган.

Тўртинчидан, ўлка аҳолисининг камбағал, қашшоқ турмуши, деҳқончилик учун ер етишмаслиги кўплаб уйғурларни мардикорликка ёлланишга мажбур қилган. Мавсумий иш излаб келган мардикорлар кейинроқ ўз оилаларини водийга кўчириб олиб кела бошлаганлар.

Бешинчидан, 1902 йили Қашқарда юз берган даҳшатли zilзила оқибатида уй-жойидан айрилган кўплаб уйғурлар ўз таниш-билишлари ва яқинлари яшаб турган ҳудудларга кўчиб кетган.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг ўрталарига қадар давом этган уйғурларнинг водий ҳудудига миграциясини шартли равишда тўрт йирик босқичга ажратиш мумкин:

Биринчи босқич, 1845 йилдан 1860 йиллар оралиғида кечиб, 70 мингдан зиёд қашқарлик водийга кўчириб ўтилган. Бу даврдаги миграциянинг асосий хусусияти, хитой-манжурларни ўлкани босиб олишга қаратилган уринишлари даврида Қўқон хонлари томонидан мусулмон биродарларига

ёрдам кўрсатиш мақсадида озодлик ҳаракатлари қўллаб-қувватлаб турилган. Мазкур даврда Қўқон ҳарбий қўшинига эргашган ва расман хонларнинг ёрдами билан уйғур қочоқларининг йирик оқими водийга кўчириб олиб келинган.

Иккинчи босқич, 1876-1896 йилларда рўй берган. Бу даврда 85 мингдан 160 дан то 300 минггача шарқий Туркистонликлар водийга кўчиб ўтган. Ёқуббек давлати тугатилгач, хитой-манжурларининг жабр-зулми янада кучайганидан норози бўлган халқ водийга қараб қочиб кета бошлаган. Шунингдек уйғурларнинг кўчиб келишидан Россия ҳукумати ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолишга уринган. Кўчиб ўтган аҳолини чекка ўзлаштирилмаган чўл зоналарига Хитойга қарши плацдарм сифатида жойлашга ҳаракат қилган. Хитой ва Россия ҳукуматларининг келишув битимига кўра, уйғур қочоқларини қабул қилиш учун Россия ҳукумати Хитойдан 9 миллион рубль товон пули олган.

Учинчи босқич, 1900 – 1920 йиллар оралиғида кечган. Бу даврда 100 мингдан ортиқ муҳожир-мардикор кўчиб келган. Бу даврда табиий қийинчилик, ҳосилсизлик, солиқларнинг ҳаддан зиёд оширилганидан халқ норози бўлган. Иқтисодий қийинчилик туфайли шарқий туркистонлик аҳоли мардикорликка ёлланиб, Ўш, Андижон, Қўқон томонларга кетган. Кейинроқ улар ўз яқинлари, оила аъзоларини ҳам кўчириб олиб келишган.

Тўртинчи босқичда – 1955 йилдан 1962 йилгача яна 10 мингдан ортиқ уйғурлар водийда яшаётган яқинлари ва қариндошлари ёнига келиб қўшилган. Бу муҳожирлик даврининг хусусияти шундаки, Хитой ва собиқ шўролар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатлар барҳам топгач, икки давлат фуқаролигига эга уйғурларнинг кўпчилиги Фарғона водийсига кўчиб ўтишни маъқул билганлар.



ЭСМА университетининг талабалари билан Арсиф тепалигидаги учрашув. 2023 йил.

Ўтган асрнинг 60-йилларига қадар унча катта бўлмаган кўчишлар давом этган. Миграциянинг охирги босқичларида эса икки давлат ҳукумати келишуви асосида яна минглаб уйғурлар Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳудудларига кўчиб ўтган”⁶⁰.

Бу вақт давомида тарихчи олима Г.К.Қосимова айтганидек Фарғона водийси ҳудудига, жумладан Арсиф қишлоғига ҳам кўчиб ўтган уйғурлар тожиклар, ўзбеклар ва қирғизлар билан қоришиб кета бошладилар. Ушбу ўзаро аралашиб кетиш жараёни ҳаётнинг барча жабҳаларида намоён бўлди. Хусусан, уйғурлар маҳаллий миллатлар билан ўзаро никоҳ муносабатларига киришдилар, натижада этник

⁶⁰ Валихонова Г. Фарғона водийси уйғурлари: турмуш тарзи ва маданияти. – Т.: “YANGI NASHR”, 2013. 32-34-б.

аралаш оилалар кўпайди⁶¹. Бу ҳақда япониялик тарихчилар Шимен Ясуши ва Яёи Кавахараларнинг “Фарғонада водийсидаги уйғурлар ва уларнинг хотиралари” номли китобларида қизиқарли маълумотлар келтириб ўтилган⁶².

АРСИФНИНГ ҚАДИМГИ МАСЖИДЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Давлат архиви фондида олиб борилган изланишлар давомида 1963 йилда “Фарғона вилоятидаги фаолияти тўхтатилган масжид бинолари биносининг ҳисоби” номли 13 та йиғма жилддан иборат китобларга дуч келдик. Мазкур китобларнинг ўша вақтдаги вилоятдаги, жумладан Арсиф қишлоғидаги масжидлар биноси ҳақида ҳам қисқача маълумотлар мавжуд. Қуйида ушбу маълумотларни биринчи марта китобхонлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

Арсиф қишлоқ кенгашига қарашли Арсиф қишлоғида жойлашган “Арсиф масжиди” XIX аср охири XX асрнинг бошларида сомонли лойда синчли қилиб қурилган бўлиб, умумий майдони 97 м². дан иборат бўлган. Архив маълумотларига кўра масжид 1934 йилда ёпилган ва омборхона сифатида фойдаланилган.

Арсиф қишлоқ кенгашига қарашли Арсиф қишлоғида жойлашган “Арсиф масжиди” XIX аср охири XX асрнинг бошларида сомонли лойда синчли қилиб қурилган бўлиб,

⁶¹ Қосимова Г.К. Уйғурларнинг Фарғона водийсига миграцияси: сабаблари ва оқибатлари // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 1–қисм. Тошкент, 2005. 196-197-б.

⁶² Shinmen Yasushi., Kawahara Yayoi . Fergana bonchino uigurujinto ekkyono kioku (in Japanese, The Uyghurs of the Ferghana Valley and Their Recollections of Crossing the Border), NIHU Program Islamic Area Studies TIAS: Department of Islamic Area Studies, Center for Evolving Humanities, Graduate School of Humanities and Sociology, The University of Tokyo, Tokyo, 2010.

умумий майдони 115 м2. дан иборат бўлган. Архив маълумотларига кўра масжид 1929 йилда ёпилган ва омборхона сифатида фойдаланилган .

Арсиф қишлоқ кенгашига қарашли Арсиф қишлоғида жойлашган “Арсиф масжиди” XIX аср охири XX асрнинг бошларида сомонли лойда синчли қилиб қурилган бўлиб, умумий майдони 71 м2. дан иборат бўлган. Архив маълумотларига кўра масжид 1933 йилда ёпилган ва омборхона сифатида фойдаланилган .

Арсиф қишлоқ кенгашига қарашли Арсиф қишлоғида жойлашган “Арсиф масжиди” XIX аср охири XX асрнинг бошларида сомонли лойда синчли қилиб қурилган бўлиб, умумий майдони 101 м2. дан иборат бўлган. Архив маълумотларига кўра масжид 1929 йилда ёпилган ва яроқсиз ҳолга келиб қолган .

Арсиф қишлоқ кенгашига қарашли Қалъача қишлоғида жойлашган “Қалъача масжиди” XIX аср охири XX асрнинг бошларида сомонли лойда синчли қилиб қурилган бўлиб, умумий майдони 60 м2. дан иборат бўлган. Архив маълумотларига кўра масжид 1934 йилда ёпилган ва минерал ўғитлар омборхонаси сифатида фойдаланилган .

Арсиф қишлоқ кенгашига қарашли Қалъача қишлоғида жойлашган “Қалъача масжиди” XIX аср охири XX асрнинг бошларида сомонли лойда синчли қилиб қурилган бўлиб, умумий майдони 91 м2. дан иборат бўлган. Архив маълумотларига кўра масжид 1930 йилда ёпилган ва мактаб сифатида фойдаланилган .

Арсиф қишлоқ кенгашига қарашли Қарамқуд қишлоғида жойлашган “Қарамқуд масжиди” XIX аср охири XX асрнинг бошларида сомонли лойда синчли қилиб қурилган бўлиб, умумий майдони 75 м2. дан иборат бўлган. Архив

маълумотларига кўра масжид 1933 йилда ёпилган ва омборхона сифатида фойдаланилган.

Арсифдаги қадимий масжидни Искандар халифа номи билан боғлайдилар.



Арсиф жомеъ масжиди. 2024 йилда олинган сурат.

Айтишларича у Арсиф қишлоғида масжид қурдирган ва ўзи шу масжидда имомлик қилган. Советлар даврида ушбу масжид омборхона вазифасини бажарган. Ушбу қадимий масжиднинг ўрнида 2008 йилда янги жоме масжиди бино қилинган.

Масжиднинг майдони 0,275 га. Масжиднинг имоми Сулаймонов Саидвали (Суфон қишлоғидан). Имом ноиб Мирзараҳимов Йигитали (Арсиф қишлоғидан). Мутавалли Ашуралиев Авазжон (Арсиф қишлоғидан).

Масжид сиғими 500 кишига мўлжалланган. Жума ва ҳаййит намозларида намозхонлар сиғими 1500-1700 нафарга етади.

Манзили.Арсиф қишлоғи, Сиҳаттоҳ кўчаси 136-уй.

АРСИФЛИК АВЛИЁ – ИСКАНДАР ХАЛИФА

Валийларга меҳру муҳаббатимиз уларнинг камоли ва жамолига ва барча ҳолат-ишларига ҳурмат-эҳтиромимиз натижасидир. Ушбу садоқат қалбларимизга Аллоҳ солган муҳаббат нури каби порлоқ, буюк зотларга таъзимимизни юзага келтиради. Аллоҳ таолонинг муборак номларини ҳар замон тилидан қўймайдиган азиз-авлиё маърифатидан баҳраманд бўлган, ҳар қачон ва ҳар бир ҳолатда Аллоҳ ёдини унутмаган зотлар учун валийлар ҳаёти намунадир.

Шайх Фаридуддин Аттор

Кундалик ҳаётимизда “азизлар”, “валийлар”, “бузруклар”, “зоти баракотлар” сингари сўзларни кўп эшитсак-да, айрим ҳолларда унинг мазмун-моҳиятига эътибор бермаймиз. Аммо, ўтмишда бу сўзлар халқимизда ғоят эъзоз билан тилга олиниб келганлигини таъкидлашдан сира чарчамаймиз. Биз ҳам авлиё сўзига изох бериш учун китобларга мурожаат қиламиз:

“Авлиё (араб.валий сўзининг кўплиги, худога яқин одам)-тасаввуфда Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билган, унинг буюрганларини бажариб, гуноҳ ишлардан ўзини сақловчи, дунё лаззати ва шаҳвоний ишлардан юз ўтирувчи киши. Ислом анъанасида авлиёлар қайсидир бир иши, хизмати ёки хислати туфайли Аллоҳга яқин бўлиб қолган, дуолари мустажоб, солиҳ, қобил, камтар кишилардир. Авлиёлар пайғамбарлар даражасидан кейин туради. Авлиёларнинг мазорларини зиёрат қилиб, ибрат олиш ислом динининг ҳанафийлик мазҳабида савобли ишлардан ҳисобланади”.⁶³

⁶³Ислом энциклопедияси. Т., 2004. – Б.20.

Халқ орасида авлиёларга Аллоҳнинг дўстлари, азизлар, каромат соҳиблари, марди худо, валиюллоҳ, аҳлуллоҳ, эранлар, мардон, аҳли дил, ориф, дарвешлар сингари сифатлар нисбат берилган. Уларнинг ғайри табиий хислатлари хусусида турли қарашлар мавжуд. Бу ҳақда Алишер Навоий “Насойимул муҳаббат” асарининг дебочасида шундай ёзади: *“Авлиёларда зоҳир бўладиган ғайри табиий одатлар ва кароматлар баёни авлиёларнинг мартабалари кўп бўлганидек, булар ҳам кўпдир. Чунончи, бир нечтасини санаб ўтайин: мавжудликдан йўқ бўлиш ва йўқликдан мавжуд бўлиш ва яширин амрнинг изҳори ва кўриниб турган амрнинг яшириниши ва дуонинг ижобат бўлиши ва озгина вақт ичида узоқ йўлни босиш ва сезгилар (кўриш, эшитиш каби) сезмайдиган ишлардан хабар топиш ва бир вақтнинг ўзида бир неча хилма-хил жойда ҳозир бўлмоқ ва ўликни тирилтириш ва тирикни ўлдириш ва жисмлар, ўсимликлар, ҳайвонлар тилини англаш, уларнинг Худога тасбеҳини билиб туриш ва таом, ичимликка ҳожат пайдо бўлгандай буларнинг сабабсиз пайдо бўлиши ва сув устида юриш ва ҳавода учишдек ва одамлар емайдиган нарсаларни еб кун ўтказиш ва ҳайвонлар билан дўстлашиш ва баданда ҳаддан зиёд қувват пайдо бўлиб, дарахтни илдизи билан қўпориш ва деворни бармоқ ишорати билан учирмоқ ва гарқ бўлаётган кемаларни қутқармоқ. Одам аҳли тилаганидек ишлар, масалан ёмғир ёғдириш, шамол қўзғатиш, сел келтириш ёки селни дафъ қилиш ва чигиртка офатини дафъ қилиш ва турли суратда кўриниш. Биёбонда сарсон бўлганларга раҳнамолик қилиш ва ёрдам бериш”*.⁶⁴

Азалдан инсон маънавий дунёси, кўнгли ҳамиша комилликка, етукликка талпиниб келган. Пайғамбарлар ва

⁶⁴Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат.. Ўн бешинчи том. Т.: Фафур Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – Б.73-74.

валий зотларга эргашишда комилликка интилиш, улар сиймосида ўзликни англаш, мақталган ахлоқ, илоҳий фазилат ва сифатларни мукаррам деб ҳисоблаш, маънавиятни юксак қадрлашдек эзгу ният мужассамдир.

Валий зотлар Аллоҳнинг “Қаййум”⁶⁵ исми ва сифатини биладиган, Унинг буюрганларини бажариб, гуноҳ ишлардан ўзини сақлаган, дунё лаззатидан охират ободлиги учун кечган, дуолари мустажоб, солиҳ инсонлардир. Валий сўзи “яқин, азиз, соҳиб”⁶⁶ маъносини англатади. Валийнинг кўплиги – авлиё дейилади. Валий тушунчаси Қуръони карим ва ҳадиси шарифга асосланган бўлиб, “дўст” маъносини билдиради, яъни “Аллоҳ эса тақводор зотларнинг дўстидир”⁶⁷. Демак, валий – Аллоҳнинг дўсти. Шу маънода Қуръони каримда зикр этилган Луқмони ҳаким⁶⁸ валий инсон бўлгани зикр этилган: “Аниқки, Биз Луқмонга ҳикмат ато этдик (ва унга дедик): “Аллоҳга шукр қилгин! Ким шукр қилса, фақат ўз фойдаси учун шукр қилур (яъни қилган шукрининг фойдаси ўзига бўлур). Ким ношукурлик қилса, бас, албатта Аллоҳ (унинг ва барча оламларнинг шукр қилишидан) беҳожат ва ҳамду саногоа лойиқ зотдир”⁶⁹.

Валийлик “Аллоҳга эътиқод қилиш, Ундан бошқасидан беҳожат бўлиш ва қаноат”⁷⁰ сифатларида мужассам бўлиб, тазкира ва маноқибларда валийлар “ориф”, “мажзуб”, “аҳли кўнгил”, “аҳли дил”, “аҳли дард”, “аҳли ҳикмат”, “ишқ эли”,

⁶⁵ Қаййум – “Ал-асмо ал-хусно” (Аллоҳ исмлари .)нинг 99 исмларидан бири бўлиб, ўз-ўзидан турувчи, бошқаларни турғизувчи, барча махлуқотни назорат қилувчи ва ҳимоя этгучи деган маъноларни билдиради.

⁶⁶ Алишпер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт жилдлик. I-жилд. – Т.: Фан, 1983. 358-б.

⁶⁷ Қуръони Карими карим маъноларининг таржимаси. “Жосия” сураси, 19-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. 500-б.

⁶⁸ Луқмони ҳаким – Қуръони Карими каримда тилга олинган донишманд ва донолик тимсоли, пайғамбар экани ҳақида ривоят қилинган. Аллоҳ унга нарс ва воқеа-ҳодисанинг моҳият-ҳақиқатига беҳато етиш ва энг тўғри ҳукмини чиқара олиш неъматини, яъни ҳикматни ато этган.

⁶⁹ Қуръони Карими карим маъноларининг таржимаси. “Луқмон” сураси, 12-оят. 412-б.

⁷⁰ Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Т.: ЎзМЭ, 1997. 77-б.

“ошиқлар”, “валиюллоҳ”, “хос қуллар”, “эранлар”, “азизлар”, “марди худо”, “аҳдуллоҳ”, “девона”, “дарвеш”, “эшон” каби маънодош иборалар билан ифодаланган.

Ҳар бир валий зот илоҳий амр ва ҳукмларнинг бажарилишига масъул “Аллоҳ кўзларидан бир кўз”⁷¹ дирки, “биз (валийлар) Худони халққа танитмоқ учун дунёга келдик”⁷² деган сўзлари уларнинг ҳаётӣй маслакларини ифодалайди: Аллоҳ улар(нинг юзлари)га жилва-нур, (дилларига) сурур бахш этар⁷³.

Валий зотлар Муҳаммад (с.а.в.)нинг “Аллоҳ хулқлари билан хулқланингиз”⁷⁴ ҳадисини ҳаётларининг мазмунига айлантиришган. Уларнинг ибратли сўзлари, хатти-ҳаракатларини кўрган ёхуд эшитганлар қусур-камчиликларини тузатишга интилишган.

Тасаввуф адабиётлари, хусусан, маноқибларда пир-машойихда зоҳир бўладиган ғайритабиӣй одат ва кароматлар, валий зотларнинг мартабалари зикр этилган. Унга кўра, валий зотлар туш кўриш, бўлажак воқеаларни олдиндан башорат қилиш, узоқ шаҳардаги яқин кишиси билан алоқа боғлаб (робита) сўзлашиш, руҳнинг жисмдан ажралиб сайр этиши ва қайтиб жисмга кириши, ўзгалар фикрини уқиб олиш ва фикран ўзгаларга таъсир ўтказиш, нафас қуввати, назар қуввати, дил қуввати, кўнгилдан ўтказиш, ҳолатга кириб вужуддан нур таратиш каби хислатларга эга бўлишган. Жумладан, Шайх Абдуллоҳ Муборак дуоларининг ижобати, Хожа Аҳмад Яссавийнинг руҳӣй мадади, Шайх Нажмиддин Кубронинг “валийтарош” лиги, Хожа

⁷¹ Алишер Навоӣй. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Ўн еттинчи жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. – Т.: Фан, 2001. 127-бет.

⁷² Алишер Навоӣй. Насойим ул-муҳаббат. 429-б.

⁷³ Қуръони Карими карим маъноларининг таржимаси. “Инсон” сураси, 11-оят. 579-б.

⁷⁴ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ал-жомӣъ ас-саҳиҳ. Ҳадис 4. 251-б.

Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг кашфу каромати, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг балоларни даф этиши, Хожа Аҳрор Валийнинг бўлажак воқеа-ҳодисаларни туш кўриш орқали баён этиши шулар жумласидандир.

Эътироф этиш жоизки, валий зотлар инсонлар қалбини шамдек ёритиб, халққа беминнат хизмат қилишган. Шунингдек, илм бериш, адашганларни тўғри йўлга солиш, мискинларга саховат кўрсатиш, бева-бечораларга ҳиммат қилиш, етимлар бошини силаш, ғариблар кўнглини шод қилиш, жамики махлуқотга меҳр-шафқат назари билан қараш авлиёulloҳга (Аллоҳнинг валийси, дўстига) хос фазилат бўлган. Валий зотлар бўлган, бор ва кейин ҳам бўлади, то ҳаёт бор экан, улар миллатни соғлом эътиқод асосида иш кўришда, халқни Ҳақ ва ҳақиқат томон даъват қилишда раҳнамолик вазифасини бажараверадилар.

Фикримизнинг далили сифатида Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг(1103-1179) қуйидаги сўзларига эътибор берайлик: *“Эй одамлар, авлиёларнинг кароматини Ҳақ деб билинг, подшолик боргоҳининг соҳиб валоятлари мақомотларини ҳақиқий деб ҳисобланг, меҳрибонлик назарини ташувчилар деб тушунинг, суҳбатларини офтоб каби қадрланг, уларга ҳимматингизни қаратинг. Шундай қилсангиз, шояд Аллоҳнинг тавфиқи сизга рафиқ бўлиб, азизларнинг ахлоқи тарбиясидан шундай саодатга етсангиз!”*⁷⁵.

Шу ўринда валийлик тўғрисидаги баъзи бир халқона қарашлар хусусида тўхтаб ўтсак. Масалан, авлиёлар дуосининг ижобат бўлиши тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу ҳақда Фарииддин Аттор шундай нақл қилади: *“Нечунким, Яҳё ибни Муоз раҳматуллоҳи алайҳ*

⁷⁵Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний. Сўзбоши, таржима, луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 72.

дунёдан ўтганидан кейин уни тушда кўрдилар ва сўрадилар “Аллоҳ таоло сенга не қилди?” деб. Айтдики, “Роббим хитоб этди: “Ё Яҳё! Менинг сен билан қаттиқ жазолов ишларим бор эди, аммо бир кун мени сўзлар эрдинг ва сўзлаб-эслаб таъзим қилар эдинг. Менинг валиларимдан бирови у ердан ўтар экан, сенинг таъзим ила мадҳу сано этишингни эшитиб, вақти хуш бўлди ва сени дуо қилди. Ўшал валининг дуоси баракоти ила сени ҳам дўстларимдан қилдим ва сенга раҳмат айладим!”⁷⁶.

Азиз-авлиёлар Худонинг қиличи эканлиги тўғрисидаги халқона қарашлар ҳам эътиборга молик.

Манбаларда келтирилишича, XIII асрда яшаб ўтган фарғоналик ҳазрат Бурҳониддин Қилич муслимларга ниҳоятда раҳм-шафқатли, Худонинг неъматларидан баҳраманд бўлиб, шукронасини адо қилмайдиган жоҳилларга нисбатан эса қаҳрли бўлган экан. Жоҳиллардан бир нечтаси ул зот ҳақида ғийбат қилганларида, уларни ўз ҳузурларига таклиф этиб, шифтга соч толасига осилган жуда ўткир тиғли қилични кўрсатган экан. Икки томонли тиғи ўткирланган ва ойнадек мусаффо (ялтироқ) қилич шуъласига пашша ва қўнғизлар ўзларини урар эди ва қилич тиғига тегиб, икки бўлиниб ерга тушар ва ҳалок бўлар эди. Шунда Султон Бурҳониддин ғийбатчиларга қараб: “Айтинглар қани, айб шамширдами ёки қўнғизу пашшадами? Сизлар ўзларингизнинг айбингиз бирлан ўзингизни қиличга уриб, ҳалок бўласизлар!”, дейди. Шу воқеа ҳам сабаб бўлиб, Султон Бурҳониддинга «Қилич» лақаби қўшилган экан”⁷⁷.

⁷⁶Фаридиддин Аттор. Тазкират-ул Авлиё. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 1997. – Б.4.

⁷⁷Қаранг: Караффа-Корбут К. Узгенская легенда // Протоколы и заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год 2-й (11 декабря 1896-11 декабря 1897). Т., Протокол заседания 16 октября 1897 г; Орлов В. Клыч Бурханиддин, сын Саид-Камаледдина (Узгенский Георгий Победононец) // Туркестанские ведомости. 13(26).04.1908, №82; Махмуд ибн Вали. Море тайн. Т.: Фан, 1977; Абул Ҳакими Самарқандий. Қандия. Самарқанд.: Суғдиён. 1994; Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. Самарқанд.: Суғдиён, 1994; Илёсхон Ғозий. Маҳдуми Аъзам

Авлиёларнинг мазах қилиш ва улар устидан кулишнинг оқибати нақадар аянчли бўлиши ҳақида ҳам халқимизда кўплаб ривоятларни эшитиш мумкин.

Икромиддин Остонақулнинг “Фарғоналик валийлар” асарида шу ҳақда қуйидаги воқеа баён этилган: “Кунлардан бир кун шум ниятли кишилар Азимхожа эшон исмли авлиёни мазаммат қилиш учун бир одамни ўлди деб гап тарқатиб, тобутга солиб, жаноза намозига одам йиғишади. Жаноза намозини сиз ўқинг, деб эшондан илтимос қиладилар. Эшон жаноза намозини ўқийди. Шунда шумлар “Бу одам ўлгани йўқ эди, сизни синовдик”, деб кулишади. Шунда Азимхожа эшон: “Очиб қаранглар, балки ўлгандир”, дейди. Тобут устини очиб қарашса, ҳалиги одам чиндан ҳам ўлиб ётган экан”⁷⁸.

Шу сабабдан Турк шоир Юнус Эмро байтларининг бирида жумладан шундай деган эди:

Авлиёга мункирлар
Ҳақ йўлига осийдур,
У йўлга осий бўлган
Кўнгилларда занг эрур.⁷⁹

Ҳирот пирларидан Абдуллоҳ Ансорий (1006-1088) қуддиса сирруҳу (Аллоҳ унинг сирини муқаддас тутсин) ўз асҳобларига: *“Ҳар пирдан бир сўз эслаб қолинг, агар бу қўлингиздан келмаса, уларнинг исмини ёд олинг, бундан баҳра*

Имом ал-Косоний. Т.: Ўзбекистон, 1996; Абашинов С. Н. Бурханиддин - Кылыч: Ученый, правитель, чудотворец? // Подвижники ислама. М.: Восточная литература, 2003; Джагал ал- Карши. Ал-Мулхакат би-с-сурах. История Казахстана в персидских источниках. I том. Алматы.: Дайк-Пресс, 2005; SAWADA M. Genealogy of Makhdūm-i A'zam and Cultural Tradition of Mazārs // Studies on Mazar Cultures of the Silkroad. Hingjiang. 2008.

⁷⁸Икромиддин Остонақул. Фарғоналик валийлар.Т.: Мовароуннахр, 2001. – Б. 79.

⁷⁹ Юнус Эмро. Нечун йиғларсан эй булбул. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018.-Б 124.

топасиз”, дея васият қилган эди⁸⁰. Чиндан ҳам Худонинг дўстлари деб аталувчи улуғ зотлар бўлган авлиёлар номини ёдга олиш, уларнинг файзи осори қутлуғ, сербарокот қабрларини зиёрат қилиш қадимдан савобли ишлар жумласидан ҳисобланган. Зеро, Низомиддин Мир Алишер Навоий авлиёлар тазкираларини ўқишнинг фазилатларини сўзлар экан, “умид улки, бу залолат водийсида гумроҳдек маҳрумлар бу ҳидоят олами раҳнамойиларининг оёғи тупроғи бирла тийра бўлгон ботин кўзларин ёрутмоққа баҳраманд бўлғойлар ва хокисор бошин оёқларга туфроқ қилмоқ бирла сарбаланд бўлғойлар”,⁸¹ деб ёзган эди. Бундан кўринадики, ҳазрат Алишер Навоий авлиёларни “ҳидоят оламини раҳнамойлари”, яъни тўғрилиқ оламининг сарбонлари деб таърифлаган⁸². Чунончи, тасаввуф тариқатининг улуғ намоёндаларидан бири ҳазрат Маҳдуми Аъзам (1463/64-1542) ўзининг “Рисолаи вужудия” асарида валийлар хусусида қуйидаги таърифни келтиради: “Валийнинг уч белгиси бор, у баъмани, унинг юзини кўрсанг, юрагингни тортади. Иккинчиси мажлисда у маънили сўзлаганида, ўз борлиги ва сўзлари билан ҳаммани ўзига тортади. Учинчиси шуки, баъманиликда у оламнинг энг хосидир. Унинг бирор узвидан ёмон ҳаракат юзага чиқмайди”⁸³.

Нақшбандия силсиласининг Маҳдуми Аъзамдан кейинги йирик вакили Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий (тахм. 1485-1571) тўғрисида маълумотлар берувчи “Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиб” асарида авлиёлар хусусида ушбу маълумотлар келтирилган: *“Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ*

⁸⁰Абдурахмон Жомий. Баҳористондан.Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. –Б. 296.

⁸¹Алишер Навоий. Асарлар. 14 Том. Т., 1973. – Б.23.

⁸²Икромиддин Остонакул. Фарғоналик валийлар.Т.: Мовароуннаҳр, 2001. – Б.11.

⁸³Зоиров Э.Х. Маҳдуми Аъзамнинг «Рисолаи вужудия» асари хусусида // Академик Убайдулла Каримов номидаги Ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. Т., 2006. – Б.68.

айтдилар: “Марди Худолар (яъни авлиёлар) билан беллашмоқ ва ўзида сезган баъзи ҳолатлар билан мағрурланмоқ лозим эмасдир. Истиғно ва истикбордан шумроқ нарса ва куфр йўқки, охирги ҳоли ва оқибати қийинчилик бўлмай. Аллоҳдан тавфиқ ва кўмак тилаш керакким, то иршод аҳлининг иноятини топсинлар ва Ҳақ таоло тавфиқини азизларнинг инояти ва муҳаббатидан деб билсинлар.

Мардларнинг (авлиёларнинг) иноятисиз ҳеч инсон хатарлардан, хатоликлардан омонликда бўлмайди. Зубдату-л-орифин Ҳазрати Чалабий буюрибдурларки, иноятсиз фойда бермагай. Агар авлиёulloҳларнинг инояти камолидан ҳар иккисига эга бўлсалар, нур устига нур бўлгусидир”⁸⁴.

Азиз – авлиёларнинг фазилатлари хусусида XVIII асрда яшаб ўтган Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий ўзининг «Мифтоҳ ул асрор» («Сирлар калити») номли асарида жумладан шундай ёзади:

“Анбиёларнинг, уларга саломлар бўлсин, фозиллари ва комиллари ва авлиёлар, уларнинг барчасига Аллоҳ таолонинг розилиги бўлсин, бир ойина кабидурларки, Худованди таоло ўзининг ҳукмлари ва сирларини бу ойнада зуҳур қилдиради, уларнинг вужуди ва тилидан бу ҳукм ва сирларни инон ва ихтиёрсиз содир қилади. Тўтига ўхшаган муридлар ва таълим олувчилар ўзларининг суврати ва жисмига ўхшаиш бу зотлардан маъориф ва ҳақойиқларни тинглайдилар, ахлоқ ва одоб ўрганадилар. Уларнинг сўзлари ва ҳаракатларини уларнинг ўзларидан деб ўйлайдилар, уларга тобелик ва пайравлик қиладилар, Бу нарсалар бошқа жойда эканини билмайдилар”⁸⁵.

⁸⁴Муҳаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ Маноқиб. Т., 2002. Б.121.

⁸⁵Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий. Мифтоҳ ул асрор. Т.:Ўзбекистон давлат консерваторясининг «Муסיқа» нашриёти, 2006. – Б.84.

Авлиёлар тўғрисида “Ҳазрати Башир маноқибӣ” асарида қуйидагича баён этилади: *“Аллоҳ Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бундай инсонни ўзининг махфий бўлган сир-асрорларидан хабардор қилиб қўяди. Бу ҳолатда инсон валоят салтанатининг тахтига ўтиради. Бу мартабани топган инсон бу дунёда ўзини йўқ деб ҳисоблайди ва охират кунда ўзини ҳақиқий инсон деб билади. Авлиёulloҳларда баъзи кароматлар пайдо бўлади. Чунончи инсонларни ички феъл-атворларидан хабардор бўлган ҳолатда уларни йўлидан адашганлар ва қилган гуноҳлари ва савоб ишларини айнан кўз билан кўргандек ва ё қулоқ билан эшитгандек айтиб берадилар”*⁸⁶.

Ҳазрат Ашраф Али Таҳонавий айтадилар: “Ҳақ таоло билан алоқаси дуруст ва кучли бўлган кишидан муслмонларга у киши буни мақсад (ният) қилмаса ҳам фойда етаверади, бундай киши худди қуёшга ўхшаб қолади. Қуёш ўзининг кимларга қандай фойдаси тегаётганини билмайди, фойдалантириши керак бўлган нарсаларга фойда етказишни қасд ва ирода ҳам қилмайди. Шундай бўлса ҳам, фойдаси тегаверади. Алҳамдулиллаҳ, улуғларимизнинг ҳоллари ана шундай эди”.⁸⁷

Дарҳақиқат бани башар орасида шундай одамлар бўладики, улар гарчанд шуҳратдан, одамларнинг зоҳирий (кўпинча риёга айланиб кетадиган) тавозуъ-таъзимидан ҳарчанд ўзларини четга олмасинлар, эл эҳтироми уларни излаб топаверади. Атрофини кўпчилик ўраб олаверади, қавм назари бамисоли илоҳий назар каби мудом таъқиб этади. Одамлар уларга билиб-билмай, ҳавас ва тақлид қиладилар, суратда ва сийратда уларга ўхшашни, Тангри, улар

⁸⁶Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир маноқибӣ... — Б.260.

⁸⁷ Муҳаммад Шафъ Усманий. Маҷолис ҳақимул умма. / Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Ёрқинжон Фозилов – Т.: “Hilol - Nashr”, 2023. – Б.155-156.

зурриётларини ҳам уларга ўхшатишини орзулаб яшайдилар.⁸⁸

Нақшбандия тариқатининг муршиди ҳазрат Искандар халифа ҳам мана шундай табаррук зотларнинг бири эдилар. Чунки бир аср муқаддам яшаб ўтганлигига қарамай у ҳақдаги хотиралар кечагидек инсонлар ёдидан унутилиб кетмаган. Искандар халифа билан боғлиқ ривоятлар унинг ихлосмандлари хонадонларида авлоддан-авлодга айтиб келинган.

Ушбу ривоятларни тинглар эканмиз, у зот ҳақида сўз айтиш бизнинг вазифамиз эмасдек туюлади, чунки авлиёлар ҳақида сўз айтишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ўша зот мақомидаги киши, жилла қуриса, у зотни кўрган ва суҳбатларини топган киши бўлиш керак. Азимхожа эшон айтганидек:

Билур билмас, ақлингизга бино қўюб,
Эранларга тил текизманг, дўстларимо.
Қўрқарманким, йиқилгайсиз йўлдин тойиб,
Эранларга тил текизманг, дўстларимо.⁸⁹

Ғойибдан туриб кўрмаган кишиси ҳақида сўз айтиш доим ҳам ўзини оқлайвермайди, лекин у зотга бўлган ғойибона муҳаббат бизни бу соҳада сўз айтишга журъат берди.

Ҳазрат Искандар халифа шахсиятида ҳам биз бир умр Ҳақ ризосига интилиб яшаган комил инсон сиймосини кўрамиз. У зотнинг хулқи ва сийрати, ахлоқий қарашлари, шахсий ҳаётларида қўллаган гўзал одоб намуналари ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди. Бинобарин Искандар халифа оддий мўмин сифатида яшаб, комил инсонлар – орифлар,

⁸⁸ Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Абдусаммад Охунд Қоил Марғилоний . – Т.: “Noshir”, 2013. – Б.12.

⁸⁹ Азим Хожа эшон. Ҳикмат. / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Рафиддинов Сайфиддин Сайфулло ўғли. -Т.: “Ўзбекистон”, 1993.-Б.18.

шайхлар ва сўфийларнинг гўзал сийрат ва хулқларини ўзларида жамлашга эришди. Пирлик мақомида фаолият олиб бориб, оддий аҳоли қалбига йўл топа олган бетакрор зот эдилар.

Аждодлар маънавий мероси бебаҳо бойлик ва тенгсиз хазинадир. Унинг замирида аждодларнинг ибратли ҳаёти, пок эътиқоди, олийжаноб инсоний фазилатлари мужассамдир. Зеро, бу хазина нафақат ўз даври, шунингдек, келажак авлодлар маънавий ҳаёти учун мустаҳкам замин бўлади. Жумладан, валий зотларнинг пок эътиқоди, илму ирфон йўлидаги фидойилиги, камтарлик, хокисорлик, самимийлик каби фазилатлари ёш авлодда аждодларга чексиз ҳурмат-эҳтиром туйғуларини кучайтиради.

ИСКАНДАР ХАЛИФА “МАСНАВИЙ” ДАН САБОҚ БЕРГАН АВЛИЁ

Инсон қайси даврда ва қандай маконда яшамасин, унинг фитратида гўзаллик ва эзгулик мужассам. Бироқ барча бир хил шароитда дунёга келиб, бир хил ҳаёт кечирмайди.

Ҳаёт сўқмоқлари инсонларни турли кўйларга солади, турли вазиятлар билан рўбарў қилади. Айнан шу вазиятларда инсоннинг инсон бўлиб қола олиши ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди ва бу даврда кўпчиликнинг фитратидаги эзгуликларга путур ета бошлайди. Бундай таҳликали замонларда ҳам тўғри йўлда юриб, хосу авомни дин-диёнатга ундаб келган хос инсонлар борки улар устоз Сулаймон Ҳилми Тунахон таъбири билан айтганда: “Кутиб ўтиришга фурсатимиз йўқ. Уммати Муҳаммад авлодлари жаҳаннамга сел каби оқиб кетаётган экан, биз томошабин бўлиб тура олмаймиз. Бу селда оқиб бораётганлардан битта тўнка бўлса

ҳам, қутқариб қолайлик!" дея ўзларини ҳаётларини хавф-хатарга қўйган ҳолда умр кечирадилар. Таъқиб устига таъқиб ўтказилишига қарамай инсонларни маърифатга ошно қилишдек хайрли ишдан ўзларини четга олмадилар.

Шундай улуғ инсонларнинг ўз даврида қилган ақл бовар қилмас ишларининг ҳақиқий даражаси кўпинча уларнинг вафотларидан сўнг ошкор бўлади.

Масалан, ловия баҳор ва ёз мавсумида икки метргача ўсадиган кўзга ташланадиган ўсимлик бўлишига қарамай, мавсум сўнггида тугайди. Қарағай дарахти эса секин-аста ўсади ва унинг улуғворлиги ўнлаб йиллардан сўнг кўзга ташланади. Ёнғоқ эса узоқ вақтдан сўнг мева беришни бошлайди, аммо узоқ умр кўради.

Донолар ҳам шундай узоқ вақт давомида наслардан насларга ўтиб борадиган ишларни амалга оширадиган зотлардир.⁹⁰

XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Фарғона водийсида нақшбандия тариқатининг муршидларидан бири бўлган арсифлик Искандар халифа тўғрисида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Тассавуфга доир адабиётларда муршиди комилга тобе бўлган кишиларни учга бўлиниши айтилади:

1. Муридлар. 2. Халифалар. 3. Ворис.

Муршидга тобе бўлган ҳар ким – муриддир. Муршидлар ичида энг кўп ибодат этган, арбайни чеккан, неча кун оч қолиб, кеча-кундуз зикр ва ибодат билан машғул бўлган кишилар муршиднинг халифалари даражасига юксалиши мумкин.

Қўқон хонлиги даврида фаолият кўрсатган тасаввуф тариқати намояндлари тўғрисида сўз юритилган Аламбардор халифа, Алиберда халифа, Асқар халифа, Жаъфар халифа,

⁹⁰ Невзат Тархан. Маснавий терапия/. Таржимон: Г.Мирзаева. - Т: "Янги аср авлоди", 2022. – Б.28.

Зарифа халифа, Зунун халифа, Расул халифа, Эшон халифа Сафо, Тўрақул халифа, Эшон Халифа Олтмиш, Мир Жалил халифа, Холиқназар халифа, Ҳаким халифа, Халифа Сўфий Бадал, Халифа Солиҳ,, Чусмат халифа, Содик халифа, Халифа Саффор каби табаррук зотларнинг исмлари тилга олинади. Уларнинг барчасини исмига халифа сўзи қўшиб айтилган.

Маълумки, халифа сўзининг луғавий маъноси - ноиб, ўринбосар.

1) мусулмон жамиятининг ва мусулмон давлатининг диний ва дунёвий бошлиғи. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан сўнг чориёрлар пайғамбар ўринбосари сифатида давлатни бошқарганлар. Уммавий халифалар эса ўзларини Аллоҳнинг ердаги ноиби деб эълон қилганлар;

2) тасаввуфда тариқат (сулук)нинг шайхдан бир поғона куйида турадиган раҳбари. Тариқатда халифалар шайхнинг ўринбосарлари ҳисобланадилар. Уларга ҳам шайхнинг деярли барча ҳуқуқлари берилади;

3) ахийлар жамоасида пирнинг ўринбосари ва ёрдамчиси;

4) касб-корда устанинг ёрдамчиси. Касб-кордаги "хал атамаси талаффузда соддалаштирилиб, "халфа" деб аталган.

Бундан кўринадики, юқорида исмларига халифа сўзи қўшиб қайд этилган зотлар тариқатда шайхнинг ўринбосарлари ҳисобланганлар. Бироқ улар кейинчалик тариқатда ўринбосарликдан шайхлик даражасига эришганлар. Шундай бўлса-да, "халифа" сўзи уларнинг номларига қўшиб айтиб келинаверган.

Маълумки, Хожагон-нақшбандия тариқати нафақат ислом дунёсида вужудга келган илк сўфийлик таълимотларидан бири, балки пайдо бўлган ватани – Ўрта Осиёдан бошқа кўпгина ўлкаларга ҳам тарқалиб, мазкур ўлкалар халқлари маданиятига катта таъсир ўтказган энг нуфузли тасаввуф тариқатларидан бири ҳам ҳисобланади.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг халифалари, жумладан, Хожа Алоуддин Аттор (ваф. 802/1400), Хожа Муҳаммад Порсо (749/1348–822/1420) ва Хожа Яъқуб Чархий (ваф. 851/1447) даврида бутун Марказий Осиёга ёйилиб улгурган, навбатдаги авлод пирларидан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва унинг халифалари даврида эса сезиларли иқтисодий ва сиёсий қудратга эришган хожагон-нақшбандия тариқати шу даврдан бошлаб бошқа юртларга ҳам тарқала бошлади.

Мовароуннаҳрда вужудга келиб, тараққий топган мазкур тариқат хорижий ўлкалардан биринчи бўлиб ўша пайтлар Темурийлар давлати таркибига кирганлиги сабабли Марказий Осиё билан ягона маданий маконда жойлашган Хуросон ўлкасига кириб борди. Бухорога келиб, Хожа Алоуддин Атторнинг халифаларидан бўлмиш Мавлоно Низомиддин Хомуш (ваф. 860/1456) ҳузурида сўфийлик таълимини олиб кетган Саъдиддин Кошғарий (ваф. 860/1456) хожагон-нақшбандия тариқатининг Хуросоннинг Ҳирот ва бошқа шаҳарларида кенг тарқалиб, мустаҳкам ўрин эгаллашида катта роль ўйнади. Унинг халифаси Абдурахмон Жомий (817/1414-898/1492) даврида эса нафақат Хуросон диний, илмий ва маданий доиралари вакиллари, балки давлат амалдорлари ҳам ушбу тариқатга киришди.⁹¹

Айнан бу ҳолатни Искандар халифа фаолиятида ҳам кўриш мумкиндир. Арсифлик хожи Искандар ҳам тариқатда дастлаб шайх ўринбосари бўлганлиги учун “Искандар Халифа” номини олган. Гарчанд унинг ўзи пири муршид даражасига мақомига етиб тариқат шайхи сифатида машҳурликка эришган бўлса-да, шогирдлари ва

⁹¹ Раззоқов Ғ.хожагон-нақшбандия тариқатининг вужудга келиши, ёйилиши ва хорижий ўлкаларга тарқалиши.// "Хожагон-Нақшбандия тариқатининг ёшлар тарбиясидаги урни". – Б. : Бухоро нашриёти, 2023.-Б.29-31.

ихлосмандлари орасида “Искандар Халифа” номи билан эъзозлаб келинган.

Соҳиби каромат, олими раббоний, Қуръони карим ва пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларини халққа етказиб, ислом дини ривожига муҳим ҳисса қўшган валиюллоҳ Искандар халифа Туркистон заминида “Маснавий” дан шарҳ айтган авлиё сифатида машҳур бўлган. Амоний Арабоний унга бағишланган ғазалида:

Дидам он шайхи ҳамон чун кошифи асрорҳо,
Як суҳбати он авлиё фаҳри кунам бисёрҳо.

Мазмуни: Замона шайхи, сирларни кашф этувчи бу шайхнинг суҳбатини қурдим, бунга кўп фахрлар қиламан), деб ёзган эди.

Амоний Искандар халифани “пири дастгири равшан, соҳиб ул - мақомот - ва - л - каромот” (қалби равшан, қўлловчи пир, каромат ва мақомотлар соҳиби) деб атайди. Унинг ёзишича, Искандар Халифа Жалолиддин Румийнинг “Маснавий” асарини изоҳлашда тенгги йўқ зот бўлган:

Моро басо файзи расад чун Хожаи Азфорҳо.
Дар пеши у қалби сияҳ равшан бувад, огоз; бош,
Чанги занон бар доманаш гири аз он анворҳо.
Ҳар руз ҳар ёронро хонда чунон аз Маснавий...⁹²

Нақшбандия тариқатининг буюкларидан Абдуллоҳ Деҳлавий (1744-1824) шундай деган эдилар: “Уч китобнинг йўлдоши йўқдир. Булар Қуръони карим, Муҳаммад бин Исмоили Бухорийнинг “Жомъийи саҳиҳ” ва Жалолиддин Румийнинг “Маснавий” китобидир. Авлиёлик йўлининг

⁹² Маҳмуд Ҳасаний. Амоний Арабоний ва унинг “Баёзи” ҳақида. // Амоний Арабоний. Баёҳи маҳмуд ал-маҳбуб. – Т. : “Наврўз” нашриёти, 2015.- Б.4-8.

камолотини билдирадиган китобларнинг энг устуни “Маснавий” дир”.⁹³

Дарҳақиқат Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари тасаввуфнинг Илоҳий ишқ, иймон - эътиқод, тавба, сабр, фақр, **таваккул**, фано, бақо, сўфийнинг бурч ва одоби; кибр, нафс, манманлик, ёлғончилик, таъмагирлик, судхўрлик, нодонлик, жаҳолат, уларни бартараф этиш масалаларига бағишланган.⁹⁴

Жалолиддин Румий ёки Мавлоно Румий (1207-1273) номи билан машҳур бўлган зот дунёнинг улуғ донишмандларидан бири, беназир шоир ва бетакрор бир мутафаккир валий инсондир. Уни гоҳ Кант, гоҳ Спиноза, гоҳ Ҳегел каби файласуфлар билан қиёслайдилар. Аммо Мавлоно Румий ҳеч кимга ўхшамайди, у муаззам Шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ҳайкалидирки, унда тасаввуф тараққиёти ҳам, илму ҳикмат ва фалсафа ҳам, шеърият ва маънавият ҳам бирлашиб, олий кўринишда намоён бўлади. Унинг олти дафтардан иборат “Маснавийи маънавий” номли асарини “Форс тилидаги Қуръон” деб тавсиф этадилар.

Жалолиддин Румий ўзидан кейинги Шарқ шеърияти, тафаккури ва маънавияти тараққиётига улкан таъсир ўтказган ижодкордир. Алишер Навоий уни илоҳий ишқ куйчиси, буюкларнинг кўз илғамас чўққиси деб шарафлайди.⁹⁵

“Маснавий” асрлар давомида руҳиятга маънавий озуқа берибгина қолмай инсонларни истак-хоҳишларини англаб олишга ва ҳаётда қадам ташлашларига катта ёрдам бериб

⁹³ Юсуфий Ж. Машрабнинг бадиий мерослари.// Машраб. Девон.– Т.: “Янги аср авлоди”, 2006.-Б. 38.

⁹⁴ Рўзматзода Қодиркул Рўзмат ўғли. Хожамназар Хувайдо тасаввуфий қарашларида онтологик ва гносеологик концепция. Фалсафа фанлари доктори (Dsc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Тошкент. 2019. – Б.175.

⁹⁵ Муҳаммад Истеъломий. Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий. Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси.Техрон, 2001. – Б.3.

келган. Шу сабабдан Искандар халифадек тариқат пирлари шогирдларни тарбия қилишда Мавлоно Жалолиддин Румийнинг илҳомланган ҳолда “Маснавий”дан сабоқ берганлар.

Юртда ижтимоий ва маънавий соҳаларда бошланаётган турли парокандаликларнинг олдини олиш учун чораларни кўришга ҳаракат қилган Искандар халифадек табаррук зотлар “Маснавий”дан жавоб изладилар, маҳзун кўнгилларга тасалли ахтарадилар, дард ва аламларига ечим изладилар, шу тарзда маънан юксалишга интилдилар.

Маълумки, ўз даврининг улкан алломаси, истеъдодли тарбиячи, забардаст шоир Эшони Имло Бухорий (1686-1749) ҳам кубравия, нақшбандия, ишқия, жаҳрия сингари тўртта тариқатнинг пири бўлган. Шу боис бу зоти шарифни Мовароуннаҳр ва Хуросондан жомеус сулук (сулуклар мажмуаси) деб атаганлар.⁹⁶ Маълумотларга кўра Эшони Имло Бухорий ҳам шогирдларига “Маснавий”дан дарс берган⁹⁷

Абдулла Хароботий ўзининг “Маснавий Хароботий” айрида айтганидек:

“Маснавий” оинаи анвори дил,
“Маснавий” ганжинаи асрори дил.
“Маснавий” дарди ниҳонларга даво
“Маснавий” носури жонларга даво.
“Маснавий” ким бодаи ваҳдат эрур,
Лаззати ҳам ишрати раҳмат эрур.
“Маснавий” ким, ҳодиси ҳайи қадим,
“Маснавий” дур гўйиё баҳри азим.
“Маснавий” ким, маънии Қуръон эрур
Сарбасар ҳам ҳужжату бурҳон эрур...
Деса ҳар ким қўҳна ишқни нав қилай,

⁹⁶ Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2015.- Б.314.

⁹⁷ Исмоилов А. Зиндагиномаи Халифа Ҳасан Қаротегини. Душанбе: “Деваштич”, 2009. - Б.168.

Кеча-кундуз “Маснавий” ни ўқугай.
Ўчган ўтни “Маснавий” равшан қилур,
Бўлса хористон агар, гулшан қилур.
“Маснавий” ким бир улуғ дарё эрур,
Ўта урса, ҳар киши гавҳар олур...
Эй Хароботий, бу баҳрға фарқ бўл,
Келгуси шояд сани илкинга ул.⁹⁸

Искандар халифа ва унинг шогирдлари қаерга бормасинлар, ўша ерда маснавийхонлик кечаларини ташкил этиб, одамларга ва уларнинг ҳис-туйғулари учун фойдали бўладиган ҳикоятларни шарҳ этдилар ва уларга “Маснавий” орқали ўзларини кашф этишни ўргатдилар. Натижада Искандар халифанинг Мавлавий Шайх Фозил Кўхистоний, Мулла Теша Дамқўлий, Абдуллоҳ Хўқандий, Абдулазиз Учқўрғоний, Шайх Закариё Дамқўлий, Абдукарим Учқўрғоний, Мулла Ҳай домла, Амоний Аробоний, Мулла Турсунмуҳаммад Учқўрғоний сингари шогирдлари ҳам “Маснавий”дан шарҳ қилувчи замонасининг пешқадам уламолари сифатида юртга танилдилар.

Шу ўринда савол туғилади. Нима учун Искандар халифа бир умр Ҳазрати Румийни ўзига маънавий устоз деб билди?

Ушбу саволга жавобни “Маснавий” шунос олим, профессор доктор Невзат Тарханнинг қуйидаги сўзларидан жавоб топгандек бўламиз:

“Ҳаётдан нималарни ўрганганимни билишни истайсанми?” дейди Мавлоно ва шундай давом этади: - Сўнгсиз бир қоронғилик ичида туғилдим.

Ёруғликни кўрдим, кўрқдим, йиғладим. Вақти билан ойдинликда яшашни ҳам ўргандим. Зулматни кўрдим,

⁹⁸ Ҳурматжон Фикрат. Румий ва Хароботий. //Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. №3.- Б.47.

қўрқдим. Кун келиб севганларимни қоронғилик томон йўлладим... Йиғладим...

Яшашни ўргандим. Туғилиш ўлим томон қўйилган илк қадам эканини, орадаги бўлимлар ўлимдан ўғирланган вақтлар эканини ўргандим.

Вақтни ўргандим. Мусобақалашдим у билан... Вақт билан мусобақа қилиб бўлмаслигини, вақт билан мурса қилишни вақти билан ўргандим...

Инсонни ўргандим. Сўнг инсонлар орасида яхшилар ва ёмонлар борлигини... Сўнг ҳар бир инсоннинг ичида яхшилик ва ёмонлик бўлишини ўргандим...

Севишни ўргандим. Сўнг ишонишни... Кейин эса ишончнинг севгидан кўра умри узоқроқ эканини, севгининг эса ишонч замирига барпо этилишини ўргандим...

Инсон танасини ўргандим. Сўнг тана остида бир рух борлигини... Сўнг рух аслида тананинг устида эканини англадим.

Борлиқни ўргандим. Сўнг борлиқни ёритиш йўлларини ўргандим. Охирида эса борлиқни ёритиш учун аввало атрофни ойдинлата олиш кераклигини тушундим.

Нонни ўргандим. Сўнг тинчлик учун нонни кўп ишлаб чиқариш кераклигини... Кейин эса нонни адолат билан тақсимлаш уни кўп ишлаб чиқариш каби муҳим эканини билдим.

Ўқишни ўргандим. Сўнг ёзишни ўргатдим ўзимга...

Ва бир муддат вақт ўтиб ёзув ўзимни ўргатди менга...

Кетишни ўргандим. Сўнг чидай олмай қайтишни...

Кейин эса ўзимга қарамай кетишни...

Дунёга қарши кураш олиб боришни ўргандим ёш вақтимда... Сўнг «оломон билан юриш керак», деган фикрга бордим. Кейин эса асл юриш оломонга қарши юриш эканига ишондим.

Тафаккурни ўргандим. Сўнг қолиплар ичида фикр юритишни ўргандим. Кейин эса соғлом тафаккур қолипларни ёриб чиқувчи тафаккур эканини англадим.

Номуснинг аҳамиятини ўргандим уйда... Сўнг маҳрум кишидан номус кутишнинг номуссизлик эканини ўргандим. Ҳақиқий номус гуноҳ билан юзма-юз экан- сан, гуноҳга қўл теккизмаслик эканини билдим...

Ҳақиқатни ўргандим бир кун... Ва ҳақиқатнинг аччиқ эканини... Сўнг маромида бўлган ҳақиқатнинг егулик каби ҳаётга лаззат қўшишини ҳис қилдим.

Ҳар бир жонзотнинг ўлим лаззатини тотишини ўргандим, аммо баъзиларнинг фақат ҳаёт лаззатини тотишларини ўргандим.

Дўстларим! Мен дўстларимни на қалбим ва на ақлим билан севдим... Юрак тўхтади-ку!

Ақл эса унутади...

Мен эса дўстларимни руҳим билан севдим-ки, У на тўхтади ва на унутади..."⁹⁹.

Мавлоно Жалолиддин Румийни асрлар давомида ҳар бир давр ва ҳар замоннинг ўқувчиси янгитдан, қайтадан кашф қилиб келишига асосий сабаб у, асарларида инсоннинг асл фитратини очиб беришидир. Ўзликни англашга қаратилган фалсафий асарлари инсониятни ўзига маҳлиё қилишда давом этмоқда.

Чунки турмушнинг турли кўчаларида ўзлигини йўқотган инсоният уни излаб қайта топишга талпинар экан, Жалолиддин Румийнинг “Маснавий” асари бу йўлда ҳамроҳлик қила олади.

Шубҳасиз Жалолиддин Румий ижодининг энг ёрқин дурдонаси унинг олти дафтардан иборат “Маснавийи

⁹⁹ Невзат Тархан. Маснавий терапия/. Таржимон: Г.Мирзаева. - Т: “Янги аср авлоди”, 2022. – Б.218-219.

маънавий” асаридир. “Маснавийи шариф”, “Маънавият денгизи”, “Тасаввуф қомуси”, деб донг таратган бу асарни чин маънода “Дунёнинг қитоби” дейиш мумкин. Абдурахмон Жомий таъбири билан айтганда:

Ман чу гўям васфи он олийжаноб,
Нест пайгамбар, вале дорад китоб.

Мазмуни: *Мен ул олийжаноб васфида нима ҳам дердим,
Пайгамбар эмасу, аммо китоби бор.*

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, у Комил Инсон йўриқномасидир.

Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул бу ҳақда шундай ёзган эди:

“Дунё адабиётида шундай китоблар яратилганки, тили, маданияти, ижодий салоҳияти юксалган деярли ҳар бир халқ, ҳар бир миллат уларни алоҳида иштиёқ, ва завқ билан ўқиб, ўрганган. Вақт ўтган, замон ўзгарган, асрлар ортидан асрлар алмашган, бироқ бундай шох, асарларга қизиқиш асло пасаймаган. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”си ана шу фикрнинг ёрқин мисолидир.

Мавлононинг “Маснавий”си дунёга келгунича бўлган Шарқ, шеърияти билан ундан кейинги Шарқ шеърияти айна бир ҳодиса эмас. Чунки Мавлоно шеърияти, айниқса, унинг бетимсол “Маснавий”си инсон моҳиятини ёритишда ҳам, илоҳий куч-қудратнинг одамда зухурланиш сир-асрорини ёритиб, шахсда ўз-ўзига ишончни юксалтиришда ҳам кашфиёт бўлган эди. Румий инсон нигоҳини унинг ботинига, калби ва руҳига қаратди. Алишер Навоий таъкидлаганидек, “Ўз вужудингга тафаккур айлагил, ҳар не истарсен, ўзингдин истагил”, деган ҳақиқатга кўпчилики тўла-тўқис ишонтира билди.

Таърихдан маълумки, Жалолиддин Румий яшаб, ижод қилган давр — ер юзининг катта қисмини аёвсиз мўғул тўфони қуршаб олган, кўп халқларнинг онг ва идрокида қўрқув, таҳлика кучайган бир давр эди. Румийшунос олим Ҳасан ан-Надавийнинг ёзишича, Мавлоно инсоннинг инсонлигини рад қилган ва бу оламдаги кадр-қийматини таҳқирлаган замон фарзанди ўлароқ, майдонга чиқди. Ва бу буюк санъаткор ўзининг қудратли шеърляти билан умидсиз адабиёт харобалари ичида қолган, таназзулга юз тутган шеър ила кўмилган инсон руҳониятини илҳомлантира олганди. “Румий порлоқ ва бетакрор тил билан, иймон ва балоғат ёғдуси билан инсоннинг куч-қудратини, одамийлик фазилат ва шарафини улуғлади. Ниҳоят, жамиятда жонланиш бошланди. Инсон ўзининг шарафи ва кадр-қийматини чуқур англаш йўлига тушди. Ана шу жозибали қувват ва улуғворлик ислом адабиётининг тараққиётига улкан таъсир ўтказди”. Мана шу учун ҳам Мавлоно шахси ва ижодиётининг мақоми ниҳоятда олий ҳамда ибратли. “Маснавий” том бир ҳаётий завқ, ишқ ва ирфон ила чулғанган кўнгил саховатидан яратилгани боис ундаги суфиёна маъно-мазмунлар ҳам кишини дунёдан йироқлашишга ундамайди, дунё муаммоларини шу дунёда яшаб, ҳеч қанақа қийинчилик, зулм ва зўравонлик азоб-уқубатларидан енгилмай худди шу дунёда ҳал қилишга чорлайди, башарий иродага ҳақ иродасини уйғунлаштиришга ўргатади.

Сояи ҳақ бар сари банда бувад.

Оқибат жўянда ёбанда бувад.

Яъни ҳақ соясини инсон ўзида мушоҳада айлайди ва оқибатда ахтарувчи топувчи бўлади.

“Маснавий”да турли-турли ранг ва оҳангларда, бири-биридан кўркем ривоят ва ҳикоятлар воситасида талкин этилган асосий моҳият мана шу. Зеро, инсон Аллоҳни таний

олсагина ўзини танийди. Ўзни билишнинг дахлсиз “устурлоби”, бу — ишқ ва ирфон. Ишқдан, чексиз-чегарасиз ирфон завқидан туғилган янги маънавий шахсият эса ҳеч ким ва ҳеч нимага ўхшамайдиган парчаланмас бирлик тимсолидир. Буни Румий рубоийларидаи бирида ифодалаб дейди:

*Мен биргина жонмену юз мингта таним,
Аммо не қилайким, мен очолмам даҳаним.
Кўрдим не туман халқки, ул мен эрдим,
Иўқ, эрди улардин бири монанди маним...*

(Жамол Камол таржимаси)

Шу боисдан бўлса керак, наинки шахсиятида, Румийнинг шеъриятида ҳам ўзгача бир сеҳр ва илоҳий жозиба бор. Бу шеърият — назмбозлик, такрорийлик, шуур ва мушоҳада ночорлигидан буткул фориғ, шоирга, шеърга ишончни кўкка кўтарадиган шеърият. Бу шеърият — Одам қавмини ҳар турли ахлоқий хасталик, нафсоний иллат ва телбаликлардан асраб-авайлайдиган, риза учун эмас, жон саломатлиги, руҳ фароғати учун Аллоҳга боғланиш йўллари кўрсатадиган шеърият:

*Он гадо гўяд Худо аз баҳри нон,
Мутаққий гўяд Худо аз айни жон*

“Агар одам бузилса, — дейди ғарблик мутафаккирлардан бири, — унинг дили ҳам, тили ҳам бузилади. Қачонки, энг олий туйғулар эмас, бойликка ҳавас, ҳузур-ҳаловат, моддий куч-қувват, шон-шуҳрат ҳокимлик қилса, бу — инсонни табиийлик ва мустақилликдан маҳрум айлайди. Қачонки, оддийлик ва ҳақиқат иккиюзламачилик ва ёлғонга ўрин бўшатса, самовий эркинлик имтиёзлари ўз-ўзидан чекланиб боради. Янги тимсоллар яратилмайди, қадимий сўзларнинг мазмуни бузилади...”

Румий ижодиётини ўрганган Ғарб тадқиқотчилариинг мақола ва китоблари билан танишган киши бундай бузилиш

ва хасталиклардан қутулишда “Маснавий” бир шифо китоби — инсонийлик, меҳр-шафқат, иймон-эътиқод қомуси бўлишига улар умид билан қараганликларини осон пайқайди. Дарҳақиқат, 25730 байтдан иборат ва олти мустақил дафтардан таркиб топган “Маснавийи маънавий” башариятнинг фикр ҳаётини поклайдиган, ирқ, миллат, эътиқод, сиёсат тўсиқлари ва зиддиятларидан қутулиб, ўзаро ҳамжиҳатликда яшашнинг нақадар зарурлигини санъат тили билан исботлаган Нажот китоби. Мавлоно унинг биринчи дафтари муқаддимасида бежиз мана бу сўзларни ёзмаган:

“Маснавий — Ҳақ таолога восил бўлиш сирларини кашф этишда ва илму-л-яқин ҳосил қилишда диёнат асосларининг усулидир. Аллоҳнинг энг буюк фикҳи, Аллоҳнинг энг ойдин йўли, Аллоҳнинг рад этилмас бурҳонидир”.

Бугина эмас, Румий ҳазратларининг муҳташам “Девони Кабир”и, “Фийҳи мо фийҳи” (“Ичиндаги ичиндадир”), “Мактубот” каби асарлари инсониятнинг маънавий-ахлоқий камолоти ва истиқболига хизмат қиладиган кўнгул тухфаси, тафаккур маҳзанидир.

Жаҳон адабиётида вақт, замон, давр чегараларини тан олмайдиган умри боқий китоблар кўп. Аммо улар орасида ўқилиш таърихи изчиллик ила махсус текширишга яроқлилари қанча? Маснавийхонлик — Шарқ халқлари маданий, адабий ҳаётидаги ўзига хос ҳодиса.

Нақл қилинишича, машҳур турк шоири ва мутафаккири Яҳё Камолдан: “Қадим аجدодларимизнинг турмуши қандай бўлган? Қанақа яшашган улар?” деб сўралганда, у: “Жуда оддий: палов еб, “Маснавий”ни ўқиб кун ўтказишган”, деб жавоб берган экан. Палов вужудни кучлантиргани сингари, “Маснавий” ҳам юракка қувват, тафаккурга ҳеч кутилмаган ҳаракат бағишлайди. Уни шавқланиб ўқиган китобхон руҳоний сайри сулук лаззатига етишиши аниқ, албатта.

“Маснавий”га битилган шарҳ ва изохлар бир жойга жамланса, росмана бир китобхона пайдо бўлади. Эҳтимолки, уни илмий тадқиқ ва талқин қилган олимларнинг қайси юрт, қайси миллатга мансублигини белгилаш мумкиндир. Лекин унга бағишлаб ёзилган мақола, рисола ва алоҳида мажмуаларнинг сон-саноғини аниқлаш мушкул. “Маснавий” таржималари- чи? Бу энди янада муҳим ва қизиқарли мавзу. Афсусланарли томони шундаки, шўро давлати ҳукм сурган даврларда “Маснавий»ни ўзбекчада ўқиш нари турсин, аслиятда уни ўқиб фикр билдириш ҳам тақиқланганди. Ҳолбуки, Абдулла Хароботий сўзлари билан айтганда:

*“Маснавий” ҳам жон, ҳам жонон эрур,
“Маснавий” ҳам дард, ҳам дармон эрур”.¹⁰⁰*

2007 йил ЮНЕСКО қарори билан Мавлоно Жалолиддин Румий йили деб аталди ва дунё мамлакатларида буюк аллома таваллудининг 800 йиллиги байрам қилинди. Бирлашган Миллат Ташкилотининг махсус мажлиси ана шу санага бағишланди.

Профессор доктор Невзат Тархан бу ҳақда шундай ёзади: “Сўнгги вақтларда Мавлонога қизиқиш тобора ортиб бормоқда ва бу ҳолат Ғарб дунёсида ҳам яққол кўзга ташланади. Модернизмда ва илм-фанда ҳам Мавлоно таълимотининг изларини кўриш мумкин. Бу излар модернизм ва илм-фанни тўлдириб туради. Яна бир тарафи эса инсоният Мавлонони қайтадан кашф қилмоқда.

Мавлоно ўз даврининг доно кашшофи эди. Унинг ўз даври инсонларининг маданиятига кўрсатган таъсири ҳали ҳамон тирикдир. Ҳар доим барҳаёт бўлган бу таъсир кучи

¹⁰⁰ Иброҳим Ҳаққул. Башарият шоири ва унинг “Маснавийи маънавий” асари. // Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий/Форсийдан Жамол Камол таржимаси. – Т.: “MERIYUS”, 2010. – Б.3-4.

инсонларни фикрий ва ҳиссий ҳолатларини ўзгартира оладиган қувватга эгадир.

Мавлоно таълимотидаги ўрнаклар, бугунги кунда ҳам содир бўлаётган воқеликларга нисбатан қайтадан талқин қилиниши керак. Чунки у ўз даврининг саволларига замон руҳига муносиб равишда жавоблар бера олди. Ҳозирги яшаб турган муҳитимиз учун ҳам Мавлононинг таълимотларига кўра жавоб бериш керак бўлади. Мавлонони шу давр нигоҳи билан ўқиб, моҳиятини асраб-авайлаган ҳолда, замонамиз инсонларига тақдим қилишимиз лозим. Мавлонога роман қаҳрамони деб эмас, балки кундалик ҳаётимизда бизга йўл кўрсатувчи инсон сифатида қарашимиз керак бўлади. Инсоният доимий ўзгаришда бўлгани учун бугунги кунда уларнинг сабабини ўрганиш жуда муҳим саналади. Шундай бир даврда яшаб турибмизки, эндиги дунёнинг рамзи интернетдир. Бутун сайёраларни қамраб олган ижтимоий тармоқлар билан ўралганмиз. Бундай муҳитда эса Мавлононинг кичик суҳбатлари бутун дунёга фойда келтирадиган кучга эга бўлиши мумкин”.¹⁰¹

Тарихдан маълумки, мустамлака даври диний адабиёти асарларида XIX асрнинг ярми – XX аср бошларида мусулмон жамиятида содир бўлган жиддий ўзгаришлар жараёнлари ўз аксини топган. Зеро, уларнинг ижодкорлари – мусулмон олимлари (уламолар) Чоризм мустамлакаси даврида юз берган воқеаларнинг бевосита гувоҳи, ҳатто иштирокчилари бўлган. Давлатчилик ва мустақил ҳокимият ғоялари кучли бўлган собиқ пойтахтда анъанавий жамият ва маданият каттароқ тазйиқ ва вайронагарчиликка дучор бўлди.

Қўқонга нисбатан Марғилон каби иккиламчи шаҳарларда маънавият соҳасидаги бузғунчи жараёнлар бошқачароқ,

¹⁰¹ Невзат Тархан. Маснавий терапия/. Таржимон: Г.Мирзаева. - Т: “Янги аср авлоди”, 2022. – Б.6.

“юмшатишган” шаклда кечди. Анъанавий маданият ана шу синовлардан ўтиб, сақланиб қолди, аммо мустақиллик давригача жуда ўзгарган шаклда етиб келди, мустанлакчилик даврида мусулмон жамияти маданий ҳаётида содир бўлган ўзгартириш ва ўзгаришларнинг ўзига хос шаклларини ўрганиш жаҳон фанида долзарблигича қолиб келмоқда.

Тарихшуносликка оид илмий, илмий-оммабоп адабиётларда ҳукмдорлар, саркардалар, йирик амалдорнинг тарихий миссиялари таҳлил қилингани ўрганиб чиқилган. Айниқса, мавжуд тарихий даврда ҳукмдорга боғлаб асарлар ёзилган. Унинг бошқарув услуби, ўраб турган ижтимоий-тарихий муҳит, сиёсий кучларнинг интилишларига ҳамроҳанг бўлгани хулоса қилинган. Ана шундай вазиятда уламолар ва тариқат намояндларининг фаолияти ва улар ёзиб қолдирган асарларининг жамият тараққиётига қўшган ҳиссасини талқин қилиш нафақат исломшунослик, тарихшунослик, балки бошқа ижтимоий фанларнинг ҳам тадқиқ объектига айланишига зарурият борлиги очиқ берилган.

Собиқ советлар даврида архив ҳужжатларидан етарли даражада фойдаланмаганлиги, шахсга сиғиниш таъсирининг кучаяви, дала тадқиқотларнинг олиб борилмаганлиги натижасида Фарғона водийси халқлари диний-маърифий ҳаётидаги ўзгаришлар тўлақонли талқин этилмаган.

Мазкур тадқиқотда кўпроқ дала тадқиқотлари ва архив материалларига, хусусан Марғилон беклигининг Арсиф қишлоғида ҳаёт кечирган пиру муршид Искандар халифанинг фаолиятига эътибор қаратилди. Бу эса илмий ишни ҳолис бўлишлиги учун объектив асос яратилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Авваллари у ёки бу тарихий муаммони тадқиқ этишда рус буржуа тарихчиларининг “инқилоб”га қадар яратган асарларидан намуна сифатида фойдаланилар

эди. Ҳолбуки, бу манбаларда ҳодисалар онгли равишда бузиб кўрсатилган, чор ҳукуматининг босқинчилик сиёсати оқлаб кўрсатилган ва туб аҳоли ҳаракатлари камситилиб тасвирланган эди. Бу даврга келиб эса, тарихий асарларда архив материаллари, қўлёзма манбаларга кўпроқ мурожаат этилгани боисидан тадқиқотлар холисроқ ёзилувига эришилди¹⁰².

Мавзу доирасида Фарғона водийсидаги агиографик ва тарихий оғзаки ва ёзма маълумотлар тўпланди. Бунда халқ орасида сақланиб қолинган ижод намуналари ва сақланиб қолинган тарихий материаллар, мавжуд ёзма намуналар тарихий ҳужжатлар билан солиштирилиб ўрганилди.

XX асрдан бошлаб Ғарб тарихчилари тарихга оид ҳукмни беришга интилишдан воз кечишди. Чунки, муаллиф томонидан айтиладиган тарихий ҳукм масалага ёндашувда нейтраллик ва холисликка даъво қилишни шубҳа остига қўяди. Мазкур китобда тариқат намояндаси, умри давомида “Маснавий” хонликни тарғиб этиб келган Искандар халифа Арсифийнинг ҳаёти ва фаолиятига баҳо беришдаги нейтраллик ва холисликни таъминлашга ҳаракат қилинди.

Мутахассисларнинг фикрича Чор ҳукумати ва унинг намояндалари 1898 йилги Дукчи Эшон қўзғолонидан ваҳимага тушган. Шу боис у Туркистон ҳудудида яшовчи барча эшонлар ва уламоларни тазйиққа олиш режасини амалга оширди. Уларни империянинг асосий энг хавфли душмани деб билди. Шу сабабли қўл остидаги барча мутахассисларни тўплаб, эшон ва уламоларнинг фаолиятини таъқиб этиш, чеклаш, халқдан ажратиб ташлаш ва уларни ўз миллатдошлари кўзига ёмон кўрсатиш, ёмон отлиқ қилишнинг истиқболли сиёсатини ишлаб чиқди.

¹⁰² Аҳмаджонов Ғ.А. Россия империяси Марказий Осиёда. – Т.: М.Ч. “Таълим манбаи жамияти”, 2003. –Б.117.

Кейинчалик коммунистлар фирқаси ва шўро ҳукумати бу сиёсатдан унумли фойдаланди¹⁰³. Собик СССР давридаги мафкуравий тарғиботлар, кундалик маданий ва маориф ишлар халқнинг тасаввури онгида руҳонийлар ҳақида шундай тасаввур ҳосил этган эдики, унга кўра бу сўзнинг ўзи жоҳиллик, зулм ва шафқатсизликнинг синоними сифатида ишлатилди, Тариқат пирлари бўлмиш эшонлар ҳақидаги фикрлар, тасаввурлар ҳам айнан шундай эди. Шу сабабдан ўтган асрнинг 20-30-йилларнинг бошларидаёқ исломнинг сиёсий ёки ҳуқуқий мавқеи ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Диний унсур сифатида кўпсонли мусулмон олимлар отиб ташландилар, Сибирь ёки собик Иттифоқнинг бошқа минтақаларига сургун қилиндилар. Тирик қолганлари доимий таъқиб остига олинди ва улар ҳақида мунтазам равишда тегишли органларга маълумотлар бериб турилган¹⁰⁴.

Собик Совет ҳукумати томонидан амалга оширилган қонли сиёсатнинг натижаси ўлароқ етмиш йил давомида тарихчилар томонидан ёзилган асарларда ҳолислик пиринцига амал қилинмай тарихга бир томонлама ёндашув устунлик қилиб келинди. СССРнинг парчаланиши туфайли эришилган ютуқлар энг аввало ўтмишга бўлган муносабатда ўз аксини топди. Мафкуравий тўсиқлар барҳам топгач тадқиқотчилар нафақат ўз мамлакатида балки дунёнинг бошқа давлатлари архивлари ва кутубхоналарида ўз мавзуларига доир маълумотларни олиш имкониятига эга бўлдилар. Шу сабабдан сўнгги ўн йилликлар ичида XX асрнинг биринчи ярмида Туркистон заминида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар тарихига доир кўплаб

¹⁰³ Сирожиддин Аҳмад. Икки империя асоратида. I жилд. - Т.: Info Capital Group, 2018. – Б.31.

¹⁰⁴ Абдулаҳатов Н. Советлар даврида ислом (“Коммуна” газетаси материаллари асосида) // Ўзбекистонда Исломшунослик ютуқ ва истиқболлари 2019 йил июнь Тошкентда бўлиб ўтган халқаро семинар мақолалари тўплами. Истанбул. 2020.–Б.161.

фундаментал тадқиқотлар амалга оширилди. Бу даврга билан боғлиқ кенг фактик материаллар тўпланди.¹⁰⁵

Ўтмишда яшаб ўтган улуг донишмандлардан бири “Ишнинг энг қийини уни бошлаб олишдир” деб айтган эди. Дарҳақиқат кўп ҳолларда бир ишни бошлашга журъат қилмай турли баҳоналарни сабаб қилиб кўрсатишдан нарига ўтмаймиз. Натижада кўп нарсани, айниқса вақтни бой бериб қўйганлигимиздан пушаймон бўлиб юраверамиз. Искандар халифа ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш борасида ҳам худди шундай бўлди. Аввалига китобни қандай ва қайси йўналишда ёзиш борасида кўп ўйландик. Ваниҳоят ўй-фикр суришдан кўра, Искандар халифа тўғрисида шу кунга қадар аҳоли ораси сақланиб қолинган хотираларни тўплаш, ёзилажак китоб сари биринчи қадам эканлигини тушундик. Имкон қадар йиғилган маълумотлар асосида Искандар халифанинг ҳаёти ҳақида қисман бўлса-да, китобхонларни таништиришга ҳаракат қилдик.

Маълумки, ҳар бир ёзилган китоб иккинчи бир китобнинг ёзилишига сабаб бўлади. Шу аснода дастлабки китобларда йўл қўйилган камчилик ва хатолар кейинги китобда кўзга ташланмайди. Ўйлаймизки Искандар халифа тўғрисида айрим лавҳаларни ҳикоя қилувчи мазкур китобни ўқиган китобхон ўзи яшаб турган ҳудудда ҳам биз билмаган ва эшитмаган маълумотлар мавжуд эканлигини англаб, янги китоб ёзишга жазм қилар. Ҳеч бўлмаганда, бу ҳақда бизни хабардор қилар, деган умиддамиз. Агар иш шу тарзда давом этса, келгусида Искандар халифа тўғрисида кенгроқ маълумотларни қамраб олган китоб тайёрланиши шубҳасиз. Нима бўлганда ҳам бошланган хайрли ишнинг ниҳояси ҳам хайрли бўлиши муқаррар.

¹⁰⁵ Абдулаҳатов Н. Марғилон олимларининг илмий-маърифий мероси (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). 1-китоб. Фарғона: “Classic” нашриёти, 2021.- Б.371.

АРСИФЛИК ИСКАНДАР ХАЛИФА

Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳридаги Арсиф қишлоғи тарихини XIX асрнинг биринчи ярми ва XX аср бошларига оид тарихи юзасидан қишлоқ кексалари билан суҳбатлашганимизда улар қуйидагиларни сўзлаб бердилар.

Арсифлик Солижон Сиддиқовнинг айтишича, Арсиф қишлоғини обод бўлишида Ёрмуҳаммад Ёркандийнинг хизматлари катта бўлган. Ул зот XIXнинг ўрталарида Арсиф қишлоғига Ёрканддан келиб яшай бошлаган ва тез орада унинг доғруғи теварак атрофга ёйилган. Нақшбандия тариқатининг ўша даврдаги пирларидан бўлган Ёрмуҳаммад Ёркандийни зиёрат қилгани ва у билан суҳбат қургани чор атрофдан одамлар кела бошлаганлар. Айниқса, бефарзанд оилалар Ёрмуҳаммад Ёркандий ҳузурига келиб арз-ҳолларини баён қилганларида у шундай насиҳат қилган. *“Ҳар бирингиз Арсиф ҳудудига ўн икки донадан дарахт экинглари, қачонки сизнинг дарахтингиз кўкарса, фарзандли бўласиз ва фарзандингиз умри шу дарахт умридек узоқ бўлади”*. Ҳазратнинг ушбу ўғитларига амал қилган оилаларнинг барчаси чиндан ҳам фарзанд кўрганлар. Шу зайдда Арсиф қишлоғида қалин дарахтзор пайдо бўлган экан. Қизиғи шундаки шу мазмундаки сўзларини Чингизхон билан боғлашади. Эмишки Чингизхон вафотидан олдин ўз авлодларига *“Ким дарахт экса, узоқ умр кўради”* дея васият қилган экан.

Маълум бўлишича, Ёрмуҳаммад Ёркандий тасаввуфнинг Нақшбандия тариқатининг вакилларида бири бўлган. Хўш шу ўринда савол туғилади. Тасаввуф нима? Бу ҳақда Имом Ғазоллий шундай дейди: *“Тасаввуф икки ишдир. Бири - Аллоҳ буюргандек тўғри юрмоқ. Тўғри турмоқ (яъни Аллоҳ фарз қилган барча амалларга риоя этмоқ). Иккинчиси - ношароий ишларда бошқалардан ажралмоқ. Кимки Аллоҳ*

буюрганини тўлиқ адо этса, юриш-туриши, хулқи, одамлар билан муомаласи юмшоқ ва чиройли бўлса, ўша зотни ҳақиқий сўфий дейиш мумкин». Ёрмуҳаммад Ёркандий умри бўйи ҳалол меҳнати билан яшаб ўтган. Бинобарин Нақшбандийлик таълимоти бировлар ҳисобига яшашни рад этарди. Улар фақат пешона тери билан, ўз қўли билан меҳнат қилиб топилган неоматларнигина ҳалол деб ҳисоблашарди. Нақшбандийлар ҳар қандай тарки дунёчиликка ва мулкдорларнинг ғариб, қашшоқларни эзишига қарши чиққанлар. Улар ўрта ҳол яшаш тарафдори бўлиб, ҳунармандчилик, савдогарчилик, деҳқончилик, адабиёт, мусиқа, олимлик, файласуфлик, меъморлик, хаттотлик, мусаввирлик билан шуғулланиб ҳалол яшашни тарғиб қилган эдилар. Шу боис ҳам Ёрмуҳаммад Ёркандий Баҳоуддин Нақшбанд асос солган Нақшбандия тариқатининг соликларидан бирига айланган эди.

Бу борада тасаввуфшунос олим Н.Комиловнинг баъзи маълумотларини келтириб ўтамиз.

“Тасаввуф нафсни тарбия қилиб, инсон руҳини камолга етказишга хизмат қилувчи улуғ таълимотдир. Шунга кўра у исломнинг асл моҳияти ва мазмунидир. Исломнинг ер юзида жорий қилинишидан кўзланган асосий мақсад ҳам бу инсон маънавий камолотидир.

Унинг ислом оламида расмий шаклланиши VIII асрнинг ўрталарига тўғри келади. Чунки ислом тарихида Пайғамбаримиз Муҳаммад (а.с.)дан кейин мусулмонлар жамоаси ичида бўлиниш юз беради, айниқса халифа Усмон (р.а.) даврида молу дунёга ружу қўйиш бир оз кучаяди.

Уммавийлар даврига келиб эса, сарой ҳашамлари, дабдабали безаклар, олтин-кумушга берилиш, хазина тўплаш авж олади. Ўз-ўзидан кишилар қалбини тоат-ибодат ўрнини дунёвий ишлар, дунё молига муҳаббат эгаллай бошлайди. Бу

эса, ибодатни ҳар қандай дунёвий ишлар, бойликлардан устун қўйган эътиқодли кишиларнинг норозилигига сабаб бўлади.

Бу жамоа орасида ҳадис тўплаб юрган муҳаддислар, илгаридан йўқчиликда келган, камбағал саҳобалар ва уларнинг авлодлари бор эди. Уларнинг бир қисми динни ҳимоя қилиб, очиқ курашга чиққан бўлсалар, иккинчи қисми эса, қаноат, зуҳд (дунёга меҳр қўймаслик ва ундан юз ўгириш)ни асосий мақсад қилиб, узлуксиз тоат-ибодат билан шуғулланган эдилар. Уларнинг дастлабки вакиллари Куфа, Бағдод, Басра каби шаҳарларда кўзга ташланган. Айтиш керакки, уларнинг обрў-этибори ҳам халқ орасида катта бўлган.

Аввалига улар фақат дунёдан юз ўгириш, узлат ва тақвони олға сурган бўлсалар, секин аста уларнинг кейинги авлодлари орасидан, бу икки иш устига ишқ ва ирфон, орифлик ва ошиқлик, фалсафий мушоҳадакорликни олға сурадиган кишилар ҳам пайдо бўла бошлади.

Улар шариат илмини пухта эгаллаган, тоату ибодатда мустаҳкам, лекин оддий кишилардан фарқладиган ажойиб хислатли кишилар эдиларки, уларни аҳлуллоҳ, авлиё, аҳли ҳол, аҳли ботин, арбоби тариқат, фақир каби номлар билан тилга олар эдилар. Кўпинча бу тоифага нисбатан «сўфий» сўзи қўлланилган, чунки ушбу сўзнинг маъноси анча кенг бўлиб, бошқа маъноларни ҳам ўз ичига сиғдирган.

Бир нарсани таъкидлаш жоизки, бу таълимот исломда бутунлай янги таълимот сифатида пайдо бўлиб қолмаган, балки унинг асосини Қуръони карим оятлари, пайғамбаримиз (а.с.) нинг муборак сурат ва сийратлари, саҳобаларнинг тутган йўллари ташкил қилган. Яъни, бу хислатлар мазкур тоифанинг ўзи учун хос янгилик бўлмай, пайғамбаримиз (а.с.) ва саҳобалар бошлаб берган ва уларнинг сўзи ва ишларидан илҳомланиш самараси ўлароқ юзага

келган. Акс ҳолда бу тоифани саҳобалардан устун қўйиш келиб чиқадики, бу мутлақо мумкин эмас.

Шуни таъкидлаш керакки, чин сўфий ўзликдан ва фоний дунёдан воз кечган ва Ҳақ бақосида ўзлигини қайта топган зот бўлиб, суратда бандаю, маънида озод кишидир. Дунёнинг пасту баланди, сиёсату раёсатнинг ўзгариши, сўфийларнинг эътиқоди, хулқига таъсир ўтказмайди.

Сўфий майда манфаатлар, одамларнинг кундалик ташвишларигина эмас, умуман фоний дунёнинг ғаму муаммоларидан устун турадиган, тафаккурининг сатҳи фалаклар қадар қамровли, қалбида маънолар булоғи қайнаб турадиган комил инсон ҳисобланган. Бу зотлар атрофидагилар онги шуурига қаттиқ таъсир ўтказганлар ва маънавият султонлари бўлиб майдонга чиққанлар. Уларнинг сўзи ва ҳаракати, хислат ва ахлоқи ҳаммага ибрат қилиб кўрсатилган. Жаҳоннинг бутунлиги, ободонлик ва осойишталик кўп жиҳатдан Парвардигор файзини етказувчи шу табаррук зотларнинг дуоси, хайрли ишларига вабаста деб қаралган”.¹⁰⁶

Ҳазрат Ёрмуҳаммад Ёркандий мозори билан боғлиқ ғаройиб воқеаларни гувоҳи бўлган инсонларни шоҳидлик беришича қайси бир одамнинг бошига мушкул иш тушиб у агар Ҳазрат Ёрмуҳаммад Ёркандийнинг мазорини зиёрат қилиб Аллоҳ таолодан мушкилларини осон, ҳожатларини равон қилишини сўраса, тез орада мушкуллардан халос бўлар экан. *Айтишларича, Арсифлик бир деҳқон қишнинг изгиринли кунларининг бирида аравага ортилган дон билан тегирмонга қараб йўл олади. Бахтга қарши тизза бўйи лойни кечиб кета туриб араваси билан лойга ботади. Деҳқон ҳарчанд уринмасин аравани ботқоқдан олиб чиқа олмайди. Бу орада тун алламаҳал бўлиб қолган бўлиб, бирон бир кимсани ёрдамга келиши амри маҳол*

¹⁰⁶ Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. –Т.: "Ёзувчи" нашриёт, 1996. –Б.14.

бўлган. Мана шундай оғир дамда йўл яқинида жойлашган Ҳазрат Ёрмуҳаммад Ёркандий мазорига қараб “Ё ҳазрат Ёркандий ўзингиз мадад қилинг” деб дуога қўл очади. Шу вақт кўз ўнгида Унинг лойга ботиб қолган аравасини худди биров кўтариб олгандек ўз-ўзидан лойдан чиқиб қолади.

Ҳазрат Ёрмуҳаммад Ёркандий умрининг охирида ўзига ўринбосар этиб Искандар халифани танлайди.

Бу ривоятлар Арсиф қишлоғининг кексаларидан ёзиб олинган оғзаки маълумотлар асосида тайёрланди. Бироқ Искандар халифанинг авлоди ва унинг шогирдлари хонадонларида ўтказилган суҳбатлар чоғида Ёрмуҳаммад Ёркандийни Искандар халифага устоз бўлганлиги тўғрисидаги қайдларга дуч келмадик. Ёрмуҳаммад Ёркандий Искандар халифага қадар яшаб ўтган деган тахминлар ҳам бор.

Искандар халифа 1845 йилда Арсиф қишлоғида таваллуд топган. Уни отаси мулла Қаландар исмли киши бўлган. Халифа Искандар кўпроқ Қўқонда туриб азизларга хизмат қилган.¹⁰⁷ Кейинчалик улар вафотидан кейин Искандар халифа Андижонга бориб у ердаги эшон тўраларга байъат қилган.

Изланишлар давомида Искандар халифанинг оиласи тўғрисида қуйидагилар аниқланди. Искандар халифанинг отаси Мулла Қаландар Тожикистондан келган. Искандар халифанинг акаси Қўқон хони Худоёрхон саройида хизмат қилган. Унинг тақдири номаълум.

Искандар халифа ҳаёти давомида бир неча марта уйланган. Искандар халифа Иштирхон¹⁰⁸ қишлоғига борган вақтида унга яқин инсонлардан бири “Олтин берсам ҳам, от берсам олмайсиз. Шундай экан қизимни никоҳингизга

¹⁰⁷ Баъзи маълумотларга кўра Мулла Қаландарни уни акаси ҳам дейилади.

¹⁰⁸ Фарғона вилояти, Ёзёвон туманида жойлашган қишлоқ номи.

олсангиз. Сизга қизимни назр қилдим”, дейди. Искандар халифа шу тарзда иштирхонлик Саодатхонни никоҳига олган. Саодатхон 1938 йилда 33 ёшида вафот этган. Васиятига кўра Қизилқия¹⁰⁹ қишлоғини Қора кўзи маҳалласидаги тепаликка дафн этилган.

Искандар халифанинг арсифлик биринчи аёлидан фарзандлари:

1. Абдулҳаким. Искандар халифанинг тўнғич ўғли.

Абдуҳаким қори 1877 йилда Арсиф қишлоғида таваллуд топган. 1973 йилнинг 4 март куни Тожикистоннинг Рудаки туманида (собиқ Ленин районида) вафот этган. Турмуш ўртоғи Орзихон 1893 йилда туғилган. 1968 йилнинг 2 март куни Тожикистоннинг Рудаки туманида (собиқ Ленин районида) вафот этган. Абдуҳаким қори умри давомида Қуръон тиловати, фикҳ, илми ва тасаввуф сирларини ўрганиш билан машғул бўлган. Отаси Искандар халифа сингари боғдорчилик билан шуғулланган.

Абдуҳаким қори Абдуваҳоб махсум исмли бир ўғил ва Марямхон исмли бир қиз фарзанд кўрган.

Қизи Марямхон 1926 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. 2006 йилнинг 13 декабр куни Тожикистоннинг Рудаки туманида (собиқ Ленин районида) вафот этган.

Марямхоннинг фарзандлари: Муҳаммадсоли, Маъмурахон, Умарали, Раҳматжон, Раҳимжон, Моҳирахон, Муҳаммадсиддиқ.

Ўғли Абдуваҳоб махсум 1932 йилда Арсиф қишлоғида туғилган, 2002 йилнинг 6 декабр куни Тожикистоннинг Рудаки туманида (собиқ Ленин районида) вафот этган.


Абдуваҳоб махсумнинг фарзандлари:

Абдулложон, Абдулазиз, Раҷабхон, Лобархон, Ҳамидахон, Обидахон, Ўғулой, Дилбархон, Собирахон, Абдурашид,

¹⁰⁹ Қирғизистон Республикаси Баткент вилояти, Қадамжой районидаги қишлоқ номи.

Абдумалик, Абдужалил.

Изланишлар давомида Фарғона вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг архив фондида сақланаётган васиқалар орасида Искандар халифа оиласига оид васиқа мавжудлиги аниқланди.



Арсиф қишлоқлик Орзу биби Сўфи амин қизи номи билан боғлиқ васиқа. 1920 йил.

Юқорида айтиб ўтилганидек, XIX аср охири XX аср бошларида Арсиф қишлоғи Марғилон уездининг Қува вўлўсти Қўқон қишлоқ жамоаси таркибига кирган бўлиб, бу ҳақда ер-сув мулкларига доир васиқа ҳужжатларида қайд этилган. Шундай васиқалардан бири арсифлик Орзу биби Сўфи амин қизи номи билан боғлиқдир. Орзу биби Искандар халифанинг тўнғич ўғли Абдулҳакимнинг турмуш ўртоғи эканлиги мазкур васиқада қайд этилган:

1339 нчи ҳижрий йилди тўртинчи рамазон оий (1920/21 йилнинг 12 май)да Хўқанд қишлоқ маҳкамасига тобеъ Арсиф қишлоқлик Орзу биби Сўфи амин қизи ҳозир бўлуб ўз тарафидан шавҳари (эри) Абдулҳаким қори Искандар ҳожи ўғлини шаърий вакил қилди. Ҳар жойда ҳар мавзеда, хусусан Учқўрғон мавзедаги бир қитъа маълум бир ҳудуд миқдори тахминан бир таноб, се чорак ва ҳам мазкур Хўқанд қишлоққа қарашли мазкур қишлоқ (Арсиф)да воқеъ бир қитъа маълум

бир ҳудуд миқдори тахминан ўн таноб мулки холисларидан хоҳлаган одамга сотушни қозидин васиқани қилиб... ваколат жорий қилди.. Гувоҳлар: 1 нчи Абдулқордир Мулла Шариф ўғли; 2 нчи Мулла Муҳаммадрасул Мулла Абдулваҳоб ўғли.

Ушбунни тасдиқи хусусида Қўқон қишлоқ қозиси муҳрум бостим. Қози Хўқанд қишлоқ Муҳаммад Ғози ибн ҳожи Муҳаммад Ориф.¹¹⁰

Васиқадан келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, Искандар халифа тўнғич ўғлига Арсиф қишлоқнинг амалдорларидан бири Сўфи аминнинг Орзу биби исмли қизини никоҳлаб берган. Орзу бибига отасидан Арсиф қишлоғи ва Учқўрғон қишлоқларидан ер мерос қолган. Орзубиби ушбу мулкларини сотиш ваколатини турмуш ўртоғи Абдулҳакимга топширган. Васиқада яна бир муҳим маълумот мавжуд. Яъни расмий ҳужжатларда Искандар халифа номи Искандар ҳожи номи билан қайд этилган. Демак, Искандар халифа бунга қадар ҳаж зиёратига бориб келган.

2. Раънохон (1880-1966) Искандар халифанинг биринчи аёлидан туғилган фарзандидир. Арсифлик Исмоилжон Усмонжон ўғлига турмушга чиққан. Меҳринсо (1915-1987) исмли қиз ва Сафарали (1917-1943) исмли ўғил фарзанд кўрган. Сафарали иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган. Меҳринсо арсифлик Мулла Исмоилжон Иброҳимжон ўғлига турмушга чиққан. Улар Маҳбубахон ва Қаноатхон исмли икки қиз фарзанд кўришган. Меҳринсонинг турмуш ўртоғи Исмоилжон қатағон йиллари даврида Арсифдан Тожикистонга кетишган мажбур бўлган. Меҳринсо шундан сўнг иккинчи бор Қуванинг Муродқўса қишлоғида истиқомат қилувчи Шерали Абдураимовга турмушга чиққан ва

¹¹⁰ Фарғона вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг Қўлёзма ҳужжатлар архив фонди. КП10325/ПД 6724.

Инобатхон, Ҳамрали, Иноятхон, Зубайдахон, Аҳмадали исмли фарзандлар кўрган.

3. Эшонжон (1884-1966). Искандар халифанинг иккинчи ўғли Эшонжон Арсифда деҳқончилик билан машғул бўлган.

Эшонжоннинг фарзандлари.

1. Абдурахмон (1926-1995).

2. Хайринисо (1937-2005).

Ҳозирда Арсифда Эшонбобонинг авлодлари ҳаёт кечирмоқдалар.



Абдурахмон Эшонжон ўғли

Абдурахмон Эшонжон ўғли Султонқорининг Муҳтарамхон (1930-1996) исмли қизига уйланган. Улар ўн нафар фарзанд кўришган.

Абдурахмон Эшонжон ўғлининг фарзандлари:

1. Мақсадхон 1950 йилда туғилган.

2. Абдураим (1953 - 2001).
3. Маҳфиратхон 1958 йилда туғилган.
4. Солижон 1960 йилда туғилган.
5. Ёқубжон 1962 йилда туғилган.
6. Шафоатхон 1964 йилда туғилган.
7. Муаззамхон 1967 йилда туғилган.
8. Муқаддамхон (1970-2001).
9. Мухлисахон 1972 йилда туғилган.
10. Ёрмуҳаммад 1978 йилда туғилган.

4. Салимахон. Искандар халифанинг биринчи аёлидан туғилган фарзандидир. Арсифлик Бадриддинбойга турмушга чиққан. Ойшахон исмли қиз фарзанд кўрган.

Салимахон ҳаётдан эрта кўз юмган. Айтишларича, Арсифнинг ҳозирги дам олиш пансионатидаги ғиштли қабр Салимахоннинг қабридир.

5. Ҳожалхон. Искандар халифанинг биринчи аёлидан туғилган фарзандидир. Искандар халифа Ҳожалхоннинг Қува тумани Қўшкечик қишлоғидан бўлган Исохон исмли кишига турмушга берган. Бу никоҳдан Ҳидоятхон исмли қиз дунёга келган. Ҳидоятхон вояга етгач Мамарасул исмли йигит билан турмуш қурган ва уч нафар фарзанд кўрган: Ҳабибулло, Убайдулло, Турсуной.

Ҳидоятхон 1974 йилда 63 ёшида вафот этган.

6. Ўлмасхон. Искандар халифанинг иккинчи аёлидан туғилган фарзандидир. Искандар халифа Ўлмасхонни Валик қишлоқлик¹¹¹ Сўфибек Хўжабек ўғлига (1900-1957) исмли турмушга беришган. Сўфибекнинг отаси Хўжабек билан Искандар халифа дўст бўлишган. Сўфибек дастлабки таълимни Искандар халифа ҳузурида сўнгра Бухородаги мадрасаларнинг бирида сабоқ олган. 27 пора Қуръонни ёд

¹¹¹ Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги қишлоқ номи.

олиб таътилга келган вақтида кетма-кет дастлаб онаси, сўнгра отаси вафот этади.



Арсиф қишлоғидаги қадимги қабристон ўрнида сақланиб қолинган қабр. 2009 йилда олинган сурат.

Сўфибекни ўз фарзандидек яхши кўрган Искандар халифа уни ўкситиб қўймаслик учун ўзига куёв қилади. Сўфибекка қизи Ўлмасхонни турмушга беради. Аммо Ўлмасхон узоқ яшамаган. Касаллик туфайли олти ойдан сўнг барвақт ҳаётдан кўз юмган. Уни Валик қишлоғининг қадимий қабристонига катта қайрағоч дарахтини остига дафн этишган. Сўфибек Ўлмасхонни қабри учун Қувадан бир метрдан зиёд узунчоқ тошни олиб келиб қўйган. Ҳозирда қабрда шу тош сақланиб қолинган.

7. Искандар халифанинг иккинчи аёли Садоатхондан фарзанди Кароматхон дунёга келган.

Айтишларича Искандар халифа қизи Ўлмасхоннинг ўлиmidан сўнг иккинчи қизи Кароматхонни ҳам Сўфибекка турмушга берган. Ўлмасхоннинг вафотидан сўнг Искандар халифа “Куёвим ноумид бўлиб қолмасин. Сабр қилса уч йилдан сўнг Кароматхон қизим балоғатга етади ва уни турмушга бераман” дейди. Шу тарзда Кароматхон Сўфибекка

турмушга чиққан. Кароматхон 1911 йилда туғилганлигини ҳисобга олсак, демак Ўлмасхон 1922 йилда вафот этган.

Сўфибек ва Кароматхонларнинг турмушидан тўрт фарзанд кўришган:

1. Зарофатхон (1935-2014).
2. Шарофатхон (1937-2019).
3. Муҳаммаджон (1938-2018).
4. Аҳмаджон. 1940 йилда туғилган.



*Искандар халифа иккинчи қизи Ўлмасхонни қабри.
2024 йилда олинган сураат.*

Сўфибек 1941 йилда фронтга кетган. 1943 йилда фронтдан қайтиб келган. 1944 йилда аёли Кароматхон 33 ёшида вафот этган. Бу ҳақда фарзанди Аҳмаджон Хўжабеков шундай хотиралайди: “Кунларнинг бирида отам деҳқончиликларни йиғиштириб олсак, ўғилларимизни тўйини қиламиз”, деб онамга айтган экан. Шунда онам тўйини тез кунларда қилсангиз, отамни кўрдим. Мени олиб кетгани келибди”

дейди. Шунинг учун тўйни баҳорда қилишган. Чиндан ҳам онам тўйдан кўп ўтмай вафот этди”.¹¹²

Сўфибек шундан бошқа бир аёлга уйланган. Сўфибек 1957 йилда вафот этган. Бу ҳақда фарзанди Аҳмаджон Хўжабеков шундай хотиралайди: “Бир куни отам мени ёнига чақирди-да, ўғлим бу йил мактабга бормасдан, менга ёрдам берсанг. Уйни битказиб шу уйга акангни уйласак”, деди. Мен ҳайрон бўлиб “Акам эндигина 20 ёшга кирди. Нега бунча шошиласиз уйлашга”, десам “Ўғлим, мен туш кўрдим. Тушимда аён бўлдики, шу йилда дунёда ўтар эканман. Агар акангни уйлаб қўйсак, сен ўтай онани эмас, акангни қўлида қолар эдинг. Шунда қабрда тинч ётардим” , деди. Чиндан ҳам акамнинг тўйидан сўнг икки ой ўтиб отам дунёдан кўз юмди”.

Искандар халифа яшаган давр Туркистон халқлари тарихининг энг қора кунларига тўғри келган. Чор Россиясини Марказий Осиёни босиб олиши ва мустамлакачиларга қарши маҳаллий халқларнинг исёнлар, жумладан, Пўлатхон, Олой маликаси Қурбонжон Додхоҳ, Дарвешхон, Дукчи Эшон кўзғолонларининг барчаси Искандар халифа кўз ўнгида содир бўлган эди. Халқнинг мустамлакачилик ва маҳаллий ҳукмдорларнинг икки ёқлама зулмидан азоб чекиши, мамлакатда бузғунчилик кучайиб, мусулмончилик асосларига путур етиб, одамларда иймон эътиқодни кетиши Искандар халифада ҳам бу ўтқинчи дунёга нисбатан бошқача қарашни шаклланишига олиб келди. У Аллоҳга бўлган эътиқодини йўқотмай иймонини бут сақлаган ҳолда яшаш учун ўзига нажот йўлини қидиради ва бу йўлни у пири муршиди бўлмиш Ёрмуҳаммад Ёркандий паноҳидан топади.

Искандар халифа умрининг охиригача Арсифда қола олмаган. Ўша даврга келиб ота - бобоси шайх ўтган

¹¹² Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Фарғона вилояти Қувсой шаҳрининг Валик қишлоғида истиқомат қилувчи Аҳмаджон Хўжабековдан (1940 йилда туғилган) ёзиб олинди.

кишиларнинг барча фарзандлари ўзларини эшон ҳисоблай бошлаган эдилар.



*Искандар халифани Валик қишлоғида тез-тез ташириф буюрган манзилининг сақланиб қолган ҳолати.
2024 йилда олинган сурат.*

Эшонлик тарбия билан эмас, ворисий асосда авлоддан-авлодга ўтди ва ўша ота - боболаридан биридан муридлари бўлмиш кишиларнинг фарзандлари ворисий асосда буларга ҳам мурид саналаверди. Ҳолбуки, чинакам тасаввуфда ҳар бир солиқ пир кўмагида ўзини тараққий эттириш орқалигина шайх даражасига етиши лозим эди. Бироқ ҳеч қандай пир кўмагисиз ўзининг руҳий поклигини тарбия қилмасдан туриб ўзини пир деб ҳисоблаган кишилар кўпайган эди. Бундан ташқари XX асрнинг бошларида юртда юз берган алғов

далғовлар туфайли у бу ерни тарк этган. У ўз шогирдларига “Бундай нотинч замонда биз ё кўҳи баландга ё шаҳри азимга кетишимиз даркор” деб Арсифни тарк этган.

Авлиёларнинг тоққа кетиб ҳаёт кечирганликлари хусусида профессор Невзат Тархан шундай ёзади:

“Шайбони Роий деган бир авлиё бор эди. Ҳар кун қўйларини олдига солиб, тоққа чиқиб кетар ва ўша ерда ўтлатарди. Жума кунлари қўйларининг атрофига доира чизар сўнг хотиржам жамоат намозига кетарди. Шайбони Роий кетгандан сўнг ташқаридан бирор нарса доирадан ўтиб, қўйларга зарар бермас, қўйлар ҳам доирадан ташқарига чиқмасди.

Бу ерда ғайриоддий инсон ҳақида гап кетмоқда.

Бу зотга авлиёлиги сабаб моли ва қўлида борини шу тарзда ҳимоя қилиш каромати Аллоҳ томонидан эҳсон қилинган. Чўпон ота деган ҳикоя ҳам бор. У зот ҳам тоғда қўйларини боқадиган валий зотлардан биридир. Тоғда инсонлардан узоқда яшаб, Аллоҳга қуллик қилишни танлайди. Кунларнинг бирида авлиёнинг йўли шаҳарга тушади ва рўмолга солинган сутни ушлаб олган бўлади. Шаҳарлик бир аёлга кўзи тушган авлиёнинг рўмолдаги сути чак-чак тома бошлайди.

Ният бузилиши билан каромат ҳам ниҳоясига етади. Бу ҳикояда “Тоғда инсонлардан узоқда яшаб, гуноҳ қилмаслик ва Аллоҳга қуллик қилиб авлиё бўлиш осон, бироқ шаҳарда турли хил инсонлар орасида яшаб қулликни асраб қолиш мушкул”, деган хулоса келиб чиқади. Ҳикоядаги авлиё эса намоз учун тоғдан узоқлашганда ҳам қуллик вазифасини давом эттира олганки, каромат кесилмаган. Ҳаттоки, бўрилар ҳам сурувга зиён етказолмаган.

Ҳар қандай вазиятда ҳам авлиёликни сақлаб қолиш учун тўғри йўлдан адашмаслик муҳимдир. Шайбони Роий исмли

авлиё ҳар қандай шартда ҳам ўз йўлидан адашмаганини кўришимиз мумкин. Тўғри йўлдан тоймагани учун ҳам кўринмас ёрдамчилар унинг мол-мулкини ҳимоя қилган.



Искандар халифанинг Тахтак қишлоғидаги чиллахонаси.

2023 йилда олинган сураат.

Шайбони Роий ҳам “Қўйларни ёлғиз қолдириб кетсам, бўрилар ейиши мумкин. Мен жума намозига бормай қўяқолай”, дейиши мумкин эди. Лекин ундай демайди. “Молни Аллоҳ беради, Ўзи берган ризқнинг ҳимоясини Унинг ўзига ҳавола қилдим”, деб қуллик вазифасини адо этиш учун кетади. Яъни бу дунё ташвишларини деб нариги дунёдан воз кечмайди.

Юқоридаги ҳикоядан олишимиз керак бўлган ибрат шуки, авлиё “Қўйларимдан бошқа ҳеч воқоим йўқ”, дейиши мумкин бўлган жойда, уларни Аллоҳга чин ихлос билан топшириб, жума намозини тарк этмаёт- ганидир. Бундаги маънони англаш ва шундай яшаш барчамиз учун аҳамиятли.

Ҳикоядаги авлиё қуллик сабоғини мана шу тарзда бермоқда. Бундан ташқари, қўйлар авлиёга итоат қилган ҳолда унинг чизган чизигидан ташқарига чиқмаяпти ва итоатларининг натижаси ўлароқ уларнинг ҳаётлари ҳам ҳимояланыпти”.¹¹³

Искандар халифа билан юз берган ушбу воқеа ўша даврнинг бошқа уламолари ва зиёлиларининг ҳаётида содир бўлганлиги тўғрисида кўплаб мисоллар мавжуд. Айниқса, ҳукумат топшириғи билан атайин турли ифвогарона саволлар уюштириб, уламоларни орган ходимларига тутиб бериш усули кенг тарқалган эди. Бу ҳақда Аъзам Ҳошимий “Алвидо Ватан” асарида шундай ёзган эди:

“Коммунистик партиянинг ташвиқот идоралари ҳар бир маҳаллада очилиб, диннинг хилофига фасод сўзларни тарқатишар, динни масхаралаб, уни йўқотиш йўлларини ўргатишар эди. Улар: "Одамларнинг бирор иш қилишлари учун ҳукумат тарафидан ижозатнома олишлари зарур", дея янги қарор чиқардилар. Ижозатномасиз деҳқончилик, косиблик, ҳунармандлик ва савдогарлик, ҳаттоки мардикорликка ҳам рухсат йўқ эди. Диний, миллий ҳамда қавмий анъаналарни ҳурмат қилувчи кишилар учун бундай ижозатнома олиш тобора қийин бўла бошлади. Уни олиш учун эса дину иймондан юз ўгириш лозим эди. Аввал салла, сўнгра дўппи, соқол, паранжи, кейинроқ эса иффат, ҳаё ҳамда ор-номусни тортиб олиш, энг охирида иймонга тажовуз қилиш коммунистларнинг муддаоси эди.

Бир томондан қотиллик, зўравонлик, босқинчилик авжига чиқди. Диндор, намозу рўзага мустақим кишиларга ошкора ҳужумлар бошланди. Лекин шундай "адолатли" ҳукумат томонидан бирор қотил ушланиб, жазо берилмас эди. Мусулмонларнинг эса қилган ишларидан қийиқ ахтариб

¹¹³ Невзат Тархан. Маснавий терапия/. Таржимон: Г.Мирзаева. - Т: “Янги аср авлоди”, 2022. –Б.163-164.

аёвсиз жазолар эдилар. Шу тариқа минглаб мусулмонлар қатл этилдилар. 1927 йилдан кейин бу қотиллик ва хунрезликлар мусулмонларга нисбатан душманчилик тарзида янада авжига чикди. Коммунистлар Исломга қарши бўҳтонлар уюштиришар, Қуръон ва ҳадисни, дин пешволарини масхаралаб суратлар чизишар, бу суратларни йўл бўйига, масжид деворларига ёпиштиришар эди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг номи муборақларига лой чаплашар, театр ва киноларда масхараомуз драмалар ижро этишар эди. Бу таҳқирлардан юз ўгириш, назарни сақлаш "жиноят" ҳисобланар эди. Коммунистларнинг зулму ситами ва ҳақоратлари шу даражага етдики, улар Пайғамбар алайҳиссаломнинг фаразий ҳайкаллари ясаб, чорраҳаларга ўрнатиб қўяр ва ўтган-кетган йўловчиларни ушлашиб, мажбуран унга қаратишар эди.

Бундай зулмлар инсонларга юртдан бош олиб кетишдан бошқа йўл қолдирмас эди. Мисол учун бир воқеани айтиб бераман: Кунларнинг бирида қишлоғимизнинг жоме масжидида коммунистларнинг мажлиси ташкил қилинди. Барча қишлоқ аҳли йиғилишга қатнашиши кераклиги, иштирок этмаганларга жазо берилиши эълон қилинди. Одамлар мажбуран тўпланишди. Масжид лиммо-лим тўлгандан кейин мажлис бошланди. Мажлис раисининг биринчи эълони: "Руҳонийлар мажлисдан чиқиб кетсин", деган сўзи бўлди. Туркистонда динга эътиқодли кишиларни "руҳонийлар" деб аташар эди. Бу эълондан сўнг кўпчилик туриб, чиқиб кетди. Масжидда фақат заиф мусулмонлар, баъзи фосиқ-фожирлар ва ёш болалар қолди. Чиқиб кетганларнинг номлари ёзиб олинди. Масжид бир муддат сукунатга чўмди. Сўнгра баланд товушда қўнғироқ чала бошладилар. Ҳа, ҳа... Масжиднинг ичида шундай қилдилар. Таҳқирлаш ва камситиш шу даражага етган эди.

Қўнғироқ чалингандан кейин мажлис янада жонланди. Бир киши минбарга яқинлашди, уни "ислом файласуфи" деб таништирдилар. У шахс Исломнинг зиддига тинмай оғзидан кўпик сочиб, ноўрин, бўлмағур сўзларни айтди. Унинг бундай қабих, ҳақоратомуз сўзларини ёзишга кимнинг ҳам тоқати етарди?! Қисқача шундай эди: "Исломнинг мақсади авомнинг дилига Худонинг тасаввурини киритиб, уларни ўзларига бўйсундириш. Бу тасаввурни киритиш сармоядорлар ва муллоларнинг ўз манфаатлари учун кўзлаб чиқарилган ихтироларидир. Аллоҳ, Расул, жаннат, дўзах, Қиёмат, Ҳашр, фаришта ва бошқа барча эътиқодлар уйдирмаю хурофотлардир (Аллоҳ сақласин!). Коммунистлар партияси бу тасаввуротларни яксон қилиб, авому меҳнаткашларни "руҳоний"ларнинг макр-ҳийла тузоқларидан халос қилишга қатъий қарор қилди".¹¹⁴

Искандар халифа ўтган асрнинг 20-йилларида Учқўрғон¹¹⁵ қишлоғида ҳаёт кечирган.

Искандар халифа умрининг охирида Арсиф қишлоғидан тахминан 60 чақирим узоқликда жойлашган ҳозирги Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Новқат районининг Беш Бурхон (Пиширқан ҳам дейилади – Н.А.) мавзесидаги Тахтак (Тоғтаги – Н.А.) қишлоғида яшаган. Бу ерда Соли девона, Анорбой девона, Мамазоҳид девона, Тошмат девона, Абдумажид девона сингари муридлари доимо Искандар халифанинг хизматларида бўлганлар. Улар пирларига юксак эҳтиромлари сифатида катта ер майдонини ажратиб берганлар. Искандар халифа учун чиллахона ва хонақоҳ бунёд этганлар.¹¹⁶

¹¹⁴ Аъзам Ҳошимий. Алvido, Ватан! – Т.: "Azon kitoblari" нашриёти. –Б. 2020. 13-17.

¹¹⁵ Учқўрғон – Қирғизистон Республикаси Баткент вилояти Қадамжой райони да жойлашган.

¹¹⁶ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Қирғизистон Республикаси Новқат райони Беш Бурхон қишлоғида истиқомат қилувчи Усмон ҳожи Атабековдан (1946 йилда туғилган) ёзиб олинди.



Искандар авлиё чиллахонасидаги битик

Искандар халифа тоғ этагида жойлашган Беш Бурхон қишлоғида иккита масжид бунёд қилган.¹¹⁷

Айтишларича, Искандар халифа ёз ойларида ўзи қурдирган масжид саҳнидаги уч юз ёшлик ўрик дарахти остида суҳбат қуришни яхши кўрган.

Искандар авлиёнинг ҳозирга қадар сақланиб қолган чиллахонасига киришда деворга қирғиз тилида ёзув

¹¹⁷ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Қирғизистон Республикаси Новқат райони Беш Бурхон қишлоғида истиқомат қилувчи Усмон ҳожи Атабековдан (1946 йилда туғилган) ёзиб олинди.

туширилган битик илиб қўйилган. Қуйида ушбу битик ўзбек тилида ҳавола этилмоқда:

“Бу ҳужрада Искандар авлиё ота 19-20 асрларда яшаб ўтган. Исломни маҳкам тутган теран ақиллик ва ҳурмати чексиз инсон бўлган. Фақатгина ерлик халқ орасида эмас, балки бошқалар ичида ҳам насиҳатчи инсон қатори машҳур. У ўткир ақли ва оқ кўнгиллиги билан эл ичра ҳурматли яхши бўлган. Унинг номига қурилган масжидга келганлар доимо унинг ҳаққига дуолар ўқишади. Қўшни мамлакатларда ҳам уни яхши билишади ва келиб зиёрат этишади”.

Ўзбекистонлик таниқли диний уламо Ёрқинжон қори Фозилов (1978-2021) умрининг сўнгги кунида, яъни 2021 йилнинг 16 июн куни Искандар халифанинг қабрини зиёрат қилган. Айтишларича, Ёрқинжон қори зиёратдан қайтаётиб то ҳалокатга учрагунга бўлган вақтгача кўзидан ёш тўхтамаган.

Мансур Бухорий бу ҳақда изтироб билан шундай сўзларни ёзган эди:

“Ҳижрий 1442 йил 6 зулқаъда чоршанба куни кечқурун аянчли ҳодиса сабабли шайх ва етук даъватчини йўқотган Туркистон, хусусан, Ўзбекистон халқига, Қўқон аҳолисига таъзия билдираман. Аллоҳ у кишини раҳматига олсин.

Халқ ва юртидаги ёшлар орасида таниқли бўлган Ёрқин ибн Убайд Фозил Ҳўқандий даъват қилиш, динни етказиш, одамларни яхшилик узра тўплаш бўйича тенгдошлари орасида ажойиб намуна эди.

Ёрқин домла ҳаётини ёшларга таълим бериш, уларни мўътадил, тўғри, холис Аллоҳ таолонинг розилигига олиб борадиган йўлга қайтаришга бағишлаган Ислом умматининг ёш олимлари ичида ноёб, дурдона шахс эди.



Ёрқинжон қори Фозилов

Ёрқин домла аввалги пайтданок деярли намунали исломий шахс бўлиб, кичиклардан олдин тўғридан-тўғри катталарнинг қалбларига кириб борди. Аллоҳ унга тил ширинлиги, иборадаги ёқимли хислатни, солиҳ амалларга тарғиб этиш, одобга чорлашда енгил услубни берган. Илм мажлисида малолланиш йўқ, гаплари ширин, ҳикоялари шавққа тўла, суҳбатида илм ва одоб кўзга ташланиб туради.

Ёрқин домла ўзини талаби илм ва сафар билан машғул қилар, Марказий Осиё, Ҳиндистон, Татаристон, Туркия, Миср қаерда бўлмасин, вақтидан унумли фойдаланар, уни беҳуда нарсаларга совурмасди, кимгадир фойдаси тегар, ўзи ҳам фойда олар, бошқаларга манфаати тегиб, ўзи ҳам улардан

фойдаланарди. Кўплаб фанларни ўзлаштирган, тилларни пухта ўрганган бўлиб, нотиқлик, қавмга таъсир ўтказиш борасида Аллоҳ унга ато этган малака сабабли сўзласа, қалбларни эгаллаб, асир қилиб олар, одамларнинг эътиборини ўзига қаратарди. Унинг мавъизалари фойдаларга тўла эди. У бир ояти каримани зикр қилиб, уни тафсир китобларда келган маълумотлар билан тафсир қиларди, унга набавий ҳадисдан далил келтириб, шаръий мақсадни англатарди, мўътабат (яъни, ишончли, далилли) фикҳий ҳукмни айтиб, сўнгра салафи солиҳларнинг хабарларини келтирар, сўнггидан ҳозирги замон уламоларининг аҳволлари, уларнинг илмий хулосаларини зикр қилиб, ақлларни ҳаракатга келтирадиган бирор қизиқ сўзни айтарди ва уни ажойиб осон услуб билан етказиб гапини тугатарди.

Мен у билан 2018 йилнинг август ойида Фарғона водийсида учрашдим. Танамиздан аввал руҳимиз учрашди. Гўё кўп йиллардан бери бир-биримизни яхши танийдигандек. У киши нақадар солиҳ ҳамроҳ эди. Ўзбекистоннинг бир қанча жойларига боришимда менга ҳамроҳ бўлди. Сўнг Қоҳирага кетди. У билан 2019 йилнинг январида кўришдим, кейинги учрашувимиз ҳам 2020 йилнинг январида Қоҳирада бўлди. Шайхларнинг илм мажлисларида, дарсларда, китоблар излашда, авлиё ва солиҳларни зиёрат қилишда, толиби илмлар билан танишишда, турли илм борасидаги ўзаро музокара, дарс асносида, баъзи мавзуларни чуқурроқ ўрганишда, айрим саҳифаларни таржима қилишда, тўла англамаган масалаларни очадиган калит (маълумот)ларни қидиришда бирга юрган дамларимиз ёқимли онлар бўлган эди.

Вафот этадиган куни мен билан ижтимоий тармоқ орқали боғланиб, бирга излаган шайхимизнинг қабрини топганини хушхабар тарзида айтиб қолди. (Биз излаган шайх) Шайх

Муҳаммад Закариё Бухорий Маданий раҳимахуллоҳнинг устози шайх Искандар Халифа эди. Ёрқин домла Қирғизистоннинг Бешбурҳон қишлоғидаги шу (Искандар Халифа)нинг қабрини зиёрат қилишга бориб, бир неча соатдан сўнг қайтаётганда йўлда юз берган автоҳалокат оқибатида Аллоҳ таолонинг қазои-қадари билан вафот этди. Аллоҳ уни раҳматига олсин.

Албатта, Ёрқин домланинг вафоти катта йўқотиш, таъсирли фалокат ва аср мусибатларидан биридир. Йўқ, биз ноёб истеъдодли шайх ва даъватчини йўқотганимиз учунгина бундай демаяпмиз, балки бундай таъсир доираси кенг Ислом шахсларининг Ислом уммати ичидан топилиши осонликча бўлмайди. Мавлойим азза ва жалладан у кишининг ўрнига яна яхшисини беришини сўрайман.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун. Аллоҳ (сабрингизга яраша) ажрингизни кўпайтириб берсин!¹¹⁸

Бу зоти шариф 1932 йилда 87 ёшда вафот этган. Кўплаб кароматлар соҳиби авлиё зот эдилар.

Авлиё. Арабча “валий” (дўст, ёрдамчи) сўзининг кўплиги, Худога яқин одам - тасаввуфда Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билган, унинг буюрганларини бажариб, гуноҳ ишлардан ўзини сақловчи, дунё лаззати ва шахвоний ишлардан юз ўтирувчи ориф - маърифатли зот. Авлиё пайғамбарлар даражасидан кейин туради. Авлиёнинг мазорларини зиёрат қилиб, ибрат олиш савобли амаллардан ҳисобланади”¹¹⁹

Валийлик юксак мартабадир. “Валий” сўзи луғатда “дўст” маъносида келади. Валийликнинг энг кичик даражаси –

¹¹⁸ <https://islom.uz/> Ёрқинжон домланинг вафоти аср мусибатларидан биридир (ҳижрий 1398-1442)

¹¹⁹ Ислом энциклопедия. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2017. - Б.36..

“валояти суғро” мақомидир. Бунинг ишорати шудир: бу даражадаги валий қанча ҳаракат қилмасин, ўз қалбига Аллоҳдан бошқа бир тушунча кирита олмайди. Валийларнинг бу мақомига “фанои қалб” дейилади¹²⁰. Валийликнинг кейинги мақомлари “валояти кубро”, “валояти нубувват”, “валояти рисолат”, “валояти улул-азм” дир.

Ибн Мулаққиннинг (ваф. 804 х.) “Табақот ул-авлиё” рисоласи II ҳижрий асрдан VIII ҳижрий асргача ўтган валийлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бўлиб, унда Аҳмад Ибн Абул Варднинг валий ҳақидаги сўзлари келтирилган: “Аллоҳ агар валий бандада учта нарсани зиёда қилса, унда яна уч нарса зиёда бўлади: мартабасини зиёда қилса, тавозесини, молини зиёда қилса, саховатини, умрини зиёда қилса, риёзат ва мужоҳадасини зиёда қилади”.

Ер юзида қиёматга қадар Аллоҳнинг валий бандалари бўлиши ва улардан турли кароматлар содир бўлиши ҳақ ва ростдир¹²¹. Бу ҳақда “Сабот ул-ожизин” да кенг баён қилинган:

Эрур барҳақ каромат авлиёдин,
Иноятдур валийларга Худодин.
Каромат хориқи одат эрур исм,
Бўлубдур хориқи одат неча қисм.
Набидин хориқи одат не таъйин,
Дедилар мўъжиза, эй толиби дин.
Нубувватдин бурунни дерлар ирҳас,
Муни билсанг керакдур: “Аййуханнас!”.
Агар солиҳ кишидин бўлса ҳар гоҳ,
Каромат деб бўлур бешаку ишбоҳ.
Кўрунса бир авом мўъмин кишидин,
Маунатдир ўшал айғон кишидин.

¹²⁰Маънавий даражаси бу мақомга келмаган кишига “валий” ёки “авлиё” дейиш жоиз эмас. Яна бу мақомга келмаган биттасининг валийликни ид- дао қилиши хатодир.

¹²¹ Абу Бакр Аҳмад ибн Али ар-Розий ал-ҳанафий. (ваф.370 х) «Шарҳ бадҳ ул-амолий», Макка-2001. - Б.278.

Агар кўрсатса мундоғ кофир инсон,
Ул истидрож эрур монанди шайтон.
Вале ул орифи биллаҳ бўлса,
Ёмон ишдин қўли кўтоҳ бўлса.
Авомирни ҳамиша қилса ул қул,
Тақи қилма деганни қилмаса ул.
Яратгон Тангрини қўрқинчидин низ,
Каю шубҳа дегандин қилса парҳиз.
Тақи лаззат билан шаҳватга, эй ёр,
Фуру ҳам кетмаса ул яхши кирдор.
Бу таърифлар кишига бўлса содиқ,
Валийдур ул ақоидга мувофиқ.¹²²

Уламолар каромат ҳақлигига Қуръони карим ва ҳадиси набавиядан ҳужжат келтиришган. Жумладан, Жалолиддин Суютий “Ал-хабаруд доллу аҳла вужуд ил-қутби вал автоди ван нужабаи вал-абдол”, имом Муновий “Файз ул-қодир”, Абдулваҳҳоб Шаҳроний “Ал-явоқит вал-жавоҳир”, Хожа Муҳаммад Форсо “Фасл ул-хитоб” асарларида қимматли маълумотлар келтиришган.¹²³

Аҳли суннат вал жамоат ақидасининг муҳим бобидан бири, бу валийлар мавжудлиги ва улардан содир бўладиган хориқи одатлар, турли мукошафалар ва баъзи таҳсирларни тасдиқламоқ. Аввалги ўтган умматларда бўлгани каби ҳозир ҳам уммат орасида мавжуд ва қиёматга қадар давом этади. Китоб ва суннатдан бўлган қатъий далиллар ўз пайғамбари йўлига мустаҳкам эргашган авлиёнинг каромати ҳақлигига далолат қилади. Каромат хориқи одат бўлиб, уни Аллоҳ

¹²²

Сўфи Оллоёр. Саботул ожизийн. - Тошкент: "Чўлпон", 1991. - Б.21 - 22.

¹²³

Жалолиддин Суютий. Жомеъ ал-кабир. 1-жилд, 113-б; Абдуррауф ал-Муновий. Файз ул-қодир. Миср. Ал-мактабат ал-тижорият ал-кубро. 1356/1937; Шарху ақидат ал-воситийя. 1-ж, - Б. 349.

дўстларидан бўлган бир валийнинг қўли орқали жорий қилади. Бу унга диний ва дунёвий ёрдам бўлиши мумкин.



Искандар халифанинг қабри.

2023 йилда олинган сурат.

Мазкур кароматлар бир неча ҳикматларни ўз ичига олади. Биринчидан, у ҳам мўъжиза каби Аллоҳнинг буюклиги ва қудрати, истак-хоҳишининг ижросига далолат қилади, чунки У хоҳлаган ишини қилгувчидир. Ҳор эгалари бўлган (асҳоби Каҳф номи билан машҳур, бу борада Қуръони каримнинг “Каҳф” сурасида батафсил ҳикоя қилинган) йигитларнинг узоқ муддат бир ерда ухлаши ва бу муддат ичида баданининг чиримаслиги, ёки Исонинг (а.с.) онаси Марямга (р.а.) қишда ёзнинг, ёзда эса қишнинг меваларини пайдо бўлиши, ҳатто бундан Закариёдек (а.с.) пайғамбарнинг ажабланиб, сўрашлари каби ишлар, албатта, Аллоҳ қудратининг улуғлигидандир.

Иккинчидан, каромат пайғамбарнинг мўъжизаси жумласидан, чунки валийларда содир бўлган каромат, шубҳасиз, ўз пайғамбарига эргашиши туфайли содир бўлган.

Учинчидан, каромат валийларга бу дунёда берилган хушхабар бўлиб, оқибатдаги яхшиликлар аломатидир. Аммо айрим фирқа ва оқимлар кароматни инкор қиладилар. Бу ботил даъводир. Чунки айтилганидек, каромат соҳибида ҳеч қачон пайғамбарлик даъвоси бўлмайди.¹²⁴

Аксарият валийлар ўзи билан Аллоҳ ўртасидаги сирларни муҳофаза қилиб, кароматни яширганлар, риё мақсадида кўрсатмаганлар. Баҳоуддин Нақшбанддан каромат талаб қилганларида: “Барча кароматлар калимаи тавҳид билан йўқ бўлгувчидир. Каромат соҳибларининг барчаси парда остида - ҳижобдадирлар, орифлар эса кўздан узоқдадирлар. Бизнинг кароматимиз зоҳирдур. Бовужуди бу навъ гунаҳ юки Ер юзида юра олурбиз. Бизга халқнинг кўнглидаги фикрларидан, ишларидан ва аҳволларидан нимаики зоҳир бўлса, биз ўртада бўлмаймиз. Ё бизга илҳом орқали билдирадилар ёки бирор белги орқали етказиб турадилар”.¹²⁵ Ўзгаларнинг кўнглидагини билиб олиш кўзи очиқлик ва англаб олиш фаросат нури орқали бўлиб, ҳадиси шарифда айтилганидек, “Фа иннаҳу янзуру би нуриллаҳи”, яъни валий Аллоҳ нури орқали боқади.¹²⁶

Ёрмуҳаммад Ёркандий Искандар халифага Арсифда масжид қуришни васият қилиб оламдан ўтган. Унинг мозори халқ орасида “Арсиф ота” мозори деб атаб келинган. Айрим кишилар Ёрмуҳаммад Ёркандий Арсифда қолмай, балки Ёркандга қайтиб кетган деган фикрни ҳам айтадилар.

Ўтган асрнинг 40-50 йилларида ҳам Арсиф ота мозори яқинида август ва сентябр ойларида халқ сайллари бўлган.

¹²⁴ Шарҳу ақидат ал-Воситийя. 1-ж, - Б.349.

¹²⁵ Муҳаммад Боқир. Баҳоуддин Балогардон. - Б.93.

¹²⁶ Ўша асар. - Б.93.

Шундай саййиларда кимки мазорга нисбатан беодобчилик қилиб қўйса, тез орада бир иллатга дучор бўлаверган.

Бинобарин, азиз-авлиёлар сокин топган зиёратгоҳларда беодоблик қилишнинг аянчли оқибатлари хусусида ёзма манбаларда ҳам қатор маълумотлар келтирилган. Масалан, “Ҳазрати Башир маноқибӣ” асарида жумладан шундай дейилади: *“Эй толиби содиқ билмоқ керакким, авлиёulloҳларга беодоблик қилиб бўлмас, чунки улар Аллоҳнинг энг яқин дўстларидирлар. Чунончи Аллоҳнинг дўстларига изо бермоқчи бўлганга бир изза минг изза бўлиб қайтадир”*¹²⁷.

Айтишларича, қўшни Қалъача қишлоғидаги бригадирни ўғли Мозорбува олдида ёзилгани учун оғриб қолиб вафот этган экан. Ўша вақтда сайл кунлар 10-20 та қўй сўйилган. Мозордаги қуриган дарахтларни фақат Нортожихўжа исмли киши кесган холос. Кейинчалик Нортохўжа қариб қолгач, ўғли Ҳамрохўжа уни ишини давом эттирган. Қолганларга “дарахтни кесишга Мозорбува рухсат бермаган” дейишади. У ерда шохли илон бўлган ҳам дейдилар.¹²⁸

Мулло Муҳаммад Ёркандий мазори ўрнида 1964-1968 йиллар пионер лагери фаолият кўрсатган. 1968 йили бу ерга Ўзбекистон МК биринчи котиби Ш.Рашидов келиб Республика Дам олиш уйи ташкил қилиш кераклигини айтади ва шу тарзда Арсиф дам олиш уйи ташкил этилган.¹²⁹ Дам олиш уйи ҳудуди 22,5 га. ни ташкил қилади.

Дам олиш уйи барпо этилиш жараёнида биринчи директор этиб тайинланган Сиддиқов Солижон (1968-1986 йй) дам олиш довуғини бутун Республикамиз ва МДХ (ўша даврдаги СССР) тарқалишига жонбозлик кўрсатган.

¹²⁷ Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир маноқибӣ... — Б. 283.

¹²⁸ Дала тадқиқотлари. 2009 йил. Фарғона вилояти Қувасой шаҳар Арсиф қишлоғида истиқомат қилувчи Турсунали Юсуповдан (1939 йили туғилган) ёзиб олинган.

¹²⁹ Дала тадқиқотлари. 2009 йил. Фарғона вилояти Қувасой шаҳар Арсиф қишлоғида истиқомат қилувчи Саидмусо Холмирзаевдан (1948 йили туғилган) ёзиб олинди.

Шунингдек турли йилларда “Аҳмад ал-Фарғоний дам олиш уйи” МЧЖ га раҳбарлик қилган Акбаров М.Ш. (1986-1995 йй), Ҳамдамов М.Т. (1995-1996 йй, 2002-2008 йй), Дадажонов Б. (1997-1998 йй), Тураходжаев Д (1999 йй), Холмирзаев С.Х. (2000-2002 йй), Холмирзаев С.С. (2008 йилдан) дам олувчиларга малакали хизмат кўрсатишида ҳамда моддий-техника базасини янада ривожлантириш бўйича ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган. Дам олиш уйи Фарғона шаҳридан 18 км, Марғилон темир йул шоҳ бекатидан 25 км. масофада жойлашган бўлиб, денгиз сатҳидан 600 метр баландликда адир ён бағрида, мевали боғлар, арчазорлар ва бошқа манзарали дарахтзорлар, гулзорларга бурканган, табиий булоқ сувлари булган баҳаво жойда жойлашган.

1968 йилнинг ўзида дам олиш уйида 8 дона финский домиклар (шитавой уйчалар) ўрнатилиб, дастлаб ўша йили август ойларидан 50 та дам олувчи қабул қилинган. Кейинчалик 1968 – 1971 йиллар давомида қурилишлар олиб борилиб, 12 та финский (шитавой) 8 хонали 220 ўринга мўлжалланган корпуслар, ошхона ва омборхоналар, муҳандислик тармоқлари қурилиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб фойдаланишга топширилган.

Корхона ташкил булган даврида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг Санатория ва курортлар бошқармасига қарашли булиб “Фарғона” дам олиш уйи номи берилган.

Айтиш жоизки, Арсифдаги ушбу “Мозорбува” деб атаб келинган қадимий қабристоннинг тарихи борасидаги изланишларимиздан қуйидагилар маълум бўлди:

- Арсифнинг мазкур қабристони тарихи ўрта асрлар ҳам мавжуд бўлган. Чунки қишлоқ ўрта асрларда ҳам фаолият кўрсатган ва ўша даврлардаги аҳолининг қабристони айнан

ўтган асрнинг 60-йилларида бузиб “Мозорбува” қабристони бўлса керак.

ИСКАНДАР ХАЛИФА ТЎҒРИСИДАГИ РИВОЯТЛАР

Буюк шахслар ҳақида халқ орасида доимо тарихий фактлар билан бир қаторда турли ривоятлар, қарашлар ва афсоналар кенг тарқалади. Бундай маълумотларнинг қанчалик кенг миқёсли ва кўп бўлиши мазкур кишининг шунчалик машҳурлигидан дарак беради. Аммо инсон ақлини ҳайратга солувчи бу каби ривоятлар остида ўзига хос тарихий ҳақиқат ҳам ётади.

Искандар халифа пароканда бир даврда яшашига қарамай бутун умрини халқ маънавияти ва маърифатига, муқаддас динимиз хизматига бағишлаган алломанинг ҳаёт ва фаолияти кишилар учун ибратдир. Илм-маърифат йўлида бошига келган турли оғир синовлар, таъқиб ва тазйиқлар олдида сабр ва матонат билан туриб, бу йўлда юксак мартабаларга эриша олган мазкур зотнинг ҳаёт лавҳалари ҳар қандай кишига завқ бериши табиий. Шу сабабдан Искандар халифанинг ҳаёти турли-туман афсоналар, миш-мишлар билан маҳкам ўраб-чирмаб ташланган

Искандар халифанинг Арсифдаги масжиди

Ҳазрат Искандар халифа устозини васиятини бажариш учун Арсиф қишлоғида катта бир масжид қурдирмоқчи бўлади. Бироқ, масжид қурилиши керак бўлган жойда олти кишини қулочи етмайдиган чинор бўлиб, уни кўчиришга ҳеч кимнинг юраги дов бермаган.

Искандар халифа масжид қурилишини қандай давом этаётганлигини билиш учун ўша жойга борса, бир неча ўн киши чинорни ағдара олмай хуноб бўлиб турганликларига кўзи тушган. Шунда у чинор атрофидаги барча одамларни узоқроқ ерга бориб туришларини айтади. Унинг сўзларига тушунмаган одамлар “Искандар халифа ақлдан озибди, ўнлаб одам уддасидан чиқа олмаган ишни қандай қилиб унинг ўзи бажара олади” деб кўнгилларидан ўтказишган вақтда Искандар халифа ҳассасини оҳиста чинорга текизади ва чинор ўз-ўзидан ағдарилади. Ундан “бу ҳодиса сирини боиси не?” деб сўраганларида “Бу азим чинор бизни кўриб, бизнинг гайратимиз ила ердан қўпорилмоқчи эди. Биз уни мақсадига етиштирдик” деб жавоб берган.

Кейинчалик ҳам усталар ушбу чинордан қилинган тўсинни масжидга қўя олмаганлар ва Ҳазрат Искандар халифа ўзи келиб бир дуо билан тўсинни жойига қўйган. Бундай ҳайратомуз мўъжизалар авлиёларга хос бўлиб тарихда шунга ўхшаш воқеалар ҳақида маълумотлар учрайди.

Айтишларича, ҳозирги Бағдод тумани Қоровултепа қишлоғида масжид қурилиши вақтида бир хари (тўсинлар остидан кўндалангига қўйиладиган, узун йўғон асосий ёғоч) калталиқ қилади. Шунда боши қотган катта уста Зиёвуддин Ҳазиний ҳузурига келиб: “Эшон бува маслаҳат беринг. Энг узун хари ҳам калтаклик қилиб қолди. Бошқасини қаердан топишни билмаймиз” дейди. Ҳазиний тўра шунда ўша калталиқ қилаётган харига қўлини текизиб “Энди қўйинглар, ҳеч калта бўлмайди” дейди. Ҳазиний тўранинг сўзидан ҳайрон бўлган уста ўша харини жойига қўйсалар, бу сафар ҳатто кераклисидан бир қарич узунлик ҳам қилган экан.¹³⁰

Шу ўринда айтиш жоизки, Марказий Осиёда, жумладан Фарғона водийсида яшаб ўтган азиз-авлиёлар ҳаётга доир

¹³⁰ Абдулахатов Н., С.Мастонов., И.Тўхтабоев. Ҳазиний юрти. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2010. – Б.65.

ривоятларда масжид устунининг чўзилиши билан боғлиқ воқеалар мавзуси кенг ўрин олган. Масалан, Фарғона вилояти Ўзбекистон туманинг Овчи қишлоғидаги масжид, Марғилон шаҳрининг Валихон тўра хонадонини барпо этишда ёғочни авлиёнинг назари билан чўзилганлиги нақл қилинади.

Бундай ривоятлардан бири тасаввуф дунёсининг етук вакили улуғ шоир Сўфи Оллоёрга (тахм. 1650- 1723/24) нисбатан ҳам берилади. Бу ҳақда Равшан Мирзаев “Сўфи Оллоёрга замон боқажак” номли рисоласида ҳикоя қилади:

“Бир ривоятда айтилишча, Сўфи Оллоёр қурилишнинг ҳамма ишларига қарашиб юрар экан. Гоҳ девор ураркан, гоҳ ёғоч ишлари билан машғул бўларкан. Бир кун масжиднинг устини ёпадиган ёғоч устаси устунларни кўйиб келаверса, битта устун битта устун бошқаларидан бироз калта эканлигини кўриб, Сўфи Оллоёрга бу ҳақда айтади. Шунда Сўфи Оллоёр айтади:

“Йўқ уста, калта эмас, яна бир ҳаракат қилиб кўринг, барабар келиб қолар”.

Уста шундан сўнг устунни яна тикка қилиб кўрсаки, бошқа устунлари билан барабар чиқибди”¹³¹.

“Мени эмас Искандарни зиёрат қилинглар”

Айтишларича, Искандар халифа бир муддат Қўқон шаҳридаги пирининг хизматидан сўнг уйга қайтади. Қайтар чоғида қаерда бева-бечорани кўрса уларга топган-тутганини тарқатиб беради. Шу тарзда Арсиф қишлоғига келади. Ўша пайтлар арсифлик Бадриддинбой ҳаж зиёратига кетган эди. Барча қишлоқ аҳли Бадриддин ҳожини кутишга тайёргарлик кўра бошлайдилар. Кўпдан буён ҳаж қилмоқни орзу қилган Искандар халифа бу ҳолатни кўриб “қани энди мен ҳам

¹³¹ Мирзаев Р. Сўфи Оллоёрга замон боқажак. Т.: Фан, 2007. – Б.45.

Бадриддин ҳожи билан ҳажга борган бўлсам”, деб хаёлидан ўтказади. Бир вақт одамлар “Бадриддин ҳожи келди”, дея уни зиёрат қилгани югурадилар. Тумонат одамни кўрган Бадриддинбой одамларга қарата “Эй халойиқ мени эмас, Искандарни зиёрат қилинглар. Мен уни бир гуруҳ азизлар қуршовида Каъбага кираётганлигини ўз кўзим билан кўрдим” деган экан.¹³²

Абдуллоҳ ибн Муборак икки йилда бир ҳаж қилар эди. У шундай ҳикоя қилади: “Ҳаж қиладиган йилим беш юз динор олиб, туя сотиб олиш учун Кўфадаги туя бозорига чиқдим. Бораётиб қарасам, бир аёл ўлган ўрдакнинг патини юлаётган экан. Олдига бориб:

— Буни нима қиласиз? — дедим. Аёл:

— Ишинг бўлмасин, Аллоҳнинг бандаси, — деди. Бу гапдан бироз шубҳаланиб, ўрдакни нима қилмоқчилигини қайта-қайта сўрайвердим. Ниҳоят, аёл сабабини айтди:

— Сиримни очишга мажбур қилдингиз, Абдуллоҳ. Аллоҳ сизга раҳм қилсин. Эрим вафот этди, тўртта қизим билан қолдим. Бугун туз тотмаганимизга тўрт кун бўлади. Шунинг учун бизга ўлимтик ҳалол бўлди. Бу ўрдакни тозалаб, қизларимга олиб бормоқчиман.

Ичимда: “Эй Ибн Муборак! Шўринг қурсин, кўзинг қаёқда эди?” дедим. Аёлнинг этагига бор пулларимни тўкиб, “Уйингизга боринг, бу пулларга керакли нарсаларни олинг”, дедим. Ўша йили Аллоҳ қалбимдан ҳаж қилиш истагини олиб қўйди. Ҳожилар қайтиб келгач, улар орасидаги қўшниларим ва дўстларим билан кўришмоқчи бўлиб чиқдим. “Аллоҳ ҳажингизни қабул қилсин, амалингизга мукофот берсин” десам, улар ҳам: “Аллоҳ сизнинг ҳам ҳажингизни қабул

¹³² Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Қирғизистон Республикаси Баткент вилояти Қадамжой райони Учқўрғон қишлоғининг Тожик маҳалласида истиқомат қилувчи Райимжон Маруповдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

қилсин, амалингизга мукофот берсин", дейишар эди. Мен ҳайрон бўлиб, "Қандай ҳаж? Ахир Кўфадан чиққаним ҳам йўқ-ку!" десам, улар "Қанақасига, ахир ўзингиз Фалон жойда бизга сув улашдингиз-ку! Фалон жойда баъзи амалларни бажаришга ёрдам ҳам бердингиз", дейишарди. Бу гапни кўпчиликдан эшитдим, аммо уларнинг келишиб олишлари мумкин эмасди. Бунинг сабабини ўйлаб ўйимга етолмай, уйқуга ётдим. Тушимда Набий саллоллоҳу алайҳи васалламни кўрибман. У зот: "Ажабланма, Абдуллоҳ. Бир ночор аёлга ёрдам берганинг учун Аллоҳдан сенинг суратингда сенинг номингдан ҳаж қиладиган бир фаришта яратишини сўраб дуо қилдим", дедилар.¹³³

"Яна қимиз борми?"

2023 йилда Бешбурхон қишлоғида яшовчи 88 ёшли Исо бобо шундай ҳикоя қилган эди: "Илгари замонларда қирғиз халқини ажойиб одатларидан бири меҳмон охир оқибат "бўлди, тўйдим" демагунча меҳмонни қимиз билан сийлар экан.

Новқатлик бир бой Искандар халифанинг доврўғини эшитиб, уни муридлари билан меҳмонга таклиф қилибди ва катта бир мешни қимиз билан тўлдириб, уларни қимиз билан сийламоқчи бўлибди. Бой одатлари бўйича Искандар халифа ва унинг муридларига қимизни олиб келибди ва "Шартим шулки, мешдаги барча қимизни ҳар бир меҳмон бир косадан ичиши керак", дебди. Искандар халифа бу шартни эшитиб мийиғида кулиб қўйибди ва бойга мешдаги қимиз битта

¹³³[https://www.facebook.com/groups/424105754860184/user/100035232164779/?__cft__\[0\]=AZU01nE1oYmTRlovNA5yhn4oZkMzXupmH4KnkyAjfaGJOAUe4fH3XPZrDNEJIN8OzCi08tn1NWeGe4mril6m5CqpbzeiPU5zppT8OHTfx5NGn6NrSgl3j59vWfbZgqIP4P-re9TZU9LiCokNkZTHad6NN9qCsDquCQBKGoH3clgssja4suCKvsrh4yEdxTYA8MoGyu2tuz5cWKD12OM_dddegCPlo7vyVYHxrY3sSGftg2A&__tn__=%2CP-R](https://www.facebook.com/groups/424105754860184/user/100035232164779/?__cft__[0]=AZU01nE1oYmTRlovNA5yhn4oZkMzXupmH4KnkyAjfaGJOAUe4fH3XPZrDNEJIN8OzCi08tn1NWeGe4mril6m5CqpbzeiPU5zppT8OHTfx5NGn6NrSgl3j59vWfbZgqIP4P-re9TZU9LiCokNkZTHad6NN9qCsDquCQBKGoH3clgssja4suCKvsrh4yEdxTYA8MoGyu2tuz5cWKD12OM_dddegCPlo7vyVYHxrY3sSGftg2A&__tn__=%2CP-R)

муридини ўзига етмаслиги айтибди. Бой Искандар халифанинг бу сўзига ишонмабди. Ахир мешдаги қимиз бу меҳмонлардан ортиб қолиб яна шунча кишига етгулик эди. Шунда Искандар халифа муриди Абдужабборга қараб “Энди сиз бизга Кўлихуббон бўлиб берасиз”, деб эркалатиб елкасига қўли билан уриб қўйибди. Бунини қаранг, ўн етти коса қимизни ичган Абдужаббор “яна қимиз борми?” деб турганмиш. Бой бу ҳолатни кўриб Искандар халифанинг нақадар улуғ авлиё эканлигини англаб етибди ва ўзининг сеvimли отини унга ҳадя қилган экан”¹³⁴

Меҳмонлардан хабар олинглар!

Тасаввуфда кўрмасдан туриб содир бўладиган ишни олдиндан айтиб бериш, руҳан ғойибона сезиш фиросат дейилади. Зеро, фиросат – валийликдан нишонадир. Соҳибкаромат Искандар халифа ҳам ўз даврининг валийлик даражасига эришган зотларидан бири бўлган. Бу ҳақда Искандар халифанинг шогирди Мулла Абдулкарим қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб берган экан:

Искандар халифа Бешбурхон-Тахтакдаги эканлигида суҳбатни тўхтатиб, бир муддат сукутга чўмади ва шогирдларига “Тез фурсат ичида меҳмонлар келади. Уларни кутиб олинглар”, дейди. Унинг бу сўздан сўнг барча даврадагилар ҳайрон бўладилар. Улар бир-бирига ҳайронлик билан боқадилар. Чунки чор-атрофда ҳеч ким кўринмас эди. Бироқ чиндан тез фурсатда ҳарбий кийимдаги отлиқлар пайдо бўлади. Булар ОГПУ¹³⁵ ходимлари, яъни Шўро

¹³⁴ Дала тадқиқотлари. 2023 йил. Фарғона вилояти Қувасой шаҳри Арсиф қишлоғида истиқомат қилувчи Шарофиддин Аҳмадалиев (1958 йилда туғилган) ёзиб олинди.

¹³⁵ ГПУ (Государственное политическое управление) – Давлат сиёсий бошқармаси. Шўро ҳокимиятининг махфий хизмат муассасаси. Дастлаб ЧК (Чрезвычайная комиссия) – фавкулода комиссия) деб аталган. Сўнг ГПУ 30 –йиллар бошига келиб эса ОГПУ (Объединенное государственное политическое управление) – Бирлашган давлат сиёсий бошқармасига айланган.

ҳукуматининг жазо отряди эди. Барча саросима ичида қолади. Чунки бу келаётган қуроолланган кимсаларни нияти бузуқлигини бир қарашда билса бўларди. Ҳарбийлар Искандар халифани керак бўлса банди қилиб олиб кетиш учун келаётгандилар. Искандар халифа муридларига ҳаммаси яхшилик билан тугашини айтади. Шу вақт унинг олдида ҳарбийлар бошлиғи, татар миллатига мансуб киши кириб келади. Искандар халифа бу нотаниш меҳмон билан ёлғиз суҳбатлашади. Уларнинг суҳбати узоқ давом этади. Бир вақт меҳмон хонадан хушқайфиятда чиқиб, қўл остидагиларга орқа қайтишга буйруқ беради.

Маълум бўлишича Искандар халифа татар зобитдан аждодлари ким эканлигини сўрайди. Зобит йигит бобоси тўғрисида сўз очган вақт Искандар халифа “ Сизни бобонгиз менинг дўстим бўлади. У билан биз бирга фалон йилда ҳаж амалларини бажарган эдик”, деб бобоси ҳақида батафсил сўзлаб берган экан. Аслида Искандар халифани қамоққа олиш ниятида келган зобит бобосининг дўстини учратганидан хурсанд бўлиб ортга қайтган экан.

Бу воқеани уйдирма деб қарайдиганлар ҳам бўлиши мумкин. Бироқ изланишларимиз давомида шунга ўхшаш воқеаларга дуч келган эдик.

Масалан, татар Искандар халифани татар миллатига мансуб ҳарбий билан суҳбатига ўхшаш воқеа Искандар халифанинг замондоши Хонақоҳий Ҳазрат билан содир бўлган.

Маълумки, Чор Россияси Ўрта Осиё халқларини босиб олгач, бутун Туркистон мулки босқинчилар мустамлакасига айланган. Уларнинг қадами юртимизга етиши билан турфа нохуш ҳолатлар пайдо бўлган. Ушбу манзараларни улуғ шайх Муҳаммад Али халифа – Дукчи эшоннинг қуйидаги

сўзларидан билсак бўлади. У зот муридларига куйинчаклик билан қилган ваъзларининг бирида шундай деган эдилар:

“Эй биродарлар! Ҳаммамизга маълумки, юртимиз мусулмон юрти, эл мусулмон, халқ мусулмон, шариъатнинг ҳукми жорий, амри нофиз эди. Ҳукуматга Аллоҳ ўзи биладир, бу босқинчиларни мусаллат қилди. Юртимизга ўрис келди... У аввал Ватанимизни, сўнгра тилимизни истило қилди. Секин-аста динимизга истило қилмоққа бошлади. Кўряписизларки, мусулмоннинг ахлоқи бузулди. Ўруснинг келганига ўттиз йил тўлмай улар рибо (судхўрлик)ка одатланди. Ҳалол-ҳаромни фарқ қилмас бўлдилар. Хулоса шулки, шариъатимиз хор, мусулмончилик гариб бўлди, ҳурриятимиз зоиб бўлди. Ўзимиз ўтмас, сўзимиз кесмас бўлди..”¹³⁶.

Айтишларича, шу пайтда шунча хўрликлар етмаганидек, Оқ Пошшо жаноблари – Николай ўзининг номини жума хутбасига қўшиб ўқишга фармон чиқаради. Шунга кўра Туркистон генерал губернатори Барон Веровский бу ҳақда Туркистон вилоятидаги барча жомеъ масжидларида айём кунлари ва бошқа подшоҳлик байрамларида шу каби хутбани ўқимоқни буюради.¹³⁷

Бу ҳақда Қўқон мухторияти раиси Мустафо Чўқай шундай дейди: “Туркистон Ўлкаси учун қўйилган миссионер Остроумовнинг таклифига кўра, Туркистон мусулмонларига жума намози хутбаларида Оқ Пошшо номини қўшиб ўқишликка кўрсатма берилди. Мустамлака мусулмонлари таҳқирланиб, рус амалдорларига таъзим бажо этишга мажбурланар эдилар..”¹³⁸

Ёки, давлат ва жамоат арбоби Турор Рискуловнинг қуйидаги гапларини тинглаб кўрайлик. “Приставларнинг ҳокимлик суришлари шу даражага етдики, улар, ҳатто

¹³⁶ А.Эгамназаров. «Сиз билган Дукчми Эшон». Тошкент.1994.34-б.

¹³⁷ Ўз МДА. И-1009, йиғма жилд, 1-иш, 34 варақ. Александр III (1881-1894) номига хутба.

¹³⁸ М. Ҳасаний. «Юрт бўйнидаги қилич ёки истило». Тошкент. 1997. – Б.92.

масжидларга қўнғироқ осмоқчи бўлдилар. Ўзларининг тўраликларини ва ҳукмдорликларини кўрсатмоқ учун намоз вақтида масжидга итлар билан кириб келдилар..”¹³⁹

Бу ўша даврнинг, “Эй воҳ-ҳ, Оқ Пошшонинг номидан янги фармон келибди, Николайни, яъни, бир ўрисни номини хутбада ўқиймизми?! Бу қандай гап?!” дея ғазабланган, эътиқоди мустаҳкам пок қалбли кишиларни ранжитгани каби Ҳазрат Домланинг нафратларига сабаб бўлади. У зот буни очиқ инкор қиладилар ва фармонни бажармайдилар.

Аммо бу Туркистон Генерал-губернаторига етиб боради. У бу ҳақда Фарғона губернаторига топшириқ беради. Бу ишни ҳал қилиш ўлка приставга юкланади. Ўша давр рус амалдорларига хос кийинган пристав ёнида бир тилмочи билан Марғилонга – Хонақоҳга келади ва Ҳазрат билан ёлғиз гаплашм оқчи эканини тилмочи орқали тушунтиради. Ҳазрат рози бўладилар.

Тилмочни ташқарида қолдирган приставни тўғри Ҳазрат ҳузурига олиб кирадилар. Бу ерда у Ҳазрат билан соф ўзбек тилида сўзлашади.

Пристав нима учун фармонга қарши чиққанлари сабабини сўрайди. Ҳазрат, бу каби ишлар шариъатга зид экани, буни қилган киши Аллоҳ олдида қаттиқ гуноҳкор бўлишини айтадилар. Шунда пристав: “Сиз қаерда ўқигансиз?” деб сўрайди. Ҳазрат Бухорода ўқиганларини айтадилар. “Мадрасада Татаристондан келиб ўқийдиган фалон исмли талабани ҳам билармидингиз?” – дейди. “Ҳа”, – дейдилар. “Кўрсангиз уни танийсизми?”, – дейди. “Танийман, бошида аломати – ортиғи ҳам бор эди”, – дейдилар. Шунда у бошидаги қалпоғини олиб, ўша аломатни кўрсатади...

¹³⁹ Ўша асар. –Б. 83.

Маълум бўлишича, мазкур тилмоч бирга таълим олган ўша татар шериклари бўлиб, Чор ҳукумати уни махсус ўқитган экан.

Суҳбат охирида у Ҳазратга раҳмат айтиб, ҳали ҳам талабалик пайтларидаги каби тақвода турганларига таҳсин айтади ва хутбани бемалол ўзлари билгандек ўқийверишларини ва у ёғини эса ўзи тўғрилаб қўйишини айтиб, чиқиб кетади.¹⁴⁰

Яна бир воқеа.

XIX аср охири ва XX аср биринчи ярмида Марғилонда яшаб ўтган аллома, фақиҳ ва шоир Фозилжон маҳдум Марғилоний 1927 йилда биринчи марта ноҳақ айблар билан қамалади. Андижон турмасида тўрт нафар уламо – Абдулмажид қози домла, Мулла Қобул охунд ва яна бир уламо бирга бўлади. Турмада Мулла Қобул охунд ўғиллари Қамариддин маҳдумга васият ёзиб қолдирмоқчи бўлиб қалам қоғоз бўлмагани учун бирор нарса топиб келиш учун ташқарига чиқади. У зот келгунича Фозилжон маҳдум косов билан деворга бир форсий иборани ёзиб қўядилар.

Мулла Қобул охунд келиб ёзувни ўқийди ва васиятидан воз кечади. Унда сиз Аллоҳ таолонинг раҳматида ноумид бўлиб, ўзингизни ўлимни лабига олиб келдингиз, киши ҳеч қачон Худодан ноумид бўлмаслиги керак. Бу ҳам аслида раҳмат ва яхшилик, ҳали бу ердан саломат чиқиб хайрли ишларни қиламиз, деган мазмун бор эди.

*Илоҳий биз каби ношодларга шодлик еткур,
Дили вайронбиз икки жаҳон ободлик еткур,
Эрурмиз тўдайи бебунёдлар бунёдлик еткур,
Асири банди ғамдурмиз, Ўзинг озодлик еткур,*

¹⁴⁰ Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний). – Т.: "Sharq", 2013.- Б.183-185.

Мукофоти амал эрмас, бериш Санга карамдандур.

1931 йилда вазият қалтис тус олган бўлишига қарамай Андижонга бориб, марказий масжидлардан бирида хизмат қила бошлайди. Лекин кўп ўтмай иккинчи марта қамалиб, “жазо”ни ўташ учун Қўқонга олиб кетилади. “1933 йил 16 мартда ОГТУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учликнинг аъзолари Райский, Амелин, Загвоздин, Вальтел, Арандлар иштирокидаги йиғилиш бўлиб ўтган ва унинг тафсилотлари 26-сон баённомада акс эттирилган.⁷⁵ - рақамли иш кўрилган, улар орасида Фарғона округидан бўлган маҳбуслар ҳақида ҳам ҳукм чиқарилган.

435/539-сонли иш бўйича 4 киши отувга, 2 киши 10 йил МТЛ га ҳукм этилган. Бу 6 нафар маҳбус Қўқон меҳнат тузатув Бошқармасида ҳибсда сақлаб турилган. Улардан қуйидагилар отувга ҳукм этилган:

1.Абдуқодир Махсум Оқ эшон Мадумаров - 52 ёшда, қирғиз, Қирғизистон АССР Урозбекобод райони Учтепа қишлоғидан, эшон.

2.Авлиёхонтўра Абдуллаев - 47 ёшда, ўзбек, Авлиёота шахридан, эшон.

3.Ҳасанхўжа Исахонов - 45 ёшда, ўзбек, Марғилон районида, эшон.

4.Фозилжон Махсум Сулаймон Хўжаев - 64 ёшда, ўзбек, Марғилон шахридан, имом”.¹⁴¹

Ушбу ҳукмдан кўринадики, Фозилжон маҳдум иккинчи бор қамоққа олинганида отувга ҳукм қилинган. Бироқ айрим сабаблар билан у омон қолган.

Фозилжон маҳдум Қўқон турмасида турганида бўлиб ўтган бир воқеа ҳақида шогирдларидан Юсуфжон ҳожи ота

¹⁴¹ Шамсутдинов Р. Деҳқонларни “қулоқлаштириш” ва қатағон қилиш тарихига доир (Фарғона вилояти мисолида) // Тарихнинг номаълум саҳифалари. Илмий ахборот ва мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар.Олтинчи китоб - Т.: UNLIMITED PRINT, 2017. – Б.40.

шундай дейди: "Фозилжон маҳдум турмада турганларида ҳам гарчи шу иш сабабли қамалган бўлишларига қарамай намозни тарк қилмаган эканлар. Энг қизиғи, бундай шароитда имо-ишора билан ўқиш мумкин бўлгани ҳолда маҳбусларни ҳам жамоат бўлиб ўқишга чақирар эканлар. Унчалик хушламасалар-да, ноилож қўшилар эканлар. Бир куни у зот имомлигида намоз бошлабдилар. Бир маҳал турма эшиги очила бошлабди. Орқада турганлар намозни бузиб жойларига борибдилар. Аммо Фозилжон маҳдум намозни давом эттираверибдилар. Кирган турма бошлиғи экан. Кира солиб домлани намозда турганини кўриб ғазаб билан орқаларидан тепиб юборибди. Домла мувозанатни сақлай олмай қулаб кетибдилар ва яна туриб давом эта бошлабдилар. Бу унинг нафратини янада қўзғабди. "Шошмай тур, ҳали сени турмада чиритаман, бу ердан ўлигинг чиқади" дея ҳақорат қилиб, бошқа маҳбусларни ҳам огоҳлантириб шитоб чиқиб кетибди. Намоздан кейин шериклари домлага, яхши бўлмади, ахир, кейин ҳам ўқиб олиш мумкин эдику, шунча гап бўлмас эди!?, дея хафа бўлибдилар. Домла уларга, намозни ўз вақтида ўқиш фарзлигини наҳотки сизлар билмасангизлар, дебдилар.

Эртасига турма бошлиғи домлани чақирибди ва мени кечиринг, мен сизни билмабман, деб узр айтибди. Сизни бир ҳафтага қолмай чиқариб юбораман, деб ваъда берибди. Орадан бир ҳафта ўтгач, озод қилиб, бир ходимига бу кишини уйига олиб бориб қўясан, келиб бу ҳақда менга ҳисобот берасан, деб тайинлаб жўнатган экан".¹⁴²

Мазкур ҳодисадан кейин қандай воқеа рўй бергани бизга қоронғу. Бироқ, уни бундай қилишига мажбур қилган бирор жиддий воқеа бўлгани аниқ.

Қамоқдан чиққач Фозилжон маҳдум оила аъзоларини олиб Тожикистоннинг Хўжанд вилояти Ўратепа қишлоғига

¹⁴² Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон –Ёвқочар.2016.

кўчиб кетади ва 1955 мелодий 17 апрел шанба куни 78 ёшда вафот этадилар. Қабрлари Хўжа Порсо қабристонида бино қилинади.¹⁴³

Марғилонлик тadbиркор Абдубаннобхон Маҳмудов бобоси билан хотираларини ёдга олар экан қуйидагиларни ҳикоя қилиб берган эди:

“Бобомиз Маҳмудхоннинг кўп дўстлари бўлган. Шулардан бири Абдуллахон тўрам бўлиб, у киши турмуш ўртоғим Анисахонни оналари Мақсудахонни опoқилари бўлади. Аниқроғи оналарининг дадаларидир. Абдуллахон тўрамни ота-боболари Қўқон хони Худоёрхон билан жуда аҳил бўлишган экан. Худоёрхон томонидан уюштирилган катта-катта зиёфатларда ҳам қатнашиб келганлар. Ҳатто хоннинг шахсий ошпазларидан бирини ўзлари учун ошпазликка сўраб, Марғилонга олиб келган эканлар. Абдуллахон ҳам Петроград (ҳозирги Санкт-Петербург)да таълим олганлар.

Ўтган асрнинг 30-йилларида ўзбек зиёлилари Сталин тарафидан қатағон қилинган чоғда Абдуллахон ҳам ўлимга ҳукм қилинган. Лекин, бу ва бошқа яна тўрт нафар кишини отувга олиб чиққан маҳалда бахтли тасодиф туфайлигина у киши ўлимдан қутилиб қолган эканлар. Шериклари отиб ташлангач, уларни отувга олиб чиққан ҳарбийларнинг каттаси бу кишига ўзини чуқурга ташлаб, худди ўликдек ётишини сўраган. Сабаби ўша ҳарбий киши Абдуллахон тўрамнинг уйларида ошпазлик қилган Қўқон хони Худоёрхоннинг собиқ ошпазининг авлоди бўлиб, эски қадрдонини шу тарзда жонини сақлаб қолган экан. У Абдуллахонни таниб қолиб, фалокатдан қутқаради ва ўликлар билан қўшиб олиб чиқиб, сўнг Андижон тарафига қочириб юборган экан”.¹⁴⁴

¹⁴³ Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Фозилжон Маҳдум Марғилоний. IV. – Т.: “NOSHIR”, 2017. – Б38-41.

¹⁴⁴ Абдулаҳатов Н. Хожа Марғилоний. – Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT”, 2017. – Б.175-176.

Ошпаз билан боғлиқ ушбу ҳикоя бизга Шеркон Қодирийнинг “Ажр” ҳикоясини эслатади.

“Эски шаҳар маҳалласида жойлашган Тўхтабой жоме масжидини қурдирган (1907-1908 йиллар) Тўхтажон бойни шўролар даврида ҳибс этган эканлар. Ўша вақтда маҳбусларни кўчаларда ишлатишар экан. Бир куни аскарбоши Тўхтажон бойга шундай деган экан:

– Сиз бугундан бошлаб ишламайсиз. Менинг ёнимда ўтирасиз. Нима есам ейсиз.

– Нега? – дебдилар Тўхтажон бой.

– Эсингиздами, ёш бола пайтимда, отам қазо қилганларида масжидингизга ёрдам сўраб борган эдим. Сиз отамни кўмишга ёрдам берган эдингиз. Ҳатто биз укаларим билан вояга еткунимизча, одамларингиз ҳафта сайин биздан хабар олиб, моддий ёрдам бериб туришган эди. Мен сизни танидим, – деган экан.

Шунда атрофдаги маҳбуслардан бири:

– Бой, сиз қилган эҳсонингизнинг ажрини бу дунёда олаяпсиз. Ҳали у дунёда ҳам кўрасиз, иншооллоҳ! Дуо қилинг, бизнинг ҳам мушкулумиз осон бўлсин! – деб сўраган экан.

Айтишларича, Тўхтажон бой ҳақиқатан ўзлари қурдирган масжидларида ҳар жума:

– Ким қийналган бўлса келсин, ёрдам берамиз! – деб эълон қилдиарар эканлар”¹⁴⁵.

“Бу одамдан ҳушёр бўлинглар!”

Марғилонлик Акрамхон тўранинг Искандар халифа тўғрисидаги ҳикояси:

¹⁴⁵ Шеркон Қодирий. Йўловчи. – Т.: «DAVR PRESS»НМУ, 2014.- Б. 58.

Бир куни бир киши биродарларига “Бу ер (Марғилон)да эшонлар кўп экан, ҳазрат Домла, Ҳожи Каримжон домла ва бошқалар экан. Буларнинг пеши Ҳазрат Домла эканлар. Мен энди уларни атрофлардан тўплайман, уларни бир меҳмон қиламан, сўнгра байъат қиламан”, дебдилар. Кўп жамоа йиғилди. Меҳмонхона тўла бўлди. Арсифдаги Искандар халифани ҳам олиб келишган экан. Хон бува Мукаррамхон тўра у зотга одам жўнатиб турар эканлар. У зот илмсизларни ҳам қабул қилаверар эканлар. Нос чекканларни ҳам қабул қилар эканлар, лекин шуни баъзилар гапириб туришар экан. У зот кичик бир саллани боғлаб келибдилар. Келиб пастроқдан жой олибдилар. Анжуман пайти Хон бувалари уйни ўртасига катта хони қўйиб Искандар халифани тақсир, бу ерга келинг, деб таклиф қилибдилар.

Искандар халифани Абдуҳаким исмли ўғли ҳам Ҳазрат домлада ўқиган.

У зот қабул қилмабдилар, лекин учинчи бор айтганларида ўша ерга бориб ўтирганлар. Кейин Хон бува йиғилганлар қараб “Эй азизлар мана бу одамдан хушёр бўлинглар” деган эканлар.

Кейин ичкарида жуда қаттиқ йиғин бўлиб кетди. Чиқишганида “Мен шу тожик домла (Искандар халифа)ни меҳмон қилсам”, дебдилар Акрамхон тўрам. Уйга олиб келдим. Келаётсам бир одам бир сават нон олиб кетаётган экан, “Уни менга сот эртага меҳмон кузатаман”, дедим. Онамга “шундай бўлди, эртага келишади, таклиф қилдим”, десам, “Ҳай Худо жонимни олсин, у бузрукларни нима билан меҳмон қиласан”, дедилар. “Нон олиб келдим” дедим. “Ҳа нон билан бўладими”, дедилар. “Ташвиш қилманг, бўлади”, дедим. Бомдод бўлди. Бир қўшним бор эдим кириб бир қўй оладиган бўлдим. 15-16 та қўйи бор экан. Эртасига улар келишди анжуман тугаб кетаётган вақт икковларини олиб

бориб қўйларни кўрсатдим “Хон бувам ҳазратларига 24-25 қўй келибди, булар сизга келибди”, дедим. “Булар менга келибдими, ҳаммасини сенга бердим”, дедилар. Шуларни қадами сабаб мен бадавлат бўлиб кетдим, кейин у зотга байъат қилдим”.

Шу ўринда Акрамхон тўра ҳикоясидаги Мукаррамхон тўра ва уни Искандар халифа тўғрисида “Эй азизлар мана бу одамдан хушёр бўлинглар” деган сўзларига изох бериб ўтсак.

Дарҳақиқат Искандар халифанинг замондошлари силсиласида саййид Мукаррамхон тўра Хон бува (қ.с.) номларини ҳам келтириш ўринли. Зеро, Мукаррамхон тўра, яъни Хон дада қаерда бўлса, албатта Искандар халифани ҳам шу даврга таклиф қилган ва бошқаларга доим Искандар халифанинг кимё назаридан бебаҳра қолмасликка даъват қилган. Чунки Искандар халифа фавқулодда кимё назар соҳиби бўлиб, назарлари кимга тушса албатта у камолот топар эди.

Мукаррамхон тўра ёзма маълумотларда “ифтихори аҳли олам – олам аҳлининг ифтихори”, “саййиди ғовсул варо – қутблар саййиди”, “олий насаб қутби замон”, “маърифат бобида якто”, “вужуди кимё”, “фарди замон – замон ягонаси”, “илми иърфон олими”, “соҳиби фаҳми фаросат – фаҳму фиромат соҳиби”, “зубдаи шайхул машойих – барча машойихлар шайхи”, “қудвайи барча халойиқ – барча инсонлар йўлбошчиси”, “моҳийи бидъат – бидъатларни ўчирувчи”, “далилу инсу жон – инсону жинларга йўл кўрсатувчи”, “анису лутфи Ҳақ – Ҳақ лутфининг маҳрами”, “ошиқи маҳбуб”, “зоҳиду аллома”, “гавҳари шоҳ валоят – авлиёлар гавҳари”, “манбаъи иззу шараф – шараф ва азизлик боиси”¹⁴⁶ каби сифатлар билан таърифланган.

¹⁴⁶ Муфаззал маҳдум, «Хон Бува вафотига марсия»; Бекий, «Хон Бува вафотига тарих»; Жалолиддин Марғиновий. «Хон Бува тарифида» Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 2-йигма жилд.

Хон бува 1959 йил декабр ойининг охирида Марғилонда 100 ёшда вафот этган. Бу ҳақда замондошларидан Муфаззал махдум у зот вафотига ёзган марсияси олдидан шундай дейди: “Марғилон шаҳрининг ифтихори жаноб саййид Мукаррамхон тўрамнинг шайхи фонийликда эъзоз жаҳон бўлиб, хусусан, Ўрта Осиё бўйича ҳар бир тўғрида илғорлик сифати ила шуҳрат топиб, имтиҳонлар билан давримизнинг олий насаб қутби замонликда бир “азизул вужуд” (“вужуди азиз”) эканликлари маълум эди. Бу зот 1960 мелодий, 1379 ҳижрий йиллари ичида вафот этдилар. Ҳар бир сифат билан марсия ва тарих қилиш мумкин ҳолда ҳар бир шоир ва қаламкашлар қилдилар.

Камина илмим етарли бўлмай ва абёт қофияларга ожиз бўлсам-да, камоли шавқу муҳаббат ва самимий эътиқод лаззатида ва жаноб муфтий ҳазратни дафн ораси етиб келиб, нутқи томма дурдоналарини халқи оламга сочиб, мақоми пири муғон янглиғ ҳаммани бошқа хил кайфиятга солиб, гунгу лол қилмиш завқи, тубандаги марсияни илҳомга шуғуллантирди. Қофия ва мазмуни мафҳумларидаги нуқсонларга ожизона узрлар талаби билан истеъзорлар”.¹⁴⁷

Шу ўринда Марғилонлик Эргашбой ота Муллажон ўғлининг ушбу ёдномаларини ҳам келтириб ўтишни маъқул кўрдик:

“Улуғ Хонбува ҳазратлари узоқ машаққатли риёзатли умр кўрган зот эдилар. Ўз ҳаётларида нафақат шаҳри Марғилон, балки бутун Моворауннаҳр мусулмон оламида, одамларни даҳрийлик бало-офатидан сақланиб қолишлари учун, одамларнинг қалблари ўлиб, беэиё бўлиб қолмасликлари учун қаттиқ риёзат чекиб, валиёна ҳаёт кечирганлар.

¹⁴⁷ Муфаззал махдум. Мукаррамхон тўра вафотига тарих. Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 2-йиғма жилд.

Хонбува ўз фаолиятларида мусулмон авлоднинг ёш, иқтидорли вакиллари бўлмиш зиё аҳлига бошчилик қилиш, уларнинг маънавий тарбиятини олиб боришдек улўғ муқаддас вазифани уддалаб яшаган табаррук зот бўлганлар.

Шаҳримиз зиё аҳлининг кўпдан-кўп вакилларининг таъруфотича Хонбува хуш хулқ, иқтидорли катта илм соҳиби, хотамона сахий, кароматлари зоҳир валий зот бўлганлар.



*Оқ салладаги таббарук зот
Мукаррамхон тўра Хон бува . 1959 йил.*

Ўз илмларидан шаҳар зиёлиларига фикҳдан, тасаввуфдан таълимотлар, тафсири Қуръон, ҳадиси набавиядан билимлар берганликларини эсланиб келинмоқда. Жуда кўп шаҳримиз уламолари Хонбувадан сабоқ олиб, илм ўрганишган ва ул зот кўрсатган йўлдан юриб зиёли бўлиб зиё тарқатиб яшашган. Бунинг натижасида ўтган даҳрийлик тузумда шаҳримизда ибодатли, илми-маърифатли одамлар буюк ислом динини сақланиб, ривожланиб қолишига сабаб ва муваффақ бўлишган. Бундай муваффақият Хонбува ҳазратларининг самарали фаолиятлари натижаси десак ҳаққоний тўғри бўлади”.

Айтишларича, собиқ муфтий Зиёвуддин хон Эшон Бобохон ҳазратлари ҳам Хон бува зиёратларига келиб турганлар.



Мукаррамхон тўра Хон бува Хонақоҳ масжиди минорасига гишт қўйиш маросимида. 1959 йил.

Сўнги марта вафотлари олдидан келган Зиёвуддинхонга Хон Бува ўз чакмонларини бериб: “Бизнинг ҳам сафаримиз яқин бўлиб қолди”, – дейдилар. Жаноза куни ўша йўл-йўл тўнни қўлтиқларига қистирган кўйи кириб келган муфтий ҳазрат йиғилганларга қараб: “Биродарлар, бу ерда биздан ҳам кўра илмми, тақволи кишилар бор. Лекин Хон бува бир ҳафта олдин менга мана бу тўнни бериб, бу хизматни менга топширмаганларида, бу ишга журъат қилмаган бўлур эдим”, – дея, одоб билан нутқ қиладилар.

Хон бува вафотига замондошларидан кўплаб кишилар марсиялар ёзишган. Биздан улардан бир нечтаси сақланади. Қуйида улардан Бекий қаламига мансуб марсияни насрий таржимаси билан келтирамиз.

Мукаррамхон тўра вафотига Бекий марсияси

~ 185 ~

Камина Бекийни жаноб олий мартаба ҳазрат Мукаррамхон
тўраи Марғиноний вафотларида қилган марсия ва тарихидур.
Махфий қолмасунким, камина тарих ёзгандан сўнг, жаноб мавлоно
Румийни маснавийларини очсам ушбу байт чиқди.

Ки мувофиқ ҳаст бо иқрор ту,
То мунофиқвор набувад кори ту.

Марсия

Иннамад-дуня мамарру инсу жон,
Аъша ман фиҳа ажулан сума фон.

Куллу шайин ҳаликун илла важҳуҳ,
Даври даврон ўтказиб йўқдур жаҳон.

Иннамал-мавту камиштин фил-аъқос,
Бефутур ўлмас бу мўда ул замон.

Қайси жондур бу жаҳонда жовидон,
Бонги реҳлат бу нафасдандир аён.

Қилгил омода сафарни зоди деб,
Бул-ҳавас умрига айлар эътимод,

Айрилур шерозадин гулдур ҳазон.
Лаззати дунё эрур банг нашаъси,

Кўз юмиб очқунча сен элдин ниҳон.
Зубдаи шайхул- машойих наъйи дин,

Сийнаси ким қонга тўлмас қайси жон.
Қудвайи барча халойиқ ул эди,

Моҳийи бидъат, далилу инсу жон.
Хол ирфонда мунаввар дил эди,

Сийнаси маънида нури бе духон.
Муҳйис-суннат, анису лутфи ҳақ,

Ошиқи маҳбуб фи куллил жинон.
Маржеъи куллул мафохир фазлидин,

Солик мамдуҳи фи куллил лисон.
Ал-муҳалло ан шурури инсийях,

Ал-муҳалло би ахлоқи ҳисон.
Байзайи фўлод тешган фикр эди,

Зоҳиду аллома эрди бегумон.
Илмидин жаҳл ўлган эрди музмаҳал,
Эл ароси нутқиким гавҳар фишон.
Илм нуридин чаман сийна эрди,

Ал-муғаллақ кал-муҳаққақ фил баён.
Ал-муҳаққиқ вад-даққиқ фил фунун,

Сақфи шаръини имоди бегумон.
Гавҳари шоҳи валоят ҳам росул,

Гунжи миллат борасида посбон.
Манбаъи иззу шарафдур ҳурмати,

Соя солгондур ҳумога ҳар замон.
Ким маваддат бирла қурбо ҳурмати,

Ужраи пайғамбари келди нишон.

Бил ҳасабда ҳам насабда бе иштибоҳ,
Ашраф ўлдию мукаррам ҳар жаҳон.
Ким ани мадҳида то маддоҳдур,
Ул ҳаёт олдидадур ротбул-лисон.
Ҳар нифоқ аҳлин дегум бихубби ол,
Охиратга ҳўкдек бўлғай равон.
Мингни ушридин ўтубон умриким,
Кетти дунёдан йўқ учун ҳам қарон.
Кимки тарихи вафотин сўрса дер,
“Қолбу нолин хойру арбобил ҳисон”.
Ким яна такрор этар Бекий дейур,
“Адда аҳлун ҳалла фий ровзил жинон”.1379
Ҳар нафасда бу садо икки баён.

Насрий таржимаси.

Дунёга келган барча инсу жон ўтмасдан иложи йўқ. Бунда яшаган барча тезда вафот этади. Чунки оятларда, ҳар бир нарса ҳалок бўлади, фақат Аллоҳнинг ўзигина қолади дейилган.

Ўлим кишининг орқасидан туриб уни сочини тараётган кимса каби уларни доимо пойлаб туради ва бу йўлда ҳаргиз ҳам хато қилмайди. Ахир бу дунёда абадий яшаб қолган бирон кимса борми. Олинаётган ҳар бир нафас бизга ўлимдан хабар бермоқда. Ҳар бир нафаснинг кириши ва чиқиши бизга ўлимни ҳозирлигини кўр дея огоҳлик бермоқда.

Аммо орзу ҳавасларга берилган кимса дунёга муҳаббат қилади, аммо ҳар қандай гул ҳам бир кун гулзоридан ажрайди. Дунёнинг лаззати гўё кўкнорининг бир-икки дақиқалик лаззати кабидирки, кўз очиб юмгунча фонийдир.

Афсуски, шайхул-машойих бўлган зот ҳам дунёдан кеттилар. Начора, ахир бу дунёда кимни кўкраги аламдан қонга тўлмаган. Ул зот барча халойиқнинг йўлбошчиси, бидатларни ўчирувчи, инсу жинга йўл кўрсатувчи эдилар.

Маърифатда қалби мунаввар, кўкси эса маънолар нуридан мунаввар эди. Суннатларни тиргизувчи, ҳақ лутфининг улфати ва суюкли маҳбуби. Барча фазилатларни ўзида жамлагани учун барча ерда мақтовларга сазовор эдилар. Барча инсоний нуқсонлардан холий ва гўзал хислатлар билан зийнатланган. Фикрлари тиниқ ва шу билан бирга зоҳид ва аллома.

Илмилари баракотидан жаҳолат чекинган ва эл ичида нутқлари кенг ёйилган эди. Илм нурлари сабаб кўнгишлар нурли эдики, ҳар бир чигал масалаларни баён қилиб берар эдилар. Фанларнинг муҳаққиқ олими ва шарият томининг мустаҳкам устунни. Бутун юртнинг гавҳари ва миллат хазинасининг посбони.

У зотга кўрсатилган эҳтиром азизликнинг боиси. Чунки, у зот ҳатто ҳумо қушига ҳам соя солган эдилар. Кимки у зотга муҳаббат қилса, албатта азиз бўлади. Ҳасабда ҳам насабда ҳам улуғ эдилар, шу боис ҳар ерда мўътабар бўлдилар.

У зотни таърифламоқчи бўлган кимсанинг албатта ожизликдан тили қурийдди. Пайгамбар авлодига душман бўлган ҳар бир кимсани охиратга эшакдек боради деб ўйлайман. Умрлари юздан ўтган эди, барибир дунёнинг вафоси йўқ учун кетдилар.

Кимки у зот вафоти тарихини сўраса, у, “буюкларнинг яхшиси кетди”, сўзлари йигиндисдан чиқади, яъни 1379 ҳижрий. Бекий яна, “у жаннатул ризвонга кетди”, деб ҳам айтади.¹⁴⁸

Авлиёлар гавҳари деб ном олган Мукаррамхон тўрани Искандар халифага бу қадар юксак эҳтиром кўрсатишининг боиси не. Нима учун “Бу инсондан ҳушёр бўлинглар” деб айтган.

¹⁴⁸ Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний). – Т.: “Sharq”, 2013. – Б.436-440.

Ҳазрат Алишер Навоий авлиёларни “Ҳидоят оламининг раҳнамойлари”, яъни тўғрилиқ оламининг сарбонлари деб таърифлаган.

Тасаввуф тариқатининг улуғ намоёнларидан бири ҳазрат Маҳдуми Аъзам (1463/64 – 1542) ўзининг “Рисолаи вужудия” асарида валийлар хусусида қуйидаги таърифни келтиради:

“Валийнинг уч белгиси бор, аввалгиси у бамаъни, унинг юзини кўрсанг, юрагингни тортади. Иккинчиси, мажлисда у маънили сўзлаганида, ўз борлиғи ва сўзлари билан ҳаммани ўзига тортади. Учинчиси шуки, бамаъниликда у оламнинг энг хосидир. Унинг бирор узвидан ёмон ҳаракат юзага чиқмайди”¹⁴⁹.

Нақшбандия силсиласининг Маҳдуми Аъзамдан кейинги йирик вакили Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий (тахм. 1485–1571) тўғрисида маълумотлар берувчи “Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиби” асарида авлиёлар хусусида ушбу маълумотлар келтирилган: “Ҳазрати Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: “Марди Худолар (яъни авлиёлар) билан беллашмоқ ва ўзида сезган баъзи ҳолатлар билан мағрурланмоқ лозим эмасдир. Истиғно ва истикбордан шумроқ нарс ва куфр йўқки, охирги ҳоли ва оқибати қийинчилик бўлмай. Аллоҳдан тавфиқ ва кўмак тилаш керакким, то иршод аҳлининг иноятини топсинлар ва Ҳақ таоло тавфиқини азизларнинг инояти ва муҳаббатидан деб билсинлар”¹⁵⁰.

Мардларнинг (авлиёларнинг) иноятисиз ҳеч инсон хатарлардан, хатоликлардан омонликда бўлмайди. Зубдату-л-орифин Ҳазрати Чалабий буюрибдурларки, иноятсиз фойда бермагай. Агар авлиёуллоҳларнинг инояти камолидан ҳар иккисига эга бўлсалар, нур устига нур бўлғусидир”.

¹⁴⁹ Зоиров Э.Х. Маҳдуми Аъзамнинг “Рисолаи вужудия” асари хусусида // Академик Убайдулла Каримов номидаги Ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. Т., 2006. – Б. 68.

¹⁵⁰ Муҳаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиби. Т., 2002. – Б. 121.

Азиз авлиёларнинг фазилатлари хусусида XVIII асрда яшаб ўтган Шайх Одина-Муҳаммад Хоразмий ўзининг “Мифтоҳ ул асрор” (“Сирлар калити”) номли асарида жумладан шундай ёзади:

“Анбиёларнинг, уларга саломлар бўлсин, фозиллари ва комиллари ва авлиёлар, уларнинг барчасига Аллоҳ таолонинг розилиги бўлсин, бир ойина кабидурларки, Худованди таъоло ўзининг ҳукмлари ва сирларини бу ойнада зуҳур қилдиради, уларнинг вужуди ва тилидан бу ҳукм ва сирларни инон ва ихтиёрсиз содир қилади. Тўтига ўхшаган муридлар ва таълим олувчилар ўзларининг суврати ва жисмига ўхшаиш бу зотлардан маъориф ва ҳақойиқларни тинглайдилар, ахлоқ ва одоб ўрганадилар. Уларнинг сўзлари ва ҳаракатларини уларнинг ўзларидан деб ўйлайдилар, уларга тобелик ва пайравлик қиладилар, Бу нарсалар бошқа жойда эканини билмайдилар”¹⁵¹.

Бу ҳақда атоқли шоир, мутафаккир ва мутасаввиф олим ҳазрати шайх Фаридуддин Аттор (тахм. 1229 йилда вафот этган) шундай дейди:

“Яна бир боиси бор: авлиёуллоҳлар турлича бўлади. Баъзиси маърифат аҳли, баъзиси мақомот аҳли ва баъзиси муҳаббат аҳли ва баъзиси тавҳид аҳли ва баъзиси бу мазкур бўлганларнинг барчасини қамраб олган. Ва баъзиси сифати билан, баъзиси сифатсиз бўладилар.

Шайх Абу Али Даққоқдан сўрадилар:

– Эй Шайх, бу азизларнинг сўзларини эшитишдан бизга манфаат фойда борми?

Шайх деди:

– Ҳа унда икки фойда бор. Биринчи фойда шуки, агар толиб бўлса, ҳиммати кучли бўлгай, талаби ортгай!

¹⁵¹ Шайх Одина-Муҳаммад Хоразмий. Мифтоҳ ул-асрор. – Т.: Ўзбекистон давлат консерваторясининг “Муסיқа” нашриёти, 2006. –Б.84.

Иккинчи фойда шуки, бошида такаббур бўлса, сингай ва дардманд, шикастаҳол бўлгай. Ва ёмон даъволар бошидан чиқади, яхши ва ёмоннинг фарқига боради. Агар кўр бўлса, ўзи мушоҳада қилгай!

Имом Юсуф Ҳамадонийдан сўрадилар:

– Кунлар ўтиши билан бу тоифанинг сўзлари тупроқ остига киради, унда биз нима қиламиз?

Имом деди:

– Ҳар кунда саккиз варақ бу тоифанинг сўзларидан ўқишни вазифа қилиш керак. Ғафлат аҳлига айн фарз шу!”

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, Искандар халифа ҳам замонасининг марди Худоларидан бири, Алишер Навоий айтганидек “Ҳидоят оламининг раҳнамойлари”, яъни тўғрилиқ оламининг сарбонларидан эди. Шу сабабдан бундай табаррук зотларнинг дуосини олган кишилар ҳаётда сира кам бўлмаганлар.

Сабр қил, яхшилик кўрасан

Искандар халифани Султон қори исмли жиянларини бир аёл яхши кўриб қолиб тез-тез ҳузурига келиб, агар имкон бўлса унга тегинмоқчи бўлиб, уринар экан. Бир куни келганида уйда у Султон қорини ёлғиз топади ва келиб йигитни қучоғига ўзини отади. Шунда йигит ҳам бу ишдан бир оз ўзни йўқотади, лекин барибир йигит ёш бўлгани учун кўнглида бир оз рағбат пайдо бўлиб, энди ушламоқчи бўлади. Шунда қучоғига Искандар халифанинг “Ҳа-ай-й, қори-и!” деган овозини эшитиб қолади. Бу овоз шундай баланд эшитиладики, аёл ҳам эшитади. Йигит ҳам ўзини йўқотиб, аёл ҳам орқага қарамай қочиб қолади. Шу воқеадан кейин Султон қори у Искандар халифадан хижолат бўлиб, олти ойгача кўринмай қочиб юради. Охири бундай қилиб юриш

бефойда эканини англаб, бир гал у зотнинг бир мажлисда иштирок этаётганларини кўриб, “ҳар ҳолда бировнинг мажлисида менга индамасалар керак”, деган умид билан кириб боради. Унга пойгакдан жой беришади. Мулла Искандар узоқдан қорини кўриб қолиб, юқорига таклиф қилиб, ёнларидан жой берадилар. У зот Султон қорини ноқулайликдан чиқариш учун “фалон оят қайси сурада эди”, деб ундан сўрайдилар. У айтиб беради. Бундан хурсанд бўлиб, “ҳай-ҳай, бизга шундай пишиқ қори жуда керакда, доим ёнимда турса жуда хурсанд бўлар эдик”, дейдилар. Шу билан йигит мажлисга қўшилади. Орадан бир оз ўтгач, қулоғига оҳиста, “Майли қори ўзингни эҳтиёт қил, сабр қил, яхшилик кўрасан”, дейдилар.

Искандар халифанинг танаси қабрда чиримаган

Китобларда ёзиладики, ўн тоифа одамнинг жасади ерда чиримас.

Аввал – пайғамбарларнинг жасадлари.

Иккинчи – шаҳидларнинг жасадлари.

Учинчи – уламоларнинг жасадлари.

Тўртинчи – ғозийларнинг жасадлари.

Бешинчи – ҳофизи калломуллоҳларнинг жасадлари.

Олинчи – муаззинларнинг жасадлари.

Еттинчи - одил подшоҳ ва одил қозиларнинг жасадлари.

Саккизинчи - нифосдан ҳануз пок бўлмай ўлган хотинларнинг жасадлари.

Тўққизинчи – зулм билан ўлдирилган кишиларнинг жасадлари.

Ўнинчи – жума куни ё жума кечаси ўлган мўминларнинг жасадлари”.

Бу иқтибос “Ҳужжат ул -ислом” унвонининг соҳиби Имом Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг “Дақойиқ ул-ахбор” асаридан олинди. Дарҳақиқат, Оллоҳ таол азиз қилган бандалар вафотларидан сўнг ҳам Парвардигорнинг иноятидан баҳраманд бўлаверадилар. Қуръони каримнинг “Бақара” сураси 154-оятда бу ҳақда шундай марҳамат қилинади: “Оллоҳ йўлида ҳалок бўлган шаҳидлар ҳақида “Булар ўликлар” демангиз! Йўқ, улар тирикдурлар, лекин сизлар сезмайсизлар”.

Айтишларича, Искандар Халифа вафотидан йигирма йилларча вақт ўтгач қишлоқни сел олиш хавфи туғилади. Шунда қишлоқнинг улуғлари Искандар Халифанинг хоки сув остида қолмасин деб, уни бошқа жойга кўчирмоқчи бўлганлар. Улар шу мақсадда қабрни очсалар, не кўз билан кўрсинлар-ки, Искандар Халифанинг жасади кечагина дафн этилгандек турганмиш. Шундан сўнг улар ҳазратнинг руҳларини безовта қилмаслик учун унинг муборак жасадига қўл теккизмаган эканлар.¹⁵²

Бу ҳақда Асқарали Қурбонов шундай ҳикоя қилади: “Болалигимизда Тахтакка борган эдик. Шу пайт жилғада жойлашган Искандар халифани қабрини кўчиришаётганини эшитдик. Борсак мазор олдида қишлоқ аҳли катта бир новвосни сўйдилар ва қабрни очдилар. Не кўз билан кўрсалар-ки, Искандар халифани жасади чиримаган экан. Соқоллари ўсиб кетган ҳолда ётибди экан. Кафанни айрим жойлари

¹⁵² Дала тадқиқотлари. 2009 йил. Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри Арсиф қишлоғида яшаган Иброҳимжон Мамазияевдан (1929 йили туғилган) ёзиб олинган. Иброҳимжон Мамазияев 44 йил Арсифда гўрковлик ва ошпазлик қилган.

сарғайган холос. Шундан сўнг уни жасадини юқорига олиб бориб дафн этдилар”.¹⁵³

Искандар халифанинг яқинларидан бўлмиш Хонақоҳий Ҳазрат Домла номи билан машҳур бўлган тариқат пири, мутасаввиф шоир ва мударрис Муҳаммад Юсуфхон Ҳазин (1848-1918) тўғрисида худди шундай маълумотлар мавжуд:

“Ҳазрат Домланинг кароматларига қабрларини кўчирилиш воқеаси ҳам мисол бўлади. Маълумки 1928 йилда шаҳарнинг ҳозирги ипакчилар шаҳарчасида фаолият кўрсатаётган кичик пиллакашлик цехи ипак комбинатига айлантирилади. Шаҳар марказидан унга олиб борадиган йўл қурилиш лойиҳаси режалаштирилади. Режа бўйича йўл Ҳазрат Домла ва бошқа кўплаб улуғлар дафн қилинган қабристон устидан кесиб ўтиши керак эди.

Бундан хабар топган шаҳар алломалари ташвишга тушадилар. Чунки бу ерда нафақат Ҳазрат Домла балки, икки буюк зот Абдул Карим ҳазрат ва Мавлоно Калон қабрлари ҳам бор эди. Уларни безовта қилишнинг оқибати ёмон бўлиши мумкин эди. Маслаҳат билан қабрларни кўчирмоқчи бўладилар. Бунга Ҳожи Каримжон домла бош бўладилар.

Мазкур жараёнда бевосита иштирок этган ҳожи домланинг набиралари Рашидхон ота шундай хотирлайдилар: “Ўшанда Ҳазрат Домла билан бирга бу ердаги икки улуғ зот ҳам кўчириладиган бўлди. Вақт нозик бўлгани учун ҳеч кимга билдирилмади. Бу ишни кечаси қилинадиган бўлди. Бобом суякларни солиш учун бувимга айтиб, учта бўз халта тиктирдилар.

Кечанинг ярмига борганда бобом, Зайнобиддин маҳдум почча,¹⁵⁴ Охунжон қори ва Миряхё қори тўртовлари

¹⁵³ Дала тадқиқотлари. 2009 йил. Асқарали Қурбонов. 1928 йили Арсифда туғилган. 1938 йили Тожикистонга оиласи билан кўчиб кетганлар. Тожикистон Республикаси, Қўрғонтепа вилояти Вахш тумани Киров колхозида яшаган.

¹⁵⁴ Ҳазрат Домланинг шогирдларидан. 1944-йилда вафот этганлар.

қабристонга чиқишди. Асакалик Жума қори ҳам ҳозир эди. Ёз кечаси бўлгани учун осмон очик, юлдузлар кўп эди. Маслаҳатлашиб, аввал Катта ҳазрат қабрини очдилар. Бу ерда дахма бўлиб, унда Ҳазрат домланинг устозлари Халфа бува (Катта ҳазрат)нинг қабри жойлашган эди. Ҳозирги банк биноси ёнидаги мажнунтолнинг ўрни.

Сўнгакларни олиб, оҳисталик билан халтага жойладилар. Сўнгра Катта ҳазрат қабри очилиб, халтага жойланди. Навбат Ҳазрат Домлага келди. Қабр очилди. Не кўз билан кўрилсинки, Ҳазратнинг таналари қандай қўйилган бўлса ўшандай, чиримаган ҳолда эди. Фақат кафанлар чириган эди. Барчалари ҳайратдан йиғлаб юбордилар. Сўнг вақтни ўтқазмай у зотни оҳисталик билан чиқариб олдилар. Алоҳида кафан бичиб ўрадилар.

Ўшанда бизнинг от-аравамиз бўларди. Дарҳол битта кўрпа олиб чиқиб, аравага икки қават қилиб солинди. Ҳазратни аравага узунасига ётқизилди. Икки буюк зот эса, бош томонларига қўйилди. Арава олдида бобом ўтирдилар.

Икки киши ёнига ўтириб, Сармозор қабристонига олиб кетдилар. Бу ерга етиб келгач, янги қабр кавлаб, Ҳазрат Домлани Сармозор ҳазратнинг ёнига дафн қилдилар. Икки зотнинг қабрлари ҳам шу ерга бино қилинди”.

Ўшанда Ҳазрат Домла вафотларига 14 йил, Катта ҳазратга 35 йил, Халфа бувага эса, 70 йил бўлган экан. Ҳазрат Домла 1918, Катта ҳазрат 1883, Халфа бува эса, 1857 йилда вафот этганлар. Ҳазрат Домла жасадларини чиримаслиги бу у зотдан содир бўлган каромат ва Аллоҳнинг у зотга марҳамати эди”¹⁵⁵.

Маълумотларга кўра, Қўқон хонлиги даврида вазирлик мартабасида фаолият кўрсатган Каримқул Зинбардор баҳодир жангчи, азиз-авлиёлар ҳамда уламою фузалоларга

¹⁵⁵ Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний). – Т.: “Sharq”, 2013. -Б.262-263.

ихлосманд, илм аҳлига ҳомий маърифатпарвар инсон бўлганлиги боис, узоқ вақт Қўқон хонлиги саройида юқори мансабларни эгаллаб келган. Бироқ умрининг сўнги йилларини айнан Катта кенагасда ўтказиб, шу ерда дафн этилишини истаганлиги Каримқул Зинбардор учун Катта кенагас қишлоғи нақадар қадрли бўлганлигидан далолат беради.

Катта кенагаслик саййидзода Исмоилхон Маҳмудов шундай ҳикоя қилади: “2010 йил эди. Олдимга қабристонимиз гўркови Аширали Деҳқонов (1965 йилда туғилган) келди ва менга “Зимбардор бува қабрини сағанаси ёмғирдан очилиб қолибди”, деди. Мен унга: “Уста Баҳтиёржон Ҳакимов (1965 йилда туғилган) билан қабрни қайта суваб кўйинглар”, дедим. Бир оз вақт ўтгач Аширали ғалати бир ҳолатда чопиб келди-да: “Сағана ғиштларини тераётиб Зимбардор буванинг жасадини кўрдик. Чиримаган ҳолатда экан. Кафан сарғайган холос”, деди зўр ҳаяжон билан. Бу ҳолат бизга Зимбардор бувани чиндан ҳам улуғ зот бўлганлигига яна бир рад этиб бўлмас далил бўлди”.¹⁵⁶

Валий зотлар билан боғлиқ бундай ҳайротомуз воқеалар тўғрисида халқимиз орасида қадимдан турли ривоятлар сақланиб қолган. Биз фақат бундай ҳолатлар ҳақида эшитган бўлсак-да, лекин кимлардир ўз кўзи билан кўриб, унинг шоҳиди бўлганлар.

Бу ҳақда адабиётшунос олим Нурбой Абдулҳаким қуйидагиларни келтиради:

“Бундан бир неча йилча муқаддам мен айрича ҳурмат қиладиган адабиётшунос олим Сайфиддин Рафиддин “Фурқат ижоди билан шуғулланиб юрасиз, унинг валийуллоҳ бўлганлигидан хабардормисиз?” - дея сўраб қолди. Мен шоир

¹⁵⁶ Дала тадқиқотлари. 2023 йил. Фарғона вилояти Учкўприк тумани Катта кенагас қишлоғида яшовчи Исмоилхон Маҳмудовдан (1967 йилда туғилган) ёзиб олинди.

ижодида шунга далолат қиладиган жиҳатлар мавжуд эканлигини айтдим. Сайфиддин ака кўп йиллар Шарқий Туркистонда яшаган Абдулазиз қори исмли мўътабар киши унга 1957 йилда Фурқатнинг қабри очилганлиги, шоирнинг жасади шунча муддат давомида қаро ер бағрида ётган бўлишига қарамай, худди кеча қўйилганидек бутун чиққанлиги ҳақида сўзлаб берди. Қаттиқ таъсирландим. Сайфиддин акадан бу мўътабар инсон ҳузурига олиб боришини ўтиндим. У рози бўлди. Лекин, тақдир тақозоси билан бу зиёрат қарийиб бир йилдан кейингина насиб этди.

Биз Абдулазиз қори Маҳмудов хонадондамиз. Юзларидан нур ёғилиб турган 95 ёшли бу мўътабар инсон ўн беш ёшида мураббит қори бўлган. Араб ва форс тилларини мукаммал билади. Мумтоз адабиётимиз мутолаасидан кўп баҳра топган, ҳар бир сўзи ҳикмат билан йўғрилган. Бир сўз билан айтганда, чин маънодаги аллома.

-Кўп йиллар Кошғарда яшаганман, - деди ҳикоя қилади Абдулазиз қори, - 1936 йили ҳазрат устозим билан ҳаж сафарига отландик. Куз фасли эди. Ёркентнинг улуғлари "Тавҳарни тошга урган билан бўлмайди, бу лойгарчиликда йўл юриб қийналасизлар" деб қўймасдан олиб қолишди. Бир киши Ёркентда қолдик. Бизга шаҳар ўртасидаги мадрасадан жой қилиб беришди. Мадрасанинг орқа томонидаги эшикдан мазористонга чиқилар экан. Қабристон шаҳар марказида бўлиб, тўлиб қолганлиги боис маййит қўйилмас экан. Баъзан чиқиб, қабрларни зиёрат қилиб келардим. Кунларнинг бирида эскириб, ғиштлари тушиб кетган сағанага кўзим тушди. Қабрга лавҳа ўрнатилган бўлиб, араб хатида "Мулла Зокиржон Фурқат" деб ёзилган экан. Шундан кейин ушбу қабрни тез-тез зиёрат қилиб турдим. Ўша қабристон, ўша манзара ҳозир ҳам кўз олдимда турибди.

Йиллар ўтди. 1958 йилда тақдир тақозоси билан Тошкентга келдим. Лекин ҳар доим Ёркентдаги ёру дўстлар билан хатлашиб турдик, Абдурасул қори деган жуда олим бир қадрдонимиз бўларди. Асли андижонлик, замон зиёлиларининг пешволаридан эди. Акам билан қадрдон дўст бўлишган. У 1958 йили ёзган бир мактубида Шарқий Туркистондаги аҳвол тўғрисида маълумот бергач. “Абдулазиз қори ука, - бир ажаб воқеа бўлди. Ёркентда ўша сиз турган мадраса орқасидаги қабристондан йўл ўтадиган бўлди. Ҳар бир маййитнинг эгасига халта беришиб, хокини кўчиришга рухсат берилди. Шунда бу ердаги ўзбеклар шоир Фурқатга бўлган ҳурматимиз боис унинг қабрини бош бўлиб очдик. Парвардигорнинг иноятини қарангки, вафотига қарийб эллик йил бўлган бу улуғ зот қандай кўмилган бўлса, шу ҳолда ётар, унинг муборак вужуди қаро ер бағрида чиримаган эди. Бу воқеага шоҳид бўлганлар ҳолатини сўз билан ифодалаш қийин... Уламоларнинг фатвоси билан шоирнинг жасади қайта кафанланиб, катта жомеда иккинчи жаноза ўқилиб, қайта дафн этилди”, - деб ёзди.

1962 йили, йўл очилгандан кейин Абдурасул қори Ўзбекистонга келди. Бизни уйимизда бир неча кун меҳмон бўлди. Мен унга: “Қори ака, шоир Фурқатнинг жасади қабрдан бутун чиққанлиги ҳақида ёзгандингиз. Шу воқеани сўзлаб берсангиз”, - десам у киши ўз оғизлари билан ҳам гапириб бердилар. “Мен ўзим бунга шоҳидман, шоир Фурқат ҳақиқатан Худонинг назари тушган азизлардан экан”, - деди Абдурасул қори.

Бутун вужудимиз қулоққа айланиб турган муҳтарам Абдулазиз қорининг сўзларини тинглаймиз. “Мен Ёркентда Фурқат алайҳир-рахманинг қабрини зиёрат қилганимда, - ҳикоясида давом этади у, - ўзим гувоҳ бўлганманки, бу мазористон илону чаён, қурту қумурсқаларга тўла эди.

Худойи таоло ўз азиз қилган бандасининг пок вужудини асрайман деса, бу жониворларнинг ҳам кўзини кўп қилиб қўяр экан. Абдурасул қори ака бу ҳақиқатни ҳам мактублари билан, ҳам ўз оғизлари билан тасдиқладилар”.

-Кечирасиз, мабодо ўша хат сақланиб қолганми? – сўрайман умидворлик билан.

- Афсус, ўша вақтда бу мактубни сақлашга жиддий эътибор бермаган эканман, - жавоб беради оқсоқол хўрсиниб. Унинг товушларидан титроқ сезаман. Парвардигорнинг бу улуг мўъжизаси ҳақида сўзлар экан, қалбдан йиғлаётгани сезилади. Кўзларида ёш ҳалқаланади...

1958 йил 18 августида “Гулхан” журнали таҳририятига Ёркент вилояти халқ комитетидан мактуб келади. Унда шундай ёзилган эди: Шоир (яъни Фурқат – Н.А.Ҳ.) 1909 йил куз фаслида 51 ёшида вилоятимизда томоқ оғриғи касали билан вафот этган. Уни эски шаҳардаги Донгдор деган маҳаллада бўлган Ўзбек Қардошлар қабристонига дафн қилган эканлар. Кейинчалик бу ер номувофиқ бўлиб, жасадни кўчиришга тўғри келди. Қайтадан дафн комиссияси уюштирилди. Шаҳарнинг шимол тарафида (дарвоза ташқарисида) баҳаво, яхши жойга чиройли гумбаз ясаб, жасадни кўчирдик”. (“Фурқат ва Муқимий ҳақида мақолалар”. Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти. Т., 1958. 147-бет).

Мазкур мактубдан олинган ушбу кўчирма шоирнинг жасади ҳақиқатан иккинчи қайта дафн этилганига рад этиб бўлмайдиган ҳужжатдир. Таъкидлаш жоизки, 1958 йилда Шарқий Туркистонда ҳам коммунистик даҳрийлик тузуми ҳукмрон эди. Табиийки, ўша вазиятда шоирнинг жасади бутун чиққанлиги ҳақида ёзиб бўлмас, бу ҳақда сўзлаш дайрийлик сиёсатига зид эди. Эътибор беринг, хатда шоирнинг хокини эмас, жасадини кўчирганлик ҳақида сўз

юритилмоқда. Шунинг ўзидаёқ унинг муборак вужуди чиримаганлигига ишора мавжуд.

Яқинда бахтли тасодиф туфайли Фурқатнинг қайта дафн этилиши санаси тўғрисида ҳам аниқ далилни қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Шарқий Туркистонда уйғур тилида чоп этилган “Қашқар газети”нинг 1957 йил 11 сентябрь сонида Қодир Ёқуб исмли муаллифнинг “Машҳур ўзбек халқ шоири Пурқатнинг* жасади йуткап* дафн қилинди” сарлавҳали мақоласи эълон қилинади. Мақоладан шоирнинг жасади кўчирилган аниқ сана ва бу воқеанинг Ёркент халқида қолдирган таассуроти ҳақида маълумот олиш мумкин.

Жумладан мақола муаллифи шундай ёзади: “4 сентябрь куни етганда Якан* шаҳрининг ташидаги ўзбеклар зоротлиғида* уйғур халқининг жонажон дўсти, машҳур ўзбек халқ шоири марҳум Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Пурқатнинг жасади йуткап келиниб, дафн қилинди. Дафн қилиш маросимиға ноҳиялик партия, халқ кўмитетларининг масъуллари ва идора, жамият, халқ ташкилотларининг кадрлари ва диний соҳадагилардан 1000 (минг)дан ортуқ киши қатнашти. Марҳумнинг жасади қишда сув оқиб турадигон ҳар хил дови-дарахтлар ўстурулган хушманзаралик бир жойға алоҳида устуни кошйй атропига гуллар ўстуруб ясатилгон кўк гумбазлик лаҳатга қўйилгондин кейин бир коло* 15 чорак гуруч сепиб назриму берилди”

Эътибор берилса, мақола муаллифи Қодир Ёқуб ҳам Фурқатнинг хоки эмас, жасади дафн этилганлигини таъкидламоқда...

Нақл қилишларича, аҳли ҳақлар тирик пайтларида қиндаги қилич бўлсалар, вафотларидан сўнг қинидан чиққан

* Мақола муаллифи шоир тахаллусини “П” билан Пурқат деб ёзади.

* Йуткап -кўчириб.

* Якан – Ёркентнинг бошқача номи.

* Зоротлиқ - қабристон

* Коло – новвос.

қилич кабидурлар. Шу боис вафотларидан кейин уларнинг тасарруфлари янада кенгаяди. Имом Абу Мансур Мотуридий таъбири билан айтганда, “Авлиёulloҳларнинг каромати вафотидан сўнг ҳам давом этади”. Шоир Фурқатнинг қаро ер бағридаги пок вужуди чиримаганлиги бунинг ёрқин далили”.¹⁵⁷

Шайх Фаридиддин Атторнинг шу тўғрисидаги қуйидаги ҳикояти мавжуд: “Шайх Абу Туроб Нахшабий, қоддасаллоҳу руҳаҳул азиз, валоят бодиясининг (даштининг) саёҳи, замон дарёсининг маллоҳи (қайиқчиси) эди. Хуросон тупроғидаги шайхларнинг улуғларидандир. Ҳар қачон муридларида ёмон иш кўрса, муридига бир нарса демас, ўзи тавба қилиб, истиғфор айтар эди. Айтар эдики, “Ул бечора бу балога мен туфайли йўлиқди”. Дарҳол Ҳақ таоло ўша муридга салоҳ (яхшилиқ) ато этар, мурид пушаймон бўлиб, тавба қилиб, истиғфор этар эди.

Ҳазрати шайхнинг ушбу сўзи нақл этилган: “Бир кун Ҳижоз даштида ёлғиз борар эдим. Бир қора юзли одамни кўрдимки, бўйи минорадан ҳам узун эди. Кўнглим ундан ҳайиқди.

– Девмисан, паримисан? – деб сўрадим. У эса менга:

– Сен мусулмонмисан, кофирмисан? – деди. Агар мусулмон бўлсанг, Аллоҳдан бошқасидан кўрқма! – деди-да ғойиб бўлди”.

Шайхнинг ўлими Басра тупроғида содир бўлди. Вафот этган пайтида ёнида ҳеч ким йўқ эди. Бир қанча йилдан кейин кўрдиларки, Абу Туроб шундоқ юзини қиблага қаратган, асосига суянган ҳолда жон берган эди. Бир қўлида косаси ҳам турган экан. Жониворлар унга сира тегмаган эди. Топган жойларида уни дафн қилдилар. Ҳадиси шарифда марҳамат этиб айтилганки, “Валиларнинг жасади чиримас, жониворлар

¹⁵⁷ Нурбой Абдулҳаким. Фурқат нега Фурқат? // Ёшлиқ. 2001. № 5. – Б.40-42.

ундан қочгайлар, улар ўлмагайлар, бир уйдан бошқа уйга кўчгайлар”¹⁵⁸.

“Ҳаёт сабоқлари” каналининг саҳифасида ҳам айнан шу мавзуга доир “Вафот этиб, жасади чиримаган қори...” номли мақола кўпчиликнинг эътиборини тортган эди. Ушбу мақолани келтиришимизнинг боиси юқорида келтирилган улўғ зотлар тўғрисидаги ҳикояларга кимдир оддий ривоят сифатида қараши ҳам мумкин. Бироқ бундай воқеалар чиндан ҳам яқин вақтларда сиз билан биз яшаётган замонда ҳам содир бўлгандир:

“Биз зиёрат сафари билан Душанбе шаҳрига бордик. Борган уйимиз эгаси илм аҳлидан бўлгани учун суҳбатимиз ҳам диний мавзуларда кўпроқ бўлди. Шуларнинг ичида ҳаммамизни ҳайрон қолдириб Аллоҳнинг бандаларига жуда меҳрибон эканини бизга яна бир бор ҳис эттирган мана бу воқеа бўлди. Буни сиз азизларга ҳам илиндик, шояд ҳар бир мусулмон ибрат олиб иймони зиёда бўлса.

Мезбонимиз шундай ҳикоя қилади: “Қўшнимнинг ўғли бундан беш-олти йил муқаддам Тожикистондаги нотинч аҳволда йўқолиб қолди. Ўзи Қуръон ёдлагани узок қишлоқдаги муаллимнинг ҳузурига бориб, ўша ёқда Қуръонни тўлиқ ёд олиб, мураттаб қори бўлди. Жуда тақводор ва ҳалим йигит эди. 90-йиллардаги тўс-тўполонлар у қишлоққа ҳам таъсир қилди ва ким-кимни душман тутганини билолмай қолди. Бу орада қори йигит ҳам дараксиз йўқолди. Ота-онаси бу талофатлардан сўнг уни суриштирмай ҳам қўйди.

Орадан беш-олти йил ўтди. Бир куни қўшнимиз бизникига шошиб келди ва: “Домла, ўғлим топилибди, аммо...” йиғлаб юборди. Вазиятни тушунтиргач машинага

¹⁵⁸ Фаридиддин Аттор. Тазкират-ул авлиё. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 1997. – Б.76.

ўтирдиг-у, йўлга чиқдик. Узоқ йўл юриб у қишлоққа етдик. Қишлоқ аҳли ҳайрон... биз ҳам йигитни кўриб ҳайрон бўлдик. Ўқ еган, ярадор, қон оққан, аммо қотиб қолган. Кийимлар чириган, аммо жасадга ҳеч нарса қилмаган. Айтишларича, атрофдаги сойларнинг бирида қўй боқиб юрган чўпон қум тагидан чиқиб қолган бир қўлни кўриб қолибди ва уни тортса қумнинг тагидан жасад ҳам чиқибди. Шунда уни чиқариб олиб, атрофдаги қишлоқ аҳлидан сўрабди. Қишлоқ аҳли жасадни кўргандан таниб, уни фалончи қори аканинг шогирди эканини билибди. Аммо у йўқолганига анча йиллар бўлган эди. Шунда унинг ота-онасини топиб хабар беришган.

Қори йигит бундан анча йил олдин ўлдирилган бўлиб, жасади чиримаган эди. Биз отаси билан бордик ва уни олиб қайтдик. Йўлимиз узоқ, бошқа вилоятда бўлгани учун бир нечта назорат постларидан ўтишимизга тўғри келди. Йигитни оддий кийинтириб, ёнимизга ўтирғизиб олиб келдик. Йўлда кўрган пост ходимлари ҳам йигитни ухлаётган деб ўйлашди ва уни безовта қилмай қўя қолайлик дейишиб ўтказиб юборишди. Уни уйига олиб келдик ва одамлар кўриб ибрат олсин, дея бир неча кун дафн қилмай турдик.

У ҳаётлигида ҳақиқатда мураттаб қори, Аллоҳнинг каломини қалбига жойлаган тирик Қуръон эди. Ҳаётида Аллоҳнинг китобига муҳаббат қўйиб, уни эъзозлагани учун, ўлиmidан кейин у Каломнинг Эгаси бўлмиш Аллоҳ таоло бу йигитнинг жасадини ер ва қурт-қумурсқаларга ем қилиб қўймади. Бу Аллоҳ таолонинг биз бандаларига кўрсатган икромии эмасмикан”.¹⁵⁹

Тасаввуфда кўрмасдан туриб содир бўладиган ишни олдиндан айтиб бериш, руҳан ғойибона сезиш фиросат дейилади. Зеро, фиросат – валийликдан нишонадир. Соҳибкаромат Искандар халифа ҳам ўз даврининг валийлик

¹⁵⁹ https://t.me/hayotiy_saboqlaar/9222

даражасига эришган зотларидан бири бўлганлигини куйидаги воқеа тафсилотидан англаш мумкин.

ИСКАНДАР ХАЛИФАНИНГ СИЛСИЛАИ ШАРИФИ

Тарихдан маълумки, саҳобаи киромлардан кейин тобеъинлар, улардан кейин табаъ тобеъинлар байъати силсила тарзида давом этган. Унинг бир тармоғи нақшбандия тариқати бўлиб, дунёда кенг тарқалган ва бугунги кунда ҳам жорийдир. Аллоҳ йўлида Муҳаммад (с.а.в.)га пайравлик қилиб яшашни билдирувчи бу тариқат дастлаб тариқати “муҳаммадия”, сўнг “сиддиқия”, “жаъфария”, “тайфурия”, “хожагон” ва “нақшбандия” деб номланган.

Силсила - тариқатнинг шариатга мувофиқлиги ва ишонарли эканини кўрсатувчи ҳужжат-далилдир.

Тасаввуфда занжир халқаси шаклида бўлиб, узилмасдан Муҳаммад (с.а.в.)нинг силсиласидан келган шайхлар демакдир. Тариқатда силсила ўта муҳим аҳамият касб этади. Муҳаммад (с.а.в.) ҳазрати Али (к.в.), ҳазрати Абу Бакр (р.а.) ва асҳобидан хос кишиларга таълим берган илоҳий ҳақиқатлар ва маънавий билимлар бу силсила воситасида интиқол этиб, ҳаётдаги шайхга қадар етиб келган. Шу сабаб шайхлар Муҳаммад (с.а.в.)нинг маънавий ворисидир.

Тариқатда пайғамбарликдан кейинги энг юқори валийлик мартабаси “сиддиқ” деб аталган. Бу мартаба биринчи бўлиб халифа Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)қа насиб бўлган. Маҳдуми Аъзам Косоний Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)дан сўнг сиддиқлик мартабасига эришган валий зотларни силсиласини тузган¹⁶⁰.

¹⁶⁰ Нақшбандий тарикатига оид қўлёзмалар фихристи.- Т.: “Мовароуннаҳр”, 1993. 117-б.

Тариқатда шайхлик мақомига янги ўтирган шайхга таомилга биноан ижозатнома берилиши ва силсила занжирининг узилмай давом этишига аҳамият берилади. Силсилалар, ҳазрати Али (к.в.) ёки ҳазрати Абу Бакр (р.а.) воситасида Муҳаммад (с.а.в.)га бориб тақалиши юқорида зикр этилган. Ҳазрати Али (к.в.) ҳақида “Мен илмнинг шаҳриман, Али унинг эшигидир”, ҳазрати Абу Бакр (р.а.) ҳақида эса “Мен илмнинг шаҳриман, Абу Бакр унинг асосидир” каби ривоят қилинган ҳадисларга суянган ҳолда, бу зотларнинг Муҳаммад (с.а.в.)дан тасаввуфий илм, яъни кашф, маърифат ва ботиний илмни ўрганганликларини қайд этиш ўринли. Муҳаммад (с.а.в.) Жаброил (а.с.) воситасида Аллоҳга боғланиб, илоҳий илмдан баҳраманд бўлганлар. Демак, билим манбаи Аллоҳдир.

Тариқатда ҳазрати Али (к.в.)га ва унинг наслидан бўлганларга (саййидлар ва хожалар) нисбатан ортиқроқ муҳаббат ва эҳтиром кўрсатилади. Чунончи, ўн икки имомдан бир ёки бир нечаси жой олган силсилага “Силсилат уз-заҳаб” (“Олтин силсила”) номи берилган.


Жўнайд Бағдодийдан давом этган силсила Ҳазрати Али – Ҳасан Басрий – Ҳабиб Ажамий – Довуд Тоий – Маъруф Кархий йўли билан ёки Ҳазрати Али – Ҳасан – Ҳусайн – (ундан кейин келган имомлар) – саккизинчи имом Али Ризо – Маъруф Кархий – Сарий Сақатий йўли орқали Жўнайд Бағдодийга бориб тақалади. Тариқатлар силсиласи Жунайд Бағдодийда бирлашиб, Муҳаммад (с.а.в.)га боради.

Кубравия силсиласи эса ҳазрати Умар орқали Муҳаммад (с.а.в.)га бориб тақалади¹⁶¹.

Аҳли суннат вал жамоат йўлидан айрилмай, ҳар хусусда Муҳаммад (с.а.в.)нинг суннатларига амал қилувчи суфийлар йўли “Тариқати Муҳаммадийя” дейилади.

¹⁶¹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: “Истиқлол” нашриёти, 1994. 73-б.

Али Айний “Тасаввуф тарихи” асарида аҳли суннат вал жамоат йўлидан ташқари ўн бир йўлни ботил йўл эканини таъкидлаган.



*Тариқат пири муршиди.
XIX асрда олинган сура*

Дарҳақиқат, тарихнинг ҳар даврида исломнинг эътиқодий ва амалий асосларига мос тариқатлар бўлганидек, баъзи тасаввуфий оқимлар исломдан узоқлашган. Буларни бири-биридан фарқлаш лозим. Бундай ботил гуруҳларнинг юзага келишида тасаввуфнинг мусомаҳакор (кенг бағирлилик) хусусиятини суъистеъмол қилган нияти бузуқ кишилар билан

бир қаторда исломга бегона бўлган маҳаллий анъаналарнинг ҳам катта таъсири бўлган.

Тариқат анъанасига кўра, бир шайхга боғланиб, унга қул бермагунча солиқ ёки ҳар қандай бир мусулмон Ҳаққа восил бўла олмайди. Азимхожа эшон¹⁶² айтганидек:

*Эй дўстларим, тариқатни йўли улуг,
Пирсиз қадам қўйгон киши сарсон бўлур.
Ноқис шайхни тариқатда вайрон дерлар,
Ноқис шайхни тариқати вайрон дерлар.*¹⁶³

Боязид Бистомий дейди: “шайхсиз одамнинг шайхи шайтондир”. Бу ҳикмат тариқат аҳли ўртасида кенг тарқалган. Муршиднинг зарурлиги қуйидаги оятларга асосланади: “Қачон уларга (жангга кетган мусулмон аскарлар ҳақида) тинчлик ёки хавф-хатар (яъни галаба ёки мағлубият) хабари келса, уни ёйиб юборадилар. Агар (улар ўзларига келган хабарни ҳар кимга ёйиб юбормасдан) пайгамбарга ва ўзларидан бўлган бошлиқларгагина етказганларида эди, уни (яъни мана шу хабарнинг ҳақиқатини) билмоқчи бўлган кишилар ўшалардан билган бўлардилар” (Нисо - 4:83); “Эй мўъминлар, Аллоҳдан қўрқингизлар ва Унга яқин бўлиш учун васила излангизлар, ҳамда Унинг йўлида жиҳод қилингиз, шояд шунда нажот топурсиз!” (Моидда - 5:35).

¹⁶² Азим Хожа эшон Азимий таҳаллуси билан ижод қилган. Тазкираи Қаюмий”да у ҳақда қуйидаги маълумотлар келтирилади: “Бу киши Хўқандли бўлб номи Азимхожадир. Мавлавий Намангоний – Малла хожа эшоннинг ўғли бўлб Низомий Хўқандийнинг қизидан набирадур. Шоир Жалолий билан Бухорода таҳсили илм олиб бирга қайтиб Хўқанд шаҳрининг ғарбида бўлмиш Кал Дўшон деган қишлоқда шундаги катта масжидда 40 йил имом бўлиб қолмишдур. Жалолий вафот этганда бир марсия сўзламишдур. Ниҳоят ҳижрий 1263 (1846-47) йилда шаҳарда (Қўқонда. А.Қ.) вафот этмишдур. Қабри Сармозор шаҳридаги қабристонда, бобоси Низомий Хўқандийнинг мозори ёнидадур. Ниҳоя оташзабон кучли шоир бўлса ҳам, ашъори навҳали бўлб тасаввуф руҳидадур. Айрим девони бордур. Хожа Аҳмад Яссавийга эргашиб ёзган “Ҳикмати Азимхожа» китоби бордур”.

¹⁶³ Азим Хожа эшон. Ҳикмат / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Рафиддинов С. С. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. –Б. 23.

Ҳазрат Искандар халифанинг силсиласи “Нақшбандия” тариқатига мансуб бўлиб, ушбу силсилада шайхлар ўз пири (шайхи, муршиди) нинг устози, устозининг устози ва улар аждодларини бирма бир то Муҳаммад (с.а.в.)га қадар номма-ном баён қилинган.


Иршоднома – тарихий манба сифатида муайян тариқат муршиди ёки пири ўз шогирд-муридига толибларни Ҳаққ йўлига бошлаш учун берилган гувоҳ (рухсат)номадир. Ўзбекистонда бундай манбалар кўп ва уларни ўрганиш орқали тасаввуф дунёси ва шунингдек, ислом тарихига оид янги маълумотларни тақдим этиши ҳамда тарихнинг номаълум саҳифаларини бойитишда хизмат қилади.

Иршодномалар бевосита муршиднинг шогирдига берган тариқат ижозатининг ёзма тасдиғидир. Хужжатда келган баъзи (масалан, силсила кетма-кетлигида узилиш ёки муршидлар ўрни алмашиб қолиши ёки тушиб қолдирилиши ёки янглиш келтирилиши каби) камчиликлар, бирор бир хаттот томонидан ёзил (кўчирил)ганини англатади. Муршид вафотидан кейин ёзилган иршодномалар ҳам учрагани, тариқатда рухсат аввало оғзаки, кейинчалик ёзма тасдиқ бўлганлигини билдиради.

Тасаввуфда кейинги даврларда ёзма иршод хатларнинг кўпайиши – сохта тариқат фаолиятига йўл қўймаслик, устоз-шогирд, яъни пир-муридлик анъаналарини узвий давом эттиришлик, имкон қадар мумтоз тариқат асосчи (етакчи)ларининг илмий-назарий ва амалий қарашларини сақлаб қолишда муҳим ўрин тутган.

2024 йилдаги изланишларимиз давомида Искандар халифанинг Валик қишлоғидаги шогирди Мулла Ражаб охунд авлодлари хонадонида сақланаётган иршоднома билан танишдик. Мулла Ражаб охунднинг фарзанди Абдуллажон Қосимовга кўра ушбу иршоднома узоқ вақт давомида ўта сир

сақланган ва ҳеч кимга кўрсатилмай келинган. Мазкур иршоднома билан танишиш биз учун катта янгилик бўлди. Чунки шу кунга қадар бу мавзу бўйича жиддий бир янгилик йўқ эди.



Искандар халифанинг иршодномаси

Иршоднинг ҳажми 35x35 см. Иршодноманинг орқа томонига форс-тожик тилида “Ин иршод Мулла Ражаб охунд”, яъни ушбу иршод Мулла Ражаб охуники деган ёзув битилган. Қуйида илк бор иршодномани таржимасини ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Аллоҳга ҳамдлар бўлсинким, орифлар қалбини нур шуълалари мунаввар қилди ва содиқларнинг кўксиларини сирларининг бўйи билан хушбўйлантирди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳамда оила аҳли ва асҳобларига саломлар бўлсин.

Билгинги, эй содиқи толиб Аллоҳ субҳонаҳу таолодан Жаноби пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўнгилларига файз қилиб туширган нарса ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сирлар денгизидан файз бўлиб тушиди Ҳазрати Сиддиқ Абу Бакр розияллоҳу анҳуга ва ундан ҳазрати Салмони Форсий розияллоҳу анҳуга келди ва ундан ҳазрати Қосим ибн Муҳаммад Сиддиқ розияллоҳу анҳуга келди ва ундан ҳазрати имоми Жаъфари Содиққа келди ва ундан ҳазрати Боязид Бистомий қуддиса сирруҳуга келди ва ундан ҳазрати Хожа Абул Ҳасан Ҳарақонийга келди ва ундан ҳазрати Абу Али Фармадийга келди ва ундан ҳазрати хожа Юсуф Ҳамадонийга келди ва ундан ҳазрати хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийга келди ва ундан ҳазрати хожа Ориф Ревгарийга келди ва ундан ҳазрати хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийга келди ва ундан ҳазрати хожа Али Рометанийга келди ва ундан ҳазрати хожа Муҳаммад Бобои Самосийга келди ва ундан ҳазрати Саййиди Амир Кулол Бухорийга келди ва ундан хожаи бузрук Хожа Баҳоул ҳақ ва ад-динга келди ва ундан ҳазрати мавлоно Яъқуб Чархийга¹⁶⁴ ва ундан ҳазрати хожа Убайдулло Аҳрорга келди ва ундан ҳазрати Мавлоно Зоҳидга келди ва ундан Мавлоно Дарвешга келди ва ундан ҳазрат Хожа Имканагийга келди ва ундан ҳазрати Хожа Боқийга келди ва ундан ҳазрати Имоми Раббоний мужаддиди

¹⁶⁴ Иршодни шу қисмида Алоуддин Аттор қуддиса сирруҳунинг номи ёзилмай кетган.

алфи сонийга келди ва ундан ҳазрати Хожа Муҳаммад Саъидга келди ва ундан ҳазрати шайх Абдулаҳадга келди ва ундан ҳазрати Хожа Мавлоно Обидга келди ва ундан ҳазрат Мусахонга келди ва ундан ҳазрат халифа Муҳаммад Сиддиққа келди ва ундан ҳазрат халифа Ҳусайнга келди ва ундан ҳазрат халифа Абдусатторга келди ва ундан ҳазрати қутби замон халифа Домла Муҳаммад Қобилга келди ва ундан фақири ҳақирга (Искандар халифа)га келди ва мен каминаи камтарин томонидан Мулла Муҳаммад Ражабга зикр ва тариқат ижозаси кундан-кунга ортиб бориш, зиёда қилиш шарти билан берилди ва мазкур жаноб (Мулла Муҳаммад Ражаб)га иршод берганимиздан сўнг Пайғамбар алайҳиссалом суннатларига бардавом амал қилган ҳолда, шариатга доимий амал қилган ҳолатда шу йўлда юрувчи тариқат толибларига йўл кўрсатади ва доим амр қилинган ишларни адо қилиб боради ва доим иқтидо қилган шайхига муҳаббат қўйиб боради.

Ҳидоятга эргашганларга Аллоҳнинг саломи бўлсин. Фақир ҳақир Ҳожи Искандар Арсифий. 1343 сана.

Шу ўринда Искандар Халифанинг устози Қобил эшон тўғрисида. Маърифатпарвар Пўлатжон домла Қаюмов "Қўқон тарихи ва адабиёти" номли тазкираларида Қобил эшон тўғрисида қуйидагиларни баён этган:

“Хожа Қобул Эшон. Бу киши шоир эмасдур. Шаҳарнинг (Қўқон - А.Қ.) феодализм даврида ўтган машҳур кишисидир. Бошда бу киши Чуст шаҳарчасидан келиб мадрасаи Муҳаммад Алихонда ўқуғон. Илм билан бирга Сўфи Бадал эшонга мурид бўлиб, бу кишидан мурид тарбия қилиш учун ижозат олганлар. Бошда II нчи Ҳайдарбек маҳалласида (ҳозирги 1-Шарқ кўчаси) бўлганлар. Сўнгра бу ҳовли торлик қилиб биринчи Бойбўта маҳалласидаги ҳозирги Мискин

кўчасига бориб тор кўчадан жой олиб, шунда хонақоҳ, ҳовли-жой бино этдирганлар. Ҳозир ҳам қизлари шу жойдадур.

Шаҳар сойининг Ғишт кўприкнинг жанубий томонида турган кўприкнинг номи Бойбўта кўприкдур. Ҳозирги Сталин номидаги кўчага ва Бахмалбоф кўчасига Мискин кўчасидан чиқадурган туташдурган кўприкдур. Бошда шул хожа Қобул эшон жамоатни кўприк қуришга чақирган ва ташкил этган. Атроф маҳалла кишилари хожа Қобул эшоннинг атрофига йиғилишиб, ҳамма қўлидан келган ёрдамни этган. Эшоннинг Бойбўта номи бир муриди ўз қишлоғидан катта бутун узун йўғон теракларни келтириб жуда катта хизмат этган. Ҳарожатларни ўзи тўлаган. Жамоатга ош- нон бериб кўприк усталарига хизмат ҳақи тўлаган. Эшон кўприкнинг бу кишининг номига атаган. Эл орасида Бойбўта кўприк деб аталган.

Шаҳардан ўн икки чақирим ғарби-шимолда Бойбўта номида бир қишлоқ бор. Бул қишлоқ ҳам шул одамнинг номидадур.

Абдулваҳоб хожа қорининг айтувича, хожа Қобул эшон халифа Ҳусайндан чиққан бўлсалар ҳам тарбиянинг сўфи Бадал эшондан олдилар, деди.

Сойи қибла томонида бўлган шайх-ул-ислом Маъсум- хон тўра бир туш кўриб уйғонгач, эрта билан хожа Қобул эшон бориб инобат этган. Бу ҳолни кўриб халифа Солеҳ Бухорога кетдилар экан”.¹⁶⁵

Шоир Фурқат Қобул эшоннинг ўлимидан афсусланиб қуйидаги мисраларни битган эди:

¹⁶⁵ Қаюмов П. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти: (материаллар ва хотиралар) / нашрга тайёрловчи А.Қаюмов; масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи О.Жўрабоев. — Т.: “Тамaddon”, 2011. —Б.345-346.

Дариғо Ҳожи Қобил бирла ул Хонпошо эшонлар
Сафар қилдилар оламдин ўшандоғ покдомонлар,
Алар ўрнида қолди неча оми шайхи нодонлар,
Амал айлаб риёлик, қўл олиб устоди шайтонлар,
Халойиқ наздида оқ тўффию малла чопон бўлди.

Фиғонким, омийла иззатда-ю, хор ўлди муллолар
Хирадсиз бош чекиб, қолди оёқ остида донолар,
Ҳам аъло бўлди адноларки, адно бўлди аълолар,
Чунончи, оғзи бежо бир неча шанқийи расволар,
Эл ичра таъби дун бирла зарифи нуктадон бўлди.¹⁶⁶

Ҳожи Қобул эшон ва унинг оиласининг дахмаси Қўқон шаҳрининг ҳозирги Муқимий кўчасида жойлашган эди. Афсуски ҳозирда дахма бузиб юборилган ва унинг ўрнида яшаш учун хонадон қурилган.

“Хўқанди латиф маноқиб”да келтирилишича “Хожа Қобул эшон каромат билан билиб, ўша туш кўрган кишига айтиб берар эканлар. XIX аср охирларида вафот этганлар. Ҳовлиларида ва хонақоҳлари ўрнида авлодлари истиқомат

¹⁶⁶ Фурқат. Муҳаббат йўлида. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2009.

қилишади. Хожа Қобул эшон "Катта ҳовли"¹⁶⁷ билан жуда яқин муносабатда бўлганлар".¹⁶⁸

Искандар халифанинг силсиласи шунингдек Зухриддин Нақшбандий Шаҳрихонийнинг "Ҳуфия зикр" китобида ҳам кўрсатиб ўтилган. Мазкур иккинчи силсилада Имомиддин Мавлавий Бухорийдан иршод олган Искандар халифа иршодни ўзини шогирди Муҳаммад Фозил Кўхистонийга берганлиги кўрсатилган. Муҳаммад Фозил Кўхистоний тўғрисидаги маълумотлар кейинги бобда баён этилади.

1. Саййиди коинот ҳазрати Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам

2. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу

3. Ҳазрати Салмони Форсий розияллоҳу анҳу

4. Ҳазрати Қосим ибн Муҳаммад Сиддиқ розияллоҳу анҳу

5. Ҳазрати имоми Жаъфари Содик розияллоҳу анҳу

¹⁶⁷ Бу хонадонни хўқандликлар яхши биладилар. Шаҳарга келган меҳмон Катта ҳовлини сўраса, ёш-қари бехато кўрсатиб беради. Хонадонга бундай ном берилиши сабаби худудининг хзтталигидан эмас, балки ундаги хонадоннинг улуғлигидандир. Мазкур Каттаҳовли Ғиштли Масжид маҳалласининг собиқ Хўжанд чозир "Гузар" кўчасида жойлашган бўлиб, тартиб рақами-208. Хонадоннинг вужудга келиши тарихи қуйидагича: Хўқандлик сўфийлардан бўлмиш Саййид Ҳасан эшон тушларида пирларидан Турк қасабасига бориб, бир муддат истиқомат қилиш ҳамда ўша ерда мурид тарбиялаш борасида топшириқ оладилар. Турк қасабасининг Катта турк қишлоғига келиб хонақоҳ қурадилар ва мурид тарбиялаш ишларини бошлаб юборадилар. Айтилган муддат ўтгач, Хўқандга қайтадилар. Салоҳиятли шогирд- муридларидан бири бўлмиш Холиқназар у киши билан бирга келадилар. Таълимни якунлагандан сўнг устоз-пирлари ўзларига куёв қилиб, ҳовлиларида олиб қоладилар. Холиқназар Халифа лирларидан сўнг у кишининг хонақоҳларида сажжоданишин бўлиб, мурид тарбиялайдилар, бўш вақтларида бўз тўқиб тирикчилик қиладилар. Мадрасаи Бекбўтабекда таҳсил олиб, мактабдорлик ҳам қиладилар ва "Домла" деб ном оладилар. XIX асрнинг биринчи ярмида хўқандлик бир қанча солиқлар Бухорога келиб Халифа Ҳусайн қўлларида таълим олганлар. Уларнинг ҳалқаларида (давраларида) бухоролик Муҳаммад Солиҳ ҳам бор эдилар. Хўқандликлар иршод олиб қайтаётганларида пирларидан ижозат олиб, Халифа Муҳаммад Солиҳни ҳам ўзлари билан Хўқандга олиб келиб, алоҳида хонақоҳ қилиб берганлар. Улар қатори Муҳаммад Солиҳ ҳам тез орада шуҳраттопиб, машҳур сўфийлар қаторига кирадилар. Бу ҳақда қаранг: Муҳаммад Яҳёхон Хўқандий. Хўқанди латиф манокби. – Т.: "Movarounnahr", 2018 -Б.395.

¹⁶⁸ Муҳаммад Яҳёхон Хўқандий. Хўқанди латиф манокби. – Т.: "Movarounnahr", 2018 -Б.547.

6. Ҳазрати Боязид Бистомий қуддиса сирруҳу
7. Ҳазрати Абул Ҳасан Ҳарақоний қуддиса сирруҳу
8. Ҳазрати Абу Али Фармадий қуддиса сирруҳу
9. Ҳазрати хожа Юсуф Ҳамадоний қуддиса сирруҳу
10. Ҳазрати хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний қуддиса сирруҳу
11. Ҳазрати хожа Ориф Ревгарий қуддиса сирруҳу
12. Ҳазрати хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий қуддиса сирруҳу
13. Ҳазрати хожа Али Рометаний қуддиса сирруҳу
14. Ҳазрати хожа Муҳаммад Бобои Самосий қуддиса сирруҳу
15. Ҳазрати Саййиди Амир Меҳри Кулол қуддиса сирруҳу
16. Ҳазрати хожа шоҳи Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбандий увайсий ал-Бухорий қуддиса сирруҳу
17. Ҳазрати хожа Алоуддин Аттор қуддиса сирруҳу
18. Ҳазрати мавлоно Яъқуб Чархий қуддиса сирруҳу
19. Ҳазрати хожа Убайдулло Аҳрори Валий қуддиса сирруҳу
20. Ҳазрати Муҳаммад Зоҳид қуддиса сирруҳу
21. Ҳазрати Муҳаммад Дарвеш қуддиса сирруҳу
22. Ҳазрати хожа Имканагий қуддиса сирруҳу
23. Ҳазрати Муҳаммад Боқий Биллоҳ қуддиса сирруҳу
24. Ҳазрати Имоми Раббоний мужаддиди алфи соний Аҳмад Форуқ Сарҳандий қуддиса сирруҳу
25. Ҳазрати Муҳаммад Маъсум қуддиса сирруҳу
26. Ҳазрати шайх Сайфуддин қуддиса сирруҳу
27. Ҳазрати Саид Нурий Муҳаммад ал-Бадвоний қуддиса сирруҳу
28. Ҳазрати Шамсуддин Жони Жонон Мазҳар қуддиса сирруҳу
29. Ҳазрати шайх Абдулло Деҳлавий қуддиса сирруҳу

30. Ҳазрати мавлоно Зиёвуддин Холид Бағдодий қуддиса сирруху

31. Ҳазрати Аҳмад ибн Сулаймон Холид Ҳасан Сомий қуддиса сирруху

32. Ҳазрати Аҳмад Зиёвуддин Кумушхонаги қуддиса сирруху

33. Ҳазрати Ҳасан Хилми Кастамоний қуддиса сирруху

34. Ҳазрати Исмоил Нажотий Сағфиронболий қуддиса сирруху

35. Ҳазрати Умар Зиёвуддин Доғистоний қуддиса сирруху

36. Ҳазрати Мустафо Файзий ибн Амруллоҳ Такфурондоний қуддиса сирруху

37. Ҳазрати Ҳасиб Шерозий қуддиса сирруху

38. Ҳазрати Абдулазиз Косоний қуддиса сирруху

39. Ҳазрати шайх Муҳиддин Ургутий қуддиса сирруху

40. Ҳазрати Имомиддин Мавлавий Бухорий қуддиса сирруху

41. Ҳазрати халфаи Искандар Фарғоний Арсифий қуддиса сирруху

42. Ҳазрати шайх Муҳаммад Фозил Кўхистоний қуддиса сирруху

43. Ҳазрати шайх Муҳаммад Шариф Ҳисорий қуддиса сирруху¹⁶⁹

Иzlанишлар давомида айнан шайх Муҳаммад Фозил Кўхистонийнинг Искандар халифа қўлидан хирқа кийганлигини тасдиқловчи ашёлар аниқланди.

¹⁶⁹ Нодирхон Ҳасан. Зухриддин Нақшбандий Шаҳрихоний. Хуфия зикр. – Т.: “Matbbaachi” нашриёти, 2022. – Б.132-135.



*Искандар халифанинг чопони ва ҳассаси. 2024 йилда олинган
сурат.*

Маълумки, хирқа одатда суфийликда пирдан муридга ўтган, узоқ вақт кийилгани сабабли эскирган, қуроқ ва ямоқли бўлган. Хирқа маҳаллий халқ орасида “жанда” деб аталган. Тасаввуфий истилоҳда эса, шайх билан мурид орасида алоқа ўрнатиш, “муриднинг нафс билан ўзи орасида шайхнинг ҳукмронлигини қабул этиши” дир. Шунга кўра, суфийлар “хирқа аҳли” деб аталган.

Хирқа кийиш одати Иброҳим (а.с.) билан боғланади. Иброҳим Халилulloҳ оловга ташланган замон Аллоҳ ҳукми билан Жаброил (а.с.) жаннатдан кўйлак келтириб, унга кийдирган ва шу кўйлак шарофатидан ул зот оловда ёниб кул бўлишдан қутулган. Бу кўйлак дастлаб ҳазрати Исҳоққа,

сўнгра Ёқуб пайғамбарга мерос ўтган. Ҳазрат Ёқуб (а.с.) уни махсус қутига солиб, ўғли Юсуф (а.с.)нинг бўйнига осиб қўйган. Юсуф пайғамбар яланғоч ҳолда қудуққа ташланганида, Жаброил етиб келиб, қутини очиб, унга қўйлакни кийдирган. Суфийлар хирқада худди ана ўша қўйлакнинг сирини кўриб, унга маънавий маънолар беришган.

Суҳравардий хирқанинг икки турга – муридлик хирқаси ва табаррукка ажратилишини айтиб, яна бундай деган: “Шайхларнинг муридларига кийдиришни истаганлари асл хирқа – муридлик хирқасидир. Хирқаи табаррук эса, муридлик хирқасига ўхшаш хирқадир. Муридлик хирқасини ҳақиқий муридлар, кейингисини эса мурид бўлмаган, аммо уларга ўхшашга ҳаракат қилувчи муташаббих муридлар киярлар”¹⁷⁰.

“Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, шайх ул-ислом Аҳмад Номакӣ Жомӣ (қ.с.)нинг хирқа пири Ҳазрат Шайх Абусаид Абулхайрдир. Бунинг тафсилоти қуйидагича: Шайх Абусаиднинг ибодат чоғида киядиган муборак бир хирқаси бор эди. Айтишларича, бу хирқа Амир ул-мўминин Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)дан мерос қолган. Шайхлар силсиласи орқали бу хирқа Шайх Абусаид Абулхайрга етиб келган. Навбат бу зотга келганда, хирқани кўрсатиб, амр қилдилар: “Ўзингдан кейин бу хирқани Аҳмадга қолдир!” Шайх ўз фарзанди Абу Тоҳирга деди: Вафотимдан сўнг баланд бўйли, мовий кўзли, Аҳмад исмли бир ёш йигит хонақоҳга киргай. Ўшанда сен муридлар ўртасида ўтирган бўласан. Хирқамни ўша йигитга топширасан. Шайх Абусаид ўлим тўшагида ётганда ўғли Абу Тоҳир кўнглида: “Қанийди, отамизга насиб

¹⁷⁰ Алишпер Навоӣ. Тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2011. – Б.661.

этган валийлик мартабаси бизга мерос бўлиб ўтсайди” деган истак пайдо бўлди. Шайх кўз очиб деди:

– Сен орзусида бўлган валийликни бошқа бировга топширдилар, бизнинг шайхлигимиз байроғини бошқа бир харобот эшигига ўрнатдилар ва ҳар ишки бизда эди, унга таслим қилдилар.

Бу сўзлардан муддао нималигини ҳеч ким англамади.

Шайхнинг вафотидан бир неча йил ўтгач, бир кеча Шайх Абу Тоҳир тушида отаси бир неча дўстлари билан шошилиб, бир томонга кетаётганини кўрибди. Отасидан сўради:

– Эй Шайх, қаён шошмоқдасиз?

Шайх деди:

– Сен ҳам келки, қутби авлиё келадур.

Энди қўшилиб бормоқчи эди, уйғониб кетди.

Бошқа бир куни Шайх Абу Тоҳир хонақоҳда ўтирган эди. Эшикдан Шайх Абусаид васиятида қиёфасини тасвирлаб берган йигит кириб келди. Шайх Абу Тоҳир уни дарров таниди. Одамгарчилик юзасидан иззатини жойига қўйди, аммо ортиқча илтифот кўрсатмади. Улуғвор отанинг табаррук хирқасини бериб юборишга кўнгли бўлмай турувди, ул йигит деди:

– Эй Хожа, омонатга хиёнат раво эмас.

Шайх Абу Тоҳир хушвақт бўлиб бориб, хирқани отаси муборак қўллари билан илиб қўйган жойдан келтириб, йигитнинг эгнига солди. Бу йигит – шайхул-ислом Аҳмади Жом (қ.с.) эди. У зотдан олдин бу хирқани машойихдан йигирма икки нафари кийган. Охири Аҳмади Жом (қ.с.)га насиб этди. Ундан сўнг бу хирқа қаён борганини ҳеч ким билмади.

2024 йили Андижон вилояти Марҳамат туманига уюштирилган сафаримиз чоғида шайх Муҳаммад Фозил Кўхистоний хонадонига ташриф буюрдик. Ҳозирда бу ерда

шайхнинг набираси Шамсиддин Фозилов истиқомат қилади. Суҳбатимиз чоғида Искандар халифа шайх Фозилга иршод бераётиб ўзининг хирқаси, яъни чопони ва ҳассасини берганлигини айтди. Шайх Фозил бу чопон ва ҳассани кейинчалик силсиласини давом эттириш учун бу табаррук омонатни шогирди Муҳаммадйусуф Абдуҳолиқ ўғлига топширган. Мулла Муҳаммадйусуфнинг вафотидан сўнг унинг фарзанди бу чопон ва ҳассани Шайх Фозил авлодларига топширган.¹⁷¹

Чопоннинг узунлиги 130 см. Ҳассанинг узунлиги 136 см. Ушбу табаррук буюмлар хонадон аҳли томонидан кўп йиллардан буён кўз қорачиғидек асраб келинмоқда

ИСКАНДАР ХАЛИФАНИНГ ШОГИРД ВА МУРИДЛАРИ

Искандар халифа ўз замонасининг машҳур тариқат пирларидан бўлган. Шу сабабдан унга Абдуҳаким қори, Абдуллахон тўра, Мулла Абдулкарим, Акрамхон тўра, Мулла Ражаб охунд, Булбул қори, Мулла Абдуллажон, Мулла Ҳикмат, Иброҳим халифа, Амоний Аробоний, Мулла Фозил Кўхистоний, Мулла Ҳай, Мулла Закариё, Мулла Теша, Мулла Турсунмуҳаммад каби пешқадам уламолар сингари пешқадам уламолар қўл бериб, байъат қилганлар ва унинг содиқ шогирдларига айланганлар.

Искандар халифанинг муридлари ва шогирдлари тўғрисида марҳум педагог Абдужалил Абдукаримов (1929-2016) муҳим маълумотларни ёзиб қолдирган. Бу

¹⁷¹ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Андижон вилояти Марҳамат туманида истиқомат қилувчи Шамсиддин Фозилдан (1955 йилда туғилган) ёзиб олинди.

маълумотларни у отасидан, яъни Искандар халифанинг шогирди Мулла Абдулкаримдан эшитган экан. Мулла Абдулкарим тўғрисида биз қуйида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

2024 йилнинг 12 май куни Абдужалил Абдукаримов хонадонига ташриф буюрган вақтимиз унинг фарзанди Абдулхай Абдукаримов отасига тегишли архив маълумотлар билан таништирди. Қуйида мазкур маълумотларни илк бор ўқувчилар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

Ҳазрат Искандар халифанинг мухлис ва муридлари:

I. Тахтак қишлоғидан

1. Анорбой сўфи.
2. Нажмиддин махсум.
3. Тангриберди махсум.
4. Мулла Камолиддин махсум.
5. Қирғизбой оқсоқол.
6. Жалол оқсоқол.
7. Мулла Худойқул.
8. Мулла Сайна (Девона Парпи эшон)
9. Мулла Тошмат.
10. Мулла Эшмат.
11. Уста Юсуф.
12. Мулла Жамолиддин.
13. Мулла Сирожиддин.
14. Мулла Усмон.
15. Мулла Жалолиддин.
16. Бўрибой Жанибек.
17. Мулла Абдувоҳид.
18. Мулла Худойберган.
19. Мулла Ҳаким.

Ва яна бошқа кўплаб мухлислар.

II. Қора қўзи қишлоғидан

1. Мулла Шермат охундада.
2. Мулла Фазлиддин (Тоштемир)

III. Обхона қишлоғидан

1. Мулла Сайдулло.
2. Саййид Аҳмад қори.
3. Асадулло махсум.
4. Мулла Тўрахон.
5. Мулла Усмон.
6. Мулла Муҳаммад Юсуф.

IV. Тожик қишлоқдан

1. Мулла Камолиддин бобо.
2. Мулла Исомиддин.
3. Мулла Имомиддин.
4. Мулла Аъзамхон.
5. Мулла Ҳасан халифа бобо.
6. Мулла Зиёвуддин ҳожи бобо.
7. Мулла Муҳиддинжон бобо.
8. Мулла Орифбек бобо.
9. Мулла Муҳаммадшариф Домулла бобо.
10. Мулла Жамолиддин.
11. Мулла Асомиддин.

V. Учқўрғондан

1. Уста Мулла Муҳаммад.

2. Мулла Абдулкарим
3. Мулла Абдулрахийм.
4. Мулла Турсунмуҳаммад.
5. Абдулазиз қори.
6. Мулла Жамолиддин.
7. Мулла Ҳабибуллоҳ.
8. Мулла Саъдулло.
9. Мулла Абдуғаффор.
10. Мулла Абдували.
11. Абдулхайр махсум бобо.
12. Исматилло махсум.
13. Мулла Исроил.
14. Мулла Маҳмуджон.
15. Мулла Мўъминжон.
16. Мулла Насриддин.
17. Мулла Абдухолиқ.
18. Мулла Абдуқодир.
19. Мулла Исмоил.
20. Мулла Қодирали.
21. Мулла Абдумўмин қори.

VI. Йўлбони қишлоғидан

1. Мулла Ғойибназар.
2. Мулла Худойберган.
3. Мулла Раҳмонберди.
4. Мулла Азан.
5. Мулла Шокир.
6. Мулла Мамашариф домулла.
7. Мулла Файзуллоҳ.
8. Мулла Абдусаттор.
9. Мулла Абдулатиф.

VII. Тошқўрғондан

1. Мулла Мирзо Мавлон эшондада.
2. Мулла Мамасолиҳ.
3. Мулла Болтавой.
4. Мулла Тешавой.
5. Мулла Жумавой.
6. Мулла Абдуғаффор.¹⁷²

Абдулҳай Абдукаримовнинг Искандар халифанинг мурид ва мухлислари тўғрисида келтирган маълумотларида номлари зикр қилинган шахсларнинг барча Қирғизистон ҳудудида яшаб ўтганлар. Абдулҳай Абдукаримов уларни барчасини яқиндан таниган.

Ушбу маълумотлардан кўринади-ки, Искандар халифа юзлаб муридлар тарбия қилиб, уларни илоҳ муҳаббати сари етаклаган. Кўплаб муридлар у зотдан тасаввуф ва тариқат таълимини ўрганганлар. Тўрақул домла ёзганидек:

Ким кирур хизматларига лутфу эҳсонлар топу,
Бўлса ҳар ким рўбарў инъом эҳсонлар топу,
Топса суҳбат гар муяссар нур имонлар топу,
Дардман бўлган кишилар келса дармонлар топу,
Ҳеч ким бизлар каби дармонидан айрилмасун.¹⁷³

Луғатларда “байъат” сўзи аҳд-паймон қилиш, ҳукумат ёки дин бошлиғига бўйсунуш борасидаги аҳд-паймон ваъда ёхуд юқори ҳукуматни танимоқ, бирор шахснинг ҳокимлигини,

¹⁷² Абдулҳай Абдукаримовнинг шахсий архивидан.

¹⁷³ Мулла Тўрақул. Марсия. Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 30 қўлёзма.12-б.

подшоҳлигини эътироф қилмоқ маъносида қўлланган¹⁷⁴. Масалан, Ниёз Муҳаммад Хўқандий Қўқон хони Эрдонахонни тахтга чиқишини шундай баён этган: “Бир йилдан сўнг қўшин устунлари маслаҳати билан Бешариққа келиб тушиб, у ерда Бобобекни қатлга етказдилар. Шу ерда Эрдонахонни яна хон кўтариб, қайтиб пойтахтга кириб тушдилар. Кейин барча уламо ва машойихни йиғиб олиб, қайтадан байъат қилиб, Эрдонахонни олдинги шоҳларга ўхшаш отаси тахтига кўтариб жаҳонбонлик ва мулкдорликни унга топширдилар”¹⁷⁵.

Ислом дини тарихида “Ақабаи уло байъати” ва “Байъат ур-ризвон” номи билан машҳур байъатлар мавжуд бўлиб, бу ҳақда Олтинхон тўра – Саййид Маҳмуд Тарозий “Нур ул-басар”да ёзишча, “Иккинчи сана (келаси йил), яъни нубувватнинг ўн иккинчи йили Мадинадин ансори киромнинг ўн икки нафарлари ҳаж мавсимида Маккаи мукаррамага келдилар. Ҳазрати Расулуллоҳ (с.а.в.) ила Ақабада жам бўлдилар. Ўшал ерда ҳаммалари давлати иймонга мушарраф бўлдилар. Алардин (Худайбия сулҳидан кейин) хотунлардин олунадурган байъат олунди. Ҳаммалари тубандаги шартлар ила байъат бердилар:

- 1) Аллоҳнинг Ўзиға ибодат қилурмиз, ҳеч кимни Унга шерик қилмасмиз;
- 2) ўз ҳалолимиздин бошқа хотунлар ила ношаръий алоқа қилмасмиз ва ўғурлик қилмасмиз;
- 3) ўз авлодларимизни ўлдурмасмиз;
- 4) ҳеч кимға ёлғон тухмат қилмасмиз ва чақимчилик қилмасмиз;
- 5) ҳар бир яхши ишни қилмақда Расулуллоҳ (с.а.в.)ға итоатда бўлурмиз.

¹⁷⁴ Навоий асарлари луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б.86.

¹⁷⁵ Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Ибратул хавоқин. – Т.: “Turon Zamin Ziyo” нашриёти, 2014. –Б. 54.

Бу ҳазарот (ҳазратлар) Мадинаға ёнмакчи (қайтмоқчи) бўлгонларида, Саййиди олам (с.а.в.) аларға Исломни таълим бермак учун ҳазрати Мусъаб ибн Умайр (р.а.)ни қўшуб бердилар. Бу жаноб Маккаи мукарраманинг давлатманд хонадонларидин бирларин ёлғуз суюмлик фарзанди эрдилар. Қўчаларда яхши отларға минуб юрур эрдилар. Олдиларидин ва орқаларидин ғулом (қул)лар юрур эрдилар. Бир бор кийган либослари икки юз рупия(балки, дирҳам – кумуш танга)дин кам бўлмас эрди. Вақтики, Меҳрибон Парвардигор бу жанобни дини Исломға мушарраф қилди, дунё роҳатларидин ва жисмоний тажаммул (пардоз, зебу зийнат, ясаниш)лардин алоҳида бўлуб, руҳоний ҳолатларини тараққий этдура бошладилар.

Мадинаға келганларида Мадинанинг диний устози бўлуб, шуҳрат олдилар. Лекин кийган либослари кўхна бир чодир (чойшаб) парчаси бўлуб, анинг икки тарафин тиконлар ила қўшуб олур эрдилар. Қўшхона (меҳмонхона)лари жаноб Асъад ибн Зурора уйлари эрди. Ул уйда беш вақт намозда аларға имом бўлуб турдилар. Ислом диниға дохил бўлган мадиналик саҳобаларға аҳкоми динияларин таълим берур эрдилар”¹⁷⁶.

Алихонтўра Соғуний “Байъат ур-ризвон” хусусида шундай ёзади: Анда Расулуллоҳ (с.а.в.): “Агар бу хабар рост бўлар экан, у чоғда уруш қилмагунча бу жойдан кетмаймиз. Эй мўминлар, Аллоҳ сизлардан байъат олишни буюрди. Келинлар, ўлимдан қўрқмасга, душмандан қочмасга, туғ тутиб аҳд-паймон беринг, душманни енгиб, Маккани олгаймиз ёки барчамиз шаҳодат топқаймиз” дедилар.

Байъат Қуръони Карим, ҳадиси шариф ва бошқа китобларда “Ризвон байъати” деб аталди.

¹⁷⁶ Саййид Маҳмуд Тарозий. Нурул басар (Кўз нури). – Т.: “Имом Бухорий халқаро маркази”, 2017. -Б. 101-102.

Қуръони Каримнинг “Фатҳ” сурасида байъат воқеаси қуйидагича баён қилинган: “Лақад розияллоҳу анил муминийна из юбойиғунака тахта-шажарати фаалима му фий қулубиҳим фаанзалас-сакийната алайҳим фаасобаҳум фатҳан қорибан ва мағонима касиратан яъхузунаҳо ва каналлоҳу азийзан ҳакима”¹⁷⁷.

Ансор-Муҳожир саҳобаларининг барчалари байъатга киришган. Фақат Жадда ибн Қайс деган одам туялар орасига яшириниб, бу улуғ неъматдан қуруқ қолган. У “Бани Салама” қабиласининг раиси эди. Бу қабиладан Расулуллоҳ (с.а.в.)га элчилар келганида: “Сизларнинг сайидларингиз кимдур?” деб сўрадилар.

Улар дедилар: “Ё Расулуллоҳ (с.а.в.), Жадда ибн Қайсдур, лекин у бахил бўлса ҳам, уни раис сайламиш эдик”.

Анда Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: “Бахилликдан ёмонроқ айб бўлмас, бахил одам саййидликка ярамас, балки сизларнинг раисларинг Амр ибн Жамуҳдур”.

Шу сўз билан бурунги раис қолиб, Амр ибн Жамуҳ раис бўлди. Жадда ибн Қайс эса Расулуллоҳ (с.а.в.) назарларидан тушиб, улуғ неъматдан қуруқ қолди. Бу муборақ байъатга бир минг тўрт юзга яқин саҳоба қатнашди. Байъат бўлган чоғда Ҳазрати Усмон (р.а.)ни элчиликка юборган вақтлари эди. Шунинг учун Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг тарафидан ўзлари байъат ўтказдилар. Шундоқки, Расулуллоҳ (с.а.в.) ўнг қўлларини сўл қўллари устига қўйиб туриб айтдилар:

– Банданг Усмон сенинг хизматингда, меним ҳожатим учун элчиликка кетди, унинг томонидан ўзим байъат қилдим. Шу

¹⁷⁷ Таржимаси: “Аллоҳ у мўминлардан рози бўлди, чунки улар Самура дарахтининг тагида Аллоҳ йўлида жон қурбон қилмоқ учун сенга (Муҳаммад (с.а.в.)га) байъат бердилар. Шу байъат беришлари аларнинг дилларида чин эътиқод, ихлос билан бўлганини Аллоҳ билди, шунинг учун бу мўминлар Худо ризолигини топдилар. Шу сабабдан ўлимдан қўрқинч кўнгилларидан кўтарилиб, диллари ором олди. Яқин кунларда Аллоҳ уларга фатҳ – нусрат бергай, душманларини енгиб, қўп ўлжага эга бўлгайлар. Ҳар ишда Аллоҳ ғолибдур, хоҳлаганидек барча халққа ўз ҳукмини юргиза олур. Анинг ҳеч бир ҳукми ҳикматдан ҳоли эмасдур” демак бўлур.

қилган байъатимни қабул қилгайсан. Бу қутлуғ байъатга дастлаб қўл кўтарган зот Ҳазрати Уккошанинг оғаси Абу Синон эди.

Дейдиларки: Бунинг ўғли Синон ибн Абу Сифон эрур. Қандоқ бўлса ҳам, бу улуғ шарафга биринчи қадам қўйган муҳожирлардан эди. Байъат бермакка қўл сунар чоғда Синон ибн Абу Сифон деди:

– Ё Расулуллоҳ (с.а.в.), сенинг кўнглингдаги ишни тўлуқ қилмоққа байъат қилурман.

Расулуллоҳ (с.а.в.) сўрадилар:

– Кўнглимдаги иш нимадур?

Деди:

– Олдингда жонфидолик билан душманга ғалаба қилгунча қилич чопайин ёки шу йўлда шаҳодат топарман.

Саҳобаларнинг барчаси шу сўзларни айтишиб, Расулуллоҳ (с.а.в.)га байъат топширдилар. Тариқат пирларининг муридларидан қўл тутиб, байъат олишлари эса, шундан қолди. Шариат байъати кофирлар билан урушганда қочмасликка, ўлимдан қўрқмасликка берилган байъатдур.

Тариқат байъати эрса, шайтонга бўйсунмасликка, нафс-ҳаво йўлига кирмасликка пир қўлини тутиб туриб қилинган ваъдадур. Ҳақиқатда эса бу икки байъат банданинг Аллоҳга берган ваъдаси бўлур. Баъзи олимлар бидъат баҳонаси билан тариқат байъатига инкор қилдилар. Бу эса Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг таржимаи ҳолларидан, Ислом қурилишининг тарихларидан хабарсиз қолмиш норасоларнинг сўзларидур. Балки шариат, тариқат сирларига тушунмасликдур. Йўқ эса Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сифат ва сийратларини ҳадис китобларидан, Ислом динининг қандоқ қурилғонлигини тарих саҳифаларидан ўқиб тушунган олимлар, бу икки байъатнинг суннатлигига албатта ишонадурлар.

Лекин бизнинг бу сўзимиз ҳақиқатни киши билан топиш эмас, балки кишини ҳақлик билан топиш керак деган асосга қурилмишдур. Ислом динининг ҳақлигида ва ҳар бир камчиликлардан унинг поклигига ҳеч шак-шубҳа йўқдир. Лекин бу ҳақиқатни истар эканлар, биринчи, Аллоҳнинг сўзи Ислом динининг асоси Қуръондан, иккинчи, Аллоҳнинг Ҳақ Пайғамбари Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг суннатларидангина топарлар. Чунки бир дин ёки бир маслакнинг ҳақиқатини шу динни тутган ёки шу маслакка кирган зотларнинг ҳатти-ҳаракатидан билиш мумкин эмасдур. Бидъат ботқоғига бўйинларигача ботган, одат балчиғи билан юз-кўзлари булганган мусулмонларни кўриб, “Ҳақ йўлдан адашганлар кўпдир” деса бўлур. Байт:

Ислом дар зот хўрандорад айбий.

*Ҳар айбки, хаст дар мусулмони мост*¹⁷⁸.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Бу жойдаги байъатнинг “Ризвон байъати” демакнинг сабаби эса, Расулуллоҳ (с.а.в.) байъат берган зотлардин Аллоҳ рози бўлганлигини юқоридаги оят билан билдирди. Шунинг учун “Ризвон байъати” деб атадилар. Маъниси Худо рози бўлган байъат демакдур. Яна ҳадисда келмишдур: “Ла ядхулун наро аҳадун бояъа тахташ-шажароти”. Яъни: “Шу дарахт тагида байъат берган зотлардан ҳеч кимарса тамуққа тушмайдур” демакдур. Тағин бир ҳадисда айтдилар: “Ё айюҳаннасу, инналлоҳа қод ғафаро лиаҳли Бадрин вал Ҳудайбия”. Яъни: “Эй одамлар, огоҳ бўлинглар, Аллоҳ Бадр урушига қатнашган, Ҳудайбияда байъат берган зотлар гуноҳини афв қилди” демакдур. Шунинг билан бу муборак байъат тамом бўлди”¹⁷⁹.

Тасаввуфда соликнинг шайхга боғланиши “интисоб”, “иноба”, “байъат” ёки “қўл бериш” дейилади. Тариқат

¹⁷⁸ Маъноси: “Исломнинг ўзида ҳеч айб йўқ, нима бўлса бизнинг мусулмончилигимизда”.

¹⁷⁹ Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. 219-221-б. www.ziyouz.com kutubxonasi.

пиронларидан Муҳаммаджон Махсум бу ҳақда шундай деган эди: “Қўл беришда нима маъни бор? Бу бир дарахтга яхши зотли дарахтни пайванд қилмоқдир. Яъни Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг йўллариға улаб қўймоқ. Расул акрам (с.а.в.) билан бир қориндан тушган ака-укадек бўлиб қоладилар. Ёки ака-сингил бўладилар. Бу йўлга ўтмаган кишининг йўли пучдир. Аллоҳ раҳмати ва Расулуллоҳ (с.а.в.) шафоатларидан баҳраманд бўлмайди.

Пирга қўл беришдан муддао – пайвандни тиклаш. Қўл бергандан сўнг ўша дарахтнинг сувидан, ўтидан хабар олиб турса, ниҳол кўкариб, ҳосил тугиб, мевага шира-шарбат киргач, қалб мунаввар бўлади. Акс ҳолда ойинанинг орқаси ҳеч нарсани акс эттирмаганидек, қалбни ҳам ғубор босади”.

Шу сабабдан Марғилонлик буюк шоир Абдурахмон Фаҳмий (ваф.1899 й.) ҳам “шайхи замон” га байъат қилдим” дея зикр қилган:

Инобат айладим шайхи замонга,
Бузургон бузурги ҳазрат эшонга¹⁸⁰.

Маълумки, ўтмишда Фарғона водийсининг Қўқон, Марғилон, Наманган, Андижон каби қадимий шаҳарлари тариқат маркази бўлиб, “қодирия”, “яссавия”, “нақшбандия” тариқатининг йирик намояндалари фаолият олиб боришган. Хонақоҳлар доим мурид-мухлислар билан обод бўлган.

Қўқон хонлигида тариқат пирлари ва муршидларидан Боғдорхон эшон, Халифа Азизи Намангоний, Шайх Эшон Меҳмонхонтўра, Эшон Миён Фазл Аҳад, Эшон Абдурахим, Мулла Бобо Маҳмуд, Эшон Халифа Сафо, Халифа Олтмиш ва бошқа уламоларнинг таъсири катта эди.

¹⁸⁰ Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний). – Т.: “Sharq”, 2013. -Б.51.



*Пирга байъат қилиш, яъни қўл бериш маросими.
XIX асрда олинган сурат.*

Қўқон хони Худоёрхон ҳам тариқат пешволарига мол-мулк бериб, уларнинг ҳомийликларини олиб, хонлик тахтини сақлаган. Хонликда ҳукмрон ғоя ва дунёқараш бу ислом дини, ҳуқуқ эса шариат эди. Хон ҳам бу ғоялар ва шариат талабларига итоат қилар эди¹⁸¹.

XVIII асрга келиб, “қодирия” ва “нақшбандия” тариқатлари ривожланиш палласига кирган. Жумладан, Мирзаолим Мушрифнинг “Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин” (“Султонлар насаблари ва хоқонлар тарихлари”)¹⁸² асарида ёзилишича, водий шаҳарларида “кубравия” тариқати вакиллари истиқомат қилиб, фаолият олиб боришгани қайд этилган. Уларга маҳаллий аҳоли, жумладан, зиёлилар, уламолар ҳам байъат қилишган. Чунки инсон маънавий камолоти йўлида тасаввуф таълимотини ўрни беқиёс. Заҳириддин Муҳаммад Бобур айтганидек:

¹⁸¹ Набиев Р.Н. Истории Кокандского ханства. –Т.: “Фан”, 1973. С.103; Бейсимбиев Т.К. “Тарих-и Шахрухи” как исторический источник. Алма- ата.: “Наука”, 1987. С.84 - 85.

¹⁸² Остонақулов И. Фарғоналик валийлар. – Т.: “Мовароуннахр”, нашриёти, 2001. -Б.8.

Йўлини топгайму киши то раҳнамо кўрсатмагай.



Искандар халифанинг қабри

Манбаларда пирга байъат қилиш маросими билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар келтирилган. Жумладан, элшунос олима А.Л.Троицкаянинг қаландарларнинг шайхга байъати “Ўзбекистондаги қаландарлар ва маддоҳлар ўтмишидан” мақоласида акс этган: “Мурид шайхнинг қаршисида одоб билан ўтирган.

Шайх унинг қулоқларидан тутган ва қуйидаги саволларни берган:

Кўзингиз кўрми?

Бировнинг хотунининг кўзига қарамайсизми?

Қулогингиз карми?

Ёмон гийбат сўзларга қулоқ солмайсизми?

Тилингиз соқовми?

Бировни гийбат қилмайсизми?

Бировни беваж сўкмайсизми?

Кўлингиз чўлоқми?

Бировни урмайсизми?

Бировни молини ўгурламайсизми?

Оёдингиз чўлоқми?

Ўғурлик йўللарда қадам босмайсизми?

Дунёдаги ёмон ифлос йўللардан ўзингизни эҳтиёт қиласизми?

Шундан сўнг шайх қаландарлар жамоасига кираётган муриддан “пирга қўл бериб, ичкиликдан, қимор ўйинларидан, фахш ишлардан ўзингиз тия оласизми?” деб савол берган. Мурид одоб билан: “Тақсир, Худони бир билиб, сизни пир билиб, ёмон йўллардан ўзимни сақлайман” деб жавоб қайтарган¹⁸³ ва пир хизматига астойдил бел боғлаган.

Шайх Саъдий ёзади:

Халққа хизматдир тариқат беҳавас,

Жойнамозу, тасбеҳу жанда эмас


Қуйида Искандар халифанинг силсиласи ва айрим шогирдлари тўғрисида мухтасар маълумот келтириб ўтамиз.

Абдуҳаким қори Искандар халифа ўғли

Изланишлар шуни кўрсатдики, Искандар халифанинг шогирдларидан бири ўз фарзанди Абдуҳаким қори (1877-1973) бўлган.

Олинган маълумотларга кўра Абдуҳаким қори дастлаб Марғилон шаҳридаги Хонақоҳ мадрасасида Ҳазрат Хонақоҳий домла қўлида сабоқ олган. Сўнггра Бухоро мадрасаларидан бирида таълимни давом эттирган.

¹⁸³ Троицкая А.Л. Из прошлого каландаров и маддахов в Узбекистане // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. С.212.



Абдуҳаким қори Искандар халифа ўғли

Бухородан қайтиб келган Абдуҳаким қори уйланиб икки фарзанднинг отаси бўлгунига қадар Арсифда ҳаёт кечирган. Отасининг ўлиmidан сўнг турмуш ўртоғи Орзу биби билан 1933 йилда Тожикистонга кетишга мажбур бўлишган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله الذي نور قلوب لعارفين بلوامع الاوار وروح صدور الصادقين بردا كج الا بهر اروسه و السلام على رسول محمد
 الابرار وعلى آل وصحبه لا خيار أما بعد بدان طادق که اینحضرت حق سبحا و تعالی افاضه نموده بر صدر مفسر آنحضرت صلی الله علیه
 وسلم و از بکار اهر آنحضرت صلی الله علیه وسلم افاضه نموده بحضرت صدیق اکبر رضی الله عنه و از ایشان بحضرت سلمان فارس رضی الله عنه رسیده
 و از ایشان بحضرت قاسم بن صدیق اکبر رضی الله عنه و از ایشان بحضرت امام جعفر صادق رسیده و از ایشان بحضرت سلطان بایزید بطحا
 قدس سره رسیده و از ایشان بحضرت خواجه ابوالحسن غرقانی رسیده و از ایشان بحضرت خواجه علی فارمدی رسیده و از ایشان بحضرت خواجه
 ابویوسف هندل رسیده و از ایشان بحضرت خواجه عبدالحق غجدانی رسیده و از ایشان بحضرت خواجه عارف ریوگری رسیده و از ایشان
 بحضرت خواجه محمد بن یحیی فتنوی رسیده و از ایشان بحضرت خواجه علی رایتی رسیده و از ایشان بحضرت خواجه محمد بن بابای سمانی رسیده
 و از ایشان بحضرت سید امیر کمال بخاری رسیده و از ایشان بحضرت خواجه بزرگ خواجه بهاء الدین رسیده و از ایشان بحضرت مولانا یعقوب
 چرخ رسیده و از ایشان بحضرت خواجه عبید الله احرار رسیده و از ایشان بحضرت مولانا زاهد رسیده و از ایشان بحضرت مولانا
 درویش رسیده و از ایشان بحضرت خواجه امکن رسیده و از ایشان بحضرت خواجه باقی رسیده و از ایشان بحضرت امام ربان محمد والف ناز رسیده
 و از ایشان بحضرت خواجه محمد سعید رسیده و از ایشان بحضرت شیخ عبدللاج رسیده و از ایشان بحضرت خواجه مولانا عابد رسیده و از ایشان
 بحضرت موسی خان رسیده و از ایشان بحضرت خلیفه محمد صدیق رسیده و از ایشان بحضرت خلیفه حسین رسیده و از ایشان بحضرت حنیفه
 عبدستار رسیده و از ایشان بحضرت قطب مانع نظام الملک انصاری بحضرت خلیفه دلا محمد قاضی قدس سره و از بکار ولایت جوی با
 هدایت آنحضرت بسینه پرفروش او رنجستند و آن بزرگوار قدس سره نیز این افتاده حقیض الجفیر لطف و کرم حضرت ایزدی جل سلطان بکشد شکای
 اهل طریقت شکرا لله سعیم اجازه فرمودند و این فقیر حقیر بدیناعت نیز جناب کالات کتاب ملا عبدالحکیم قاری را از اینک کلام صلاح
 از صاحب جناب موسی الیونانی و نادر ترزاید و تصاعف است اجازه تعلیم ذکر و طریقت داده شد باید که جناب موسی الیه طالبان طریقت راه نمایند
 بشرط استقامت و دست بسینه بیضا و شریعت مطهره غرض علی صاحبها الصلوٰة و السلام و ادای نامورات و تحیت شیخ مفتدا و وفقه الله
 سبحانه علی ذلک و السلام علی من تبع الهدی فقیر حقیر بی بضاعت حاجی اسکندر راسف

Искандар халифанинг ўғли Абдуҳаким қорига берган иршодномаси

2024 йилдаги изланишларимиз давомида Абдуҳаким қорининг авлодлари хонадонида сақланаётган иршоднома билан танишдик. Бу ҳақда юқорида айтиб ўтган эдик. Ушбу иршодноманинг суратини Искандар халифанинг набираси, яъни Абдумалик Абдуваҳоб қори ўғли бизга тақдим этди. Бу биз аниқлаган Искандар халифа томонидан берилган иккинчи иршодномадир. Бу ҳақда қуйидаги сўз юритамиз.

Ушбу иршоднома ҳам узоқ вақт давомида яширинча сақланган ва ҳеч кимга кўрсатилмай келинган. Мазкур

иршоднома билан танишиш ҳам биз учун катта янгилик бўлди. Чунки Абдуҳаким қорини Тожикистонга кетишида мазкур иршодноманинг ҳам ўрни бор. Зеро, ҳар бир тариқат муршиди шогирдига иршод тақдим этар экан, шу тарзда шогирдини ҳам бошқа ҳудудларда кенг фаолият олиб боришига ижозат берган.

Абдуҳаким қорини Тожикистон ҳудудида қандай фаолият олиб борганлиги бизга қоронғу. Аммо унинг ҳаёти қатағонлик сиёсати авж олган йилларга тўғри келганлигини ҳисобга олсак, у шубҳасизки, ўзини нақшбандия тариқатига мансублигини ва иршодга эга устоз эканлигини оммадан сир тутишга мажбур бўлган кўринади.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Аллоҳга ҳамдлар бўлсинким, орифлар қалбини нур шуълалари мунаввар қилди ва содиқларнинг кўксиларини сирларининг бўйи билан хушбўйлантирди.

Аброрлар ва ахёрлар саййиди бўлмиш нубувват соҳиби Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га салавотлар бўлсин, аммо баъд:

Билгинги, эй содиқи толиб Аллоҳ субҳонаҳу таолодан Жаноби пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўнгилларига файз қилиб туширган нарса ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сирлар денгизидан файз бўлиб тушиди Ҳазрати Сиддиқ Абу Бакр розияллоҳу анҳуга ва ундан ҳазрати Салмони Форсий розияллоҳу анҳуга келди ва ундан ҳазрати Қосим ибн Муҳаммад Сиддиқ розияллоҳу анҳуга келди ва ундан ҳазрати имоми Жаъфари Содиққа келди ва ундан ҳазрати Боязид Бистомий қуддиса сирруҳуга келди ва ундан ҳазрати Хожа Абул Ҳасан Ҳарақонийга келди ва ундан ҳазрати Абу Али Фармадийга келди ва ундан ҳазрати хожа Юсуф Ҳамадонийга келди ва ундан ҳазрати

хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийга келди ва ундан ҳазрати хожа Ориф Ревгарийга келди ва ундан ҳазрати хожа Маҳмуд Анжир Ғазнавийга келди ва ундан ҳазрати хожа Али Рометанийга келди ва ундан ҳазрати хожа Муҳаммад Бобои Самосийга келди ва ундан ҳазрати Саййиди Амир Кулол Бухорийга келди ва ундан хожаи бузрук Хожа Баҳоул ҳақ ва ад-динга келди ва ундан ҳазрати мавлоно Яъқуб Чархийга¹⁸⁴ ва ундан ҳазрати хожа Убайдулло Аҳрорга келди ва ундан ҳазрати Мавлоно Зоҳидга келди ва ундан Мавлоно Дарवेशга келди ва ундан ҳазрат Хожа Имканагийга келди ва ундан ҳазрати Хожа Боқийга келди ва ундан ҳазрати Имоми Раббоний мужаддиди алфи сонийга келди ва ундан ҳазрати Хожа Муҳаммад Саъидга келди ва ундан ҳазрати шайх Абдулаҳадга келди ва ундан ҳазрати Хожа Мавлоно Обидга келди ва ундан ҳазрат Мусахонга келди ва ундан ҳазрат халифа Муҳаммад Сиддиққа келди ва ундан ҳазрат халифа Ҳусайнга келди ва ундан ҳазрат халифа Абдусатторга келди ва ундан ҳазрати қутби замон халифа Домла Муҳаммад Қобилга келди ва ундан фақири ҳақирга (Искандар халифа)га келди ва мен каминаи камтарин томонидан Мулла Абдуҳаким қорига зикр ва тариқат ижозаси кундан-кунга ортиб бориш, зиёда қилиш шарти билан берилди ва мазкур жаноб (Мулла Абдуҳаким қори)га иршод берганимиздан сўнг Пайғамбар алайҳиссалом суннатларига бардавом амал қилган ҳолда, шариятга доимий амал қилган ҳолатда шу йўлда юрувчи тариқат толибларига йўл кўрсатади ва доим амр қилинган ишларни адо қилиб боради ва доим иқтидо қилган шайхига муҳаббат қўйиб боради.

Ҳидоятга эргашганларга Аллоҳнинг саломи бўлсин.
Фақир ҳақир бебизоат Ҳожи Искандар Арсифий.

¹⁸⁴ Иршодни шу қисмида Алоуддин Аттор қуддиса сирруҳунинг номи ёзилмай кетган.

Ушбу иршодномадан маълум бўладики, халифа Домла Муҳаммад Қобилдан иршод олган Ҳожи Искандар Арсифий фарзанди ва шогирди Мулла Абдуҳаким қорига иршод берган.

Эшонжон Искандар халифа ўғли


Искандар халифанинг шогирди сифатида фарзанди Эшонжонни ҳам кўрсатиш мумкин.

Айтишларича Қошғардаги муридлари келиб “Фарзандингиз Эшонжон бизга берсангиз уни Қошғарга олиб кетсак, ўрнига бир қорини берамиз” деб илтимос қилганларида, Искандар халифа “Эшонжони юзта қорига алмашмайман” деган экан. Айтишларича, Искандар халифа иккинчи ўғлига Эшонжон исмини қўйганда баъзи чалла муллалар “Ўзингиз эшон бўлсангиз, фарзандингизни ҳам эшон исмини қўясизми. Бошқа исм билан атанг” деб Искандар халифага маслаҳат бергандек бўладилар. Шу тарзда чақалоққа номини ўзгартиришган. Бироқ чақалоқ исми ўзгаргандан сўнг бир ҳафта туну-кун йиғлайверган. Ҳеч қандай дори-дармон таъсир қилмаган. Шундан сўнг чақалоқни яна Эшонжон исми билан атайдилар ва қайта чақалоқ йиғламай қўяди.

Таъкид жоизки, Искандар халифадан сўнг унинг муридлари Эшонжонни ҳам худди пири устозлари Искандар халифадек қабул қилганлар. Чунки Эшонжон доимо туну-кун қиблагоҳини ёнида туриб хизматида бўлган. Айтишларича, Эшонжон Искандар халифанинг хобгоҳини эшигини олдида ўтирар, қачонки Искандар халифа таҳорат учун ташқарига чиқиши билан унинг қўлига илиқ сув тўлдирилган обдастдани тутқазар экан. Баъзан қорлар ёғиб Эшонжон қор тагида қолиб

кетар, шундай ҳолатда отаси учун бағрига обдастани босиб сувни совиб қолмаслигини ғамида бўлар экан.¹⁸⁵

Кези келганда Искандар халифанинг замондоши Бухорий Домла – Мирхалил Марғинович¹⁸⁶ билан ҳам айнан шундай воқеа содир бўлганлигини айтиб ўтиш жоиздир.



Эшонжон Искандар халифа ўғли

¹⁸⁵ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Фарғона вилояти Қувсой шаҳрининг Валик қишлоғида истиқомат қилувчи Абдували қори Ҳафизовдан (1955 йилда туғилган) ёзиб олинди.

¹⁸⁶ Бухорий домла 1340/1922 йилда вафот этганлар. Вафотларига Бухородан мулла Низомиддин охунд бошчилигидаги алломалар ҳам ҳозир бўлишган. Марғилонинг Хўжа Форсо қабристонига дафн қилинган.

Қиш кунларининг бирида кечанинг охирги қисмида Бухорий Домла таҳоратга чиқадилар. Совуқ жуда қаттиқлигидан ҳамма нарса, ҳатто мадраса ҳовузи ҳам музлаб қолган, бошқа сув йўқ эди. Ҳазрат кўп ўйланадилар. Сўнгра ҳовуз бўйига келиб, Аллоҳдан сув сўраб, дуо қиладилар.

Шунда не бахтки, Аллоҳнинг қудрати билан ҳовуз усти битта обдаста сиғадиган даражада ёрилиб, сув кўринади. Ҳазрат Аллоҳга шукрона айтиб, дарҳол обдастани тўлдириб, орқага қайтадилар. Айни пайтда устозлари ҳам уйғониб, ташқарига чиққан эдилар.

У зотни болаҳонадан тушаётганларини кўрган домла югуриб борадилар-да, икки қўллаб сувни узатадилар. Зийрак устоз бир зум атрофга назар ташлайди ва: “Совуқни зарбидан музламаган бирор нарса қолмабди, ҳатто ҳовузимиз ҳам. Сизда эса, янги сув, уни қаердан олдингиз”, – дейдилар. Домла бир оз хижолат бўлиб, воқеани айтадилар. Устоз: “Ҳай-ҳай, шундайми, бўлмаса обдастани ерга қўйингда, қўлингизни очинг”, – дейдилар. Сўнгра қиблага қараб: “Омин, сизнинг “ишингиз битибди” – бу ерда сиз ўрганадиган илм қолмабди, бориб, бемалол Марғилон халқига дарс айтаверинг”, дея, дуо қиладилар.¹⁸⁷

Абдували қори Ҳафизов ҳикоя қилади: “Қиблагоҳимдан эшитган эдим: “Марғилонда хатм ўтказилганда Эшонжон бобо ҳам иштирок этар экан. хатм яширинча ўтказилганилиги учун бегона одам кириб қолмаслиги учун эшикларга қулф солинарди. Бир гал хатм вақтида Али қори адашиб қолган. Шунда пешқадам қорилардан бири Муҳаммаджон қори¹⁸⁸ унга луқма берган. Бироқ Али қори луқмани ололмаган. Шунда Эшонжон бобо луқма берди. Яъни Али қори адашиб қолган оятни бошдан охир ўқиб берди. Шунда Алижон қори

¹⁸⁷ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – 1998.

¹⁸⁸ Муҳаммаджон қори Қаландархона мадрасасида мударрислик қилган. 1944 йилда 54 ёшида вафот этган.

оятни тўғрилаб ўқиб кетади. Даврадагиларни айримлари шу кунга қадар мактаб кўрмаган, мадрасада ўқимаган Эшонжон бобонинг илмига шубҳа билан қараб келар эди. Бу воқеадан сўнг Эшонжон бобонинг илми борасида шубҳа қилмайдиган бўлдилар”.¹⁸⁹

Маълумки, шогирдлар маънавий камолотида устозлар марҳамат назарининг ўрни катта. Қадимдан аجدодларимиз бунга қаттиқ эътибор берганлар. Ҳанафий алломалардан Али ибн Султон Ал-Қорий шундай дейдилар: “Ўтмишда бир мурид хизмат қилиш учун Хуросон шайхларидан бирининг ҳузурига боради ва узоқ вақт хизмат қилади. Шайх йигитга кўпинча зиёратчиларнинг от-уловларига қараб туришни тайинлар экан. Мурид бу хизматларни сидқидилдан бажарса-да, шунча йил хизмат қилиб топганим шуми, деб ўйлар экан. Бир гал шайх ҳузурига кирганида шайх: “Эй болам, шошилма, яқинда Аллоҳ таоло сени ҳузурингга катталарни ҳам зиёратга келадиган қилади ва сенга ҳам хизмат қиладиган кишиларни чиқаради, дейди”.¹⁹⁰

Мисрлик буюк олим Абул Мавоҳиб Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад ибн Али ал-Ансорий аш-Шаъроний: “Одоб ва ҳурмат билан амал қилиш фикри бўлмаса, кишининг илм талаб этмоғи дуруст эмас. Одоб диннинг учдан икки бўлагидир. Аллоҳнинг валийлари улуғ мақомга кўп амал билан эмас, одоб ва гўзал ахлоқ билан етишганлар”, – деб айтган.¹⁹¹

Улуғлар, хусусан устозларга хизмат қилиш ҳақида гап кетганда Хожа Али Рометаний (қуддиса сирруҳу) нинг қуйидаги сўзлари ёдимизга келади. “Йўл юрувчиларга риёзат

¹⁸⁹ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Фарғона вилояти Қувсой шаҳрининг Валик қишлоғида истиқомат қилувчи Абдували қори Ҳафизовдан (1955 йилда туғилган) ёзиб олинди.

¹⁹⁰ Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қори. “Мирқот ул-мафотиҳ шарҳу Мишкот ул-масобих”. Дору ихъи туросил арабий. Байрут: 14-ж, 265-б.

¹⁹¹ Абул Мавоҳиб Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад ибн Али ал-Ансорий аш-Шаъроний. «Танбех ул-муғтаррин». Дорул маърифат-Байрут. 2004.99-б. Бундан кейин: “Имом аш-Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”.

ва мужоҳадани кўп тортмоқ керакдур, то мартаба ва мақомга етушурлар. Аммо, бу йўлларнинг барчасидин яқинроқ йўл борким, тезроқ мақсудга етушса бўлур. Ул йўл улдурким, йўл юргувчи кўшиш (ҳаракат) қилсунки, ўзининг хулқи ва хизмати била бир соҳибдил зотнинг кўнглидан жой топсун. Чунки, бу тоифанинг кўнгиллари мавриди назари Ҳақ (Аллоҳнинг назари тушадиган жой) турур, онга ҳам ул назардин насиба етушур”.¹⁹²

Мазкур ҳақиқат Охунд дада фаолиятларида ўз исботини топганини кўраимиз. Охунд дада кўпинча устоз хизматига машғул бўлиб дарслардан қолиб кетар эканлар. Бир кун шериқлари: “Абдуссамад, биз фалон-фалон китобларни ўқиб тугатдик, сен ҳалиям хизмат қилиб юрибсан, бунақада илмсиз қолиб кетасан”, – дейишади. Улар суҳбатини узоқдан кузатиб турган устоз Охунд дадани чақириб: “Нима дейишяпти”, – деб сўрайди. Охунд дада ночор уларнинг гапини айтадилар. Буни тинглаган устоз: “Шунақами, майли, улар ўқиб олим бўлишсин, сиз хизмат қилиб одам бўлинг”, дейдилар.

Бугина эмас, Охунд дада Холмуҳаммад домла ҳузурига қатнаган чоғлари ҳам ҳамма дарс олишга машғул бўлса, у зот устоз ҳовлисидаги хизматларни бажаришга киришар эканлар. Ҳамма кетгачгина дарс олишга кирар эканлар. Бу ҳолат устознинг у зотга алоҳида меҳр кўрсатиб бошқаларга айтмаган баъзи сирлардан хабардор қилишига сабаб бўлар экан. Дарвоқе, айтишларича мазкур хизматларнинг ўзиёқ Охунд дада учун дарс ўрнида бўлиб, кўп нарсаларни ўрганишларига сабаб бўлган экан. Чунки ўзларининг эслашларича, аввалига зеҳнлари суст бўлиб кейин эса бошқалардан ўзиб кетган эканлар.

Абу Нуъайм ал-Асбаҳоний Аҳмад ибн Абул Варднинг қуйидаги сўзларини келтирган: “Ушбу қавм (сўфийлар) нинг

¹⁹² Фахриддин Али Сафий. Рашаҳоту айниҳа ҳаёт... 2004, 59-бет.

мақсадга етиши бешта нарса билан бўлади; устоз – шайх ҳовлисининг мулозими бўлади, унга ҳилоф қилишдан сақланади, хизматини доимий бажаради, бу йўлда етган қийинчиликка сабр қилади ва кароматни яширади”.¹⁹³

Шу ўринда “Одоб аш-шаръийя” номли китобда салафларимизнинг бу борада келтирилган тавсиялари билан танишиб чиқсак. Умар (розияллоҳу анҳу) шундай деганлар: “Илмни ёшингиз улуғ бўлмасдан, яъни иззат талаб қиладиган ёшга боргунча эгаллаб олинг”.

Хаттобий шундай дейди: “Ёшлигида катталарга хизмат қилиб ўрганмаган толиб катта бўлганида ҳам хизмат қилишдан уяладиган бўлади, яъни улуғларни топиб суҳбат топишга эринади”.

Хаттобий яна шундай дейди: “Менга Суфёни Саврийдан етиб келишига кўра, у шундай деган: “Ҳар ким азизликни вақтидан олдин талаб қилса, кўп илмлардан бебаҳра қолади”. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) шундай дейдилар: “Ким катталикни вақтидан олдин талаб қилса, хор бўлиши аниқ”.

Машҳур нахв олими Имом Мубаррадга бир куни: “Нима учун Абул Аббос, яъни Саълаб сендан кўра шеър ва ғариб илмига моҳирроқ?” – дейишди. Шунда у: “Мен ёшлигимдаёқ одамлар орасида “катта” бўлиб қолганман, у кексайганида катта бўлди”, – дейди.

Ҳоким ўз “Тарих”ида Абу Ҳанифани Имом Зуфарга айтган қуйидаги сўзларини келтирган: “Эй Зуфар, вақтидан олдин одамларга суҳбат қилишни бошлама, акс ҳолда одамлар сени енгил санай бошлайдилар”. Имом Шофеъий шогирдларидан бирига: “Агар ёшлигингдаёқ “катта” бўлмоқчи бўлсанг илмдан бебаҳра қоласан”, деганлар.¹⁹⁴

¹⁹³ Абу Нуъайм ал-Асбаҳоний. “Ҳилят ул-авлиё”. 4-ж, 406-б. <http://www.alwarraq.com>

¹⁹⁴ “Одоб аш-шаръийя”. 2-ж, 112-б. <http://www.al-islam.com>

Ўз даврида Фарғона вилоятидаги юқори мансабдор шахслар ҳам Эшонбобонинг мухлислари сифатида тез-тез зиёрат қилиб турганлар. Шундай инсонлардан бири Мўсожон Шербўтаевдир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, Фарғона вилоятида ўзига хос пахтачилик мактабини яратган, кўп йиллар давомида Қува туманига раҳбарлик қилган Мусажон Шербўтаев (1929-1994) билан гарчанд у киши билан шахсан кўришиб суҳбатлашмаган бўлсак-да, бироқ туман йиғилишларида айниқса радио орқали кўп бор унинг чиқишларини мароқ билан тинглаганмиз.

Мусажон Шербўтаев туғма воиз десак муболаға қилмаймиз. Чунки унинг сўзларида сохталик ёхуд риёкорлик бўлмай содда ва самимий эди. Шунинг учун унинг сўзларини тинглаган киши уни яна бир бор кўришга ёхуд эшитишга иштиёқманд бўлар эди.

Мусажон ака ўша собиқ шўроларнинг худосиз жамиятида ҳам туну кун дилида Аллоҳни ёд этган инсонлардан эканлигини танишларимиздан бири сўзлаб берган эди. Унинг айтишича Москвада бўлган катта анжуманда 70-йилларда бир гуруҳ ўзбек пахтакорлари, жумладан Мусажон Шербўтаев ҳам иштирок этади. Кечки вақт меҳмонхонага келган чоғларида ҳар кунги одатий уюштириладиган зиёфатларга бормаган Мусажон ака ўзи ҳоли қолгач хонада узоқ вақт Қуръон оятларини ўқиб ўтирар экан. Балки шу сабабдан бу инсонга Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов билан бирга Аллоҳнинг муқаддас уйи – Каъбатуллоҳга киришидек улуғ бахтга сазовор бўлиш насиб этди.

Муҳтарам ўқувчиларга шу ўринда айрим ойдинликларни киритиб ўтмоқчимиз. Ёзувчи Эмин Усмон ўзининг “Муножот” номли мақоласида ёзишича, Каъбатуллоҳнинг

ичига кириб намоз ўқишга ҳар йили Подшоҳ ва унинг хонадони, Макканинг ҳокими, мусулмон давлатларининг элчиларига ва улар билан фақат яна бир неча ҳожиларга ҳам махсус имтиёзли нишон берилар экан¹⁹⁵.

Туркистон тарихида бундай улўф саодатга камдан кам одам муяссар бўлган. Демак, Мусажон ҳожи Шербўтаев ҳам Байтуллоҳнинг ичида намоз ўқиган санокли зотлардан биридир.

Абдуллахон тўра Эшон Муҳаммад ўғли

Абдуллахон тўра Эшон Муҳаммад ўғли 1883 йилда (баъзи маълумотларга кўра 1890 йилда) Қўқон шаҳрида туғилган. Она томонидан Қобул эшоннинг набираси бўлади. Искандар халифанинг шогирларидан.

Абдуллахон тўра мутасаввуф шоир ва моҳир хаттот сифатида машҳур бўлган. Қўқон мадрасаларида таҳсил олган. Машҳур татар маърифатпарвари Ризоиддин ибн Фаҳриддин билан дўстона алоқада бўлган. Таърих жанрида ижод қилган.

Маълумки, тарихгўйлар تارىخ -тарих ёзишда беш йўлни қўллаганлар: таваллуд (туғилиш); мамлакатда рўй берган воқеа ва ҳодисалар; мамлакат истилоси (фатҳ); бино қурилиши; вафот, ўлим ҳақида.

Ҳозирда мазкур тарих-шеър маъносида адабиётшунослигимизда “тарих” ва “тарих” шаклида икки хил ёзиб келинмоқда. Бизнингча, уни тарих (история) фанидан фарқлаш мақсадида айириш белгиси билан “тарих” кўринишида ёзиш маъқул бўлса керак. Бу ҳақда шарқшунос А. Жувонмардиев “Ҳарф ва рақам” рисоласида тарих ва тарихгўйлар хусусида шундай ёзади: “Шуни ҳам айтиш керакки, тарих китобларини ўқиб, ўрганиб ёки замон воқеалари, улўф кишилар ўлими, вафоти ва айрим ҳодисалар

¹⁹⁵ Ҳожи Эмин Усмон. Муножот // Шарқ юлдузи. 1992. № 5, 152-б.

борасида китоб ёзган шахсни مؤرخ (тарихчи) дейдилар. Бу рисоламизда ёзилган услубда тарих айтганларни эса, “тарихгўй” (тарих айтувчи) деб атайдилар.

Таърихгўй ёзган тарихига аҳамият бериб, унинг очиқ ва тўғри бўлишига катта эътибор бериш керак. Чунончи, Ҳиротда бино қилинган “Боризоғон”га “Чортоқ” сўзи тарих деб, бирмунча шов-шув кўтариб, кейинчалик текшириш натижасида тўғри чиқмай қолган.

Тарихгўй устозларнинг қонунида агар тарих бир кишининг номига бўлса, албатта у шахснинг исми киритилиши керак. Исм бўлмаса, у тарих очиқ бўлмайди. Бундан ташқари, лақаби, отасининг номи, фазл, ҳунари ва мансабини ҳам фикр қилиб айтилиши лозим. Агар тарихгўй ўз номини ҳам киритса, бундай тарихлар янада эътиборли бўлади.

Таърих моддасини зикр қилиниши муносибдир. Бино ҳақида ёзилган тарихлар эса албатта тўрт девор, яъни тўрт мисра (икки байт) бўлиши фарздир. Шунингдек, ўлганда айтилган тарихда “Исқот” (чиқариб ташлаш) ва туғилганга қўшиш усулида ёзилиши тарих гўзаллигининг зарур бўлган шартларидан биридир.

Агарда тарихгўй бир мисрада икки тарих келтирса, “вови отифа” бўлиши мумкин, чунки вови отифа икки тарихни бир-биридан ажратиб туради. Бир тарихда эса вови отифа бўлмаслиги яхшидир. Замон саҳифасидаги тарихгўйлар уч (арабий, форсий ва туркий) тил билан тарих айтганлар”¹⁹⁶.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида яшаб ўтган Қўқон уламолари ва адиблари мазкур беш йўлни деярли барчасида ижод қилганлар. Бу ҳолат биргина Абдуллахон тўра меросида яққол кўзга ташланади. У кўплаб таърихлар ёзган. Абдуллахон тўра моҳир хаттот сифатида Мажзуб

¹⁹⁶ Жувонмардиев А. Ҳарф ва рақам. – Т.: Фан, 1971. – Б.4.

Намангонийнинг тасаввуфга доир асарини кўчирган. Қўқон адабий муҳиtida яшаб ижод қилган шоирларнинг шеърларини тўплаб баёз тузган. Қўқон шаҳрининг диний ва маърифий муҳиtida фаол иштирок этган. Таниқли шоир ва уламолар вафотига бағишлаб марсиялар ёзган.¹⁹⁷

У устози қўқонлик шоир ва олим Мавлавий Йўлдошнинг (1861-1922) “Фавойидул мавлавия ва мавоидул маънавия” (“Мавлавийлик фойдалари ва маънавийлик дастурхонлари”) номли асарига тартиб берган.¹⁹⁸



Абдуллахон тўранинг Абдували Исмоилов номи билан қайд этилган паспорти.¹⁹⁹

Абдуллахон тўра 1952 йилда вафот этган ва Шайхон қабристонига дафн этилган. Қабри сақланмаган.

¹⁹⁷ Турдалиев А. Абдуллахон тура. // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Том II. Москва, Наука – Восточная литература. 2018. С.23-24.

¹⁹⁸ Турдалиев А. Адиблар пешвоси Мавлавий Йўлдош. // Хидоят. 2009. №6. – Б.28.

¹⁹⁹ Ушбу ҳужжат Фарғона вилояти Қўқон шаҳри Самарқанд кўчасида истиқомат қилувчи Жалолхон Умаров хонадонига сақланади.

2024 йилда Қўқон шаҳрининг Самарқанд кўчасида истиқомат қилувчи Жалолхон Умаров билан ўтказган суҳбатимиз чоғида Абдуллахон тўра ва унинг оиласи тўғрисида қуйидагиларни сўзлаб берди:

“Сўфи Бадал эшоннинг шогирдлари жуда кўп бўлган. Шулардан бири Косон томондан келиб, устозларини этагини маҳкам тутган зот Ҳожи Қобил эшон бўлганлар. Ҳожи Қобил эшоннинг 4 нафар қизлари бўлган. Шу қизларидан бирини Сўфи Бадал эшоннинг кичик ўғиллари Муҳаммадхон эшонга (бизнинг онамиз томонидан катта бобомиз) турмушга берганлар. Улардан Обидахон исмли қиз дунёга келган. Обидахон Роҳатхон, Бузрукхон (дадамнинг аяси) ва Пўлатхон тоғамиз туғилганлар. Бузрукхон аямиз дадам туғилгач узоқ яшамай вафот этганлар.

Ҳожи Қобил эшон яна бир қизлари бўлмиш Салимабибини қўқонлик Эшон Муҳаммадхонга турмушга берганлар.

Эшон Муҳаммадхоннинг отаси Иброҳимхўжа. Иброҳимхўжанинг отаси Султонхўжадир.

Салимабиби ва Эшон Муҳаммадхон тўрт нафар ўғил фарзанд кўрганлар:

1. Абдуллахон тўра Эшон ўғли(1883-1951).

Фарзандлари: Қизи Муборақхон, ўғли Убайдуллахон. Иккиси ҳам дунёдан барвақт кўз юмишган

2. Мухторхон домла Эшонхон ўғли, яъни Мухторхон Муҳаммаддий (1899-1972).

Фарзандлари: Умархон (1927-2004), Юсуфхон (1936-1999), Тоҳирхон (1944-2008), Жаҳонгирхон (1947-2007).

3. Аҳмадхон Эшонхон ўғли (1933 йилда вафот этган).

Фарзандлари: Мақсудахон (1917 йилда туғилган), Руқияхон (1920-1996), Хайруллахон (1927-2006), Насимхон.

4. Аъзамхон Эшонхон ўғли (1942 йилда вафот этган).

Фарзанд кўрмаган”.²⁰⁰

Абдуллахон тўрани биз “Эшон дада” деб аташган. Унинг аёли ва фарзандлари ҳам барвақт дунёдан ўтишган. Укаси Мухторхон Муҳаммадий қамоқда бўлган вақтлар унинг фарзандларини Абдуллахон тўра ўзи тарбиялаган эди. 1941 йилда берилган паспортда унинг номи Абдували Исмонунов деб ёзилган.



Абдуллахон тўранинг укаси Мухторхон Муҳаммадий

²⁰⁰ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Фарғона вилояти Қўқон шаҳри Самарқанд кўчасида истиқомат қилувчи Жалолхон Умаровдан (1953 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Абдуллахон тўранинг укаси Ўзбекистонда маориф ташкилотчиларидан бири, тараққийпарвар муаллим Мухторхон Муҳаммадийдир.

Мухторхон дастлабки илмни оилада ва маҳалладаги эски мактабда олди. 1911-1913 йилларда Мухторхон Муҳаммадий маърифатпарвар инсон Абдуваҳоб Ибодийнинг “Мактаби воқия” (“Ҳаёт мактаби”) деб номланган янги усулдаги мактабида, 1914-1915 йилларда эса рус-тузем мактабида ўқиди. 1918-1923 йилларда Маориф институти (инпрос)да таълим олди. 1923-1924 йилларда эса Қўқондаги таълим-тарбия техникуми (ҳозирги педагогика коллежи)да ва 3-тўлиқсиз ўрта мактабда она тили ва адабиётдан ўқувчиларга сабоқ берди. 1925 йилда Мухторхон Муҳаммадий Қўқонда тўрт йиллик Иккинчи босқич мактабини ташкил этди ва у бир йилдан сўнг 9-йиллик ўрта мактабга айлантирилди.

Мухторхон Муҳаммадий 1926-1929 йилларда мазкур мактаб директори бўлиб ишлади. Унинг ташкилотчилик ва педагогик маҳорати айнан ана шу лавозимда намоён бўлди. Атоқли шоир Усмон Носир ҳам устознинг мазкур мактабида таълим олган суюкли шогирдларидан эди. Мухторхон Муҳаммадий нафақат Қўқон шаҳрида, балки бутун Фарғона водийсида илмли-маърифатли инсонларни етиштиришга катта эътибор қаратган эди. У иқтидорли болаларни ўзи раҳбарлик қилаётган мактабга жалб этар ва уни келгусида ўзбек халқи учун манфаат келтирувчи кадр бўлиб етиштиришга шароит яратиб берар эди.

Кекса маҳалладошларнинг хотирлашларига кўра, Мухторхон Муҳаммадий чекка қишлоқларга бориб, яшаш тарзи оғир, аммо ўқишга иштиёқманд ва зукко ёшларни излаб топар ва уларни Қўқонга олиб келиб, ўзи ҳомийлик қилиб, ўзи ўқитар экан.

Устознинг шогирдларидан халқ шоири Собир Абдулла, академик Теша Зоҳидов, Меҳнат Қаҳрамони, ўқитувчи Юсуф Усмонов кабилар ҳаётлик пайтларида доимо домланинг ғамхўрликларини ҳурмат билан эслаб юришган эди.

Мухторхон Муҳаммадий 3-ўрта мактабда директорлик қилаётган пайтларида таълим - тарбия ва ўқитиш усулларига оид бир неча қўлланма ва илмий мақолалар нашр эттирган. Аммо буларнинг барчаси қатағон йиллари тоталитар тузум раҳбарлари томонидан йўқ қилиб юборилган эди.

Мухторхон Муҳаммадий моҳир муаллим, ажойиб ташкилотчи бўлиш билан бирга серқирра билимлар соҳиби, ўзига хос қомусий олим ҳам эди.

Мухторхон Муҳаммадий киши араб, рус, форс, татар, озарбайжон ва турк тилларида бемалол гаплаша олар, халқаро тил ҳисобланмиш - эсперанто тилини Қўқон шаҳрида биринчи бўлиб мукаммал ўрганган инсон эди.

Мухторхон Муҳаммадийнинг чуқур билими ва ўткир зеҳнига ҳатто академик Е.Э.Бертелс, профессор А.Фитрат, аллома шоир Ғафур Ғулом, Садриддин Айнийлар ҳам таҳсин ўқигани ҳақида маълумотлар бор.

Собиқ Шўролар тузумининг қатағон машинаси Мухторхон Муҳаммадийни ҳам четлаб ўтмади. У киши дастлаб 1929 йил 19 декабрда қамоққа олинди ва 1932 йилда сўроқ-қилинғач, озод этилди. 1937 йилда халқ душмани сифатида иккинчи марта ҳибсга олиниб, 6 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. 1943 йилда қамоқдан қайтган М.Муҳаммадий маърифат ва маънавият ишларига раҳбарлик қилишдан мутлақо маҳрум этилади.

Мухторхон Муҳаммадийнинг тўнғич ўғли Умархон Муҳаммадиевнинг эслашича, у киши жуда кўплаб гўзал шеърлар ижод қилган, бир неча илмий ва услубий асарлар ёзган. Ҳаммасини тўплаб энди нашр этишга киришганида

қамоққа олинган ва барча илмий-бадний мерослари мусодара этилган экан.

Мухторхон Муҳаммадий 1972 йил узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этади.

Мухторхон Муҳаммадийнинг барча орзу-умидлари истиқлолдан сўнг рўёбга чиқди. У кишининг ўзбек халқи учун, унинг маънавияти учун қилган саъй-ҳаракатлари юксак бахоланди. Ўзлари директорлик қилган мактаб (ҳозирги 26-умумий ўрта таълим мактаби) Мухторхон Муҳаммадий номи билан аталди”.²⁰¹

Айтишларича Абдуллахон тўра пири Искандар халифанинг вафотидан сўнг кўча ҳам чиқмай зоҳидона ҳаёт кечирган. Абдуллахон тўрани “Абдуллахон махсум” ҳам дейишган. Шайх Фозил Кўхистонийнинг набираси Шамсиддин Фозилов бу ҳақда шундай дейди: “Бу воқеани Сирожиддин махсумдан эшитган эдик. Бобом Шайх Фозил шогирди Мулла Сирожиддин билан бирга суҳбатлашиб турган экан. Шу пайт бир муддат бобом сукутга чўмибди-да, “Эҳ Сирожиддин Мулла Абдуллахон махсум ҳам оламдан ўтди”, деб афсуснома бош чайқади. Орадан уч-тўрт соатдан сўнг бир отлик келиб Абдуллахон махсум оламдан ўтди” деган хабарни етказган экан”.²⁰²

Валик қишлоқлик Мулла Абдуллажоннинг ҳикоя қилишича, ўтган асрнинг 50-йилларида Абдуллахон тўрани кўргани Қўқон шаҳрига Искандар халифанинг ўғли Эшонжон ва унинг тожикистонлик куёви, Мулла Абдуллажон, Мулла Турсунмуҳаммад борадилар. Суҳбат узоқ давом этади. Бир пайт Мулла Абдуллахон махсум “Турсунмуҳаммад” дейди

²⁰¹ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Фарғона вилояти Қўқон шаҳри Самарқанд кўчасида истиқомат қилувчи Жалолхон Умаровдан (1953 йилда туғилган) ёзиб олинди.

²⁰² Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Андижон вилояти Марҳамат туманида истиқомат қилувчи Шамсиддин Фозиловдан (1955 йилда туғилган) ёзиб олинди.

баланд овоз билан. Ўйга чўмган Турсунмуҳаммад чўчиб кетиб “Лаббай” дея жавоб қайтаради.

“Кўрпа тўшагимиз кам бўлгани учун бугун сиз фалончини уйида тунайсиз” дейди. Турсунмуҳаммад “Хўп бўлади” деб айтилган жойга жўнайди. Шундан сўнг қолган меҳмонларни бирига сандиқни очишни буюради. Сандиқнинг ичи тўла кўрпа- тўшак бўлиб аслида меҳмонларни барчасига етиб ортар эди. Меҳмонлар нима учун Турсунмуҳаммадни бошқа ерга юборганига ҳайрон бўладилар. Эртаси куни Қўқондан қайтаётганларида Турсунмуҳаммад пушаймон бўлиб: “Мен нодон Абдуллахон махсумни уйида кўрпа-тўшаги бизга етмаса, қаерда ухлаймиз, деб хаёлдан ўтказган эдим. Махсум фикримдан воқиф бўлиб қолган экан” деб ҳамроҳларига кечаги воқеани сабабини маълум қилган экан.²⁰³

Мулла Иброҳим халифа


Мулла Иброҳим асли Фарғона шаҳрида таваллуд топган. Узоқ йиллар давомида Бухорода таълим олган. Устозларидан бири унга “Фарғонага қайтинг, насибангиз Фарғонада”, дегач у Фарғонага келган ва ўзига пир излаб алалоқибат Искандар халифага қўл берган. Валик ва Арсиф қишлоқларида бир муддат имомлик қилган. У ҳам бир неча марта қатағонлик тиғига дучор бўлиб омон қолганлардан эди.

Мулла Иброҳим Марғилондан уйланган. Ҳозирги Қўштепа тумани Сармозор қишлоғидаги Сармозор қабристонига дафн этилган.

²⁰³ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Фарғона вилояти Қувсой шаҳрининг Валик қишлоғида истиқомат қилувчи Абдували қори Ҳафизовдан (1955 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Мулла Ражаб охунд

Мулла Ражаб охунд Қосимжон ўғли (1889-1972). Қувасой шаҳрининг Валик қишлоғидан. Искандар халифага энг кўп хизмат қилган ва Искандар халифадан иршод олишга муяссар бўлган шогирдлардан биридир. Мулла Ражаб Марғилон мадрасаларида таълим олган. Сўнгра Бухорога кетган. Отаси Саййидқосим бемор бўлгач Бухородан қайтиб келган. 39 ёшида Лоғонлик Мулла Абдурайимни қизи Иноятхонга уйланган.



Мулла Ражаб Қосимжон ўғли

Тариқати пири Мулла Абдурайим Мавлавий эшон ўлими олдидан Мулла Ражабни Искандар халифани қўлига топширган.

Тарихдан маълумки, 1924-1929 йиллар мобайнида Ўзбекистон ҳудудидаги барча қорихоналар, мадрасалар, эрлар ва қизлар мактаблари ёпилди. Таниқли мактабдор домлалар мактаблари тортиб олиниши билан чекланмай улар ёмон отлиқ қилинди. Эшонлар, уламолар, умуман дин арбоблари ботқоққа қорилган ҳолда фелъетон ва мақолаларда таҳқир қилинди, кўплари бир йил, беш ва ундан ортиқ муддатга қамалдилар.²⁰⁴

Ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб Мулла Ражаб ҳам бошқа уламолар сингари ҳукумат томонидан таъқиб қилина бошланган. Баъзан ойлаб Андижон, Фарғона ва Қўқон қамоқхоналарида ҳибсда сақланган. Бу ҳолатни устозига маълум қилганида, Искандар халифа Худодан унинг умри узун бўлишини сўраб, кўп дуо қилган экан. Фарзанди Аҳмаджон отанинг айтишича, падари бузруквори Мулла Ражабни йиллар давомида қамоқдан- қамоққа ташлаб қанча азоб бермасинлар у барчасидан омон чиққан. Бунга устози Искандар халифанинг дуоси сабаб бўлган экан.²⁰⁵

Бу борада Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Аллоҳнинг қазойи қадарини дуодан бошқа нарса қайтара олмайди ва инсон умрини яхшиликдан бошқа бирор нарса зиёда қилмайди”, – дея, марҳамат қилганлар.²⁰⁶ Мазкур ҳадиснинг шарҳида киши умрининг узун бўлиши ва унга келаётган балоларнинг қайтишига кўпинча солиҳ кишиларнинг дуоси сабаб бўлиши келтирилган ва бу гўё келаётган ўқни қалқон тўсиб қолгани

²⁰⁴ Сирожиддин Аҳмад, Икки империя асоратида. I жилд. - Т.: Info Capital Group, 2018. – Б.153.

²⁰⁵ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Фарғона вилояти Қувсой шаҳрининг Валик қишлоғида истиқомат қилувчи Абдуллажон Қосимовдан (1938йилда туғилган) ёзиб олинди.

²⁰⁶ Сунани Термизий, 8-жилд, 278 б; Сунани Ибн Можа, 1-жилд, -Б.104.

кабидир, дейдилар. Умуман, Аллоҳ таоло хоҳласа ўзи истаган кишиларнинг умрини узун қилиши мумкинлиги айтилган.²⁰⁷



Мулла Ражаб Қосимовнинг қабри. 2024 йил.

Айтишларича, Мулла Ражабни икки соат суд қилишган вақтда амалдорлардан бири “бу одам халқ душмани уни икки оёқда туриши мумкин эмас деб, бир оёқда туришга мажбур қилган. Шу зайдда Мулла Ражаб суднинг охиригача бир оёқда туришга мажбур бўлган. Мулла Ражаб икки ярим йилга озодликдан маҳрум қилинган. “Ўзбек халқи маънавият дунёсининг тарихи — ҳазратти муҳаддислар, буюк уламолар, улуғ шоирлар ижодиёти ва ҳаётларининг муборақ тарихи бўлганидек, мақтуллар, хўрланганлар, унутилганлар тарихи ҳамдир” , деган эди Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи. Улуғ шоирнинг сўзлари нақадар аччиқ ҳақиқат эканлигини биргина Мулла Ражаб ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Фарзанди Абдуллажон Қосимовга кўра суд ҳукмида Мулла Ражаб Россиянинг меҳнат лагерларидан бирига юборилиши кўрсатилган. Бироқ у белгиланган қамоқ жазосини Тошкентда ўтаган. Гарчанд қамоқ муддати икки ярим йил бўлса-да, Мулла Ражаб 1946 йилда ҳам озод

²⁰⁷ Муҳаммад Абдурахмон ибн Абдурахим Ал-Муборақфурий. "Тухфатул Аҳвазий шарҳи жомеъ-ут- Термизий. «Дорул кутуб ал-илмийя» Байрут. 6-жилд, 289-б; Ал-Муновий. «Файзул қодир шарҳи Жомеъ-ус-сағир» Миср, «Мактабат-ул-тижорийят-ул- кубро.»1356-х. 2-жилд, -Б.332.

қилинмаган эди. Унинг умрининг катта қисми жиноятчилар учун ташкил қилинган меҳнат тузатиш колониясида ўтган.

Бу ҳақда Валик қишлоқ аҳли номидан 1946 йилда ёзилган талабнома шу кунга қадар сақланиб қолинган.

ЎзССР Олий судига Фарғона райони Валик қишлоғи советидан “20 йиллик октябр” колхозчилари номидан

Талабнома

Ёзамиз ушбунни шул мазмундаким, колхоз аъзоси Ражаб Қосимов 1934 нчи йилда нотўғри жиноятлар орқасидан қамалиб, икки ярим йил суд ҳукми билан кесилган. Бул ўртоқ 1934 нчи йилдан буён ҳозирги 1946 нчи йилга қадар заключонилар қаторида Тошкент шаҳаридаги Оқ қўрғон районидаги Сталин номи завхозида ишламоқда. Бул ўртоқнинг бўшашиш муддатидан ўн ярим йил ўтган. Бул ўртоқ илгаридан колхозда яхши аҳамият бериб ишлаб келишгани учун ҳозирда шу одам бизга фойдаланиш учун шу одамни жиноий ишларини текшириб колхоз ихтиёрига беришларингизни сўраймиз деб

Халқ номидан имзолагувчилар:

Колхоз раиси

Савридинов.²⁰⁸

Абдуллажон Қосимов хонадонида бўлган вақтимиз бизга отасининг меҳнат дафтарчасини кўрсатди.

Меҳнат дафтарчаси 1954 йилнинг 1 апрел санасида совхоз ишчиси Қосимов Мулла Ражаб номига берилган. Мазкур меҳнат дафтарчасида Мулла Ражабнинг 1940 йилдан - 1958 йилга қадар меҳнат фаолияти қайд этилган.

²⁰⁸ Ушбу талабнома хати ҳозирда Қувасой шаҳар Валик қишлоғида истиқомат қилувчи Абдуллажон Қосимовнинг шахсий архивида сақланади.

1. 1939 йилнинг 28 январ куни меҳнат тузатиш колониясидаги “Сталин” номидаги совхозга ишга қабул қилинган.

2. 1940 йилнинг 18 март куни меҳнат тузатиш колониясидаги “Сталин” номидаги совхозга ишчи вазифасига ўтказилган.

3. 1941 йилнинг 2 феврал куни меҳнат тузатиш колониясидаги “Сталин” номидаги совхоз боғини бригадири вазифасига ўтказилган.

4. 1958 йилнинг 5 январ куни қарилиги туфайли ишидан бўшатишган.




1958 йилда Мулла Ражабга номи берилган фуқаролик
паспорти

Фарзанди Абдуллажон Қосимовга кўра Мулла Ражаб орадан 20 йил ўтиб, яъни 1954 йилдагина уч кун муддатга Валик қишлоғига келишга муяссар бўлган. Уч кундан сўнг яна белгиланган манзилга қайтиб кетган.

Мулла Ражаб охунд умрининг охирларида Валик қишлоғига келиб умргузаронлик қилган ва Валик қишлоғининг қабристонига дафн қилинган.

Мулла Абдуллажон

Мулла Абдуллажон Абдулҳафиз ўғли (1912-1996)
Қувасой шаҳрининг Валик қишлоғидан.



Мулла Абдуллажон Абдулҳафиз ўғли

13 ёшида Искандар халифага шогирд бўлган. Искандар халифа Валик қишлоғига келган вақт ўн-ўн беш кун шариат ва

тариқат илмидан таълим берган. Маснавийхонлик кечаларини ўтказган. Шу сабабдан Валик қишлоғидагилар фарзандларини илмли бўлиши учун Искандар халифани хизматига юборган эдилар.

Мулла Абдуллажон отасидан эрта жудо бўлган. У дастлаб Искандар халифанинг шогирди Мулла Иброҳимжон қўлида сабоқ олган. 12-13 ёшида чавандозлардек от мингани учун унга Арсифдан Тахтакка олиб бориладиган юк ортилган отни топширганлар. Ҳар сафар 13 ёшли Абдуллажон 40-50 чақирим йўлни отда босиб ўтиб юкларни эсон-омон Искандар халифани ҳузурига олиб борган. Шу сабабдан Искандар халифани кимёи назарига тушган эди.

Искандар халифа вафотидан сўнг унинг фарзанди Эшонжоннинг ёнида қолган. Эшонжон умрининг охириги йиллари 18 ой бир жойда ётганида Мулла Абдуллажон астойдил унга хизмат қилган.

Мулла Абдуллажоннинг тўнғич фарзанди Абдували Ўзбекистоннинг пешқадам уламоларидан биридир.

Абдували домла. У 1972 йилда мактабни битириб, Мир Араб мадрасасига ўқишга кириш учун ҳужжат топширади. Давр анъанасига кўра мадрасага талабалар йил оралатиб, вақти-вақти билан қабул қилинган.

Абдували Ҳафизов ҳужжат топширган йили Мир Араб мадрасасига қабул бўлмади. Шунда диний илмларни ўрганиш ва шу соҳада ишлаш истаги кучли бўлган Абдулҳафиз домла Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати раҳбариятига иш сўраб мурожаат қилади ва ТИИ (Тошкент Ислом институти)га қоровул сифатида ишга қабул қилинади. Шу йилнинг ўзида Абдували қори ҳарбий хизматга чақирилади. У Россиянинг Калинин вилояти Торопец шаҳридаги икки йиллик ҳарбий хизматни ўтаб (1972-1974), яна ўз иш жойига қайтади: ТИИда қоровул ҳамда институтнинг

хўжалик ишлари ёрдамчиси бўлиб ишлайди. Ишдан бўш вақтларида вақтини зое қилмай институт ўқитувчилари Шаҳобиддин Мўминов ва Асроркул Мавлонкуловлардан дарс олади.



Абдували қори домла хонадондаги суҳбат. 2024 йил.

1975 йилда Мир Араб мадрасасига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтади ва талабалар сафига қабул қилинади. Мадрасада беш йил ўқиб, таҳсилни тугатганида (1980 й.) мадраса мудирини хузурига чорлаб, ўқитувчи бўлиб қолишни таклиф қилади. Бироқ Абдували қори оилада тўнғич фарзанд экани ва оиласига яқинроқ ерда ишлаб ота-онасига суянч бўлиш ниятида эканини айтиб, ўз қишлоғига яқин ерда бирор ишга тайин

қилишларини сўрайди. Шундан сўнг диний назорат раҳбариятининг буйруғи билан Фарғона шаҳридаги Янгичек жоме масжидига имом-хатиб қилиб тайинланади. Абдували қори иш бошлаганида юз йил аввал қурилган ва масжид (1880 й.) таъмирталаб ҳолда эди. Абдували қори бошчилигида амалга оширилган қурилиш ишларидан сўнг масжид биноси замонавий талабларга жавоб берадиган кўркем иншоотга айланади.

Абдували қори 1991 йилда Фарғона шаҳри бош имом-хатиби этиб тайинланади. У 1993-1994 йилларда диний назорат йўлланмаси билан Ал-Азҳар университетида малака ошириб қайтган. Шунингдек, 2002 йилда АҚШ конгресси томонидан диний соҳа вакиллари ва имом хатиблар учун фикр алмашиш ҳамда танишиш мақсадида ташкил қилинган дастурга биноан Америкада бўлиб, Америкадаги мусулмонлар ва бошқа дин вакилларининг ҳаёти билан яқиндан танишади.

Абдували қори 1990 йилдан буён ҳаж ва умра зиёратига отланган юртдошларимиз билан элликбоши (гуруҳ раҳбари) сифатида сафарбар қилинади. Бундан ташқари Фарғона вилоятидаги ташкилотлар, олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларда ташкил этиладиган учрашувлар, давра суҳбатларида мунтазам иштирок этиб, аҳолини, хусусан, ёшларни миллий-диний қадриятларимиз асосида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратади. У, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида ўз мақола ва маърузалари билан фаол қатнашиб келмоқда.²⁰⁹

²⁰⁹ Йўлдошхўжаев Ҳ., Қажумова И. Ўзбекистон уламолари. – Т.: “Movarounnahr”, 2015. - Б.398-399.

Султон қори

Султон қори Искандар халифанинг арсифлик шогирди эди. У 1884 йилда таваллуд топган. Айтишларича Султон қори Искандар халифанинг тўнғич ўғли Абдулҳаким қори билан Бухорода таҳсил олишган. Бухородан қайтиб келгач Арсифдаги Искандар халифа қурган масжидда имомлик қилган. 1939 йилда вафот этган.

Султон қори Искандар халифанинг Ойшахон исмли қизига уйланиб, икки ўғил ва икки қиз жами тўрт нафар фарзанд кўрган.

Тўнғич ўғли болалик вақтида вафот этган.

Иккинчи ўғлининг исми Маҳмуджондир. 1939 йилда Султон қори ҳаётдан кўз юмган вақтида Маҳмуджон эндигина бир ёшга тўлган эди. Маҳмуджон Бибихон исмли қизга уйланган.

Султон қорининг катта қизи Муҳтарамхон (1930-1996) Искандар халифанинг набирасига турмушга чиққан. Бу ҳақда юқорида айтиб ўтилди.

Султон қорининг иккинчи қизи Ўринхон лоғонлик Фозилжон қорига турмушга чиққан. Улар Комилжон исмли ўғил ва Мастурахон исмли қиз фарзанд кўришган.

Мулла Абдулкарим Учқўрғоний

Мулла Абдулкарим уста Муҳаммад ўғли Искандар халифанинг учқўрғонлик шогирдларидан бўлган. Бу ҳақда унинг фарзанди Абдулжалил Абдукаримов ўз хотираларида баён этган.

Мулла Абдулкаримнинг отаси Муҳаммаджон ва бобоси Мир Мирмуҳсин ҳам ўз даврнинг моҳир ёғоч усталари бўлганлар.

Мулла Абдукарим Каптархона қишлоқлик Зайлунисо (Хайринисо) Мулла Бобожон сўфи ибн Муҳаммадтоҳир қизига уйланган. Улар Абдухалил, Абдуқодир, Абдужалил исмли уч ўғил ва Хайруннисо биби ва Фотима исмли икки қиз фарзанд кўришган.

Мулла Абдулкаримнинг катта бобоси Мир Авал Ҳасан ҳофиз асли Самарқандлик бўлган.

Ўтган асрнинг 30-йилларида бошланган колхозлаштириш сиёсати даврида Мулла Абдулкарим хонадонига мансуб мол-мулклар мусодара қилинган.

Ўтган асрнинг 30-йилларида Учқўрғон қишлоғидан ҳам ўзига тўқ, хат саводи бор, оқ-қорани таниган ер-сувли мулкдорлар, уламолар, саййидзодалар, хуллас юртнинг фахри бўлган барча улўғ инсонлар қулоқ қилинган ва қатағон этилган. Хонадан катталари узоқ ўлкаларга бадарға ёхуд отувга ҳукм қилиниб, ҳалол меҳнатлари эвазига топган барча мол-мулкларини “кимошди савдоси”га қўйиб, оиласининг кўз олдида мусодара қилганлар. Бундай хўрликларга қарши чурқ деб кўрсинглар-чи, ўша заҳоти “халқ душмани” тамғаси босилган.

Бу ҳақда адабиётшунос олим, устоз Ҳамиджон Ҳомидий ўзининг “Хотира қатидан ҳикоятлар” номли мақоласида шундай ёзади:

“1939 йил. “Кимошди савдоси ” деган гапни биринчи марта 5-6 яшар бола чоғимда эшитганман. Ўтган асрнинг 30-йиллардаги қулоқ қилишлару қатағонлар бизни оилани ҳам четлаб ўтмаган. Чунки Кўлбоғ маҳалласидаги катта боғча – дала ҳовлимиз, хонадонимиз шимолида узумзор боғимиз бўларди. Бундан ташқари, ичкари ҳовлимиздаги болохонада

отамнинг амакиваччаси Дадажон ака, тоғаларим Раҳмонберди ва Абдуваҳҳоблар тикувчилик билан шуғулланадиган кичик устахона ҳам бор эди. Оиламизнинг тўрт эркаги бир кечада ҳибсга олинди, онам Руқияхон, акам Аҳмаджон, укам Маҳмуджон ва мени пешайвонга чиқариб, хоналарни муҳрлаб ташлашди. Бир ҳафтадан сўнг тоғаларим қамоқдан чиқди, аммо отам ер-сувли бой сифатида қулоқ қилиниб, Пишкўҳ (ҳозирги Бишкек)га олиб кетилди. Бизни эса кўчага ҳайдашди, бошпанасиз, халқ ибораси билан айтганда, “бесару сомон” қолдик. Селхона яқинида яшовчи Йўлдош амма бизни бағрига олди, уйидан бир хонани бўшатиб берди. Дарвозамизга отнинг калласидай қулф осилди. Ҳар куни қўшни болалар мендан “Сизларникида кимошди савдоси қачон бўлар экан?” деб сўрайди. Мен “ким ошди савдоси” нима экан, деб ҳайрон бўлиб елка қисаман.

Бир куни эрталаб маҳалламиздаги Корхона масжид дарвозаси ёнида турсам одамлар: “Юринглар ким ошди савдосига! Эшитмадим деманглар устаникида “кимошди” бошланди!” деб бизнинг торкўча томон кетаётир. Уларга эргашдим. Ҳамма икки қаноти ланг очиқ нақшинкор деразадан ичкарига ёпирилаётир. Уларга қўшилиб ҳовлимизга кирдим. Қаердандир Раҳмонберди тоғам пайдо бўлиб қолди-да, мени пешайвон яқинига бошлаб борди. Устун ёнида турган оҳанжама сандиғимиз кўзимга чўғдек босилди, акамнинг тўйига – келин сарпога атаб йиғилган атлас, духоба, беқасам, кимхоб, ҳарир хитойи крепдишинлар сандиқдан олиниб тўп-тўпи билан териб қўйилган; ўнг томонда учта янги гилам тахлоғлиқ; унинг ёнидаги тўшак, кўрпача, янги кўрпалар тахлами айвон шифтига тегай деб турибди. Чап томондан тилларанг, кумушранг икки самовар, бир қанча хитой лаганлари, икки тахлам чинни коса, чойнак, пиёла,

обдасталар, ўчоқ олдида арра, теша, болта, босқону болғаларгача уюлиб ётибди. Ўмоч тишлари ҳам бор. Хуллас, бир бут рўзғорнинг бор-йўқ буюми намоишга қўйилган. Бир вақт: “Келди! Келди!” дея издиҳом йўл оча бошлади. Уч киши – Йўлдош шаббода, Абдукарим пансод, ҳамда Аълам Мирзо (кейинчалик унинг ўғли Ҳошим ака Аъламов мактабда мени “қулоқбачча” деб камситиб юрди) келиб хонтахта гирдидан жой олди. Йўлдош шаббода Мирзонинг дафтарига қараб, гиламдан тортиб ойболтагача – барча буюмлар нархини эълон қилиб, “кимошди?” деб бақиради. Одамлар эса буюмнинг катта-кичиклигию сифатига қараб, бир тангадан икки-уч сўмгача ошириб, сотиб олади-да, қўлтиғига қистириб чиқиб кета бошлайди. Биз ҳасратда хонавайрон бўляпмизу, булар буюмларни арзон-гаров харид қилганига хурсанд. Пешингача бор асбоб-анжомимизни қўни-қўшнилар хомталаш қилгандай сотиб олиб, уй-уйига жўнаб қолди. Мушукнинг ўлими – сичқоннинг байрами, деганлари шу бўлса керак-да. Бундан сал аввал тўрт қўй, бир хўкиз, бир отимиз колхоз ихтиёрига мусодара қилинган эди. Мана энди кимошди савдоси якунида ҳовлимиз ҳам Шўро қарорига кўра колхозга берилганини айтиб ўтиришибди...

Орадан не - не сувлар оқиб ўтди. Пешайвонга қўйилган, тўйларда чой қайнатиладиган ярақлаб турган мис самовар ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Ҳар гал тоғамникига борганда, ҳамон ўша-ўша савлат тўкиб турган пешайвонда ўтирганимда ана шу манзаралар хотирамда қайта жонланадию кўз ёшларимни тўхтатолмай қоламан”²¹⁰.

Мусодара туфайли Мулла Абдулкарим хонадони бир куни ҳеч вақоси йўқ қашшоқ оилага айланади. Бу ҳам етмагандек ўзларини таъқиб қила бошлаганлар. Отаси уста Муҳаммад қамоққа олинган ва 2-3 ойдан сўнг озод қилинган. Уста

²¹⁰ Ҳомидий Ҳ. Хотира қатидан ҳикоятлар // “Tafakkur”, 2011. №4. –Б. 56-57.

Муҳаммаддан сўнг навбат Мулла Абдулкаримга келган. У тўққиз ой қамоқда ўтиришга мажбур бўлган. Шундан сўнг уларнинг оиласи бир муддат Валик қишлоғида истиқомат қилганлар. 1933 йилда Мулла Абдулкаримни оиласини Бешбурхон қишлоғидаги яқинлари, яъни Искандар халифанинг муридлари томонидан Бешбурхонга олиб кетилган.

1938 йилда Мулла Абдулкарим мулла, диндор шахс сифатида қатағон этилган ва дастлаб Самарада кейинчалик Воркута қамоқхонада жазо муддатини ўтаган. Айтишларича, 1942 йилда Мулла Абдулкарим қамоқдан фронтга юборилган ва жангларнинг бирида ҳалок бўлган.²¹¹

Мулла Абдулкаримдан қамоқхонада эканлигида ундан оиласига икки марта эски ўзбек ёзувда битилган хат келган. Булардан бири 1938 йилда ёзилган. Иккинчи хат 1942 йилда ёзилган.

1. Хатнинг ҳажми 24x31 см.

2. Хатнинг ҳажми 24x34 см.

Қуйида илк бор ушбу хатларнинг тадбиҳ қилган ҳолда ҳавола этмоқдамиз:

Биринчи хат

Ё Ёиёс

Дуо салом... адосидин сўнгра Абдулкарим маҳбусдин азиз қиблагоҳим гавҳари ноёбим отамга, баъд...бечора қайинотамга, баъд Хайринисо онасига, баъд жондин ортиқ Абдухалилжон, Абдулқодиржон, Абдужалилхон ўғилчаларимга, баъд Хайринисо била Фотимахонга, баъд

²¹¹ Ушбу маълумотлар Қирғизистон Республикаси Баткент вилояти Қадамжой райони Учқўрғон қишлоғида истиқомат қилган Абдужалил Абдукаримов қўлёзмасидан олинди. Ушбу қўлёзмани бизга тақдим этган Абдулхай Абдужалилович Абдукаримовга (1958 йилда туғилган) самимий миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз.

аммажоним, холам, қайнонамизга, баъд Мирзо Абдуқаҳҳор, Абдурахимхон, Муҳаммадюсуф, Сиддиқ акаларимга, баъд Аҳмаджон ҳожи муборақ, Отажон, Муллахон укаларимга, баъд қолғон оғаларимга, сингилларимга келин булбулларимга кўпдин-кўп салом. Мен ғариб Самара шаҳрида 2 нчи участкада Волга дарёсини бўйида тинч-омон, сиҳат-саломат ётиб, сизларга саломат бўлмоқларингизни Худодин тилаб ётмоқдаман. Илоҳо саломат бўлғайлар омиин, омиин. Илоҳо офати замондин ўзи сақласун. Баъд қолғон қавм-қариндош, ёру дўстларга ҳам салом.

Баъда (кейин) арзи илтимос шулки, олти ойдин бери сизлардин ҳеч хат-хабар йўқ. Мен ғариб ҳайронман. Аммо лекин Абдужаббор бир хат ёзибди. Мақсудим сизларни дийдорларингни кўрушмоқдур. Талабим дуодур. Ҳеч нарса арзим йўқтур. Саломат турсалар кифоя. Мени таним сиҳат, овқат яхшидур. Дуоларингни барокатидин бир оз тўлушсам, яхшидур. Тилагим сизларни дийдорларингни кўрушмоқ ва хатдур. Нимага хатларинг тез келмайдур хайронман.

Сизлар мендин хафа бўлдиларингму. Мен бир осий шармандадурман. Нима қилай иқбол паст экан. Начора чора илож ирода шундоқ экан.

Эй Хайринисо онаси кам-қўстлик кўп. Хафа бўлма. Отамни хурсанд қил. Ўғулча, қизчаларимни бошини силаб, таскин бериб тур. Бу ҳаммани бошига келган тўйдур. Яна яхши бўлуб кетар... Бозор арзон бўлуб, маъмурчилик бўлуб қолар иншаоллоҳ. Ямон кун яхши бўлур. Бу дунёга эътибори йўқ.

Эй Абдухалил ўғлум! Отамни, онангни хизматларини қилиб тур. Уларни хафа қилма. Жон ўғлум бир кун иншаоллоҳ боруб қоларман. Сендин кўп хурсанддурман. Чунки қобилдурсан. Эй ўғлум чориқ билан пўстинни йўқотма. Ҳушёр бўл ўғлум. Бир кунмас бир кун хурсандлик

бордур. Хизмат қилсанг муродинга етарсан. Барча қоғазни дариғ тутмасдан тез-тез хат қилиб юбориб туринглар.

Эй отажоним! Мени дуо қилинг. Мендан рози бўласизлар... Ёзғучи Абдулкарим ғариб.

Ушбу хат 2 нчи январда ёзилди. Фарфижон, Мўминжон, Жўрабой салом. Мулла Охун, Мулла Йўлдошга салом. Ҳар ким ўқиса, дуо умидворман.²¹²

Иккинчи хат Ё Ғиёс, ё Қаййум

Дуо салом адосидин сўнгра биринчи меҳрибон хонаи Каъбам, икки оламда обрўйим ва гавҳари ноёбим отамга. Баъда (кейин) меҳрибон назар тилаган азизим тоғаларим, кейин қайинотамга, кейин жафокаш Хайринисога. Кейин Абдухалилжон, Абдуқодир, Абдужалил ўғулчаларимга. Кейин Хайруннисо биби ва Фотима қизчаларимга. Кейин Мирзо Абдуқайюм, Абдурахимжон, Сиддиқ Муҳаммад, Муҳаммад Юсуф, Эргаш жигарларимга. Кейин Холмурод божжамга. Кейин Хидир акам, Абдулазизжон, Тошмат, Эшмат, Муҳаммад Юнус сўфига. Кейин Жамолиддин, Мўминжон, Исроил, Азимларимга. Кейин Мулла Дадабойга. Кейин Тошмат поччамга. Кейин Муҳиддин дада поччамга. Кейин Солиҳ, Йўлдош, Алижонга. Кейин Самадиллога. Кейин Хўжаназирга. Кейин Турсун, Умматқулга. Кейин Аҳмаджонга. Кейин Ҳожи муборак Абдуллахон, Отахон, Абдурахим, Мўминжонга. Кейин жондан азиз аммажоним, холажоним... Халимабиби, Фарфинисо, Тожинисо, Зулфинисобиби, Турсунбиби, Оминахон, Хосиятбиби, Халимахон... Хожар опаларимга... Собира бибига,

²¹² Абдулхай Абдукаримовнинг шахсий архивидан фойдаланилди.

Гулсинбибига, Ойимнисога, келин Биби ойимга, кейин Муҳаммаджон акага, Абдужалил, Абдували... Шокирга. Кейин поччам Мулла Сўфига. Кейин қиёматлик... Каримжон, Исмоилжон, Мўминжон, Ҳайдарга. Кейин Шермуҳаммад акамга, Абулқосимга. Қолгон қавми қариндошлар, ёру дўстларим, жўраларга, келин бибиларимга етиб ва равшан бўлғайки, мен ғариб шарманда тинч-омон, сиҳат-саломат ётиб, сизларни саломат бўлмоқларини Оллоҳнинг Ўзидин тилаб ётмоқдадурман. Саломат бўлинглар! Омийн, омийн. Оҳ, оҳ.

Ўргулай жоним хожа отам! Сизни қадрингизни билмай шарманда бўлдум. Ўзумга-ўзумга қилдим. Ҳар қанча оҳ қилгон бўлсам ҳам жанобларидин умидим кўпдур. Албатта кечургайсиз. Ўзингиз тарбия қилиб, катта қилгонсиз албатта. Сув қуйиб тарбия қилгансиз албатта. Шайтонни ҳам Худодан умиди бор. Менда гуноҳим кўпдур. Худойимни раҳмати ҳам кўпдур. Оҳ ўргулай сизни пойқадамнингизга бир бориб бошимни қўйсам ҳеч армоним қолмас. Хайр илоҳо саломат бўлинг эмди боқий.

Эй Хайринисо онаси! Отамни ҳўб ҳурмат қилғил. Отамни дуосини ол, иншаоллоҳ хор бўлмайсан. Мен шарманда... ҳамма вақт дуо қилурман кам бўлмайсан. Иншаоллоҳ халқни маломатларига диққат бўлма. Халқни иззатига мағрур бўлма. Ҳаммасини вафоси йўқ. Бу кунлар унут бўлур иншаоллоҳ. Сабр қил. Сабр... иймондур. Охири чун пули сирот...беҳишт. Сабр қилсанг охир муродга етарсан. Сендан икки дунёда розидурман. Охир мақсудингга етгин омийн, омийн.

Эй Абдухалил ўғлум отам билан онангни ҳўб иззат қил. Укаларингни хафа қилма. Жон ўғлум укаларини жон ортиқ кўрурман...

Икки йилдан бери турма... Албатта сизларга хийла ташвишлиқ бўлди... Ҳар ким қилса натижани кўрур албатта.

Раҳмат, раҳмат Оллоҳ рози бўлсун. Бечора Муҳаммад Юсуф акам бир оз ғарибнавозлик қилиб тухфа юборган экан.

Агарда ушбу ерда чеккан жафоларга дафтар қилсам бир қоп қоғоз кифоя қилмас. Хожат баён эмасман. Шикоят қилган билан фойдаси йўқ. Ҳаммаси ўзумни ямонлигимдин бўлди. Шикоят қилмасман... Агар озод қилишса, шоядки тезроқ дийдор кўрушсак...

Боқий арз. Эй отажоним! Эй Хайринисо онаси!.Тоғажоним. Ўзларингни аҳволларингни, ким ўлган, ким тирик ёзиб юборинглар. Албатта сизлардин умидим кўп.

Амин отам, Абдулқаййум ҳожи отага салом. Мени дуо қилсунлар. Нурмат (?) девонага ҳам салом.

Ақли хушим йўқ. Баъзиларингни хатга ёзмадим. Маъзур тутарлар. Чунки мен шармандадурман. Ва ҳам... Дада Бобо акамга фосилка юборинглар махўркаси йўқ, бир ойдан бери пули йўқ. Тезроқ хабар олинглар. Мен ҳеч нарса демасман... Агар бир ойда бир хат юборсаларинг зиҳи саодатдур. Ҳеч нарсага муносиб эмасман. Агарда Абдухалилжон ўғлум ҳиммат қилуб, катта бўлуб отамни хурсанд қилуб, бир оз чой фамил... оқ қанд юборса, насиб қилса хулқи аълоси бўлур... ва ҳар вақт хурсанддурман...

Ушбу хат ёзилиши йигирма тўққузунчи зулҳижжа ойидадур.²¹³

Шўролар ҳокимияти ва унинг мафкуравий раҳнамоси большевиклар ёвузлик партиясини шакллантирди ва фаолиятини фақат террорда кўрсатди. Бу тизим миллионлар юрагига даҳшат ва кўркув солиш, одамларнинг азиз ҳаётини ноқонуний, зўравонлик билан тортиб олиш, уларнинг руҳиятини мажруҳ қилибгина қолмай, бир неча авлод

²¹³ Ушбу хатлар Қирғизистон Республикаси Баткент вилояти Қадамжой райони Учқўрғон қишлоғида истиқомат қилган Абдужалил Абдукаримовнинг шахсий архивидан олинди. Ушбу хатларни бизга тақдим этган Абдулхай Абдужалилович Абдукаримовга (1958 йилда туғилган) самимий миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз.

вакиллари истикболли ҳаёт бир ёқда турсин, ҳатто яшашга ишончини ўғирлашдан иборат бўлди. Бу ҳақда Махдум Восилий қуйидаги мисрларни битган эди:

Ғам ўтида дилимни вайрон қилди замона,
Ҳар гўшадан тош отиб, ҳайрон қилди замона.
Малайлари сўз қотиб, ҳар бир сўзимни сотиб,
Тухмат ўқини отиб, гирён қилди замона.
Будур катта мулла деб, бошларида салла деб,
Уйи тўла ғалла деб, бирён қилди замона.
Китобимни кўролмай, алаmidан туролмай,
Бағрим ичини тўла армон қилди замона.
Сотқину аблаҳларнинг ошиғи доим олчи,
Бузуқларни соҳиби даврон қилди замона.
Дин аҳдини, Восилий, ҳар лаҳзада хор этиб,
Даҳрийларни шод ила хандон қилди замона.²¹⁴

Ўша йилларда ГПУ-НКВД томонидан 720 000 отилиш амалга оширилди. Булардан 680 000 фақатгина 1937-1938 йилга тўғри келади. 30 йилларнинг иккинчи ярмисида ГУЛАГ²¹⁵ маҳбусларининг сони 965 мингдан 1935 йил бошига келиб 1 миллион 930 000 кишига кўпайди. Фақатгина 1937 йилнинг ўзида 700 000 кишига ошди. ГУЛАГ одамларни соғлом ҳолда ишлатиш ўрнига уларнинг тинка-мадорини қуришиб, ўлар ҳолатга олиб келган. Шу сабабли 1939 йил 1 мартга 250 000 ишга яроқли маҳбус қолган. ГУЛАГ маъмуриятлари ва махсус судлари 1937-1938 йилларда сиёсий маҳбусларнинг муддати тугаганига қарамай уларни иккинчи ўн йиллик муддатга узайтирган. 1934-1940 йилларда лагерларда 300000 ўлим рўйхатга олинган. Депортация қилинган махсус

²¹⁴ Ал - Махдум Ал-Восилий Ал-Марҳаматий. Файзосор Марҳаматдур.-Т; “Наврўз”, 2015. – Б.46.

²¹⁵ ГУЛАГ - Государственная управления лагерей и колоний- (Давлат лагерь ва колониялар бошқармаси).

кўчманчилар ва бошқалар орасида 600 000 ўлим рўйхатдан ўтказилган. 1934-1941 йиллар оралиғида ГУЛАГ лагер ва колонияларига сургун қилинганларнинг умумий рақами 6 миллиондир.

1940 йил 1 январ кўрсатгича кўра, меҳнат тузатиш лагерларининг 53 комплекси, 425 меҳнат тузатиш колониялари ўзида 1.670 минг маҳбусни жамлаган. Бир йил кейинроқ улар 1 миллион 930 мингга етган. Қамокхоналарда 200000 суд ёки бошқа лагерларга кўчирилишни кутиб турган кишилар сақланган. НКВД нинг 18000 комендатураси 1.200000 махсус кўчирилганларни назорат қилган. ГУЛАГ лагерларида инсонни ҳақоратлаш, хўрлаш ҳатто ўлдиришнинг барча хил воситалари қўлланган.

Бу рақамлар Ҳазрат Инсон деб аталмиш улуғ Одамга амал курсисига минган фирқа амалпарастлари ва погонлик ваҳшийларнинг ёввойи муносабатининг кўрсаткичидир.²¹⁶

Мулла Абдулкаримнинг қамокхонада кечирган азоб-уқубатларини баён этган ушбу хатларини қоғозга туширар эканмиз, самарқандлик машҳур мутафаккир, маъшум қатағон Қурбони Сайид Ризо Ализоданинг (1887-1945) Владимир шаҳри турмасида ўлими олдидан кўйлагини парчалаб, унинг бўлакларига бутун бадани ва аъзоларидан кечирим сўраб ёзган шеъри ёдимизга тушди:

Эй умрим чироғи бўлмиш қаро кўзларим,
Қалам тутиб кеча-кундуз асар ёзган қўлларим.
Машриқдан мағрибгача кўтариб таним
Толмай кезган оёқларим,
Минг бир балоларга дучор бўлган,
Қонли бошим, мени кечиринг,
Зинҳор яна бир бор кечиринг²¹⁷.

²¹⁶ Сирожиддин Аҳмад. Қизил мустамлака: катта қирғин қомуси (1929-1950) . – Т.: “Info Capital Books”, 2022. –Б.124-126.

²¹⁷ Фарҳод Ализода. Сайид Ризо Ализода. – Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT”, 2011. –Б. 46.

Мулла Абдулазиз қори

Мулла Абдулазиз қори (Абдас қори) Искандар халифанинг учқўрғонлик шогирдларидан бўлган. 1898 йилда Учқўрғонда туғилган. Уч ўғил ва бир қиз фарзанд кўрган. Катта ўғли Абдуллажон (1935-2009) тожик тили ва адабиётидан дарс берган.

Иккинчи ўғли Аҳмаджон (1940-2013) Учқўрғондаги Чинортаги масжидида имомлик қилган.

Учинчи ўғли Сайдуллажон (1944-2013) Фарғона шаҳрида истиқомат қилиб бир муддат имомлик ҳам қилган. Қизининг исми Ҳайринисо.

Мулла Абдулазиз қори асосан устачилик билан машғул бўлган. 1974 йилда вафот этган.²¹⁸

Мулла Турсунмуҳаммад Учқўрғоний

Мулла Турсунмуҳаммад (Турсумат) Исроилбой ўғли (1904-1967) Искандар халифанинг учқўрғонлик шогирдларидан бўлган. У Искандар халифанинг набираси Зарофатхонга (1927-2012) уйланган. Зарофатхон Мулла Сўфибек ва Кароматхонларнинг фарзанди эди.²¹⁹

Мулла Турсунмуҳаммаднинг фарзандлари:

1. Қамариддин.
2. Абдулазиз.
3. Солиҳахон.

²¹⁸ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Қирғизистон Республикаси Баткент вилояти Қадамжой райони Учқўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи Тойиржон Турсумат ўғлидан (1960 йилда туғилган) ёзиб олинди.

²¹⁹ Айтишларича Турсумат Зарофатхонга уйлангунга қадар уч марта уйланган ва Қамариддин, Абдулазиз исми ўғил фарзанд кўрган.

4. Робияхон.
5. Ибодатхон.
6. Сорахон.
7. Ойшахон
8. Ётиборхон.
9. Ёрмуҳаммад (Тойиржон).



Мулла Турсунмуҳаммад

Мулла Турсунмуҳаммаднинг фарзанди Тойиржон аканинг айтишича отаси Искандар халифага сидқидилдан

хизмат қилган. Мулла Турсунмуҳаммад Учқўрғондан Тахтакка, яъни пири Искандар халифанинг ҳузурига ҳар кун пиёда бориб келган. Учқўрғонда “Маснавийхон домла”, “Учқўрғоннинг булбули” номи билан машҳур бўлган. Искандар халифа вафотидан сўнг унинг Арсифдаги ўғли Эшонжонга ва Учқўрғоннинг Дўнгмозор маҳалласида истиқомат қилувчи Мўмин мирзо эшонга қўл бериб умрининг охирига қадар уларнинг хизматларини адо этган.

Бориб ул остонға хизмат этмоққа белин боғлаб,
Гўлаҳ аҳли каби матбах қўлида тутти жо, кўнглум.

Ўқуб эрта намозин ҳар куни саҳро сари бориб,
Ўтун ошхонаға келтурмиш ул кони сафо, кўнглум.

Ўтункашлик вазифа бўлди анга неча йил навъ,
Кўтаргандин ўтуни гардани бўлди яро, кўнглум.

Бўлуб монанди от ул ноқа елкоси яғир андоғ,
Ки, чиқмиш сўнгаки, гўшти кетиб бўлмиш дуто, кўнглум.

Бўлуб мажруҳ жисми жони, бўлди нотавон андуғ,
Ки, бир чангол сўнтак бўлмиш, юзи чун қаҳрабо, кўнглум.

Бу янглиғ бўлса ҳам ҳизум тошурни қилмади таркин,
Худо суйган кишини кори шул, эй бовафо кўнглум.

Эгамни шавқидин ҳар ранжу кулфатким, баён ўлди,
Саропо айш ила роҳат кўринмишдур анго, кўнглум.

Бу янглиғ ҳол ила ўтуз йил даргоҳида қолмишдур,

Қўлидин кимни келгай ушбу иш билдингми, ё кўнглум.²²⁰



**Тойиржон Мулла Турсунмуҳаммад ўғли. 2024 йилда
олинган сурат.**

Ушбу мисралар бири Мулла Йўлдош Тўрабой ўғли Хилватий (1858–1921) қаламига мансуб бўлиб, ҳазрати Хожаназар Хувайдонинг отаси Ғойибназарни ўттиз уч йил давомида пири Оффоқхожам даргоҳида сидқидилдан ўтункашлик қилганлигини ҳикоя қилади. Биз бу мисраларни

²²⁰ Мулла Йўлдош Хилватий. Девон / Тадқиқ қилувчи, эски ўзбек ёзуvidан нашрга тайёрловчи ва изоҳларни тузувчи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. – Т.: “Фан”, 2001. – Б. 266.

бежиз келтирмадик. Чунки Мулла Турсунмуҳаммад ҳам йиллар давомида Искандар халифа ҳузурида худди Мулла Ғойибназардек пирига муҳаббат билан хизмат қилди. Айтишларича, Искандар халифа қаерга йўл олса, Мулла Турсунмуҳаммад пиридин олдин ўша манзилга етиб бориб, чойлар ва жойларни таёрлашга астойдил киришган. Ярим тундаёқ нонушта учун ўн-ўн бешта чой идишларда чой қайнатиб, қаҳратон қишларда тонг саҳарда барча обдастларга иссиқ сувни тайёрлаб қўйган.

Мулла Турсунмуҳаммад Искандар халифага нафақат шогирд балки хос ходим сифатида ҳам хизмат қилган. Устоз суҳбати шогирд қалбини ўзига ром этгани учун устозга чин дилдан боғланиб қолган. Шунга кўра, устоз меҳри ҳам мазкур ихлосни эътироф этиб, унга айрича муносабат тақдим этар эди. Баъзи хос суҳбатларда ўтган сирлар эса Яратган зот билан у иккиларининг ўзига маълум. Кейинчалик Искандар халифа набирасини Турсунмуҳаммадга никоҳлаб беришлари ҳам мазкур эҳтиром натижаси эди.

Мулла Турсунмуҳаммад Искандар халифадан олган таълимларига бутун умр содиқ қолди. Устози вафотидан кейин Учқўрғон қишлоғининг маънавий ҳаётида диний илмлар билимдони, хайрихоҳ насиҳатчи сифатида кўзга кўринган кишилардан бирига айланган бўлса-да, имкон қадар ўзини худди оми кишилар каби кўрсатишга ҳаракат қилган.

Муҳаммад Шафеъ Усманий “Мажолиси ҳакимул умма” китобида шундай ёзган эди: “Баъзи ақобир - улуғ авлиёulloҳлар ибодатларни ҳам, бошқа яхши амалларни ҳам яшириб қилишга, бировнинг ундан хабар топмаслигига қаттиқ аҳамият берар эдилар.

Баъзилари эса одамларнинг олдида, аслида гуноҳ бўлмаган, лекин кўрган кишининг назарида айбли ва гуноҳ бўлган ишларни қилар эдилар. Бундай қилишдан “Одамлар

бизга эътиқод қўямасин, бизнинг ҳақимизда ёмон гумонда бўлсинлар”, деган мақсадлари бўлар эди.

Ҳазрат Ашраф Али Таҳонавий шундай дер эдилар: “Суннатнинг мўътадил йўли шуки, банда ўз иши билан овора бўлсин, уни махфий қилишга ҳам, изҳор (ошкор) қилишга ҳам аҳамият қаратмасин”.

Яна айтар эдилар: “Дилим шуни истайдики, менинг бирор сўзим ёки феълимдан бирор одам алданмасин, яъни бирор киши менда мавжуд бўлмаган бирор камолот учун мени яхши деб эътиқод қилишини истамайман. Лекин менда мавжуд бўлмаган бирор айб сабабли мени ёмон деб эътиқод қилса, хафа ҳам бўлмайман”.²²¹

Мулла Турсунмуҳаммад умрининг охирига қадар кибр бўлиб қолмасин дея янги тўн ёхуд янги дўппи ҳам киймаган.²²² Бутун умр тақво ва риёзат билан машғул бўлган.

Мулла Турсунмуҳаммад бир гал автобусда Қизилқиядан келаётиб одамларнинг кўплигидан тиқилинч бир ҳолатда кирра ҳаққи 20 тиййинни ҳайдовчига бера олмай қолади. Шу сабабдан кирра ҳаққини бериш учун тўрт кун давомида ўша автобусни ҳайдовчисини излайди.

Тақво Аллоҳ таолодан қўрқиш, гуноҳлардан тийилиш ва ҳарому-шубҳалардан сақланиш экани ҳаммага маълум. Дунё яхшиликларнинг боши тақво бўлганидек, эзгу оқибат ҳам фақат тақводорлар учун.

Маълумки, Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг кўплаб оятларида бандаларни тақвога буюрган ва тақводорларга улуғ мукофотлар ваъда қилган. Шунингдек, бандалари орасида кўпроқ уламолар қўрқишини ҳам айтган. Қолаверса, илмнинг

²²¹ Муҳаммад Шафъ Усманий. Мажолиси ҳакимул умма. / Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Ёрқинжон Фозилов – Т.: “Hilol - Nashr”, 2023. – Б.154.

²²² Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Қирғизистон Республикаси Баткент вилояти Қадамжой райони Учқўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи Тойиржон Турсумат ўғлидан (1960 йилда туғилган) ёзиб олинди.

самараларидан бири ҳам бу тақводир. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: “Илм гапнинг кўплигида эмас, балки тақвонинг кўплигидадир”, – деганлар. Шайх Ҳасан Басрий эса: “Олим Аллоҳдан ғоибона қўрққан кишидир”, – деганлар.

Мавлавий Шайх Фозил Кўҳистоний

Андижон вилояти Марҳамат туманида узоқ йиллар яшаб шу ерда вафот етган алломалардан бири Мавлавий шайх Фозил Кўҳистоний ҳам Искандар халифанинг шогирдларидан бўлган. Бу ҳақда Абдусалом Умарали ўғли “Марҳамат уламолари” номли китобида шундай ёзади:

“Мулла Фозил асли Тожикистоннинг Қоратегин музофотидан бўлиб, 1861 йилда таваллуд топади. Илмга чанқоқ Фозил ёшлигидан кўп илмларни эгаллашга ҳаракат қилади. Устозлари берган илмига амал қилиб Мавлавий даражасига етишади. (Мавлавий ҳозирги кундаги профессорлик унвонига тўғри келади). Шўролар таъқиби даврида аввал қўшни Қирғизистонда бир неча йил яшаб, сўнгра Марҳамат қишлоғида кўним топади. Шаҳрихонлик шайх Зухриддин эшоннинг (бу киши Фозил бобонинг яқин шогирдларидан бўлган) берган маълумотларига кўра, Шайх Фозил кароматгўй инсонлардан бўлиб, бир умр ҳалол меҳнат қилиб тирикчилик ўтказган. Муридлари томонидан берилган инъомларни бева-бечора, етим-есирларга бўлиб берар эканлар. Дин таъқиб остига олинган йилларда ҳам доимо одамларни диндан узоқлашмасликка, покиза яшашга даъват этар эканлар. У киши доим бу кунлар ўткинчи, ёруғ кунлар ҳам келади, деб таъкидлар эканлар. Минг афсуслар бўлсинки, бугунги ёруғ кунларни боболаримиз кўра олмадилар. Шогирдларининг айтишича, Мулла Фозил бир кун ерга боқиб узоқ ўтирибдилар-да, оҳ тортиб бошини кўтарибди.

Сабабини сўрашганда Эшон бобо ҳозиргина вафот етганлигини айтибди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Марғилонлик эшон бобонинг вафот этганлиги тўғрисида хабар келибди. Шундай улуғ инсоннинг илмидан бизлар бенасиб қолдик. У киши вафот этганларида таъзияларига шу даражада кўп одамлар йиғилибди-ки, шундагина кўни-кўшнилар у кишини англагандай бўлибдилар. Асқар ҳожи тоғани ҳикоя қилишича, Мулла Фозил домла 1958 йилларда 97 ёшдан ошиб боқий дунёга рихлат қилган кунлари ҳаво анча иссиқ бўлиб, майитни мазорга олиб келганларида осмонда дўппидек булут пайдо бўлибди-да, озгина ёмғир севалабди. Ёқимли шабада эсиб ҳаво шундай майин бўлибди-ки, ҳамма бу мўъжизадан ёқа ушлабди”.

2024 йили Мулла Фозил хонадонидида бўлиб, набираси Шамсиддин Фозилов билан қилган суҳбатимиз чоғида бизни ўйлантириб келаётган баъзи бир масалаларга аниқлик киритишга муяссар бўлдик.

Шайх Фозил Кўҳистоний икки марта уйланган. Аёлларининг исми Мушғулхон ва Робияхон. Тўрт ўғил ва беш нафар қиз фарзанд кўрган.

Ўғил фарзандлари:

1.Хомиджон махсум. 2. Комилжон махсум. 3. Одилжон махсум. 4. Маҳмуджон махсум.

Қиз фарзандлари:

1.Нажмияхон. 2. Олияхон. 3. Саидахон. 4. Маъвохон.
5. Бинафшахон.

Мулла Фозил 1928 йилда Тожикистондан Қирғизистонга келгач, Искандар халифанинг таърифини эшитиб унинг ҳузурига бормоқчи бўлади. Қизилқияга келиб, шу ердаги чойхоналарнинг бирига киради. У чойхонада ўтирганлар оқсоқоллардан Искандар халифанинг яшайдиган Тахтак қишлоғига қандай боришини сўрайди. Шунда чойхонада

ўтирганлардан бери “Мана бу сўрида ўтирган Солижон Искандар халифанинг муриди бўлади. У сизни албатта Искандар халифанинг ҳузурига олиб боради”, дейди.



*Шайх Фозил Кўҳистонийнинг қабри.
2024 йилда олинган сура.*

Шу тарзда Мулла Фозил Солижоннинг ҳамроҳлигида Тахтак қишлоғига йўл олади. Улар ҳали йўлда эканликлардаёқ фиросат орқали бундан воқиф бўлган Искандар халифа уйдан ташқарида меҳмонларни келишини кутаётган экан. Мулла Фозилнинг ташрифидан Искандар халифа жуда хурсанд бўлади. “Солижон, сен бағоят улў меҳмонни олиб келибсан” дея икки сигиридан бирини унга ҳадя қилади. Пиридан бундай ҳадяни олган Солижон умрининг охирига қадар бу воқеани сира ёдидан чиқармаган.

Мулла Фозил шу тарзда Искандар халифага қўл бериб байъат қилган. Искандар халифа умрининг охирида Мулла Фозилга иршод хатини бериб, суфийлик хирқасини кийдирган. Шундан сўнг Мулла Фозил йигирма йил давомида

сулукни давом эттирган. Искандар халифанинг шогирдлари ва муридлари Мулла Фозилга инобат қилганлар.



Фозилжон ҳожи Ҳасанжон ўғли

Аслиддин Ҳасанов бу ҳақда шундай ҳикоя қилади: “Дадам Фозилжон ҳожи Ҳасанжон ўғли (1928-2016) Валик қишлоғида таваллуд топган. Кейинчалик Лоғон қишлоғига кўчиб борган. Темирчилик билан шуғулланган. Искандар халифанинг ўғли Эшонжонга хизмат қилган. 1948 йилда йигирма ёшида Шайх Фозил домлага инобат қилган. Ҳар ҳафтада Валик қишлоғидан 70 км. масофа узоқликда жойлашган Марҳаматта пири Шайх

Фозил ҳазратни хизматига велосипедда бориб келган”.²²³ Кейинчалик Фозилжон ҳожи Шайх Фозил вафотидан сўнг кўпроқ марғилонлик уламо Абдусамад охунд Қоил Марғилонийнинг зиёратига тез тез- бориб турган.

Мулла Фозил ҳам устози Искандар халифа каби шогирди Муҳаммадйусуф Абдуҳолиқ ўғлига хирқани кийдириб сулукни давом эттиришни васият қилган.²²⁴ Шайх Фозил 1958 йилда вафот этган ва Марҳамат туманидаги Оқ терак қабристонига дафн этилган.

Абудусалом Умарали ўғли “Марҳамат уламолари” номли китобида Мулла Муҳаммадйусуф ҳақида қуйидагиларни баён этган: “Муҳаммадйусуф Абдуҳолиқ ўғли ҳозирги Андижон вилоятининг Марҳамат туманида 1895 йилларда таваллуд топади. Бошланғич саводни отаси мулла Абдуҳолиқ ва маҳаллий муллалардан олиб сўнгра ўқишни Бухоро мадрасаларида давом эттиради. Ислом дини аҳкомларини чуқур ўзлаштириш билан бирга араб, форс ва туркий тилларни ҳам мукаммал ўрганади. Илмий даражада Эшон даражасига эришади. Собиқ шўролар даврида ҳамма диндорлар қаторида доимо таъқиб остида бўлган. Шунга қарамай ҳақ йўлидан четланмай, одамларни поклик сари етаклаб, кўплаб шогирдлар тарбиялаган. Ўзи ниҳоятда басавлат, полвон одам бўлган. Ҳозирги кунда Полвонтош қишлоғида истиқомат қилаётган шогирдларидан бири Ҳамиджон Мамасидиқ ўғлининг берган маълумотига кўра, ёшлик даврида Бухорога кетаётганда Сирдарё кўпригининг устида бир отлиқ босқинчи уни тунамоқчи бўлади. У қўрқмай дадиллик қилиб, бор кучи билан босқинчини оти билан кўприкдан пастга қулатиб юборади. Муҳаммадйусуф домла

²²³ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Фарғона вилояти, Фарғона тумани Лоғон қишлоғида истиқомат қилувчи Аслиддин Ҳасановдан (1962 йилда туғилган) ёзиб олинди.

²²⁴ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Андижон вилояти Марҳамат туманида истиқомат қилувчи Шамсиддин Фозиловдан (1955 йилда туғилган) ёзиб олинди.

кўчага чиққанида одамларни сир босиб, у кишини олдида тура олмаганлар.



*Шамсиддин Фозилов. Шай Фозил Кўхистоний набираси.
2024 йилда олинган сураат.*

Кунлардан бирида бир милиция кийимидаги ва икки фуқаро кийимидаги одамлар келиб у кишининг уйида тинтув ўтказди. Уй ичидан китобларни ташқарига олиб чиқиб таклайдилар. Фуқаро кийимлилардан бири китоб устида оёғини чалиштириб ўтириб олиб нималарнидир ёзади. Бир четда индамай кузатиб турган Муҳаммадюсуф домланинг кўзларидан ёшлар оқади. Ахир боболаримиз эъзозлаб

кўзларига суртган китоблар қандайдир бир динсизнинг оёқ остида қолиб кетган эди-да!

Муҳаммадйусуф домла дин илмининг ўта билимдони бўлиши билан бирга моҳир боғбон бўлган эканлар. У кишининг ҳовлиларидаги меваларнинг мазасини тотганлар ҳозир ҳам гапириб юришади. Муҳаммадйусуф домла ёши етмишларга борганда Самарқанд зиёратини ихтиёр этади. Мақсад устозлар ва дўсту биродарлар билан кўришиш бўлган. Самарқанднинг Ургут туманига бориб, ўша ерда вафот этади (Ургутда Сайид Муҳийидин Эшон мадрасаси бўлган). Майит Марҳаматга олиб келиниб, Шўрқишлоқ мазорига қўйилади”. Бу воқеа 1971 йилда содир бўлган.

Домла Муҳаммадйусуфнинг ўғли Ихволиддин махсум умрининг охирги йиллари беморлик вақтида Мулла Фозилнинг набираларини ҳузурига чақиради. Бу ҳақда Шамсиддин Фозилов шундай ҳикоя қилади:

“Ихволиддин махсум бундан беш йил олдин бизни уйига чақирди. Акам билан уйига бордик. Ихволиддин махсумнинг аҳволи анча оғир ҳолатда эди. Бизни кўриб “Искандар халифа эшонбуванинг тўни ва ҳассаси бизда. Дадамга берганди. Дадам раҳматли хабарларинг бор Самарқандда ўтиб қолди. Бунини давомчиси бўлмади. Шу боис сизларга қайтариб берсам” деди. Тўнни олиб чиқишганда Махсум ака бағрига босиб йиғлади. Биз ҳам йиғладик”.²²⁵

²²⁵ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Андижон вилояти Марҳамат туманида истиқомат қилувчи Шамсиддин Фозиловдан (1955 йилда туғилган) ёзиб олинди.



Шайх эшон Зухриддин қори

Мулла Фозил Кўҳистонийнинг шогирди яна бир шогирди Зухриддин Нақшбандий Шаҳрихонийдир.

Бу ҳақда таниқли олим Нодирхон Ҳасан шундай ёзади: “Шайх эшон Зухриддин қори Нақшбандий Шаҳрихоний 1927 йил 15 январда Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида таваллуд топган. Падари бузруквори Эшонча Махсим Шаҳрихоний XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтганлар. Уларнинг катта боболари Исфара шаҳридаги авлиё Абдуллахон, насаби амирул-мўмин ҳазрати Али Муртазога бориб тақалади.

Зухриддиннинг ёшлигидан зийрак, илмга чанқоқлиги сезилиб турган. Падари бузруквори ўз ўғлининг илм олишига

катта эътибор берган. Лекин Совет Иттифоқи даврида, диний илмларни очикчасига ўрганиш анча мушкул кечган. Шунга қарамай, шариат илмларини пухта ўрганади.

Ёш бўлишига қарамай 1940 йили Шаҳрихон (собик Москва) туманидаги Қизил Юлдуз жамоа хўжалигига табелчи бўлиб ишга киради.

II-жаҳон уруши йилларида кўнгиллилардан бўлиб Совет Армияси сафида фашизмга қарши жанг қилган. Ва "1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги хизматлари учун" медали билан тақдирланган.

1947 йили Асака шаҳридаги қишлоқ хўжалиги ҳисобчиларини тайёрлаш бир йиллик мактабида ўқиганидан сўнг, Шаҳрихондаги Қизил Ўзбекистон жамоа хўжалигида ҳисобчи ёрдамчиси бўлиб ишлайди. 1952 йилда туман қишлоқ хўжалик бўлимида бош иқтисодчи бўлиб ишлаган.

Давлат ишларида ишлаш давомида у ўзининг диний таҳсилини ҳам давом эттиради. 1950 йилларда тасаввуф илмига мойиллиги ортади ва нақшбандия тариқатига қадам қўяди. Ўз замонасининг улуғ валийи Хўжаназар ҳожи Шаҳрихоний Деҳқон ҳожи ўғли қуддиса сирруху ёш Зухриддиннинг биринчи пирларидан бўлган ва тариқат одобларидан, усулларидан сабоқ берадилар. Бу зоти шариф 1962 йили 72 ёшларида вафот этганлар.

Иккинчи устоз пирлари Марҳамат туманидан, келиб чиқиши Тожикистоннинг Қоратегин музофоти Тожиқобод тумани Фатҳобод қишлоғидан бўлган мавлавий шайх Фозил Кўҳистоний қуддиса сирруху бўлганлар. Ул зотнинг пирлари ҳазрати халфаи Искандар ал-Арсифий қуддиса сирруху бўлганлар. Ул зоти бобаракот 1932 йилда вафот этганлар. Қабрлари Ўш вилоятининг Бешбурхон қишлоғида.

Шайх эшон Зухриддин қорининг нақл қилишларича: "Кундузи давлат ишларидан фориғ бўлганимдан сўнг, пир

хизматига Марҳаматга равона бўлар эдим. Пир хизматида кечаси билан бўлиб эрталаб яна ишимга қайтиб келар эдим. Ўша кезларда ичимда ботиний қувватим ошиб бораётганлигини шунчалик сезар эдимки, чарчоқларим сезилмас эди. Пир хизматларидан қайтаётганимда пирим кўзига ёш олиб дуо қилардики: "Бизга кечалари ҳам бедор бўлиб хизмат қилаяпсанки Худованди карим сени улуг мақомларга еткарсин", дер эдилар. Иккинчи пири-устозлари 1958 йил 10 сентябрда 89 ёшида вафот этганлар.

Учинчи пирлари Абул Аббос Ғойибий қуддиса сирруҳу (чилтонлардан) бўлган. Бул зот саккиз ёшларида Макка шаҳрига бордилар. Байтуллоҳни зиёрат қилишга мушарраф бўлганлар. Беш йил Маккаи мукаррамада ва Мадинаи мунавварада яшаганлар ва тўққиз ёшдалигида тариқатга кирганлар. Ва даврининг етук авлиёларидан бўлган. Эшон бувани тасаввуфнинг нозик ва сирли оламига олиб кирганлар. 1968 йили вафот этганлар. Шайх эшон Зухриддин қори Нақшбандий Шаҳрихоний 1978 йилда давлат ишларидан нафақага чиқади. Тўртинчи устоз пирлари шайх Муҳаммад Шариф Ҳисорий қуддиса сирруҳу бўлганлар. Бу аллома Тожикистоннинг Ҳисор деган ҳудудида истиқомат қилар эдилар. Шаҳрихоний ҳазратларининг диний уламо сифатида камол топишига катта ҳисса қўшганлар. Ва Шайх эшон Зухриддин қори Нақшбандий Шаҳрихоний ҳазратларининг иршод олишлари шу зоти бобаракотдан бўлган. Шайх Муҳаммад Шариф Ҳисорий қуддиса сирруҳу ҳазратлари 1990 йили юз ёшларида вафот этганлар.



*Шайх эшон Зухриддин қори Нақшбандий Шаҳрихонийнинг қабри.
2024 йилда олинган сурат.*

Бу муршиди комилнинг биринчи пирлари Имомиддин Хон Бухорий қуддиса сирруху. Бу зот яшаган даврда Бухоро амирларига устози пирлик қилганлар. Иккинчи пирлари шайх Муҳиддин ибн Валихон Тўра Ургутий бўлганлар. Бу аллома Саудия Арабистонида вафот этганлар, қабрлари ҳам ўша ерда. Ўғиллари Эшони Шайх ва Насрхон Эшон ўз даврида етук комил инсонлардан бўлганлар. Шайх Муҳиддин Ургутийнинг Эшони Шайх отлиғ ўғиллари узоқ йиллар Тошкентда яшаб оламдан ўтганлар. Шайх эшон Зухриддин қори Нақшбандий Шаҳрихоний қуддиса сирруху диний илм ва тақводан ташқари, жамоат ишларида ҳам баҳоли қудрат қатнашганлар. Ул зот Баҳоуддин Нақшбанд номидаги "Тасаввуф ва сўфийлик маданияти" Халқ академияси, Нақшбандия илмий марказининг ҳақиқий аъзосидир (Бухоро). Ёш авлодни қоиликка етказиш борасидаги ҳаракатлари учун ҳукуматимиз томонидан "Шухрат" медали билан мукофотланган.

Шайх эшон Зухриддин қори Нақшбандий Шаҳрихоний ҳазратлари 2011 йилнинг 2 март куни охиратга рихлат қилганлар. Шаҳрихондаги Қоракўрпа мазорига дафн этилган”.²²⁶

2024 йилнинг 1 август куни Шаҳрихон туманига уюштирган сафаримиз чоғида Шайх эшон Зухриддин қорининг хонадонида бўлиб, сўнгра Қора кўрпа қабристонига қабрини зиёрат қилгани бордик. Бизга кун давомида ҳамроҳлик қилган Икромжон Солиев устози номини ёдга олар экан “Сабр ва қаноат борасида Устозимиз Шайх эшон Зухриддинни барчамизга иборат эди. Баъзан рамазон ойида саҳарлиги бир бўлак суви қочган нон бўлса ифторлиги бир коса қаттиқ билан бўларди. Сира ҳашамларга берилмасди”, деди.²²⁷ Чиндан бу борада у ҳақ эди. Ёзувчи Наби Жалолиддин бу ҳақда шундай ёзган эди:

“Биз Зухриддин қори ҳазратларининг файзбахш ҳикматларига кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Жумладан, бир тақволи йигит у кишига қўл берган, яъни байъат қилган куни кечда туш кўрибди: пилта қип-қизил чўғ эмиш, Эшон бува кўксини очиб, унга тутар, оҳ урар, соқолидан тер оқиб, учи оташга тегай-тегай деб турармиш.

Мурид:

- Соқолингиз куяди, Ҳазрат! - дермиш хавотирда.

Ҳазрат йигитнинг туши таъбирини айтмади. “Ўзи шунақа бўлади”, деб қўя қолди.

Мурид бошқа бир донишманд зотдан сўраганида, ул киши шундай жавоб берибди:

“Пирингиз бағоят улуғ зот экан, сиз зикр авжидаги ҳолатини кўрибсиз. Зикр авжида хосларнинг бағри том

²²⁶ Нодирхон Ҳасан. Зухриддин Нақшбандий Шаҳрихоний. Хуфия зикр. – Т.: “Matbbaachi” нашриёти, 2022. – Б.129-132.

²²⁷ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани Шаҳрихон шаҳарчасида истиқомат қилувчи Алишер Солиевдан (1977 йилда туғилган) ёзиб олинди.

маънода оташ бўлиб ёнади ва гўзал му- ждалар, файзлар топишади”.

Зухриддин эшон бува бағоят парҳезкор эди. Ибодатларни тўла-тўқис адо этарди. Биз каби кишиларга тушунарли бўлиши учун шундай фикрни айтсак: масалан, беш вақт намозга ўртача ўқилса, бир соат вақт кетади. Нафл ва таҳажжуд намозлари учун жами уч соат, беш минг марта Исми Зот зикрини айтишга бир соат, Эшон буванинг беш латоифга беш мингтадан зикр қилганини ҳисобласак, жами беш соат бўлади. Бундан ташқари, қўшимча вазифалар ҳам бор. Биз ҳазратнинг қачон ухлаб, қачон дам олганини ўйлаб ҳайрон бўлардик. У кишининг “қарз” дафтари бор эди. Мабодо бирон сабаб бўлиб, вазифаларнинг бир қисмини бажаролмаса “қарз дафтар”ига ёзиб қўяр ва бошқа кун албатта адо этишни унутмасди”.²²⁸

Амоний Арабоний

Искандар халифа араб ва форс тиллари, шариат илмлари ҳамда адабиёт билимдони Амоний Арабонийнинг (1870—1946) ҳам тариқат йўлидаги пиру устозларидан бири бўлган. Шу сабабдан Амоний унга бағишланган ғазалида:

Дидам он шайхи ҳамон чун кошифи асрорҳо,

Як суҳбати он авлиё фаҳри кунам бисёрҳо.

(Замона шайхи, сирларни кашф этувчи бу шайхнинг суҳбатини қурдим, бунга кўп фахрлар қиламан), деб ёзган эди.

Амоний Искандар халифани “пири дастгири равшан ҳамир, соҳиб ул - мақомот - ва - л - каромот” (қалби равшан, қўлловчи пир, каромат ва мақомотлар соҳиби) деб атаydi. Амоний Искандар Халифанинг Аравонга келишига тожикча

²²⁸ Зухриддин эшон Нақшбандий Шаҳрихоний. Хуфия зикр. – Т.: “Matbbaachi” нашриёти, 2022. – Б.4.

шеър бағишлаган. Унинг ёзишича, Искандар Халифа Жалолиддин Румийнинг “Маснавий” асарини изохлашда тенгги йўқ зот бўлган.

Таърих баройи ташрифи қудуми пири дастгири рав — шан ҳамир, создб ул—мақомот ва —л—каромат Хаз рати Искандар Халифа алайзрф—разума ат —Тахтакий ал — Фарроний бар қасабаи Арабон ҳаффазаҳуллоҳ аз камта — рини мухлисон ва муҳиббон Амоний Арабоний салла — маҳуллоҳ сумма раҳимаҳуллоҳ.

Дидам он шайхи ҳамон чун қошифи асрорҳо,
Як суҳбати он авлиё фаҳри кунам бисёрҳо.
Омад чунин соҳибдили бар қаряйи афтодагон,
Моро басо файзи расад чун Хожаи Азфорҳо.
Дар пеши у қалби сияҳ равшан бувад, оғоз; бош,
Чанги занон бар доманаш гири аз он анворҳо.
Хар руз ҳар ёронро хонда чунон аз Маснавий,
Ифшо кунад дурри набий аз роҳи Хар ахборро.
Хайф аст бар аҳволи мо ғафлат маро карда ҳужум,
Имруз ҳам н —омад худам кардам насиҳат борҳо.
Шояд расад вақти маро гуяд туйи Мулла Амон,
Инжо биё, инжо биё, рузи шавад гуфторҳо.
Дастии зада як лаҳзае гирад маро он раҳнамо,
Важди чунон пайдо шавад дар хонаву бозорҳо.
Ё Рабб, маро карда карам, диз рушно бар ин дилам,
Фоний шуда холис шавам аз дарди зан ҳар корзо.
Се сад маро бо чилу шаш буда йазин аз гуфтгу,
Таърихи ташрифаш зазор ояд ба ин ахборзо.

Ушбу мисралардан маълум бўладики, Искандар халифанинг Аравонга келган йили: Сесад маро бо чилу шаш буда йазин аз гуфтугу, Таърихи таширифаш ҳазор ояд ба ин ахборҳо, яъни - унинг ташриф йили минг бўлиб, Яна уч юзга

қирқ олти экани сўзлашувдан маълумдир). Бундан 1346 ҳижрий, 1927 милодий йил чиқади.²²⁹

Шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасанийнинг ёзишича, Искандар халифа Аравонга келган вақти Дулдул ота зиёратгоҳига бориб, зиёратгоҳнинг ўзига хос хислатидан воқиф бўлган:

“Аравон қишлоғи ёнида жойлашган тоғ қоясига эра-миздан аввал чизиб қўйилган ва Дулдулота деб номланган жой ҳақида сўз кетганда, қиблагоҳим Восилий бу ер Дулдулот ва Дулдулота дейилишини айтган эдилар. Амоний девонини ўз хати билан кўчирган Маҳдум Восилий Амонийнинг Дулдулота ҳақидаги байтини ёзиб қўйибдилар. Амоний ўзининг бу шеърини шу ердаги гумбаз пештоқига хаттотлик услуби билан ёзиб қўйган экан. Шеър қўйидагича:

Қийла ҳозо маздами “ан ло фато илла Алий”,

Гуфт баъзи қошифи асрор дигар як валий.

(Айтишларича, бу ер Алининг қадамжойидир, Баъзи каромат соқиблари эса бошқа валийнинг дейдилар.)

Қиблагоҳим Маҳдум Восилий Амонийдан эшитган сўзларни бу ерда келтириб ўтадилар. Маълум бўлишича, бу ерда иккита катта қайрағоч бўлган. Амоний томонидан Аравонга тақлиф этилган... Домлойи Намангоний ва Искандар Халифалар: “Бу ердаги иккита қайрағоч ўртасидан бир азизнинг руҳи кўринар экан”, — деганлар. Шу сабабли бу ернинг номи аслида Дулдулот бўлган бўлса ҳам, кейинчалик Дулдулота номини олган”.²³⁰

Амоний 1870 йилда Аравон қишлоғининг Марғилон маҳалласида дурадгор ва косиб Ўринбой оиласида туғилган. Унга Амон деб от қўйдилар. Ўринбой ўз ўғлининг илм олишини ва мулла бўлишини хоҳларди. Ёш Амон Аравонда

²²⁹Амоний Арабоний. Исмидур Оби равон / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, тадбил ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний.– Т.: Фан, 2003. -Б.4-31.

²³⁰ Мазкур асар. -Б.18-19.

ўша пайтда мавжуд бўлган мадрасада таҳсил олишга киришади. У мадрасада ўша даврнинг кучли олимларидан дарс олади. Кейинчалик ўз исмидан фойдаланиб, “Амоний” тахаллуси билан ғазаллар ёзади. 1912 йили ёзган «Аравон» шеърида:

Бор эрур бўлган бино бир Мадраса олий макон,
Жонишин ҳоло ичида бир неча ахёрлар.

Нақш ўлуб тоқу равоқи таркибидин доимо,
Сарнигун таъзим учун бу гунбази давворлар,-
деб ёзган эди.

Амоний мадрасада араб ва форс-тожик тилини ўрганади. Қуръон, тафсир, фарс ва адабиётга оид асарларни шу тилда мутолаа қилади. Девонида арабий байтларнинг ҳамда форс-тожик тилларидаги ғазалларнинг мавжудлиги шундан гувоҳлик беради. Амоний туркий тиллардаги асарларни ўқиш билан бирга хитой тилини ўрганишга ҳам ҳаракат қилган. Марҳаматлик олим ва шоир Махдум Восилий унинг хитойча ширу шакар шеърини ўқигани ва унда "йешин шин духу" жумласи бўлиб, бу "янги тўнимни кийиб олай" дегани экани ҳақида сўзлаб берган эди.

Амоний мадрасада ўқиб юрганида шубҳасиз, шеърят билан қизиққан. У ўзбек тилидаги шеърлардан ташқари форс тилидаги ғазалларни ҳам аслида ўқиб тушунган. Бу эса унинг оҳиста шоирлик сари етаклаган ва шеърлар машқ қила бошлаган. Хаттотликка қизиқиб, бу санъатни ҳам мукаммал эгаллашга муваффақ бўлган.

Амонийдаги илмга чанқоқлик уни Марғилон сари етаклаган. Марғилон ўша пайтларда илм марказларидан бири бўлиб, Ҳазин бошлиқ олим, шоир ва тасаввуф аҳллари бу ерда жамланган эди. Амонийнинг Марғилонга қайси йили келгани номаълум, бироқ, 1895 йилларда Марғилонда бўлгани тахмин қилинади.

Амоний Марғилонга келиб, Хонақоҳ мадрасасига жойлашади. Унинг мақсади аввало илм олиш бўлса, бошқа томондан тариқат йўлини босиб ўтиш эди. “Баёзи маҳбуб ал-муҳбуб”га кирган ғазалларидан бирида у:

Келибман Марғилон ичра азизлар остонига,
Талаб айлаб, Худовандо, манга илми уло бергил.

Бўлубман толиби ушбу шариф йўлни нажот истаб,
Кўруб лойиқ бу ожизни кўнгилга сан зиё бергил,-
деб ёзган эди.

Амоний шу йилларда Муҳаммад Юсуф Ҳазин Эшон билан учрашади ва ундан файзлар топади. Бухорода ўқиб келган аллома ўз шаҳрида хонақоҳ қуриб, унда муридларни тарбиялаш билан машғул бўлган.

Амоний Марғилонга келиб Мўқимий, Завқий, Фурқат каби демократик шоирлар ҳамда тасаввуф намояндалари бўлган Муҳаммад Юсуф Ҳазин ва унинг издошлари ҳаёт кечираётган илмий ва адабий муҳит ичига тушиб қолади. Уларга эргашиб шеърлар ёза бошлайди. Айниқса Фурқат билан учрашуви унинг ҳаётида катта ўзгаришлар ясайди.

Амонийнинг Тошкентда неча йил бўлгани аниқ эмас. Бироқ унинг 1919 йилда бошқа маълумотда эса 1920 йилларнинг бошларида Аравонга қайтгани айтилади.

Аравонлик кексаларнинг айтишларича, Амоний Аравонга қайтгач, мактаб очиб, ўқитувчилик қилган. Ушбу сатрлар муаллифининг тоғаси Мулла Абдурашид Махсум Мулла Холмат ўғли Амоний қўлида ўқиган бўлиб, шоирнинг хислатлари ҳақида менга сўзлаб берган эди. Аравонда узоқ раислик қилган Аъзамхон раис ва Орифхонлар ҳам Амоний қўлида таълим олганлар Амоний мактабда она тили, ҳисоб, география табиийёт ҳамда рус тилидан дарс берган. Абдурашид Махсумнинг айтишича, Амоний ҳисоб дарсида

рақамларни ҳавога ёзиб, қўшиш, олиш ва кўпайтиришни ўргатар экан.

Амоний 1930 йили Аравондан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Кексаларнинг айтишларига қараганда, Амоний ўша йиллари босмачиларнинг ноўрин ишларини танқид қилиб шеър ёзган экан. Ўша пайтда Аравонда ва умуман, Ўш атрофида босмачи гуруҳлари кучайиб кетган эди. Холхўжа Эшон, Соиб қори, Ғаффор, Йулчи кўрбоши, Кўр Шермат ва Қора Шерматларнинг ҳовли — жойлари Аравонда эди. “Қутлуғ йул” китобида ҳамда Т.Ёқубовнинг “Дўстлик” газетасидаги мақоласида ёзилишича, Амоний Йулдош кўрбошининг таъқиби сабабли қочиб кетишга мажбур бўлган.

Амоний бу гал Марғилонга эмас, балки Андижон яқинидаги Хирабек қишлоғига борган. Унинг бу ерга келиб қолиши номаълум. Шоир “Улфатим” номли ғазалида қийин аҳволда қолгани, охири Хирабекдаги Саддатаги маҳалласидан паноҳ топганини қуйидагича ифодалайди:

Мандаги ҳижрону ғам, ўзум билурман, кўб алам,
Кўнглима қил сиғмагай, бемордур ҳар бир этим.
Охири бошим силаб Саддатаги берди паноҳ,
Уммидим ёнса мани бу истиқоматдин ўтим.

Хирабек аҳли шоирга ёқиб қолади. Амоний Хирабекда уйланади. Бундан аввал икки марта уйланиб, фарзанд кўрмаган Амоний бу аёлдан қиз фарзанд кўради. Шундай қилиб, Амоний 1942 йил, баъзи маълумотга кўра 1946 йилда Андижонда вафот этади.²³¹

²³¹ Маҳмуд Ҳасаний. Амоний Аробоний ва унинг “Баёзи” ҳақида. // Амоний Арабоний. Баёхи маҳмуд ал-маҳбуб. – Т. : “Наврўз” нашриёти, 2015.- Б.4-8.

Мулла Ҳай Домла

Андижон вилояти Марҳаммат туманида умргузаронлик қилган, эл орасида Ҳай домла номи билан машҳур бўлган Абдулҳай Абдурайим ўғли ҳам Искандар халифанинг шогирдларидан бўлган. Бу ҳақда Абудусалом Умарали ўғли “Марҳамат уламолари” номли китобида шундай ёзади: “Мулла Ҳай домла 1875 йилларда ҳозирги Тожикистоннинг Қоратегин музофотида таваллуд топади. Бошланғич саводни ерлик уламолардан олиб, кейинчалик ўқишни Бухоро мадрасаларида давом эттиради. Илм излаб Ҳиндистоннинг Кашмир вилоятида бўлган Абдулҳай кўп илмларнинг соҳиби бўлади.

Юртидаги нотинчликлардан чўчиб, Марҳамат туманимизга келиб қолади ва ҳозирги Тожибоев жамоа хўжалигининг Роҳат қишлоғида кўним топади. Шу ерда уйланади ва уйли-жойли бўлади. Қатағон йиллари бошланиб бу ерларда ҳам нотинчликлар бошлангач, она юрти Қоратегинга кўчиб кетади. 1940 йилларда Марҳаматга қайтади ва умрининг охиригача шу ерда истиқомат қилади. Мулла Абдулҳай ниҳоятда илмли бўлган, аммо шўролар даврининг сиёсатидан чўчиб тузукроқ шогирдлар чиқара олмаган. Ҳаттоки, ўз фарзандларига ҳам илм бермаган. Балки бу билан фарзандлари келажагини ўйлагандир. Ўзи бир умр деҳқончилик билан ҳалол ҳаёт кечирган. Кўпроқ қовун етиштирган, қовун сайлларида илмий мунозаралар бўлиб турган. Бугунги кунда 72 ёшни қаршилаган ўғли Ҳамиджон Абдулҳай ўғлининг маълумотига кўра, бир гал қовун сайлида бир масала бўйича мулла Хонбўта домла билан қаттиқ тортишиб қолган. Ўз ҳақлигини исботлаш учун бир неча чақирим жойдан эшагида уйига келиб, китоб олиб борган ва тортишувда енгиб чиққан.

Бир гал устози Искандар халфани зиёрати учун йўлга чиқади, узоқ йўл юрганидан чарчаб ухлаб қолади. Тушида Искандар халфа унга мени зиёратим учун узоқ йўл юришингни кераги йўқ, уни ўрнига уйингдаги Маснавийни ўқиб юрсанг кифоя, деб ўғит беради. Бу ўғитга амал қилган Абдулхай бу китобни бир умр ўзи билан олиб юради. Ўтмишдаги боболаримиз балки шундай йўллар билан шогирдларига китоб ўқиш таълимини бергандир. Ҳамма диндорлар қатори у ҳам доимо таъқиб остида бўлган. Уйи тинтув қилиниб, ноёб китоблар қаторида жамики рўзгор анжомлари ҳам олиб қўйилган. Ўзи эса суд қилиниб ҳақлигидан аранг қамалмай қолган.

Шундай таъқиблар остида бўлишлигига қарамай, ҳеч қачон диндан йироқлашмаган. Бир умр тоат ибодатда ўтган. 1947 йили 72 ёшида боқий дунёга риҳлат қилган. Жасади шу қишлоқдаги Банни мазорга қўйилган”.

Мулла Тешабой Дамқўлий

Искандар халифанинг шогирди Мулла Тешабой Ортуқбой ўғли 1899 йилда Фарғона вилоятининг Фарғона тумани Дамқўл қишлоғида таваллуд топган. Ортуқбой Дамқўлнинг ўрта ҳол деҳқонларидан эди ва унинг Мулла Тешабой ва Мирзохўжа исмли икки ўғли бўлган. Онаси Ҳуринсо асли Каптархона қишлоғидандир.

Кейинчалик Мулла Тешабой уч марта ҳажга бориб келган. Аввал қишлоқлик Мадаминхожи исмли уламанинг Ҳуринсо исмли қизига уйланган. Яъни Мулла Тешабойни онасининг исми ҳам турмуш ўртоғининг исми ҳам бир хил Ҳуринсо эди.

Мулла Тешабой Искандар халифанинг истеъдодли шогирдларидан бўлиб, устози сингари Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”сидан шарҳ айтган. Бунга мисол

Искандар халифанинг ҳаётини сўнгги йилларида Мулла Тешабой фарзандларига суннат тўйи қилиб беради ва устози Искандар халифа ҳамда унинг барча муридларини ушбу маросимга таклиф қилади. Тўйда йиғилганларга Мулла Тешабой устози Искандар халифанинг айтилувига кўра Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”сини ўқиб шарҳлаб беради. Йиғилганлар орасида ўша даврнинг пешқадам уламолари ҳам иштирок этган ва улар Мулла Тешабойнинг устозига муносиб шогирд бўлиб етишганини эътироф қилганлар.

Орадан бир неча йил ўтиб қатағонлик сиёсати авжига чиққан вақтида Мулла Тешабой онаси билан Афғонистонга ўтиб кетиш учун Термизга келадилар. У бу ерда Амударёдан ўтказиб қўйиш учун бир қаййиқчи билан гаплашиб ўзлари билан олиб келишган “Зингер” тикув машинасини қаййиқчини қўндириш учун беради. У кечувдан олдин бир оз уйқуга кетади ва тушида пири Искандар халифани кўради. Пири унга “Мулла Тешабой сизни ризқингиз ўз юртингиздадир ортга қайтинг” дейди. Ушбу тушга амал қилган Мулла Тешабой онаси билан Дамқўлга қайтиб келади. Уни қайтиб келганидан хабар топган НКВД ходимлари давлат чегарасини бузиб ўтмоқчи бўлган душман сифатида қамоққа оладилар. Бинобарин ўша кезларда бундай айблов билан кўплаб шахсларни қамоққа олиш одатий бир ҳол бўлиб қолганди.

Масалан, Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Конизар маҳалласида 1937 йилда қатағон қилинганлардан бири Собиржон Саминов яшаб ўтган. Бу ҳақда унинг фарзанди Нўъмонжон Собиров қуйидагиларни ёзган эди:

“Отам Собиржон Саминов миришкор деҳқон бўлган. Аммо, шу оддий меҳнаткашнинг ҳаётини қатағон зарбаси остин-устун қилиб ташлаган.

Бунга сабаб шуки, у йигирманчи йилларда ҳаж зиёратини ният қилиб, йўлга чиққан. Лекин уни чегарадан ўтказишмаган. Ўттиз еттинчи йилга келиб, ана шу воқеани рўкач қилиб, ҳибсга олишган ва “халқ душмани”, деб айблашган, қатагон қилишган. Биз – тўрт гўдак–онамнинг этагида чирқираб қолганмиз. Ўша мустабид даврдаги очарчилик туфайли икки укам нобуд бўлишган...”²³².

Таъкид жоизки, XX аср 30-йилларида муҳожирликка маҳкум этилган ўзбеклар 1917-1925 йиллардаги ўзбек муҳожирларидан фарқ қилиб, улар совет ҳокимиятига қарши курашган сиёсий муҳожирлар эмасди. Аксинча, улар совет ҳокимияти йилларида ота-боболари юрти Ўзбекистонда ҳар қандай шартларга кўниб анча йиллар яшаган, ўз Ватанида мумкин қадар истиқомат қилиб қолишга ҳаракат қилган оддий меҳнаткаш аҳоли вакиллари, ўрта ҳол, ўзига тўқ бир қисми эса бой кишилар ҳамда руҳонийлар эди. Уларнинг муҳожирликка маҳкум этилиши билан 1930-йиллар охирига келиб ўзбек муҳожирлигининг тўлқинли даври ҳам тугайди.²³³

“Репрессия” китоби Мулла Тешабой тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилган:

“Мулла Тешабой Ортиқов – 1899 йилда туғилган. Фарғона туманидан. Собиқ қулоқ. 1930 йилга қадар имомлик билан шуғулланган. Ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. НКВДнинг Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 13721-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 14 ноябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга ва партиянинг тадбирларига қарши тарғибот олиб борганликда айланган”.²³⁴

²³² Собиров Н. Ҳажга бораман, деб... // Халқ хотираси олдида бош эгамиз: Хужжатлар, маърузалар, хотиралар, хатлар. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 68.

²³³ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йиллар). – Т.: “ABU MATBUOT KONSALT”, 2008. – Б.78.

²³⁴ Репрессия. 1937-1938 годы. Выпуск 4. Главная редакция ИПАК “Шарқ”. 2008. С. 50.

Айтишларича, Мулла Тешабой Россиянинг Ярослав областига меҳнатни ижро этиш колониясига сургун қилинган. Мулла Тешани Абдували (1926-2005) ва Муртазо (1929-2009) исми икки ўғли ва Анорхон исми қизи бўлган. Анорхон Аввал қишлоғидаги йигитга турмушга чиққан. У 1951 йилда бод касаллигидан бефарзанд вафот этган.

Мулла Абдували 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Узоқ йиллар Аввалдаги техникумда дарс берган. Хуринсо эри Мулла Тешабой қамалганидан сўнг орадан уч йил ўтиб 35 ёшида вафот этган. Унинг фарзандларини Мулла Тешабойнинг онаси Хуринсо ача қўлида тарбияланган.

Айтишларича. Мулла Тешабойнинг хонадонида чиллахонаси бўлиб, шу чиллахонада “Маснавий”ни мунтазам мутола қилган. Бир муддат тегирмончилик ҳам ҳам қилган.

Абу Мусо ал-Ашъарийдан (розияллоҳу анҳу) бундай ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Намоздан энг кўп савоб оладиган киши масжиддан энг олисда турадиган одамдир, чунки у кўп юриб, кўпроқ азият чекиб масжидга келади”, дедилар”.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг юқоридаги ҳадиси шарифлари хабар беряптики, кишининг уйи масжиддан қанча узоқ бўлса, унга бериладиган савоб ва мукофотлар даражаси шунча кўп бўлади. Зеро, у узоқ масофа босиб масжидга келгунича тўхтовсиз зикр-тасбеҳ айтади, Аллоҳга хуш келадиган амаллар билан банд бўлади. Шу туфайли масжидга келгунга қадар босган ҳар бир қадами учун ажр- мукофотга сазовор бўлади.

Айтишларича Мулла Теша устози Искандар халифа билан бирга бомдод намозини ўқиш учун ҳар кун эрталаб Дамқўл қишлоғидан бир неча чақирим узоқликда жойлашган Арсиф қишлоғига бориб келган.

Бу не билмам кеча-кундуз тинмайин айлар сафар

Ёрини ҳажрида тинмай йиғлайур ул чашми хўр.

Доим сени ғаминг билан ҳолим харобадур
Ҳар кимки ҳамдамим бўлиб зада шароридур.

Олий мақом Хизр соҳиби Искандарим
Жоним фидо бўлуб йўлида ҳайрон зойидур.

Ёруғ бўлди кўнгил чун анжуман ичра азизлардин
Агарда изласанг ишқу муҳаббат хўб азизлардин.

Искандар халифа ҳам мана шундай зот эдилар. Шу сабабдан Мулла Тешабой қамоқда эканлик вақтида андижонлик Муҳаммад Шоҳ Қосим исмли йигитга устозлик қилар экан пири муршиди Искандар халифа ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашган:

Эй Шайхзода Қосим ҳолим баён айлай,
Марғзори Фарғонада муршидим бор.

Шоҳимардон йўлларида пой тахтидур,
Ўш устида азизимдан мозорим бор.

Ҳожатбарор, Хожа Аҳрор валийлар,
Соҳибқирон олам ичра муршидим бор.

Остонида шоҳу гадо баробардур,
Шоҳи Қосим ҳиммат қилинг муршидим бор.

1943 йилда Муҳаммад Шоҳ Қосимни жазо муддати тугайди. Бироқ устози Мулла Тешани қамоқдан озод бўлишини кутиб яшайди. Бироқ устози қамоқда вафот этгач у ўзи ёлғиз Ватанига қайтиб келади.

Муҳаммад Шоҳ Қосим қамоқдан қайтгач устози Мулла Тешанинг васиятига кўра Тахтак қишлоғига бориб Искандар халифани қабрини обод қилган ва узоқ муддат шу ерда ҳаёт кечирган:

Заҳи шоҳи карамлик подшоҳи пешвоим бор,
Мурода мақсадимга тарбият айлгувчим бор.

Жами ҳожатларимни бергучи ул шаҳсуворим бор,
Муҳаббат йўлида кўрсатгучи одил паноҳим бор.

Ўзбекистон элинда ман зиёратгоҳ мазорим бор,
Ки номи поки зот Искандари пири азизим бор.

Тамоми тўра мулло аз хожа эрди хизматида,
Ҳамма бир ҳолатида ўзидин кетиб у суҳбатида.

Ўзбекистон элида мани зиёратгоҳ мазорим бор,
Ки номи зоти поки Искандари пири азизим бор.

Ундан аввал бир киши келиб “Мулла Теша вафот” этди, деб далил сифатида “Мана унинг дўпписи ” деб кўрсатган. Орадан бир неча йил ўтгач, яъни 1945 йилда Мулла Теша хонадонига Шоҳ Қосим келган. У устози Мулла Тешани қўлида сабоқ олганлигини сўзлаб берган. Аввалига унинг сўзларига ишонишмаган. Дамкўл қишлоғининг улуғларидан Мулла Ҳикмат “Бизга Мулла Тешабойнинг сифатларидан айтиб беринг” деб сўрайди. Шунда Муҳаммад Шоҳ Қосим “Мулла Теша баланд бўйли, юзларидан бир оз чўтири бор эди”, деб устозини шакли шамойилини батафсил таърифлаб берганидан сўнггина унинг сўзларига ишонишган. Шундан сўнг Муҳаммад Шоҳ Қосим Мулла Тешабойнинг икки ўғлига

уст-бош олиб берган ва бозордан қўй олиб келиб устозининг хотирасига бағишлаб эҳсонлар қилган.

Қамоқда Муҳаммад Шоҳ Қосим Мулла Тешани ўзига устоз деб билиб ундан шариат ва тариқат илмларини ўрганган. Шу сабабдан Мулла Теша насихатомуз шеърларида Муҳаммад Шоҳ Қосимни ўзига шогирд деб билиб “Шаҳзода Қосим”, “Абулқосим” номи билан тилга олган:

Мани аслимни сўрасанг шаҳри Искобил Абулқосим
Тамоми авлиёлар сўрасун ҳолинг Абулқосим.

Бу дунё ичра юрдим топмадим ҳамдам сўзим айтсам
Мадат қилсун чилтонлар юринг хушвақт Абулқосим.

Неча манзил тароҳил тай қилиб юрдим етушсам деб
Висолига етурсун иккимизни эй Абулқосим.

Илоҳо ҳеч кимни биз ғарибдек қилмагил ё Раб
Етайлик иккимиз байтул ҳарамга эй Абулқосим.

1945 йилда Мулла Тешабойни вафот этганлиги ҳақидаги хабардан сўнг орадан бир йил ўтиб онаси Хуринсо ача ҳам оламдан ўтган.²³⁵

Мулла Тешабой Шоҳ Қосимга қамоқда яширинча ўзи ёзган ирфоний шеърларини омонат сифатида топширган. Ушбу дафтар 17x21 см. 211 бетдан иборат. Дафтарнинг биринчи варағи “Кимёи харобот” деб ёзилган. Мазкур шеърларнинг умумий мазмун моҳияти ахлоқ-одоб ва маънавий-руҳий тарбия мавзуси бўлиб, кишиларни комил инсон мақомига етишларига хизмат қилувчи бебаҳо ўғитлардир. “Мажнун Теша” тахаллуси билан ижод қилган:

²³⁵ Дала тадқиқотлари. 2023 йил. Фарғона вилояти Фарғона тумани Дамқўл қишлоғида яшовчи Сафарали Тешабоевдан (1956 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Вақт ўткармай хизмат қилғил Шоҳ Қосим,
Муршидимни дуосини айдим мано.

Ҳаётингни ғанимат бил азиз дўстим,
Байтуллоҳга охиргин боргин айдим мано.


Мажнун Теша кеча-кундуз йўл кўрсатиб,
Шоҳ Қосим диққат қилинг айдим мано.

Мулла Теша Искандар халифага шогирд бўлган даврда Фарғона водийсида “Сўфий”, “девона”, “дарвеш”, “хароботий”, “қаландар”, “мажзуб” каби номлар остидаги бу каби кишилар умргузаронлик қилишган. Халқ орасида уларнинг “қилиқлари”»ни тушунган ва тушунмаган кишилар ҳам бўлган Аммо тушунганлар тушунмаганлардан кўп бўлган.

Ҳозиргача уларнинг кароматлари, ибратомуз ишларига доир турли хил ривоятлар сақланиб қолган. Аслини олганда халқимиз азалдан “Тангри ардоғидаги” шундай кишиларга айрича эҳтиромда бўлишган. Уларнинг назарини топиш, дуосини олиш ва қалбига йўл топишга ҳавасманд бўлишган. Ўз ўрнида уларнинг назаридан қолиш, қарғишига учрашни оғир фалокат ва хору зорликларга сабаб деб, билишган.

Аҳли суннат вал жамоат эътиқодида бўлган машҳур алломаларнинг китобларида ҳам бу билан боғлиқ кўплаб маълумотлар учрайди. Уларда қиёматгача ер юзида валий зотлар бўлиши айтилиб, уларнинг адад ва номларигача аниқ маълумотлар келтирилган.²³⁶

²³⁶ Абдурахмон ибн Камолиддин Жалолиддин Суютий. “Ад-дуррул мансур”. Дорул фикр. Байрут. 1993.1-ж,76-б.



*Туркистонлик дарвиш.
XX аср бошида олинган сурат.*

Мулла Теша ҳам ўзини харобот аҳлларидан деб билган.
Шу сабабдан шогирдига айнан шундай харобот аҳллари
танланган йўлда ҳаёт кечириши насиҳат қилган:

Муҳаммад Шоҳ Қосимжон харобот йўлини изланг,
Ҳақиқат даргоҳидин ҳар муроду мақсадинг изланг.

Муҳаббат аҳлини кўрсанг мисоли андалиб изланг,
Муножот айлабон эй Холиқи якто дебон изланг.

Дунёга келган борки, ўлмоғи ҳақдир. Тириклик бир лаҳза. Дунё муҳаббати ила сармаст кишилар баъзан бир-бирларига озор берадилар. Ҳаёт шодлиги қанчалар лаззатли бўлмасин унинг поёни андуҳдир. Шундай экан, эй инсон, ўткинчи умрга мағрурлик нега?! Ақли бор киши учун ҳар нафас ғанимат, ҳар қадами ибратдир. Қаро ер остида кимлар ётибди. У жойга бормайдиган жонзот борми ўзи? Қаро ер остида ётган киши учун ер устида нималар содир бўлаётгани, қайси фасл келиб, қайси кетаётганидан не суд. Ким ўтганлар ҳолини тушунади. Дўсту ёрларми ёки ўғил қизларми? Дунё шаробидан маст фарзандлар сендан қолган молу-мулк ташвиши билан банд бўлиб қоладилар. Сенинг ҳолингдан хабар олиш хотирларига да келмас. Ўлим ёш, мансаб танламайди. Жон олгувчи фаришта ҳеч ким билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Ўлим ҳақлигини била туриб ҳаётга, ҳашам ва бойликка ружу қўймоқ нақадар аянчли. Зеро, ўлим дунёнинг арзимаслигига аниқ далил эмасми? Ўлимдан кейинги сўроқлар, жаҳаннам даҳшати, сирот ваҳимасини ҳис этган одам қандай қилиб кулсин? ²³⁷

Ҳаким Ҳомид Лифофий шундай деган эди: “Кимки ўлимни кўп эсласа, уч нарсада улуғ бўлади: тавбани тез қилишда, ризқига қаноат қилишда, ибодатда ғайратли бўлишда. Энди кимки ўлимни эсдан чиқарса, уч нарсада орқада қолади: тавбасини орқага суради, кун кўришга етарли нарсага рози бўлмайди, ибодатларга ялқовлик қилади”.

Низо бар сари дунёи дун макун дарвеш,

²³⁷ Раҳматиллоҳ Носир. Соз билан суҳбат. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2015. - Б. 206-207.

На умри Хизр бимонад, на мулки Искандар.
[Паст дунё учун низо қилма, эй дарвиш,
На Хизр умри қолур, на Искандар мулки]²³⁸.

Ҳатто қабртошларда ҳам бунга кўп бор ишоралар қилинган. Масалан, ўзбек хони Кучкунжихоннинг (1530 йилда вафот этган) қабртоши битигларидаги қуйидаги байтни олайлик:

Искандар давлати ҳаётдан изсиз ўчиб кетди,
Ва Сулаймоннинг шоҳлик узуги дом-дараксиз йўқолди.²³⁹
Бу ҳақда Мулла Теша жумладан қуйидаги мисраларни битган:

Эй хароботи хотирини жам қил
Розини даргоҳ сари оғоз қил.

Икки кунлик умрингга қўйма бино
Қалбинг ичра айтур ё Раббано.

Шоҳ Қосим муршидим амрини қил
Тонгла маҳшарда сенга бўлур енгил.

2024 йилда изланишлар давомида Шоҳ Қосим тўғрисида айрим маълумотларни аниқлашга муяссар бўлдик.

2024 йилнинг 12 май куни иккинчи бор Искандар халифанинг мазорини зиёрат қилгани борган вақтимиз Бешбурхон масжидининг имоми Усмонали Отабековдан Шоҳ Қосим, яъни Абулқосим ҳақида сўраб кўрдик. Усмонали ҳожи бу борада қуйидагиларни сўзлаб берди,

²³⁸ Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги тарихи (хонлик тарихи – манбаларда). Том I. Тошкент, 2012. - Б.873.

²³⁹ Шайбонийлар қабртошларидаги битиклар. Нашрга тайёрловчилар: Б. Бобожонов, А.Мўминов, О. Пауль. Висбаден.: Доктор Людвиг Райхерт нашриёти. 1997. –Б.29.

“Абулқосим токи ўтган асрнинг 80-йилларига қадар Искандар халифа мазорида хизмат қилган. Қўли гул уста дурадгор эди. Электр-техникани ҳам яхши билган. Мазор олдига ўзи айлана қилиб қўрғон солди. Искандар халифа мазори гарчанд тепаликда жойлашган бўлса-да, ҳеч эринмасдан электр симини тортди. Сув чиқарди. Хуллас Искандар халифани мазорини обод қилди. Унинг ўтмишидан беҳабармиз. Чунки сира бу ҳақда сўз очмас эди. Айтишларича, асли Андижондан экан. Аввалда ўзига тўқ оиланинг фарзанди бўлиб, қўл остида тегирмон ва бошқа мол-мулкларга ҳам эгалик қилган. Ўзининг юртидан Турсуной исмли аёлга ҳам уйланиб аёлини ҳам Тахтакка олиб келган эди. Ҳатто бир ўғил ҳам кўрганди. Аммо ўғли болалик вақти ўлиб кетди. Кейинчалик аёли Абдусамад исмли бошқа бир кишига турмушга чиқиб кетди. Абулқосим 80-йилларнинг охирига қадар Искандар халифа мазорида хизмат қилиб турди. Қариб қолгач кейин юртига кетди. Қайтиб келмади”.²⁴⁰

Шайх Муҳаммад ибн Закариё ал Марғилоний ал Маданий ал Нақшбандий

Аллома Мансур Бухорий ўзининг “Ҳарамайиннинг Мовароуннаҳрлик муҳожир олимлари” номли китобида келтирилган маълумотга кўра, шайх ориф биллоҳ, валийуллоҳ зоҳидул вараъ Шайх Муҳаммад ибн Закариё ал Марғилоний ал Маданий ал Нақшбандий Марғилонга яқин Дамқўл қишлоғида 1328 нчи ҳижрий йили (милодий 1910 йил)да таваллуд топган. У ёшлигидан солиҳ бўлиб ўсди ва Марғилон мадрасаларида сабоқ олди ва талабалик

²⁴⁰ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Қирғизистон Республикаси Новқат райони Беш Бурхон қишлоғида истиқомат қилувчи Усмон ҳожи Атабековдан (1946 йилда туғилган) ёзиб олинди.

даврларидаёқ зеҳн ва қобилиятларининг кучли эканидан кўплаб талабалардан ўзиб кетган.

Шайх Муҳаммад Закариё дарсларга сира эринмай пиёда узоқ масофаларга йўл оларди. 20 ёшида Искандар халифага қўл бериб ислоннинг мағзи (уруғи) ва мусулмон инсоннинг қалб тубида яширинган унинг жавҳари ҳисобланмиш тасаввуф тариқатининг Нақшбандия сулукининг соликларидан бирига айланди. Зеро, аллома Рамазон Бутий айтганидек “Тасаввуфсиз инсон ёлғиз суратлар ва инсонлар бир-бирларини кўнглини топадиган кўриниш ва шиорларга (ўхшаб қолади). Бу мағзлар рағбат ва кўрқинчда кўзга ташланади. Чунки бу иккиси мусулмон қалбини бошқариб унинг Аллоҳга бўлган муҳаббати ва кўрқинчини (мустаҳкамлайди). Бас шунда унинг қалби адоват ҳамда нафрат ифлосликларидан ва дунё муҳаббатидан тоза бўлади. Бу билан унинг Аллоҳга бўлган мувоқабаси* ҳамда Унинг шариат ва аҳкомларини маҳкам тутиши ортади ва тақиқланган ишлардан четга чиқишдаги ҳамда вазифаларни бажаришдаги эҳтиёткорлиги ошиб боради”.

Муршиди Искандар халифа билан кечган суҳбатлари Муҳаммад Закариёдек садоқатли муриднинг ҳаётида энг унутилмас воқеаларга бой бўлди. Шу сабабдан кейинчалик Искандар халифа ҳақида аллома ўз китобларида илиқ хотираларини баён этган.

Мамлакатда қонхўр даҳрий коммунистлар давлат тепасига келган бир вақтда отаси Закариё оламдан ўтади ва уйда онаси Розияхон Ҳомид ҳожи қизи билан отасиз мунғайиб қоладилар. Юртда аҳвол танг бўлгач улар онаси иккиси ҳижрат қилишни қарор қиладилар. Чунки, собиқ совет ҳукумати ҳокимиятни қўлга олган даврдан бошлаб маҳаллий бойлар, дин уламолари, эшону саййид ва хўжаларга нисбатан аёвсиз курашни бошлаб юборган. Бу ҳолат кейинчалик

қатағонлик даврида дин вакиллари оммавий тарзда қатағон қилинишига олиб келди²⁴¹.



Шайх Муҳаммад Закариё

30-йилларнинг бошида Ўзбекистондан Афғонистонга чиқиб кетиб кейинчалик Туркияда истиқомат қилган Аҳмад Яссавий авлодларидан Шаҳобиддин Яссавий ўша нотинч давр тўғрисида бундай деган эди: “Келажакни олдиндан башорат қилиб ҳақиқатни айтган боболаримиз олдида уч йўл бор эди, бири ҳақ йўлида жонни қурбон қилиш, иккинчи, истибдодга кўниб тақдирга тан бериш, учинчиси, тарки дунё қилиб, ғариблик жандасини кийиб, ватандан бош олиб кетмак. Не

²⁴¹ Арапов Д.Ю., Косач Г.Г. Ислам и мусулмане по материалам восточного отдела ОГПУ. 1926 год. Нижний Новгород, 2007. С.3.

қилайликки, тақдир экан, бизларнинг оталаримиз учинчи йўлни танлаган”²⁴².

Дарҳақиқат 20-30 йиллардаги мустабид тузумнинг олиб борган қонхўрлик сиёсати натижасида юрт ва миллат манфаатини ҳар нарсадан юқори қўйган Ватаннинг содиқ ўғлонлари ҳаёти таҳликали кечди. Бу ҳақда Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Қайғисиз Отабоев 1922 йилнинг 18 июлида Тошкентда бўлиб ўтган ТуркМИКнинг 4- пленумида сўзлаган нутқида рўй-рост айтишга мажбур бўлган эди:

“Бизнинг “Йўқолсин эски дунё, йўқолсин буржуазия!” деган шиоримиз ҳаётга тахминан қуйидагича жорий этилди. Биз эски дунё деганда барча мачит ва мадрасаларни тушундик ва уларни бекитиб қўйдик; қози ва уламоларни ҳибсга олдик; диний хурофотга қарши курашимиз шундай ўз ифодасини топдики, Марғилонда Совет ҳокимиятининг вакиллари мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръонни ёқиб юборишди... Бизнинг отрядларимиз масжидларга ҳужум қилиб, намоз ўқиб ўтирган эшон ва уламолар устига бомбалар ташлашди...

Маҳаллий бойларни Оврупо буржуазияси қаторида ҳисобладик ва ҳибсга олиб, авахта қилдик, маълум миқдорда товон тўлаганларинигина чиқариб юбордик. Шунини ҳам таъкидлаб ўтишим лозимки, ўртоқ Ленинга қилинган суиқасд Фарғонада бою боёнларнинг қатағон қилинишига сабаб бўлди. Уларни биз: “Сиз аблаҳлар, Ленинга суиқасд қилдингиз!” – дея ҳибсга олдик. У ерда синфий кураш ана шу зайилда давом этди”²⁴³.

Совет ҳукуматининг зўравонлик сиёсатидан жабр кўрган ва муҳожирликка маҳкум этилган ўзбеклар иккинчи ватан сифатида аввало Шарқ мамлакатларини танладилар.

²⁴² Ҳайитов Ш.А., Собиров Н.С., Легай А.С. Хориждаги ўзбеклар. – Т.: “Фан”, 1992. 13-б.

²⁴³ Қайғисиз Отабоевнинг қайгулари // Ўзбегим. “Ватан” серияси. – Т., 1992. -Б.80.

Афғонистон, Хитой (Шарқий Туркистон), Эрон каби мамлакатлар муҳожир ўзбекларнинг илк яшаган давлатлари бўлиб, ер юзига улар ушбу ҳудудлардан тарқалганлар. Ўзбек диаспорасининг ушбу давлатларда вужудга келиши қуйидаги омиллар билан боғлиқ: улар чегарадош ва қўшни давлатлар бўлиб, туркийзабон халқлар билан қадим замонлардан буён иқтисодий, савдо-сотиқ, элчилик ҳамда маданий алоқаларда бўлишган. Афғонистон ва Шарқий Туркистонда яшаган халқлар ўзбеклар сингари асосан ислом динининг сунний мазҳабига эътиқод қиладилар. Ушбу халқларнинг миллий урф-одатлари ва анъаналари, табиий шароити бир-бирига яқиндир. Яна бир омил: Туркистон-Афғонистон, Туркистон-Хитой чегаралари узоқ масофаларга чўзилганлиги ва ўша пайтларда мазкур чегараларнинг бўш қўриқланганлигидир. Айниқса, туркман саҳролари ва Амударё соҳиллари бўйлаб чўзилиб кетган афғон чегарасини ўша даврларда қатъий назорат қилиш имкони йўқ эди.

Амударёнинг саёз, кечувга қулай ўзанлари ҳамда ҳимоя воситасини ўтай оладиган қалин тўқайзорларидан фойдаланиб ўн минглаб ўзбеклар қўшни Афғонистон давлати сарҳадларига ўтиб кетганлар, Демак, бу ўринда нафақат геосиёсий, қолаверса табиий омилни ҳам ҳисобга олиш керак. Афғонистоннинг шимолий ҳудудларида ўзбек ва туркманлар истиқомат қилиб келганлиги билан боғлиқ тарихий омилни ҳам қайд қилиш зарур. Юз минглаб туркманларнинг Эрон Хуросонига ўтиши кўп жиҳатдан тарихий омилга боғлиқ.

Муҳожир ўзбеклар асосан Шарқ мамлакатларида истиқомат қилишларига сабаб бўлган яна бир омил ушбу давлатлардаги ҳукуматларнинг уларга бўлган муносабати билан бир қадар боғлиқдир. Шарқона ахлоқ қоидаларидан келиб чиққан айрим ҳукумат раҳбарлари муҳожир ўзбекларга юмшоқроқ муносабатда бўлдилар.

Афғонистонда XX аср 20-йилларида бир қатор ўзбек муҳожирлари учун нафақалар белгиланган. Муҳожир ўзбекларнинг баъзилари сармоялари ҳисобига деҳқончилик қилиш учун ер, чорва молларини боқиш учун эса яйловларни сотиб олишган. Туркистон муҳожирлари қўшни афғонларга гилам тўқишни ўргатиб, Шимолий Афғонистонда қоракўлчиликни тараққий қилдиришда муҳим рол ўйнаганлар. Ҳатто Қундуз (Афғонистон) шаҳрида улар ўзларининг “Спинзар” (“Оқ олтин”) номли пахта етиштириш ва сотиш ишларини бажарадиган бирлашмаларига асос солганлар.

Афғонистон ва Шарқий Туркистонга ўтиб олиш учун ватандошларимиз озмунча машаққат чекишмаган.²⁴⁴

Ўттиз саккиз кунлик чақалоқлик пайтида ота-боболари юрти Марғилонни (Фарғона вилояти) тарк этган муҳожир Собир Сайхонли шундай хотиралайди: “Биз (муҳожирлар) ўн бир кун йўл юриб, минг машаққатлар билан туркман чўллари орқали Амударё соҳилига етиб келдик.

Уч кун давомида қўшни давлат: Афғонистонга ўтказиб қўйишга ваъда ган туркман йўлбошчиларини кутиб яшириниб ётдик, салкам ярим ой давомида азоб-уқубатлар билан Афғонистонга ўтиб олдик”.²⁴⁵

Шунингдек, АҚШлик муҳожир ўзбек Ғиёсиддин Насафий ва унинг оиласи 1931 йилда Касби қишлоғидан (Қашқадарё вилояти) чиқишиб, ўн етти кун йўл юриб Амударё соҳилларига етиб келишган. Уларни кўчманчи туркманлар катта миқдордаги пул тўлови эвазига Афғонистоннинг Андхўй шаҳрига ўтказиб қўйишган.²⁴⁶

²⁴⁴ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йиллар). – Т.: “ABU MATBUOT KONSALT”, 2008. – Б.94-95.

²⁴⁵ Собир Сайхонли. Адашганлар. – Т.: “Чўлпон”, 1995. –Б.47-49.

²⁴⁶ Абдулла М. Олтмиш йилдан сўнг. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 йил, 7 август.

Шайх Муҳаммад Закариёнинг онаси билан она юртини тарк этган давр айнан пиру устози Искандар халифанинг вафот этган даврига тўғри келади. Эҳтимол Искандар халифа шогирдини омон қолишини бирдан бир йўли уни юртдан ҳижрат қилишда деб билгандир.

Шайх Муҳаммад Закариёни муҳожирлик қисматини кўз олдимизга келтириш учун Саййид Мубашширхон Косонийнинг (1928-1995) қуйидаги ҳикоясини келтириб ўтмоқчимиз:

“Тоғам Саййид Аҳмадхон эшон волидаи муҳтарамлари ва онам билан мени етаклаб, Тожикистоннинг Кўлоб шаҳри ёнидаги Қаймоқчи қишлоғига келиб ўрнашди.


“Ўзингдан чиққан балога, қайга борай давога”, дейилгандек, бу ерда ўз ватандошларимиздан бири, минтақа ГПУсига чақиб, бизни ҳайдатдирди. Кўп машаққатлар билан қурбон шаҳид (Восе) деган жойга келиб ўрнашдик. Тоғам бечора бу жойдан Афғонистонга ўтиш учун йўл қидира бошлади. Бироқ, шу кунда, бахтга қарши, катта волидам бемор бўлиб, ётиб қолдилик ва ётганча бу ёруғ дунёни тарк этдилар. Аллоҳ таоло раҳмат қилсин. Омин!...

Раҳматлик дер эдиларки; “Жон бериш пайтида бошимда муборак “Ар-Раҳмон” сураси ўқилса ва булбуллар овози қулоғимга эшитилса, шунда жонимни ҳақ таолога топширсам!”. Айтганлари бўлди. Баҳорнинг илиқ кунларидан бирида саҳар чоғи тилакларини Аллоҳ таоло муяссар этди. Тоғам сура тиловатининг ўртасига етган пайтда булбуллар овози даричадан эшитила бошлади... .

Бошимизга кетма-кет кулфат тушди. Катта волидамнинг тоғалари Мўминхон тўра Маъсумхон тўра ўғиллари ҳам ўн уч кундан кейин шу жойда вафот этдилар. Қўлимиздаги бори - йўғимиз бу икки кишининг кўмиш маросими

сарфиётларига²⁴⁷ кетди. Афғонистонга ўтиш учун йўл кира қолмади. Сафаримиз орқага сурилиб кетди. Лекин қўл қовиштириб ўтирмадик. Тоғам Саййид Аҳмадхон ва онам колхозга ишга кирдилар. Ғўзанинг биринчи чопуғидан кейин бир оз иш ҳаққи берилди, Шу тариқа, йўл қийинчиқларига қарамай, Амударёдан кечиб, Афғонистон тупроғига қадам қўйдик.

Мана, бугунги ўқувчига яхши маълумки, Туркистон ўлкаси ўша даврда ҳур инсонлар, озод мусулмонларнинг бир жаҳаннами бўлиб қолган эди. Ҳар томонлама зулм ва истибдод остида ҳаёт кечира бошлаган халқнинг турмуш аҳволи бениҳоя оғирлашди.



Саййид Мубаширхон Косоний

Бир томондан диний маҳрумият, иккинчи тарафдан мамлакатда даҳшатли тус олган сунъий очарчилик туфайли одамлар азиз жонларини, бола-чақаларини сақлаб қолиш

²⁴⁷ Харажатлар

мақсадида тўп-тўп бўлиб юртларини тарк эта бошладилар. Миллат бошига тушган бу кулфатлар таърифини ёзишга қалам ҳам ожизлик қилади. Ва, ўйлайманки, бу даврдаги қора кунларни тарихчиларимиз ҳам кўп марта таҳлил этадилар, ўша замон нуқтаи-назаридан холисанлиллоҳ баҳо берадилар.

Хотираларим баёнидан чекинмаган ҳолда шуни ҳам билдиришим жоизки, муҳожират мавзуи тарихий тадқиқотларимда ёритилишидан ташқари бу борада алоҳида асар яратиш ниятим ҳам йўқ эмас.

Шундай қилиб, биз ҳам ҳамюртлар қатори муҳожирлик оламига қадам қўйдик.

1933 йили Дарқад гузаргоҳидан²⁴⁸ Афғонистонга ўтдик. Бизларни Амударёдан олиб ўтган сувчилар Дарқад ўрмонзорларида ўз хизмат ҳақларини олиб, гупсаларини боғлаб, яна дарёдан ўтиб кетдилар. Бизлар-эркак ва хотин, катта ва кичик, чамаси ўттиз беш киши эдик.

Шу пайт ўрмон ичида айланиб юрган тўрт нафар афғон аскарлари олдимизга келиб, бизларни бошлиқлари олдига олиб борди. Ҳазрати Бўстон деган жойда афғонларни қароргоҳи бўлиб, унда сарҳаддор (чегара бошлиғи) турар экан. Қароргоҳ майдонида аскарлар бизларни ўртага олиб қўршаб турдилар. Шунда сарҳаддор ҳужрасидан чиқиб, каттаю-кичикни бир-бир назардан ўтказди. Ҳаммани рўйхатга олгандан кейин “Нималарингиз бор” деб муҳожирларнинг хуржунларини титий бошлади. Тоғамни хуржунида қўлга илинадиган нарса биргина қалами тафсир “Баҳрул-муҳаббат” бор эди. У китобни қўлга олиб:

- Сен мулла кишига ўхшайсан, бу китоб менга ёдгорлик бўлсин!” дея ғалати бир қараш билан нариги ёқдаги девор остига ишорат қилди. Тоғам китоб учун ачинган бўлса ҳам, ҳеч

²⁴⁸ Чегара пункти

нима демай, онам билан мени эргаштириб, кўрсатган девор ёнига келиб ўлтирдик.

Мен бўлаётган воқеаларни узоқдан томоша қилиб ўлтирдим. Ҳалиги киши муҳожирларнинг бор-йўқ нарсаларини текшириб, хуржунлари ва тугунларини бирма-бир очиб кўрарди. Бизлар кечаси мана шу жойда қолдик.

Инсон доду фарёдининг умримда биринчи маротаба, мурғак қалбим билан эшитганим учунми, менга жуда ёмон таъсир қилди. Бу фарёд ҳали-ҳали қулоғим остида жаранглайди.

Воқеа бундай бўлган эди. Кечаси хориб-толиб ухлаб қолибман, бироқ тоғам ва онам, ҳужрадаги бошқа муҳожирлар ҳали ухлашмаган экан. Доду-фарёд, тапир-тупур товушлари шундай даҳшат бўлиб эшитилдики, беҳос қаттиқ чинқириб юборибман. Бундай даҳшатли чинқиришимдан ташқаридаги бир соқчи аскар келиб милтиғининг учини томоғимга тираб, “овозингни чиқарма!” дея мени кўрқитди. Тоғам билан онамга ҳам пўписа қилиб, деди:

- Боланинг овозини чиқарма! Ҳамма жим ётсин. Агар яна овоз эшитсам, унда ўзим биламан!”, - у сўкиниб ҳужрадан чиқиб кетди. Онам мени бағрига босганича бошидаги оқ чодари билан юзумни ёпиб юпатди. Мен жимиб қолдим. Кўрқув менга шундай таъсир қилган эдики, узоқдан бир аскар кўринса, ваҳшат билан кириб келган ҳалиги аскар қиёфасида кўз ўнгимда гавдаланаверар эди.

Хуллас, ёнимиздаги ҳужрадан таёқлаш ва қийноқлар азобига чидай олмаган бечора мазлумларнинг нолаю-фиғонлари эшитилиб турарди. Сўнгра тўсатдан нимадир бўлди-ю, овозлар пасайиб, бир оз ўтмай бутунлай жимлик ҳукм сурди. Ҳужраимиздаги эркаку аёллар енглари учини тишлаган ҳолда инграб, кўзларидан ёш оқарди. Мусулмонман деган бир миллатдан кутилмаган бундай зулму-

вахшатларнинг кўрилиши ҳаммани ҳайратда қолдирган эди. “Во мусибато, во ҳасрато!” деган сўзлар билан кечани тонгга уладик.

Мен бошимизга тушган бу фожиаларни бир оз улғайганимдан сўнг Саййид Аҳмадхон тоғамдан сўрадим. У кишининг сўзларига қараганда, ҳалиги азобланганлар биз билан бирга муҳожир бўлиб ўтган кўнғиротлик ака-ука ўзбеклар экан. Уларнинг онаси ва хотинлари ҳам бор эди. Буларни ман Қурбон шаҳидда кўрган эдим. Қўйлик ва молдор бойваччалар эди. Улар Афғонистонга ўтиш арафасида қўй ва молларини сотиб, икки хуржун тўла червон (руссия пули) билан дарёдан бирга ўтдилар.

Бу йигитлар сузишни яхши билганлари боис Амударёдан ўтишда ҳамроҳларига яхши хизмат қилдилар. Сарҳаддор²⁴⁹ бу йигитлар пулдорлигини билиб, уларни ярим кечада хужрадан олиб чиқиб, қийновга солган. Нима бўлган бўлса Парвардигорни ўзи билади. Эртаси куни улар орамизда йўқ эди. Кекса онаси хотинлари “Қани улар”, - деб сўраганларида сарҳаддор ғазабланиб, кампирни қопга бўғиб, таёқ билан урдурди. Бечора кампир таёқ зарбидан мажруҳ бўлиб қолди. Икки ёш келин, янги туғилган чақалоқларни бағрига босганча дод солиб йиғлар эди. Сарҳаддор деди:

- Мен билмайман, балки улар Имом Соҳиб²⁵⁰ шаҳрига кетгандир. Сизлар ўша ёққа боринглар! Сарҳаддор хотинларни бизнинг тўдадан айириб қўйди. Тоғам яна изох бериб шундай деган эдилар: “Бўлган иш Аллоҳ таолони Ўзига маълум, балки бу икки йигит таёқ зарби остида ҳалок бўлгандир. Чунки уларнинг ўринларидан туриб юришга мадорлари қолмаган эди. Эҳтимол, уларни ўлдириб, пулларини олиб, мурдаларини Амударёга оқизиб

²⁴⁹ Чегара ходими

²⁵⁰ Қундуз шаҳридан 75 км шимолда жойлашган шаҳар

юборишлари ҳам мумкин”. Бу ўринда хотин-қизларга зўрлик қилиш, иффат номусига тегиш, воқеаларини баён этишдан қалам ожизлик қилади”.²⁵¹

Амударёдан кечув вақтида Муҳаммад Закариё ва онасини чўкиб кетишиларига бир баҳия қолади..Шундай бир оғир вазиятда Аллоҳнинг лутфи инояти ва онасининг дуолари ижобат бўлмаганда ҳалокатга учраган бўлардилар.

Бу борада Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Аллоҳнинг қазойи қадарини дуодан бошқа нарса қайтара олмайди ва инсон умрини яхшилиқдан бошқа бирор нарса зиёда қилмайди”, – дея, марҳамат қилганлар.²⁵² Мазкур ҳадиснинг шарҳида киши умрининг узун бўлиши ва унга келаётган балоларнинг қайтишига кўпинча солиҳ кишиларнинг дуоси сабаб бўлиши келтирилган ва бу гўё келаётган ўқни қалқон тўсиб қолгани кабидир, дейдилар. Умуман, Аллоҳ таоло хоҳласа ўзи истаган кишиларнинг умрини узун қилиши мумкинлиги айтилган.²⁵³

Она-бола эсон-омон Афғонистон диёрига ўтиб олишгач Балх йўлида жойлашган Бейдуда номли қишлоққа келиб Саййид Сиддиқхон исмли кишини уйида бир муддат ҳаёт кечирадилар. Шу қишлоқда Муҳаммад Закариё масжидда муаззинлик қилиш баробарида Саййид Сиддиқхон фарзандларига дарс берада. Тирикчилик мақсадида мойчироқ сотиш билан ҳам шуғулланди ва аста-секин ҳажга бориш учун маблағ йиғади. Бейдуда қишлоғида 2,5 йил яшаб онаси билан бирга Карочи шаҳри орқали Жиддага борадиган кемага ўтирадилар. Шу зайдда улар Маккага етиб борадилар. Сафар чоғида онаси ниҳоятда толиқиб юра олмай қолади. Шу сабабдан Муҳаммад Закариё онасини елкасида кўтариб ҳаж

²⁵¹ Саййид Мубашшир Косоний. Бир умр дарбадар мулки жаҳон кезмоқдаман. – Т.: “HILOL-NASHR” нашриёти, 2021.-Б.19-22.

²⁵² Сунани Термизий, 8-жилд, 278 б; Сунани Ибн Можа,1-жилд, -Б.104.

²⁵³ Муҳаммад Абдурахмон ибн Абдурахим Ал-Муборакфурий. “Тухфатул Ахвазий шарҳи жомеъ-ут- Термизий. “Дорул кутуб ал-илмийя”Байрут. 6-жилд, 289-б; Ал-Муновий. “Файзул қодир шарҳи Жомеъ-ус-сағир” Миср, “Мактабат-ул-тижорийят-ул- кубро”.1356-х. 2-жилд, -Б.332.

амалларини адо этади. Ҳаждан сўнг Мадинаи мунавварага борадилар ва то умрининг сўнгига қадар шу шаҳарда қоладилар. Мадинада онасини ўн саккиз ёшида кўрган туши рўёбга чиқади. Розияхоним тушида ал-Бақиъ қабристонига дафн қилинган отаси Ҳомид хожи қабрини зиёрат қилган эди. Тушида унга ҳамроҳ бўлган икки фаришта ёнма-ён турган учта қабрга ишора қиладилар. Бу қабрларнинг бири отасиники, иккинчисини ўзиники, учинчиси фарзанди Муҳаммад Закариёни қабри эди. Орадан йиллар ўтиб унинг туши ҳақиқатга айланди.

Шу ўринда Мадинанинг фазилатлари хусусида айрим маълумотларни келтириб ўтсак.

Айтишларича, Шайх Аллома Абдулазиз Уйун Ассувд жуда солиҳ инсон бўлган. Тушида кўп бор Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрган. Мадинага борганида тушига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кирганлар ва "Сен менинг меҳмонимсан, ҳеч нима сарфлама" деганлар. Ҳақиқатда Мадинада неча кун юрган бўлсалар Аллоҳ ризқларини турли тарафлардан етказиб бир сўм сарфламай қайтиб кетганлар.²⁵⁴

Она-бола муҳожирлар Мадинада ҳаёт кечира бошлаганларидан сўнг кичик бир савдо дўкончасини очиб эски-туски буюмларни сотиш билан шуғулланадилар. Ўша вақтнинг ўзида у синган чинниларни ҳам ямаш билан шуғулланган. Сўнгра оқшом тушгач Мадинада улуғ уламоларнинг дарсларида мунтазам қатнашиб келган. Уларнинг Мадинадаги дастлабки ҳаёт даври қандай кечганлигини тасаввур қилиш учун Мубашширхон Косонийнинг қуйидаги хотираларини келтириб ўтмоқчимиз:

²⁵⁴ https://t.me/hayotiy_saboqlaar/10409

“1957 йили волидаи меҳрибоним қаттиқ касал бўлдилар. Тоиф шаҳридан 5 километр узоқликдаги шифохонага²⁵⁵ жойладим. Турли ташвишу-кулфат, аламларнинг ёғилиши мен каби мусофир беватан учун шароитни ниҳоятда оғирлаштирди. Онамни шифохонага ётқизиш билан бир қаторда иқома масаласида катта бир муаммога йўлиқдим. Ишдан бутанлай бўшашга тўғри келди. Ҳар куни шаҳар ташқарисидаги шифохонага пиёда бориб қайтишим, ишсиз демак, яшаш учун маблағсиз қолишим, дори-дармон, ижара ҳақи, ўзимнинг ҳаражатларим туфайли иқтисодий аҳволим танг бўлди. Уй анжомларини сота бошладим. У ҳам тугади. Охирида уйга тўшаб қўйилган чўғдек бир туркман гиламини сотдим. Пулига онам учун дори-дармон олдим, чўзилиб кетган ижара ҳақини тўладим, қолганини кундалик сарфиётларга ишлатдим.

Аҳволимиз оғирлашгани шундан ҳам кўринадики, волидам шифохонада ўз емагидан бир оз ажратиб, келишимга асраб қўярди. Ўшал таом билан тамаддим қилиб олардим. Онам бир пайтлар суви қочган нонларни офтобда қуритиб, бўз халтага солиб қўярдилар. Мен буни тушунмай дер эдим: “Она, ҳозир тузуккина тирикчилик ўтказаётган бўлсак, бу қаттиқ нонларни нима қиласиз? Эчкиси бор қўшниларга олиб чиқиб берайлик”. Волидам айтардилар: “Болам, сенга нима оғирлиги бор, бир кунимизга яраб қолар, ахир?” Қийинчиликлар нималигини яхши биладиган онамнинг бу ҳикматли сўзлари сира ёдимдан чиқмайди. Сўнгги ой ичи қийинчиликларим шундай ортдики, уйимдаги тикув машинасини сотмоқчи бўлдим. Бир уйғур киши топиб келганимда уйга ватандошим Мўминжон Андижоний кириб келди. Воқеани кўриб, ҳалиги харидорга:

²⁵⁵ Амир Мансур шифохонаси

- Бунинг тикув машинкаси олманг, хайр кўрмайсиз. Чунки қақшаб-қийналиб турган ҳолда сотмоқда,- деб уни чиқариб юборди. Кейин менга деди:

- Биродар, сабр қил!

- Чорам қолмади. Мажбурман. Кимдан сўрай? Онамни шифохонадан олиб келгач, янги сўйилган гўшт, мева-чева зарур, бозор-ўчар, бошқа харажатларга пул лозим, - дедим.

- Аллоҳ меҳрибон, бошқа бир иш ахтар, - деб чиқиб кетди.

Кўнглим бузилиб кетди. Ким билан маслаҳатлашиб, кимга дардимни айтай?! Ёлғиз яратгувчидан бўлак ҳеч бир мадакорим йўқлигидан унга ёлвориб, ҳожатларимни тиладим. Кучли чарчоқ елкамдан босиб келгач, ўрнимга чўзилиб ухлаб қолибман.

Эртасига барвақт шифохонага жўнадим. Онам ҳузурида воқеани сўзладим. Қийин аҳволимдан кўзларига ёш олиб, ҳақимга дуо қилдилар. Муолажа қилувчи дўхтирдан онамни яна бир ҳафта қолдиришимни илтимос қилдим. Дўхтир рози бўлди. Шу билан бир оз тинчланиб, бозор томон йўл олдим.

Инсон бу ёруғ дунёга келибдики, Аллоҳ таоло имтиҳонида эканки бошидан кечираётган ҳодисалардан билиб олиш мумкин. Мен ҳам шундай имтиҳонга учраганим воқеасини баён этмоқчиман.

Тоиф шаҳрининг қадим дарвозаларидан бири бўлмиш Боб Жадийд²⁵⁶ дан кириладиган кўчадан ўтиб борар эдим. У пайтларда одам анча сийрак эди. Ташвишли ҳолда минг бир хаёл билан кўчада борарканман, беихтиёр ерда ётган Саудийа олтин тангасига кўзим тушди. Ғайришуур²⁵⁷ ҳолатда унга интилиб ердан олдим, Худонинг бергани, деб суюнганча чўнтакка солдим. Ҳали йигирма қадам ҳам юрмагандимки,

²⁵⁶ маъноси - янги дарвоза.

²⁵⁷ Билмаган ҳолатда.

бир суданлик йигит икки қўли билан чўнтакларини тинтиб, кўзини ерга тикканча ёнимдан шошилиб ўтиб қолди. Унча кўп юрмай, яна орқасига қайтди. Унинг паришон ҳолатини кўриб ҳол-аҳвол сўрашим билан тешик чўнтагини кўрсатиб, йўлда олтин пули тушиб қолганини айтди. Мен ҳали топиб олган пул шу йигитникилигини тушуниб, олтин танагани унга узатдим. У суюниб кетганидан пешонамдан ўпиб, йўлига жўнади.

Яна жим-жит кўча бўйлаб юришда давом этиб, бозор томон бурилдим ва бир ҳамшаҳрим дўкончасига кириб, ўтирдим. Унга воқеани айтиб берсаммикан ёки йўқми, деган ўйда эдим. Бир оз фурсат ўтгач, ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг, бошимга тушган ташвишлару, ҳозиргина бўлиб ўтган воқеани ҳам сўзладим. У аҳволимдан таъсирланиб, дарҳол пул қарз бермоқчи бўлди. Мен рад этдим, бирор иш топилса қиламан, дедим. У бир таклифни айтди:

- Шу кунларда бозорда Аваз даллол кўринмайди. Эшитишимча, касалмиш. Агар сен истасанг, мендан ва бошқа тожирлардан мол олиб сотсанг, сармоясиз иш қилган бўласан.

Бу гап менга маъқул келди. Янги келган молларнинг намуналаридан олиб, раста айлангани чиқдик. Бошқа бир савдогар ҳамшаҳарим ҳам молларидан намуна берди. Бу икки савдогар оғиримни енгил қилди. Бир-икки кун ичида волидамни ҳам шифохонадан олиб чиқдим”.²⁵⁸

Ҳижрий 1369 (милодий 1949/50) йилда онаси вафот этганидан сўнг Шайх Муҳаммад Закариё Мадинанинг Бирҳа мавзесидаги уйининг бир хонасини зиёратчиларга ижрага берди. Ўзи умрининг охирига қадар зоҳидона ҳаёт кечирган.

Маълумки, уламолар илм-маърифат йўлида умрларининг ҳар бир дақиқа ва сониясини ҳам ғанимат билганлар. Улар учун илм-маърифат ҳосил қилмасдан ўткан вақтнинг ҳар бири

²⁵⁸ Саййид Мубашшир Косоний. Бир умр дарбадар мулки жаҳон кезмоқдаман. – Т.: “HILOL-NASHR” нашриёти, 2021.-Б. 77-79.

катта мусибат саналган. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: "Мен амалим кўпаймасдан, охиратга ишламасдан ўтказган куним учун афсусланганим каби бошқа бирор нарсага афсусланмайман", деганлар.

Ибн Ҳажар Асқалоний "Лисон ул-мизон"да айтишича Ибн Ақийл шундай деган: "Умримни бирор соатини зое қилиш мен учун ҳалол бўлмайди. Ҳатто қачон тилим музокара ё мунозарадан бўшаса, кўзларим мутолаадан чарчаса, дам олиб ётган ҳолимда ҳам фикримни ўз холига қўймадим. Қачон турсам, ёзганларим кўнглимга келарди. Саксон ёшимдаги илмга рағбатим йигирма ёшимдагидан кўра кучлироқ эканини ҳис этганман".²⁵⁹

Шунингдек, у зот вақтдан ютиш учун нон ўрнига увитилган толқон ер эканлар. Энг қизиғи, у зот ўзининг энг катта асари саккиз юз жилдлик (Имом Заҳабий дунёда бундан катта китоб ёзилмаган, деган) "Фунун" асаринининг бошида ҳам вақт ҳақида гўзал таъриф келтирган:

"Аммо баъд, вақт сарфланган, нафс машғул бўлган нарсаларнинг энг яхшиси бу жаҳолат зулматидан шариат нурига олиб чиқадиган илмни излашдир. Мен нафсимни машғул қилганим ва вақтимни сарфлаганим шу нарсадир. Мен доимо уламоларнинг сўзларидан, саҳифаларидан ва қалб илҳомларидан истифода қилганларимни ёзиб бордим. Бу ёзганларим уламоларнинг мажлисларида ва фозилларнинг суҳбатларида юзага келган нарсалардир. Буларни ёзишдан умидим менга ҳам фазллариининг бирор четига боғланишидир. Бу билан жаҳолатдан узоқ бўламан, шояд мен ҳам олдингилар эришган нарсаларнинг баъзисига эришсам".

Мазкур уламолар орасида овқат ейишга кетган вақтини қизганганлари ҳам бўлган. Абу Ҳилол Аскарӣ "Ал-ҳассу аъла талабил илм" номли китобида шундай деган: "Халил ибн

²⁵⁹ Ибн Ҳажар Асқалоний. Лисон ул-мизон. 2-ж, -Б.209.

Аҳмад Фароҳидий ал-Басрий кучли олимлардан эди. Юзинчи санада туғилиб, бир юз етмишинчи санада вафот этган. У шундай дер эди: "Мен учун энг оғир вақт таом ейдиган вақтимдир".

Заҳабий "Сияру аълумун-нубало"да Имом Бухорий ва Муслимларнинг шайхи, улуғ муҳаддис Убайд ибн Яъийшнинг таржимаи ҳолида гапириб, шундай дейди: "У ҳофиз, ягона ҳужжат, Абу Муҳаммад Убайд ибн Яъиш бўлиб 129 ҳижрий санада вафот этган. Аммор ибн Ражо айтади: "Убайд ибн Яъишни шундай деганини эшитганман: "Ўттиз йил кечалари қоим бўлдим, тунда қўлим билан овқат емадим, мен ҳадис ёзардим, синглим оғзимга овқат солиб қўярди".²⁶⁰

Қози Иёзнинг "Тартиб ул-мадорик" китобида моликий фақиҳ, муҳаддис Имом Муҳаммад ибн Сухнуннинг (202 ҳижрийда туғилиб 256 йилда вафот этган) таржимаи ҳолида қуйидагилар келтирилган: "Муҳаммад ибн Сухнунни Умми Мудом исмли чўриси бўлган. У бир куни унинг ҳузурида эканида у тун бўйи китоб ёзиш билан машғул бўлади. Кечки таом ҳозир бўлганида чўриси уни таомга таклиф этади. У: "Мен ҳозир бандман", дейди. Чўри узоқ кутиб қолгач таомни олиб келиб уни оғзига сола бошлайди. Шунда ҳам у тўхтамасдан ёзишда давом этади ва тонггача давом этади. Тонгда: "Сенга ҳам қарай олмадим, ниманг бор эди, энди олиб кел", дейди. У: "Аллоҳга қасамки, уни сизга едириб бўлдим", дейди.²⁶¹

²⁶⁰ Заҳабий. "Сияру аълумун-нубало" ...11-ж, -Б.459-

²⁶¹ Қози Иёз. "Тартиб ул-мадорик тақриб ул-масолик". 1-ж, -Б.284.



*Искандар халифанинг шогирди
Шайх Муҳаммад Закариё*

Табиб ва муаррих ибн Аби Усайбанинг "Уйунул анба фи табақотил атибба" номли китобида тафсир, усулул фикҳ ва калом илмлари олими Имом Фахриддин Розийнинг вақтини қизғангани ҳақида қуйидагича келтирилган: "Аллоҳга қасамки, овқатланиш вақтида илм билан машғул бўлолмай қолишдан афсусланаман, чунки ҳар бир вақт ва замон азиздир".²⁶²

Довуд Тоий вақтини тежаш учун нон бўлакларини ивитиб қўяр ва "Ивитилган нон бўлагини оғизга солиш билан нон ейиш ўртасида эллик оят ўқиш фарқи бор", дер эдилар.

Усмон Боқиллоний доим зикрда бўлгани учун: "Мен ифтор пайтида ейиш сабабли зикрдан тўхтаганим учун гўё жоним чиқиб кетаётганга ўхшар эдим," деб айтган.

²⁶² Ибн Аби Усайба. "Уйун ул-анба фи табақотил атибба". 1-ж, 309-б. "Ал-мактабатун шомил" элк. кутубхонаси.

Айтишларича Имом Нававий бир кеча кундузда фақат бир марта овқатланар эканлар. Хуфтондан кейин овқатланиб тонгда сув ичар эканлар. Мева ва бодринг истеъмолидан сақланган эканлар, буни сабабини сўралганида: "Бу нарсалар жисмимда сувни кўпайтириб, уйқу келтиришидан кўрқаман", деганлар.

Ҳижрий 676 йилда 45 ёшида вафот этган бу зоти шариф ёзиб қолдирган асарларини ҳаётларига тақсим қилишганда ҳар бири кунига ўша пайтдаги тўрт дафтардан тўғри келган.

Ибн Ҳажарнинг "Ад-дурарул коми́на" номли асарида усул, фикҳ, ва тафсир илмлари олими 674 ҳижрийда туғилиб 749 йилда Қоҳирада вафот этган аллома Шамсуддин Абу Сино Асбаҳонийнинг таржимаи ҳоли келтирилган бўлиб, у зотни вақтини тежашга ҳарислигидан кўп овқат ейишдан тийилгани айтилган. Бунинг сабабини у зот: "Бунда кўп вақт ҳожатхонада ўтишига тўғри келади" деб айтганлари келтирилган.²⁶³

Худди шу каби Шайх Муҳаммад Закариёни ҳам ўз вақтини қадрига етган, уни беҳуда сарф бўлишига йўл қўймаган.

Маълумки, тасаввуфда нафс тарбияси йўлида тавсия қилинган вазифалар қаторида уйқуни камайтириш ҳам кўрсатилган. Салафи солиҳларнинг деярли барчаси бу сифатдан улкан насиба олганлар. Улар кечаси жуда кам ухлашар эди. Саҳобалар, тобеъинлар, улардан кейинги барча авлодлар бу борада қўл етмас юксакликларга етишган. Бу борада мазҳаббошимиз Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ)ни ибрат сифатида кўрсатиш мумкин. У зот ўттиз йилгача хуфтонга қилган таҳоратлари билан бомдодни ўқиганлари машҳур.

Ибн Муоз Мисъар ибн Кадомдан ривоят қилиб айтади: "Абу Ҳанифанинг масжидига бордим. У тонг намозини ўқиб одамларга дарс айтиш учун ўтирди ва то пешингача дарс

²⁶³ Ибн Ҳажар Асқалоний. "Ад-дурарул коми́на фи аъйонил миатис сомина". 2-ж, 130-б.

айтди. Сўнгра асргача яна дарс айтди. Асрдан кейин шомгача, шомдан кейин хуфтонгача шундай бўлди. Ўзимча, бу одам шунча шуғул билан ибодатга қачон ортади, деб ўйладим ва бу кеча уни кузатаман, деб аҳд қилдим ва кузатдим. Кишилар масжиддан чиқиб кетишгач, у намозга турди ва тонггача намоз ўқиди. Тонгда уйига кириб, кийимларини кийиб яна масжидга чиқди. Кишилар билан тонг намозини ўқиди. Кейин яна дарс айтишга ўтирди, яна аввалгидек хуфтонгача дарс айтди. Мен, бу киши кеча толиқмаган эди, энди бу кеча ибодат қила олмаса керак, деб яна ўзимча уни кузатаман, дедим. Одамлар тинчиб масжидда ҳеч ким қолмаганида у яна ибодатга турди ва аввалгидек, тонггача ибодат қилди. Тонг отганида яна аввалги кунидек қилди. Хуфтонга борганида, бу киши аввалги икки кечада анчайин қувватлик эди, энди бу кеча ибодат қила олмаса керак, деб яна уни кузатмоқчи бўлдим. Лекин яна аввалги кечалари қилгани каби ибодат билан тонг оттирди. Шунда мен: "Бу зот вафот этгунича, ё мен ўзим вафот этгунимча ундан ажрамайман", деб аҳд қилдим". У ҳақиқатдан ҳам Абу Ҳанифага қаттиқ боғланганидан у зотнинг масжидларида сажда қилган ҳолида вафот этган экан.

"Табақотус сания"да Язид ибн Кумайтдан нақл қилинади: "Абу Ҳанифа Аллоҳдан кўрқувчи киши эди. Бир куни бизга Али ибн Ҳусайн намоз ўқиб берди ва "Иза зулзилат" сурасини тиловат қилди. Абу Ҳанифа орқада эди. Ўтириб тафаккур қилар эди. Мен уни безовта қилмай, деб қандилни қолдириб чиқиб кетдим. Унда озгина ёғ қолган эди. Тонгда масжидга келсам у ҳали ҳам тик турганича соқолини ушлаб, тафаккур қилганича: "Эй зарра яхшиликка яхшилик берувчи, зарра ёмонликка ёмонлик жазо берувчи Зот, Нўъмон бандангни дўзахдан ва унга яқин қиладиган нарсалардан сақла ва уни раҳматингга киргиз!", деб дуо қилаётган экан. Изн сўрадим, чунки қандил тугай деб қолган экан. У мени кўриб, қандилни

олмоқчимисиз, деди. Бомдодга азон айтгани келдим, дедим. Шунда, илтимос, кўрган нарсангни яшир, деди. Кейин бомдоднинг суннатини ўқиди, фарзини биз билан кечанинг аввалидаги таҳорати билан ўқиди".

Ибн Халликон "Вафаётул-аъйон"да келтиришича Довуд Тоий шундай деган: "Мен кечаси ухламай намоз ўқиб чиқадиган кишидан бошқа бирор кимсага ҳавас қилмайман, мен тунги ибодатдан насиба олишни хоҳлайман". Ҳолбуки, у зотнинг ўзи кечаси ухламас, уйқу ғолиб келса чўккалаб ўтириб олар экан.

Худди шунингдек Шайх Муҳаммад Закариё ҳам умрининг охирига қадар кечаси бедор бўлиб, ибодат билан машғул бўлган.

Одамлар уни ибодат вақтида йиғи овозини эшитганлар. Ҳар гал бомдод намозидан 2 соат олдин Масжиди Набавияга йўл оларди. Масжидда то намозга қадар Қуръонни хатм қилар, зикрда бўларди. Зикрларни ўқигач масжиднинг яшил қубасига қараб узун дуолар қиларди. Намоздан сўнг то қуёш кўтарилгунга қадар ўтирган жойида ўтириб яна дуолар билан машғул эди. Уйга келгач нонуштадан сўнг яна то пешин намозига қадар Қуръон каримни тиловати билан машғул бўлган. Пешиндан сўнг яна Қуръон тиловат қиларди. Тушлик таомини ҳар доим асрдан сўнг ёки шомдан сўнг меҳмонлар билан тановул қилишга одатланган эди.

Шайх Муҳаммад Закариё суннатга қаттиқ амал қилгани, набавий ахлоқ билан хулқланишга интилгани учун ҳам унинг ҳаёти замондошлари учун ибратга айланган эди. У ҳафтада бир марта Қуръони хатм қилган ва ҳар ҳафтанинг шанба куни Қубо масжидига ва ҳафтанинг чоршанба куни Уҳуд қабристонини зиёрат қилган. Душанба ва пайшанба кунлари рўза тутган. Шайх Муҳаммад Закариё истихора намозини кўп ўқирди. Жума кунлари бомдодни Равдо шарифда ўқирди ва

то жума намозини ўқигунга қадар шу жойда ўтирарди. Намоздан сўнг ал Бақиъ қабристонини зиёрат қиларди ва уйга келиб меҳмонларга таом улашарди.

Шайх Муҳаммад Закариё Мадинадан ташқарига камдан-кам чиқарди. У фақат ҳажга бориш учун Мадинани тарк этарди. Бир марта Шом уламоларини зиёрат қилиш 1370 ҳижрий йилида Мадинадан сафар қилган.

Шайх Муҳаммад Закариё онасининг вафотидан сўнг ҳар жума намозидан Қуръони хатм қилиб зиёратчиларга таом улашиб келди ва бу одат унинг вафотидан сўнг ҳам давом этиб келмоқда. Дастлаб унинг хатми Қуръонида ўн киши иштирок этган бўлса, кейинчалик 400-500 киши иштирок этган. Бир гал 700 киши ушбу хатми Қуръонда қатнашган ва Хатми Қуръон 55 йилдан ортиқ вақт давом этган. Ҳаётнинг сўнги йилларида туя гўштини сўйдириб камбағалларга эҳсон қилган.

Муҳаммад Закариёнинг устозлари: Шайх Иброҳим Хўтаний, Саййид Алавий Аббос ал Моликий, Шайх Муҳаммад Ҳасан Машод, Шайх Ҳасан аш Шоир, Шайх Умар Баррий, Шайх Зиёвуддин ал Қодирий, Шайх Муҳаммад Абдулбоқи Ал Ансорий Ал Лакнавий, Шайх Аҳмад Абду Дайим, Шайх Абулхайир ал Майдоний, Шайх Иброҳим Ал Ёилайний, Шайх Ҳомид Мирзо Фарғоний, Шайх Умар Ҳамдан ал Маҳразий.

Унинг зиёратига келган буюк олимлардан, Шайх Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда, Ал Ҳабиб Зейн бин Сумит, Ас Саййид Молик ас Сунусий, Шайх Иброҳим Халифа ал Ахсаий, Шайх Абдуллоҳ Сирожиддин, Шайх Абдулазиз, Шайх Мулла Рамазон Бутий, Шайх Муҳаммад Жунайид ал Какий, Шайх Исмоил Ҳасан ал Мусалий, Шайх Муҳаммад ал Ҳажжор, Шайх Маҳмуд афанди Истамбулий ал Нақшбандий, Шайх восфий ал Масдий, Шайх Абдулғаффор Дорубий, Шайх Муҳаммад Авваз Дамашқий, Шайх Умар Мулла Ҳафжи Ҳалабий, Шайх Муҳаммад авома ал Халабий, Шайх Қори Абдуллоҳ

Андижоний, Шайх Абдушукур Андижоний, Қори Афанди Хонтўра, Шайх Абдурахим маҳдум, Шайх Абдулқодир Марғилоний ва бошқалар.

Шайх Муҳаммад Закариё ҳам юксак фазилат соҳиби эди. Шу сабабдан Мадинага келган ҳожилар албатта Шайх Муҳаммад Закариёни зиёрат қилишга ошиқардилар ва унинг суҳбатини ғанимат деб билардилар.

Шу тариқа Искандар Халифа шогирдининг шуҳрати Мағрибу Машрикқа қадар етиб борди. Ислом оламида Муҳаммад Закариёни номи шундай машҳур бўлдики, Индонезия, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Сурия, Миср ва Марокашдан уни олдига олимлар суҳбатга келарди.

“Тухфат ус-соликин”да келтиришларича: “Толиб улуғ мақом ва мартабага фақат шайхлар суҳбати, улар билан бирга ўтириш, сўзларини тинглаб мулоҳаза қилиш, одобларини ўрганиш ва уларга хизмат қилиш билангина етади. Кимки уларга эҳтиром тариқида хизмат қилмаса, улар фойдасидан маҳрум қолади ва марҳамат назарларига эриша олмайди», дейилган.²⁶⁴ Қолаверса, улуғларнинг ўзи атрофларида турган кишилар аҳволига бепарво бўлмаганлар. Бунини амир Олимхоннинг машҳур табиби Мўминжон Ҳакимнинг қуйидаги сўзларидан билиб оламиз:

“Бир куни Марғилон Ҳожихона масжидига кириб таҳоратдан кейин масжид ичидан ўтадиган анҳорда қўлимни ювар эдим. Рўбарада масжид имомини ҳужраси бўлиб деразаси очиқ экан. Имом домла Вали қори ҳожи, Аълам домламни ошнаси Қуръонни Арабистондан ўрганиб келган жуда хуш овоз ўқурди, мени кўриб “Мўминжон, бу ёққа кел”, деди. Бориб ҳужрага кирсам “Тошкандан бир азиз зот келганлар, бу киши билан танишгин”, деди-да, ўзи масжид дарвозаси тарафига иш билан чиқди.

²⁶⁴ Муҳаммад Мунир Самнудий. «Тухфатус-соликин». Миср, «Маҳмудийя» матбаъаси, 1310/1889. 58-бет.

Мен хужрага кирсам олтмиш ёшлар чамаси новча бўйлик, қотма бир киши ўлтурур эди. Салом қилиб, кўрушиб бўлганимдан кейин “Ўлтуринг ўғлум”, деди. Менга бир тикилиб қараб қўйди. Бу вақтда Вали қори домла хужрага кириб келди. Меҳмон имомга қараб “Қори домла!”, деди. Имом “Лаббай тақсир”, деди. “Бу болани пешонасида келгусида улуг бўладиган аломат бор”, деди. Вали қори: “Тақсир, бу болани...” деб мени тахминан қисқача аҳволимни ва ўқушдаги муваффақиятларимни ҳикоя қилди. Ул киши хурсанд бўлиб ҳақимга дуо қилишдилар. Бир пиёла чой ичиб мен ишим борлиғини арз қилиб ижозат сўрадим. Шу вақт меҳмон “Ўқунг ўғлум, ўқунг” деди-да, бир байтни ўқуди:

Хунар беҳтар зи мулки Фаридун буд,

Балки беҳтар аз давлати Қорун буд.

Яъни илму хунар Фаридуннинг мулкидан ҳам балки Қоруннинг давлат – бойлигидан ҳам кўра яхшироқдир”.²⁶⁵

Шайх Муҳаммад Закариё келган меҳмонларга ўзи хизмат қилиб мезбонлик бурчини сидқидилдан адо этган. Унинг мажлисидаги бош мавзу илмнинг афзалиги, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в)нинг сийрати ва ислом тарихига доир кечган. Имом Бухорийнинг “Адабул муфрад”, Имом Термизийнинг “Шамоили набавия”, Шайх Абдуллоҳ Сирожиддиннинг “Пайғамбаримизга саловот” китоблари унинг уйидаги анжуманларда мунтазам ўқиб туриларди.

Шайх Муҳаммад Закариё қисқа сўзи билан кишилар қалбини ўзига мафтун этарди. Унинг суҳбатидан бир бора баҳраманд бўлганлар, ғоят таъсирланиб яна суҳбатига муштоқ бўлардилар. Муҳаммад Закариё ғоят камтар, тавозели одам охун эдики, биринчи суҳбатдаёқ буни ҳамсуҳбатлари тезда англаб олардилар. Аллома ўз тўғрисида мақтовларни сира

²⁶⁵ ЎзМДА. Фонд И – 2632.Рақам №1. Йиғма жилд 53. “М.А.Алиевнинг Афтобиографик очерки”. 30 -варақ.

хуш кўрмасди ва айтардиларки, “Мен улуғ авлиёларнинг оёғидаги тупроғичалик ҳам эмасман” дер эди. Ҳар сафар Пайғамбар (с.а.в) номлари зикр қилинганида одоб билан эгиларди ва ҳар гал бундай ҳолатида кўзлари ёшга тўларди.

Муҳаммад Закариё сўзларидан:

“Бу замон сукут сақлаш, уйда ўтириш, бориға қаноат қилиш ва Ўлмас Тирик Зотни зикр қилиш замонидир”.

“Биз аҳли каромат эмас балки аҳли ризоларданмиз”.

“Эй бойлар шунча қасрларни қуриб нима қиласизлар. Эртага сўнги манзилларингиз қабристон бўлади. Қабрларимиз бизнинг саройларимиз, маҳшаргача ётадиган жойимиздир”.

Шайх Муҳаммад Закариё ҳар доим таомдан сўнг айтардилар: “Таомларингизни Аллоҳнинг зикри билан эритинглар”. Аллома эшигига бир жумлани осиб қўйган эди: “Эшигим очуқдир модомики мен тирикдурман. Агар ўлсам сизлардан дуо ва истиғфор тилайман”.

У толиби илмларга катта эътибор бериб уларни тақдирлашни хуш кўрарди. Келган зиёратчилар ва мухлисларга насиҳат қилиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) суннатларига қаттиқ амал қилишга даъват этарди. Кофирларга тақлид қилмасликларига ундарди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳақидаги наъшидларни эшитса ғоят мутаъсир бўларди. Ёш болаларни кўп яхши кўрарди. Бошларини силаб, дўппи ва холваларни ҳадя қиларди.

Мадина аҳли, айниқса бухорийлар унга хизмат қилишга шошилардилар. Айниқса, Шайх Абдулаҳад Косоний, Шайх Абдулбоқи маҳдум, Шайх Нўмон Тошкандий, Қори Муҳаммадали Андижоний, Маданий Қорий, Шайх Мухрали Курдий, Шайх Ҳасан Дабағ ал Ҳамавий, Шайх Маҳруз бин Ладин, Шайх Муҳаммад Ҳусайн Абулъула, Шайх Абдулҳафиз ал Ҳамсий ал Маданий, Шайх Файсал ад Дурубий ал Ҳамсий,

Адана шаҳрининг муфтийси Шайх Ҳасан Расим ат Туркий, Шайх Исмоил аз Заим ал Ҳамавий, Шайх Сайид Али ал Ахсaiй, Шайх Абдулбосит Абдулҳаким ад Димишқий, Шайх Абулфароҷ ас Сароҳий, Шайх Сомий Аба Ориф ад Димишқий, Абу Радвон ал Ахмар, муншид Муҳаммад Маданий, Устоз Анас Буний, Устоз Амин Башир Карман, Инъомиддин ал Афғоний, Абдурахим ал Афғоний, Абдулфаттоҳ Муҳаммад ад Димишқий, Шайх Муҳаммад Аваоманинг ўғиллари Муҳаммад, Аҳмад, Абдуллоҳ ва Муҳиддин, Абдурахмон Ҳажжор ва бошқалар.

Шайх Муҳаммад Закариё уйланмасдан онасининг хизматида бўлиб, дунёдан ўтди. Бироқ умрининг охири дақиқаларига қадар дўстлари даврасида бахтли ҳаёт кечирди.

Алломанинг ҳаёти Аллоҳнинг тоати ва зикри ҳам одамларни яхши кўриши билан гўзал эди. Умрининг охиригача дўстлари ва мухлислари билан бирга кечди. Унинг охириги сўзлари Қуръони каримдан “Фажр” сурасининг 27 - ояти бўлди.

Искандар халифанинг сўнгги шогирди Шайх Муҳаммад Закариё рабиул аввал ойининг 1-кунида 1426 йил (милодий 2006 йил)да вафот этди. Ўша куни унинг жанозасига келганларни сони беҳисоб эди. У онасининг башорат айланган тушидагидек ал Бақиъ қабристонида дафн этилди.²⁶⁶

²⁶⁶ Бу ҳақда қаранг: Мансур Бухорий. Ҳарамайиннинг Мовароуннхрлик муҳожир олимлари. Тоиф. 1434/2013 й.

ИСКАНДАР ХАЛИФАГА БАҒИШЛАНГАН МАРСИЯЛАР

Марсиялар бирон-бир кишининг ўлими муносабати билан ёзилган ва унда инсон тирилигининг маъноси, ҳаётнинг моҳияти, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик хусусида жумладан, мамлакатдаги ижтимоий масалаларнинг ўша даврдаги ҳолати юзасидан мулоҳаза ва мушоҳадалар юритилади. Бинобарин, XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларидаги Туркистондаги диний-маърифий меросни ўрганишда диний уламолар вафотига бағишлаб ёзилган марсиялар ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.²⁶⁷

Ўлим – йўқотиш, айрилиқ муносабати билан халқ оғзаки ижодида йиғи, Шарқ ёзма адабиётида марсия, фироқия, ёднома, Ғарб адабиётида эса элигия, эпитафия сингари бир қатор лирика жанрлари мавжуд. Илмий адабиётлардан маълумки, марсия арабча риса сўзидан олинган бўлиб, йиғламоқ ва аза тутмоқ, қайғурмоқ маъноларини билдиради²⁶⁸.

Шеърый терминологияда эса вафот этган бирор шахс сифатларини таърифловчи, уни мақтовчи, унга бўлган шоир муносабатларни ифодаловчи, лирик қаҳрамоннинг қайғу ҳасратларини ифодаловчи асардир²⁶⁹. Марсияларда вафот этганларга абжад ҳисоби билан таърихлар берилган. Алишер Навоийнинг Абдурахмон Жомийга бағишлаб ёзган марсиялари, назм аҳлининг айтган таърихлари фикримизга далилдир²⁷⁰.

²⁶⁷ Абдулахатов Н. “Марсия” адабий-тарихий манбаларига оид айрим мулоҳазалар (XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида) // Meros. № 1/2020. –Б. 199-208.

²⁶⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. Иккинчи жилд. Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.547.

Раҳимжонов М. Марсия термини ва тавсифига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент. 2001. № 5. ²⁶⁹ -Б269.

²⁷⁰ Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тошкент.: “Фан”, 1974. -Б.141.

Маълумки, мусулмон оламида олимларнинг вафот этиши катта жудолик деб қаралган ва бу борада қатор қимматли фикрлар айтилган. Масалан, халифа Умар²⁷¹ (р.а.): “Кундузлари рўздор, кечалари бедор бўлган мингта обиднинг ўлими, ҳалол-ҳаромни ажрата олувчи биргина олимнинг ўлиmidан енгилдир” деган бўлса, ҳазрат Али²⁷² (к.в.): “Олим киши кечалари бедор, кундузлари бедор обиддан афзалдир. Олим вафот этса Ислomда бир дарз пайдо бўлади, уни фақат олимнинг ўринбосаригина ямай олади” деган фикрни келтирган²⁷³. Бу эса ҳар даврда олимларнинг ўлими туфайли илм аҳлининг бошига нақадар катта мусибат келганлигидан далолат берган²⁷⁴.

Бу ҳолатни биргина машҳур уламо, нақшбандия тариқатининг муршидларидан бири Искандар халифага атаб ёзилган марсиялар мисолида кўриш мумкин. Ушбу марсияларда Искандар халифа “Хуршиди тобон”, “Зулқарнайни сони”, “Қутби даврон”, “Орифи биллох”, “Қутби олам”, “Тавҳари ноёб”, “Ҳазрати Шоҳ”, “Раҳбари кул”, “Қутблар ақтоби” деб таърифланади.

Шундай марсиялардан бири Абдуллахон тўра Хўқандий томонидан пири комили Искандар халифага бағишланган марсиядир. Мазкур марсия Мулла Абдурахим кўлида сақланган бўлса керак. Чунки марсия охирида “Ушбу марсияи шариф Мулла Абдурахимхонникидир” деб ёзилган

²⁷¹ Умар ибн Хаттоб (тахм. 585–644; ҳукмронлик даври 634–644) – дастлабки чорёрлар деб аталган тўрт халифадан иккинчиси. Бу ҳақда қаранг: Ислom энциклопедия. – Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. –Б.489.

²⁷² Али ибн Абу Толиб (656–661; ҳукмронлик даври тахм. 600–661) – дастлабки чорёрлар деб аталган тўрт халифадан тўртинчиси. Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакиваччалари ва куёвлари. Бу ҳақда қаранг: Ислom энциклопедия. – Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. –Б.50.

²⁷³ Алимов У. Илмнинг фазилати. Тошкент. “Мовароуннаҳр”, 2010. - Б.64.

²⁷⁴ Набиева О. Марсия // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Том I. Москва, Наука – Восточная литература, 2006. С.259-260.

Марсия матни Абдужалил Абдукаримовнинг шахсий архивидан кўчириб олинди. Қуйида илк бор ушбу марсияни ўқувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда.

*Марсияи ҳазрати Абдуллоҳхон махсуми Хўқанди ба пири
комилашон Ҳазрати Эшонбобо Искандар халифа, ки соли
1933 тахминан дарсинни 84 солаги дар деҳаи Бешибурҳон аз
олам реҳлат карданд бахшида.*

Манул жале тожи Зулқарнайни фармонимдин айрилдим
Сипехр авранлиғ хуршиди тобонимдин айрилдим,
Амийрим подшоҳим хуршиди хону хоқонимдин айрилдим,
Скандарвор Фаридунфар жаҳонбонимдин айрилдим
Шакар лабли гавҳар йиллу дурахшонимдин айрилдим
Диёнат тахтида ҳозир Сулаймонимдин айрилдим
Ки Зулқарнайни сони қутби давронимдин айрилдим.

Худовандо манингдек зору ҳайрон ўлмасун ҳеч ким
Асири доғи ҳажру дарди хирмон ўлмасун ҳеч ким
Нигоридин қолиб маҳжуру хизлон ўлмасун ҳеч ким
Давосиз дард аро маҳруйим дармон ўлмасун ҳеч ким
Тамому кори бори оҳу армон ўлмасун ҳеч ким
Гадойи дарбадар хору паришон ўлмасун ҳеч ким
Ки Зулқарнайни сони қутби давронимдин айрилдим
Қаро кун тушди бошға моҳи тобонимдан айрилдим.

Адолат қутби олам орифи биллаҳ кетдилар
Шариат маснадидин ул шоҳи жам тоқ кетдилар
Тариқат маҳзанидин пури дили огоҳ кетдилар
Самоъи маърифатдин оҳ ким ул моҳ кетдилар
Ҳақиқат базмиға шаҳноз ила ул шоҳ кетдилар
Скандар оби ҳайвон Хизр ила ҳамроҳ кетдилар

Ки Зулқарнайни сони қутби давронимдин айрилдим
Қаро кун тушди бошға моҳи тобонимдан айрилдим.

Агар тошу ва гар фўлод бўлса бир назар бирлан
Эрур эрди ҳама сиймоб янглиғ бир назар бирлан
Неча мурғи ҳаво по баста бўлди бир назар бирлан
Ғадойи дарбадар вораста бўлди бир назар бирлан
Яна наво топди наво кўп бенаволар бир назар бирлан
Мақоми рост топти каж адолар бир назар бирлан
Ки Зулқарнайни сони қутби давронимдин айрилдим
Қаро кун тушди бошға моҳи тобонимдан айрилдим.

Ўшандоғ гавҳари ноёб қадрин билмадим ҳаргиз
Ҳамиша хоби ғафлат бистаридин турмадим ҳаргиз
Чунон зўри валоят урдилар тебранмадим ҳаргиз
Ки чандон таважжуҳ қилдилар сесканмадим ҳаргиз
Ҳама манзилға етди бир қадам урмадим ҳаргиз
Қайсари итларидек водариғо бўлмадим ҳаргиз
Ки Зулқарнайни сони қутби давронимдин айрилдим
Қаро кун тушди бошға моҳи тобонимдан айрилдим.

Бизиндек кўр диллар мажлисидиг эътироз айлаб
Хиромон бўлдингиз жаннат аро ҳам сарафроз айлаб
Суйунчи олди олди ризвон хурларидин эҳтироз айлаб
Йўлингизга малойик Жаброилни пешвоз айлаб
Навозиш айладилар хайра мақдам – деб ниёз айлаб
Муборак хоки пойинг осмонга эмди ноз айлаб
Ки Зулқарнайни сони қутби давронимдин айрилдим
Қаро кун тушди бошға моҳи тобонимдан айрилдим.

Дариғо жону жонон кетдилар ҳам нури иймонила
Бақосиз манзилни кўрсатгучи ҳодии давроним
Ўшандоғ пийрдин қолғон қурусун бу сабил жоним
Скандар даврида бир қатра тотмай оби ҳайвоним
Бу ҳасратдин жаҳонга сиғмагай оҳ ила армоним
Қуруб кетсун Худоё эмди айвон ила кайвоним
Ки Зулқарнайни сони қутби давронимдин айрилдим
Қаро кун тушди бошға моҳи тобонимдан айрилдим.

Пирим айтур эдилар эй қулум фарёд қилгайсен
Ки мандин айрулиб юз дод ила бедод қилгайсен
Ўшал дам маснавийнинг байтини ҳам ёд қилгайсен
На ҳосил гарчи юз ғам дафтарин иснод қилгайсен
Қаро кунлар тушуб байтул ҳазан бунёд қилгайсен
Фироқим бирла доим хотиринг ношод қилгайсен
Ки Зулқарнайни сони қутби давронимдин айрилдим
Қаро кун тушди бошға моҳи тобонимдан айрилдим.

Менингдек жаҳл элидин доимо озод эрдилар
Зиҳи нодон зиҳи нодон дебон безор эрдилар
Бўлуб дилсиёҳи аҳмоқ келмагай деб зор эрдилар
Муҳаббат аҳли борса гул била гулзор эрдилар
Агар завқи учун ҳар дам қизик бозор эрдилар
Имомим жоннишини Аҳмади мухтор эрдилар
Ки Зулқарнайни сони қутби давронимдин айрилдим
Қаро кун тушди бошға моҳи тобонимдан айрилдим.

Ўшандоғ пир қадрин билмаган расвоға минг лаънат
Ки ялғон лоф урғон ошиқи шайдоға минг лаънат
Иши ўтгон сўнгра ҳар дам оҳу вовайлоға минг лаънат
Бухори маърифатда ташнайи аъмоға минг лаънат
Ниторим сўнгра чиқгон ул гули раъноға минг лаънат

Маъниндек зоҳири одамна мохунсоға минг лаънат
Ки Зулқарнайни сони қутби давронимдин айрилдим
Қаро кун тушди бошға моҳи тобонимдан айрилдим.

Худоё хонадонин доимо обод қилгайсан
Аномиз бошлиғу пирзодаларни ёд қилгайсан
Ҳама аҳли ҳарамни сабр ила меътод қилгайсан
Савоби сабр бирла жумласин дилшод қилгайсан
Пиримнинг йўллариға барчасин иршод қилгайсан
Бу дунё кулфатидин ҳар замон озод қилгайсан
Ки Зулқарнайни сони қутби давронимдин айрилдим
Қаро кун тушди бошға моҳи тобонимдан айрилдим.

Эранлар бордию дарёи нсибатидин олуб қолди
Алар бахтига пирим ним нигоҳинг солиб қолди
Навозиш топти онла нағмаю нойиқ чалиб қолди
Мани гумроҳ шундоғ раҳнамодин айрилиб қолди
Оқарғон кўзим йўлларга доим термулиб қолди
Ки Зулқарнайни сони қутби давронимдин айрилдим
Қаро кун тушди бошға моҳи тобонимдан айрилдим.

Кел эй Гумном бас қил ҳасрату фарёди зорингни
Дариғо айладинг барбод ҳар на йўқу борини
Риё боди хазонига берубсан навбаҳорингни
Агарчи ёширибсан эл кўзидин айбу орингни
Худо зоҳир қилиб бўйиндаги кийну ниқорингни
Қўлиндин олди наррод қафо ширин нигорингни
Ки Зулқарнайни сони қутби давронимдин айрилдим
Қаро кун тушди бошға моҳи тобонимдан айрилдим.

Ушбу марсияи шарифни ҳар бир ножинсу нокасларга
кўрсатилмаса ва ҳам ушбу ножинсларни суҳбатида ўқулмаса

деб арз қилинур, чунки қадрига етмас. Марҳамати ҳазрати Махдум Хўқандий.

Искандар халифа ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий

Искандар халифа тўғрисидаги айрим маълумотлар 1928 йилда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номига юборилган хабарномада ҳам келтириб ўтилган. Ушбу хабар сариқ шилдироқ қоғозга қора қаламда араб ёзувида 1928 йилнинг 26 сентябр куни ёзилган бўлиб, ҳажми 22х35,6см. иборат:

Ҳамза Ҳакимзодага “Болта-Ўроқ” тахаллусли мухбирнинг хабарномаси

“Ахбор: Шоҳимардон роҳат жойки, борсам Майдон деган тефада бир жой бор экан. Турсам бақадин овоз чиқтиким: — Қелинг ўртоқ, тамошони кўринг! Қарасам бир малакун узун тасбеҳ, узун асо темирлик, бир газлик бир қамчи, икки тефалик ҳар тефада учтадан тефа бор. Масала кўп катта. -Пўш-пўш эшон хўқандий келдилар. Иккита сўфи икки ёнида қўлтуқбардор, яна орқасида бир одам бир кўрфача, бир наMAT. —Хўш, —деб турсам. бир жойга ўлтурмоқ, дарҳол кўрфача наMATни солди. Эшон ўлтурди. Мен сўрадим: — бир халифасидин- ким, бул киши қайси эшон деб, —Хўқанд ҳалабаққоллик-да. —Асолик ким, — десам, — Исфара билан Қонибодом ўртасидаги Заррақанд қишлоқлик халифалари, эшонни ислоҳотдан олиб қолган 20 таноб ўрукзорлари бор, қанча шопипоялари бор, шунга қарамай хизматда, — деди. — Хўб, — деб, турсам тўрт нафар одам пайдо бўлди, зиёрат қилар. —Ким, — десам, босмачилар экан. Сўх қишлоқдин келдилар таклифга, — деди Шунда, ҳайрон бўлуб туруб эрдим, бир халифаси келди, зиёрат қилди. — Ким, десам, —

Лоғон қишлоқдин икки нафар оч таклифга, — деди. Мен сўрадим, — ким қайси жойга борадурлар, — десам, Сўхкам борадурлар, — деб туруб эрдилар, яна бир Бозор қўрғон Андижон тобеидаги қишлоқдан келди. Бул киши ким, — десам — саркалари, — деб жавоб берди. Гаф нима, — десам, — муддат уч ой бўлди чиққонларига, ҳар қайси қишлоқда, эски Марғинонда, Қарокўл текди, аввал Акқўрғонда ҳоказо, эмди Водилда бўлуб келдук, хотунлари ҳам бирга, қаро кун қайси жойда бой бўлса, тунга тушадурлар. Хотунларида дафтар бор. Жамъ халифалар, муридлар дафтарида. Ушбу йилки, даромадлар ҳам бор, — деб жавоб этти. — Ирсиф (Арсиф — Н.А.) деган қишлоқда Искандар халифа деган эшон бор. Бу киши билан ваъдани бир жойга қўйдилар. — Хўқандга қайси вақтда борадурлар — десам, ойда, деб жавоб берди. — Ҳукумат хабардорму десам, — албатта текширттирмоқда бўлса керак деб, туруб эрдим, икки миниса бир-икки деққон ўроқ-болта, кетмон билан чиқиб, эшонни олиб тушуб кеттилар. Тушуб билсам алоқа билан экан. Бул жойга бошқа давлатлардан ҳам саёқат учун келмоқдалар. Назириддин ҳожи экан Бозорқўрғонлик халифани номи.

Ёзилди 15 сентябрда 28-нчи йилинда.

Қўшхонада гуноҳ йўқ, ҳар хил меҳмон келадур. Эмди ҳукумат қаради бу ерга. Дарҳол, тегишлик идорага тофшурмоқларини сўрайман”.²⁷⁵

Ушбу хабар пичинг-кесатиклар тарзида ёзилган бўлса-да, бироқ айрим муҳим маълумотларни ўзида жам этади. Бу аввало Искандар халифанинг Фарғона водийсининг машҳур тариқати намояндалари билан йилнинг маълум бир фаслида Шохимардон қишлоғидаги ҳазрат Али ибн Абу Толиб

²⁷⁵ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архивининг каталоги. Иккинчи том. — Т.: “Фан”, 1991.- Б. 405-406.

(к.в.)нинг мазорини зиёрат қилиб турганликларидан далолат беради.

Қолаверса 1924-1928 йиллар давомида Искандар халифа билан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг Аввал, Водил, Шоҳимардон қишлоқларида бир неча бор учрашиб суҳбат қуришганликлари ҳақида хотиралар сақланиб қолган.

“Суҳбат шариат, тариқат ва коинот мавзуларида бўлган”, деган эди шу суҳбатларни гувоҳи бўлган Мулла Ражаб охунд. Чунки Мулла Ражаб охунд Искандар халифанинг камолатга эришган шогирди бўлиб, устози уни бундай давраларда иштирок этишига изн берган. Шу сабабдан вақти-вақти билан у ҳам суҳбатга қўшилган ва ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён этган. Суҳбат мазмунли кечган. Шундан сўнг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Искандар халифа ва унинг шогирди Мулла Ражаб охунд учун паспорт олишда ёрдам берган экан.²⁷⁶

Дарҳақиқат Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаёти давомида шариат пешволари ва тариқат аҳллари хурмат қилиш баробарида чала муллалар ва сохта эшонларни фаолиятини қаттиқ қоралаган.


Бу ҳақда ёзувчи Набижон Боқий шундай деган эди: “Ҳамзахон 1911 йилда, яъни 23 ёшида исломнинг асосий арконларидан бири бўлмиш ҳаж амалини адо этиб қайтган асл мусулмон эди. Чўнтагида олтмиш сўм билан Яратганга таваккал қилиб муқаддас тупроқларни зиёрат қилиш учун отланган ҳожи эди. У бутунги айрим кишилардай гуноҳни қила-қила, бировларнинг ҳақини еб-еб, энди гуноҳимни ювиб келай деган чучмал тушунча билан борган ғофиллардан эмасди.

²⁷⁶ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Фарғона вилояти Қувсой шаҳрининг Валик қишлоғида истиқомат қилувчи Абдуллажон Қосимовдан (1938йилда туғилган) ёзиб олинди.

Ҳамза Шоҳимардонда хурофот аҳлининг думини туккани айнаи ҳақиқат ва унинг бу иши советлар даврида динга қарши курашчи сифатида талқин қилинган. Ифлос коммунистлар бу билан ҳам Ҳамзанинг, ҳам диндорларнинг шарафини булғайди, номига доғ туширишга эришади. Халқимиз жудаям содда, айниқса, диний тушунчаларда ўта ҳассос. Бундан ўша камномуслар унумли фойдаланган. Хотинбоз дейилганига келсак, унинг никоҳида хотини бўлган, аммо ҳозирги арбобча ва шоирчаларга ўхшаб ўйнаши бўлмаган. Динни ҳажв қилган бирор асарини кўрсатиб бера оласизми? Хурофот аҳлига қарши курашгани бор гап, аммо динга, асл диндорларга қарши эмас. У беш вақт намозини қанда қилмаган, исломий рукнларга қатъий риоя этадиган покдомон киши бўлган. Араб тилини, форс тилини мукаммал билган, энг қизиғи, отасига арабча, форсча мактублар ёзган. Бу отасининг ҳам саводли киши бўлганини тасдиқлайди”.

Искандар халифа нега айнан Шоҳимардондаги ҳазрат Али мазорини зиёрат қилган. Бу ҳақда “Ғолиб” тахаллуси билан ахлоқий ва диний мазмундаги кўплаб шеърлар ёзган тараққийпарвар олим, диний ва дунёвий илмларнинг етук билимдони Абдулазиз қори Болтабой ўғли (1899-1986) “Машъал” номли қўлёзмасида айнан Ҳазрати Али ва ул зотнинг Шоҳимардондаги зиёратгоҳи тўғрисида ёзилган бўлиб, муаллиф асарнинг муқаддимасида шундай дейди:

“Ман Абдул Азиз бин Болтабой бин Абдул Мажид Хожи раҳматуллоллоҳи алайҳ шу рисолаининг ёзишга бўлган сабаблардан баъзиларини ўқувчиларга билдириб қўймоқчиман.



Шоҳимардон зиёратгоҳининг умумий кўриниши. XX аср боши

Энг аввалги сабаб мани саййидларимизга бўлган чин ихлосим ва шул сабаб билан саййидларимиздан дуо умидворлигим. Шунга кўра саййидлармизни таърихларидан жуда ҳам қисқа бир маълумот бериб ўтишни ўрунлик деб топдим, чунки саййидларимиз ҳақларида кўб бўҳтонлар ва кўб ёлғон тухматлар тўқулди. Ҳозирги ёш авлоднинг бўлак манбаалардан хабарлари бўлмагани учун шу таърих деб аталмиш бўҳтонларга ишонадилар. Қолаберса ҳақиқий таърихлари ҳам бир мунча авҳомлар билан безатилганким бу авҳомларни ҳозиги одамларни ақллари олмайди. Буларнинг тор фикри доираларига сиғмайди ва натижада гуноҳкор бўлуб қалблари қорайиб баъзан куфрга кетиб қоладурлар. Ҳазрат Ғавсул Аъзам маноқибларида баъзи бир ҳолатлар борким унинг ҳозирги одамлар мутлақо ақлларига сиғдирилмайдилар, шуни натижасида гуноҳкор бўладилар. Шунинг учун ман бу рисолаининг ҳозирги одамларнинг ақли даражаларига кўра ёздим. Ҳазрат Ғавсул Аъзамнинг кароматлари ҳақида “Маноқиб Ғавсул Аъзам” номли китобда тўла бор, уларни такрорламадим”.

Ушбу қўлёзманинг “Ҳазрат Алий карамаллоҳи ваҳҳа ҳақларида баъзи ривоятлар” номли фаслида Ҳазрат Алининг ҳаёти тўғрисида сўз юритиш баробарида Шоҳимардон қишлоғида Ҳазрат Али номи билан боғлиқ мазорининг пайдо бўлишининг ўзига хос сабаблари ҳақида фикрларини баён этган.²⁷⁷

“Ҳазрат Алий розияллоҳу анҳу бин Абу Толиб етти ёшларида иймон келтирган гўдаклардан энг аввал иймон келтирган ҳазрат Алий розияллоҳу анҳу бўлганлар ва доимо Расулуллоҳ соллаллоҳи алайҳи васаллам тарбияларида юруб, Расулуллоҳнинг ҳамма ғазотларида иштирок этганлар. Ҳисоб илмига ниҳоятда моҳир бўлганларидан ҳамма халифалар ҳулофот даврларида байтул молни ҳисобини олиб борганлар. Кечаси ишлаганларида икки шамъи турар экан. Бири байтул мол пулига олинган, ва бири ўз пулларига олинган. Агар кечаси бирор одам келиб сўзлашмоқчи бўлса байтул мол шамъини ўчуруб ўз шамъиларини ёқиб сўзлашар эканлар. Тақволари шул даражада бўлган.

Энг хатарли жанглarda кўп бўлганлар. Яҳудийларнинг мустаҳкам қалъаси бўлган Хайбар қалъасини уч кунгача қамал қилиниб ҳеч ким ололмаганда Расулуллоҳ Ҳазрат Алий розияллоҳу анҳуга буюрганлар. Ҳазрат Алий розияллоҳу анҳу Хайбар қалъасини темир қопланган дарвозасини ости билан юлб олиб хандақ устига кўпрук қилиб берганлар. Шундан сўнгра Хайбар фатх қилинган. Ухуд жангида Расулуллоҳ “Зулфиқор” исмли ўз қиличларини Ҳазрат Алийга берганлар. Машҳур Зулфиқор шул қилич бўлган. Кейинча Миср подшоҳи пайғамбаримизга бир бош тез юрар оқ ҳачир юборган Расулуллоҳ шул ҳачирни ҳам Ҳазрат Алийга

²⁷⁷ Abdulakhatov N. U. Pilgrim tourism // Proceedings of the International Conference “Tourism and education: ways of their interaction and development”/ Samarkand, 2019.P. 248-250.

берганлар. Машхур Дулдул шул хачир бўлган. Ҳазрат Алий кўб жангларида шул Дулдулни минар эдилар. Ҳазрат Алийни кароматлари, олимликлари машхурдур. Жаноб Расулуллоҳ: “Ман илмни шаҳри ва Алий унинг дарвозаси” деб илтифот қилганлар. Ҳазрат Алийни “Шоҳимардон”, яъни “Мардлар шоҳи”, “Асадуллоҳ” яъни “Худони шеъри” лақаблари машхурдур.

Амир ал мўъминин Алий розияллоҳу анҳу ибн Абу Толиб бин Ҳошим бин Абдуманоф тўрт йилу тўққуз ой хулофот қилдилар. Абдурраҳмон ибн Мулҳим тарафидан шаҳид қилиндилар. Ҳазрат Алий карамаллоҳу ваҷҳанинг туслари қизилга мойил ўрта бўйлик, кўзлари катта ва қоринлари ҳам катта эди. Умр муборақлари шаҳид қилинган кунларида олтмишга тўлган эди. Тўққуз хотин олган эдилар. То Ҳазрат Биби Фотима розияллоҳу анҳо ҳаёт эканлар, хотин олмаган эдилар. Қабрлари Кўфада.

Таърих китобларида расмий урушда бўлган жанглари ёзилган. Ҳазрат Алий розияллоҳу анҳу кўброқ ёлғиз ўзлари ва гоҳида икки ўғиллари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн розияллоҳу анҳуларни бирга олиб кофирларни узоқ шаҳарларига бориб қалъаларини вайрон қилиб кўб ғанимат ўлжалар билан қайтар эдилар. Олиб келган ғаниматларини бир кунда фақир етимларга тақсим қилиб берар эдилар. Ўзларига бир дирҳам ҳам қолдирмас эдилар. Фақирликлари шул даражада эдиким, бир куни бир гадои тиланиб келганида бергани ҳеч нималари йўқлигидан ўчоқ олдида турган косовни эҳсон қилганлар. Вафотларида бир неча юз тилло қарз қолган. Фарзандлари шул қарзларини тўлаганлар.

Маълумки ҳар бир афсона манбаида бир ҳақиқат бўлади. Бобо Равшан ҳикоясида Ҳазрат Алийни дарёни тўсиб тўғон садд боғлаганлари ҳикоя қилинади. Ҳозирги Асвон тўғони (Мисрда) ўрнида эски тош тўғон бўлган бу тўғон халқ ичида

“Садди Алий” яъни “Алий Тўғони” деб ном олган. Ўшал тўғон ўрнига ҳозирги Асвон тўғони қурулган. Садди Алий Бобо Равшан хикоясидаги тўғон бўлган. Тожикистондаги дорбоз ўюни ҳақида ҳам шундай хикоя бор. Ўшал жойда ўтпарастилар қалъаси бўлган, буларни подшоҳи Қаҳқаҳа деган кофир бўлуб, мусулмон савдогарларини молларини олиб, ўзларини зиндонга солган. Шунда Ҳазрат Алий розияллоҳу анҳу икки ўғилларини ёнларига олиб ўйинчилар тақлидида Қаҳқаҳани қалъасига дор тикиб халқга тамошо кўрсатганлар. Тамошо натижасида Қаҳқаҳани ўлдириб қалъасини бузуб, кўб ғаниматлар билан Мадинага қайтганлар. Ўшанда ҳозирги Шоҳимардон (Ҳамзаобод) гача келиб қайтганлар. 1932-йилда машҳур шарқшунос Бартолд Қаҳқаҳа қалъасини вайроналарини ковлаб “Муҳаммадни куёви Алий вайрон қилган экан” деб ёзган эди. Ҳазрат Алий карамаллоҳи ваҳҳани таърихларда ёзилган ғазотлари ҳам кўб, буни инкор қилиб бўлмайди. Камина аҳли ҳоллардан бўлган бир олимдан сўраган эдим. Ул киши ҳам тасдиқладилар. Ўшал одамни маълумотларига кўра олти жойда Шоҳимардон қадамжойлари бор экан. Ҳазрат Алий руҳониятлари ҳар ерда бир ойдан турар эканлар. Марғилондаги Шоҳимардонда олти ой бўлар эканлар. Камина буни таҳқиқладим. Бу ерда гоҳо Шоҳ Қусам—Шоҳзинда билан бирга бўлар эканлар. Яна кўб тафсилотларни ёзмадим ҳозирги одамларни ақллари буни ололмайди...”²⁷⁸

Бу борада “Тарихи муллозода” китобида келтирилган қуйидаги фикрга эътибор берайлик: *“Кашф ва аён аҳлидан бўлган баъзи кишилар айтишича, агар [зиёрат қилувчи] кишилар бирор бир азиз ёки улуғ турбатига етишса ва ўша бузург шу жойда дафн этилган деб ишонч ҳосил қилса ва у ҳақиқатда бундай бўлмаса-да, ўша бузургнинг файзи ва мадади унинг камол тариқига*

²⁷⁸ Ғолиб Марғилоний. “Машғал” қўлёзмасидан.

нуқсонсиз етказади, чунки руҳлар оламидда яқинлик ва узоқ бўлиш тушунчаси йўқдир... [Хожа Порсо] юқорида айтилганларни маъқулладилар. Бас, қайси бир мазор бирор-бир улуг номи билан шуҳрат топган бўлиб, аслида бошқа шахс кўмилган бўлса [ҳам], зиёратчи уни муаззам ва мукаррам тутмоғи лозим, токи ул азиз руҳининг баракотидан баҳраманд бўлсин”²⁷⁹.

ҚАТАҒОН ЭТИЛГАН АРСИФЛИКЛАР

Айтишларича, 1937 йили шундай ҳазил оммалашганди: “Менинг уйим – менинг қўрғоним, аммо большевиклар забт этолмайдиган қўрғон йўқ”. Дарҳақиқат бундай қўрғон йўқ эди. НКВД ходимлари куннинг ҳар қандай лаҳзасида, ҳар қандай уйга қамоққа олиш ҳақидаги ордер билан ёки ордерсиз ҳам бостириб кириб, хонадон соҳибини олиб чиқиб кетаверарди²⁸⁰. Бу ҳолат ўша даврнинг қатъий қонуниятига айланиб қолган эди. Ўша машғум йилларда Арсиф қишлоғидан қанчадан-қанча зиёлилар, уламоларни шу йўсинда бирин-кетин тунда олиб кетишган ва қайтиб уларни ҳеч кўрмаган. Улар турли туҳматларнинг қурбонига айланганлар. Улардан айримларининг номи архив ҳужжатларида қайд этилган.

Тешабой Ҳамдамовга кўра қатағон йилларида Султон қори, Мулла Абдурахмон, Бурҳон қори Жалолов, Мулла Мақсуд Машарипов, мулло Абдуқодир, мулло Акрам, Мулла Тоҳир, Мулло Шокир сингари арсифлик уламо ва зиёлилар жонларини сақлаш учун бошқа ҳудудларга кетишга мажбур

²⁷⁹Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий “Муъин ал-фуқаро”. Тарихи муллозода (“Бухоро мазорлари зикри”). Сўзбоши, форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, Б.Аминов. - Т.: “Янги аср авлоди”, 2009–Б. 31-32.

²⁸⁰ Сарнов Б., Гик Е. Тўқилмаган ҳангомалар. – Т.: O'zbekiston, 2015.-Б.98.

бўладилар.²⁸¹ Баъзи арсифликлар эса турли сохта айбловлар билан жазога тортилган.

1.Маманабиев Мирзо Раим – 1872 йилда туғилган. Фарғона райони Арсиф қишлоғидан, йирик қулоқ. 1932 йилда давлат солиқ тўламаганликда айбланган ва судланган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. НКВДнинг Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 13629-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айланган.

2.Шарипов Халим – 1909 йилда туғилган. Фарғона райони Арсиф қишлоғидан. Савдогар. 1934 йилда зараркунандалиги учун 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Икки марта колхоз аъзолигидан ўчирилган. НКВДнинг Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 4115-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 27 майдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айланган.²⁸²

3. Давлатов Машарип – 1888 йилда туғилган. Фарғона райони Арсиф қишлоғидан, қулоққа тортилган. Босмачилар гумаштаси. Ҳибсга олингунга қадар пахта пунктида ўт ўчурувчи бўлган. НКВДнинг Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 136602-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 27 сентябрдан ҳисобланган. Пахта пункти ишчилари орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айланган.²⁸³

4. Маткаримов Усмон – 1878 йилда туғилган. Фарғона райони Арсиф қишлоғидан, қулоққа тортилган. Босмачилар

²⁸¹ Ҳамдамов Т. Арсиф – қадимий қишлоқ. Арсиф. 2011.

²⁸² Репрессия. 1937-1938 годы. Выпуск 3. Главная редакция ИПАК “Шарк”. 2007. С. 243.

²⁸³ Репрессия. 1937-1938 годы. Выпуск 3. Главная редакция ИПАК “Шарк”. 2007. С. 244.

гумаштаси. Ҳибсга олинган вақтда аниқ колхоз аъзоси. НКВДнинг Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 13634-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айланган.²⁸⁴

5. Тошев Мирзаназар - 1900 йили туғилган. Фарғона райони Арсив (Арсиф-Н.А.) қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, Ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксил инқилобий ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 5399-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган.²⁸⁵


ИСМОИЛ АРСИФ

2024 йилнинг 30 август куни хонадонимизда меҳмон бўлиб турган туркиялик ватандошимиз, ёзувчи Чигатой Кучар ва унинг аёли Севги хоним ҳамда таниқли адиб Набижон Боқий билан Фарғона туманининг Водил қишлоғига йўл олдик. Чигатой Кучарнинг Фарғонага ташрифидан мақсади келгусида суратга олиши режалаштирилган истиқлолчилик ҳаракатининг намоёндалари, аввалда “босмачилар” деб аталган қўрбошилар ҳақидаги ҳужжатли фильм учун материаллар тўплаш эди. Водилдан қайтишимиз

²⁸⁴ Репрессия. 1937-1938 годы. Выпуск 4. Главная редакция ИПАК “Шарк”. 2008. С. 48-49.

²⁸⁵ Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август-5 ноябр). Иккинчи китоб. – Т.: Шарк, 2007. –Б.222.

чоғида мен Арсиф деб аталувчи қадимий маскан ҳақидаги китобимни нашриётга чоп эттириш учун топширганлигимни айтдим.



Исмоил Арсиф.

Шу сабабдан Арсифда бир неча дақиқалик ишим борлиги тўғрисида меҳмонларни воқиф этдим. Арсиф номини эшитган Чигатой Кучар жаноблари “Бизни Аданада Исмоил Арсиф яшаб ўтган”, деб мени таажжубга солди. Мен унга “балки у бошқача ном билан яшаб ўтгандир”, дедим. Аммо Чигатой Кучар “Исмоил ота Арсифдан бўлган. Шу сабабдан фамилиясига ҳам Арсиф номини қўшдириб ёздирган”, деди. Уйга келгач туркиялик меҳмонларимиз Аданадаги Исмоил Арсифнинг фарзандларини телефон номерини излай бошлашди.

Маълум бўлишича, Исмоил Арсифнинг қизи Вожидахоним меҳмонимиз Севги хонимга жуда яқин таниш экан. Шу боис телефонда иккиси узоқ гаплашдилар. Суҳбат давомида Севги хоним Арсифга кириб ўтганлигимизни Вожидахонимга айтди. Вожидахоним бу хабарни эшитиб, отаси Исмоилжон чиндан ҳам Арсифдан эканлигини ва ҳозирда Арсифда қариндошлари истиқомат қилишларини маълум қилиб, улардан бири Асқарали Тожинуриддин ўғлининг телефон рақамларини берди. Ўзи эса отаси Исмоил Арсиф билан боғлиқ фотосуратларни юборди.

Исмоил Арсиф ҳақидаги эшитганларимиз жуда қизиқ ва Арсиф тарихи учун муҳим бир янгилик эди. Шу жиҳатларни эътиборга олиб “Қадим Арсиф” китобимизга Арсифдан жуда олисда ватан соғинчи билан яшаб, фамилиясига айнан Арсиф номини ёздирган инсон ҳақида айрим маълумотларни киритиб ўтишни маъқул кўрдик. Изланишларимиз давомида Исмоил Арсиф тўғрисида қуйидагилар аниқланди.

Арсифлик деҳқон Мирзожон тўрт нафар фарзанд кўрган:


Тожинуриддин (1903-1958)

Исмоилжон. (1908-1980)

Иброҳимжон.(1901-1994)

Ҳожархон (1882-1962)

Асқарали Тожинуриддин ўғлининг сўзларига қараганда Мирзожоннинг уч ўғлидан бири Исмоилжон ўтган асрнинг 30-йилларида Ҳаж зиёрати учун кетиб уйга қайтиб келмаган.



Исмоил Арсиф

Тарихдан маълумки, юртдаги нотинчликни юзага келтирган шўро ҳукуматининг зўравонлик сиёсатидан норози бўлган ватандошларимизнинг айримлари мажбуран муҳожирлик йўлини танлашга мажбур бўлганлар. Демак, Исмоил Арсифнинг ҳам ғариблик жандасини кийиб, ватандан бош олиб кетишининг асосий сабабларидан бири мамлакатдаги нотинчликни келтириб чиқарган шўро ҳукуматининг даҳрийлик сиёсатидир. Бинобарин, 30-йилларнинг бошида Ўзбекистондан худди Исмоил Арсифдек Афғонистонга чиқиб кетиб, кейинчалик Туркияда истиқомат

қилган Аҳмад Яссавий авлодларидан Шаҳобиддин Яссавий ўша нотинч давр тўғрисида бундай деган эди:

“Келажакни олдиндан башорат қилиб ҳақиқатни айтган боболаримиз олдида уч йўл бор эди, бири ҳақ йўлида жонни қурбон қилиш, иккинчиси, истибдодга кўниб тақдирга тан бериш, учинчиси, тарки дунё қилиб, ғариблик жандасини кийиб, ватандан бош олиб кетмак. Не қилайликки, тақдир экан, бизларнинг оталаримиз учинчи йўлни танлаган”²⁸⁶.

Донишмандлардан бири “Ҳар бир одам – бир олам. Бу олам у билан туғилади ва ўлади. Ҳар бир қабрда бутун бир дунё тарихи ётибди”, деган эди. Аслини олганда Исмоил Арсифнинг ҳаёти мисолида ўз ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлган юртдошимизнинг тарихи акс этган.


Муҳожир ватандошимиз Абдулҳамид Кучарнинг (1908-2008) келтирган маълумотларига кўра, Иккинчи жаҳон уруши вақтида Исмоил Арсиф Афғонистондаги Туркия элчихонасида хизмат қилган. Шу сабабдан Афғонистондаги Туркистон муҳожирлари билан Туркия ҳукумати ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда ва келгусида уларни Туркияга кўчиб ўтишлари йўлида кўп саъйи ҳаракатлар қилганлардан биридир. Исмоил Арсиф Шермуҳаммад қўрбошининг яқин кишиларидан бўлганлиги боис элчихонага Шермуҳаммадбек томонидан ёзилган хатларни ўзи олиб бориб топширар ва элчининг хатини ҳам Шермуҳаммадбек қўлига ўзи олиб келиб топширар эди.²⁸⁷

Ушбу маълумотлардан кўринадики, ўтган асрнинг 30-йилларида Исмоил Арсифнинг Она Ватанини тарк этишининг сабабларидан бири уни истиқдолчилик ҳаракатида иштирок этганлиги сабаб бўлган кўринади. Акс

²⁸⁶ Ҳайитов Ш.А., Собиров Н.С., Легай А.С. Хориждаги ўзбеклар. – Т.: “Фан”, 1992. - Б.13.

²⁸⁷ Abdulhamit Kocar. Esarettten Hurriyete. Bir Turkistanlinin Hatiralari. Turkiye. TARIX VE KURAM YAYINLARI. 2024. – Б. 101.

ҳолда уни Афғонистонда Шермуҳаммадбек билан муносабатлари бу қадар яқин бўлмас эди. Қолаверса, Исмоилжон қўқонлик қўрбоши Муҳаммадаминнинг қизига уйланганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, алпқомат баҳодир Исмоил Арсиф жанглarda қўрсатган жасорати туфайли қўрбоши Муҳаммадаминнинг ҳам назарига тушган кўринади.



**Қўқонлик қўрбоши Муҳаммадамин Исмоил
Арсифнинг қайинотаси.**

Исмоил Арсифнинг турмуш ўртоғи Ўлмасхонга (1934-2002) билан ҳаёти асосан Туркиянинг Адана шаҳрида ўтган. Улар уч нафар фарзанд кўришган. У фарзандларига опаси Ҳожархонни ва акаси Иброҳимнинг исмини қўйган эди

1. Ҳожархон (1951 йилда туғилган).
2. Вожидахон (1960 йилда туғилган).
3. Иброҳим (1967 йилда туғилган).

1980 йилнинг 28 сентябр куни Туркиянинг Адана шаҳрида туркистонлик муҳожирлардан бири Исмоил Арсиф вафот этган.



Исмоил Арсиф аёли Ўлмасхон ва қизи Хожархон билан.

Исмоил Арсифни Туркиянинг Адана шаҳрида ташкил этилган ансамблда дутор чалганлигини акс эттирган фотосуратлар сақланиб қолган. Одатда, кундалик ҳаётда инсон қулоғига чалинадиган товушлар чор-атрофида юз бераётган воқеалардан огоҳ этади. Дейлик, дарахтлар шовиллаши шамол эсаётганидан, томчилар овози ёмғир ёғаётганидан далолатдир. Мусиқа эса бутунлай бошқа бир дунё. Унда ёмғир шивири, сувнинг шовиллаши ҳам куй ёрдамида акс эттирилиши мумкин. Исмоил Арсиф юрт

соғинчини, айрилиқ азобини айнан куйга солган. Зеро, Исмоил Арсиф маърифатга ошиқ, мумтоз куйларни яхши билган созанда ҳам эди. Умрининг охиригача муסיқа унга руҳий мадад бўлиб хизмат қилди.²⁸⁸

Асқарали Тожинуриддин ўғлининг сўзларига қараганда 1971 йилда Қўқон шаҳридан Туркияга бориб келган бир одам Арсиф қишлоғига келган ва у ўзи билан Исмоил Арсифдан қариндошларига мактуб олиб келган. Шу тарзда арсифликлар Исмоилжоннинг тирик эканлигидан хабар топганлар. Улар Исмоилжон билан яқиндан алоқа боғлашга уринганлар.



Исмоил Арсиф биринчи қатор, чапдан иккинчи.

Бироқ собиқ СССРдаги шарт-шароит бунга йўл қўймаган. Орадан йиллар ўтиб 2007 йилда арсифлик қариндошлардан бири Туркияга қилган сафари чоғида мактубда кўрсатилган Исмоил Арсифнинг манзилини излаб топади ва қариндошлар ўртасида алоқалар тикланади. Натижада 2018 йилда Исмоил Арсифнинг қизи Вожидахон ҳамда ўғли Иброҳимжон отаси таваллуд топган Арсифни зиёрат қилдилар. Орадан бир йил

²⁸⁸ Абдулаҳатов Н. Исмоил Арсиф ким эди, биласизми?. // “Янги Фарғона”. 2024 йил. 11 сентябр. № 70 (187)

ўтиб, 2019 йилда Исмоил Арсифнинг тўнғич қизи Ҳожархон турмуш ўртоғи билан ҳамда Вожидахон ҳамроҳлигида Арсифга ташриф буюрдилар.²⁸⁹



Исмоил Арсифнинг қизи Вожидахоним амакисининг ўғли Асқарали Тожинуриддинов билан.

Исмоил Арсиф ҳақидаги мухтасар ҳикоямизни якунлар эканмиз у сингари ҳижратда вафот этган Бухоро амири Саид Муҳаммад Олимхоннинг қабр тошига битилган қуйидаги мисралар ёдимизга тушди:

²⁸⁹ Дала тадқиқотлари. 2024 йил. Фарғона вилояти Қувасой шаҳар Арсиф м.ф.й.да истиқомат қилувчи Асқарали Тожинуриддин ўғлидан (1951 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Амири беватан хору фақир аст,
Гадо гар дар Ватан бошат амир аст.
Таржимаси:
Ватансиз гар амир – хору фақирдир,
Гадо гар Ватанда бўлса – Амирдир.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ АРСИФЛИК АЗАМАТ ЎҒЛОНЛАР

Иккинчи жаҳон урушида ўша даврда мустақил бўлган 73 та давлатдан 62 таси иштирок этган ва бу жараёни ер аҳолисининг 80 фоизини қамраб олган. Урушга аралашмай қолган 11 та давлат ҳам у ёки бу жиҳатдан қайсидир тарафга ён босишга мажбур бўлди. Жанговар ҳаракатлар 40 та давлатда, уч қитъа ва тўрт океанда олиб борилган. 110 миллион қуrollи аскар иштирок этган бу урушда тахминий ҳисоб-китобларга кўра, 60 миллион киши қурбон бўлган. Шу боис ҳам бу уруш чин маънода ҳақиқий Жаҳон урушига айланиб кетгани эътироф этилади.

Бу ҳақда журналист Рўзимбой Ҳасан қуйидагиларни ёзган эди: Инсоният тарихидаги энг даҳшатли ҳисобланган Иккинчи жаҳон урушида томонлар қанча йўқотишларга учрагани ҳатто орадан қирқ йил ўтгач ҳам аниқ эмасди. Тўғри, Германия, АҚШ, Франция, Польша, Италия, Япония ва бошқа давлатлар 1946 йилда қанча аскар ва тинч аҳоли қурбон бўлгани ҳақидаги маълумотларни эълон қилишди. Аммо, СССР маълумотларни очиқламади.

Фақат 1958 йилда Н. Хрушчев ўз маърузасида "Урушда 20 миллион фуқаромиз ҳалок бўлган", дегач ушбу рақам узоқ йиллар ишлатилиб келинди.

Аслида қурбонлар сони қанча эди?

Ушбу китобда тарихчи олимлар шу ҳақда фикр юритишади, далиллар келтиришади.

1939 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш жараёнида СССРда 194 миллион киши яшаётгани маълум бўлган.

1946 йилда яширин тарзда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш жараёнида СССРда 167 миллион киши яшаётгани маълум бўлган. Ўртадаги фарқ-27 миллион!

Аммо, бу рақам ҳам ҳақиқий қурбонлар сонини кўрсатмайди. Сабаб, урушдан олдин ва сўнг Тува, Карпаторти, Кенесберг(Калининград), Карелия СССР таркибига қўшиб олинган. Олимлар ҳисоб-китобларига қараганда бу ҳудудларда 10 миллион атрофида одамлар яшаган.

Демак, қурбонлар сони 37 миллион бўлиб чиқади.(Айрим тарихчилар уруш даврида туғилиш 85 фоизга қисқарганини ҳисобга олиб, йўқотишлар сонини 50 миллиондан кам эмас дейдилар).

АҚШ 1950 йилда эълон қилган ҳисоботда Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари сони: ўлганлар 24 миллион, ярадор бўлганлар 40 миллион деб кўрсатилган. Бу ҳисоботда СССР бой берган қурбонлар йўқ. Сабаб, ҳатто БМТ махсус комиссиясига ҳам СССР маълумот тақдим қилмаган.

Горбачёвча ошкоралик даврида илк бора тахминий рақамлар ошкор қилинди: ўлганлар сони-28,ярадорлар сони-40 миллион.

Шунга асосланиб ҳозирда Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари сони: ўлганлар-52, ярадорлар 80 миллион деб тахмин қилинади.

Туғилиш камайгани туфайли қанча йўқотиш рўй берганини ўзимизнинг элат мисолида келтираман. Урушгача элатимизда 31 хонадонда 160 нафар одам яшаган. 22 йигит урушга олинган. Уларнинг 19 нафари уйланмаган бўлган. 3 нафар уйланган йигитдан 6 бола етим қолган.

Урушдан фақат 7 йигит қайтиб келган.

Уларнинг авлодлари сони бугун 300 нафардан ортиқ!

Уйланмаган 12 йигит урушдан тирик қайтганида уларнинг авлодлари сони 500 нафарга яқин бўларди.

Бу ёғига йўқотишни ўзингиз кўз олдингизга келтираверинг.²⁹⁰

1941 йилнинг 22 июн куни бошланган уруш Ўзбекистон сарҳадларида бўлгани йўқ, у биздан бир неча минг километр нарида – Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи ва Россия ерларида бўлди.²⁹¹ Бироқ уруш келтирган мусибатлар ва талафотлардан ҳар бир ўзбекистонликнинг хонадониди бирдек азият чекди.

Ушбу уруш бир халқ ва бир мамлакатнинг бошига тушган офат бўлмай, умумжаҳон ҳаёти ва келажагини барбод этувчи даҳшатли ҳодиса эди.

Тарихдан маълумки, фашизмнинг миллати ва ватани бўлмаган. шу боисдан унга қарши кураш жаҳондаги барча халқларнинг бурчи эди. Буюк тарихига, бой ўтмишига, ўзининг, миллий ва умуминсоний қадриятларига эга бўлган ўзбек халқи ҳам фашизм балосига қарши кураш олиб боришни ўзининг бурчи деб билган, уни йўқ қилишдек муқаддас

²⁹⁰[https://www.facebook.com/profile.php?id=100089189232633&__cft__\[0\]=AZX58CFsQJ1xvWma5pLpYIIKCxEeDYeUNkAd7Hz0HO4xSmCyKxMbgiP8LorQ1Pb_JiJLQuDNB18SOCiRgwasPJnaiUwAMrdMVMkevJWniVqJqcfWOP5Tfk62JeH9amWslfjpNjxIB5ssN8z3i_okAMfPUZ0j-_aaz0IILBBmKYOQ&__tn__=-UC%2CP-R](https://www.facebook.com/profile.php?id=100089189232633&__cft__[0]=AZX58CFsQJ1xvWma5pLpYIIKCxEeDYeUNkAd7Hz0HO4xSmCyKxMbgiP8LorQ1Pb_JiJLQuDNB18SOCiRgwasPJnaiUwAMrdMVMkevJWniVqJqcfWOP5Tfk62JeH9amWslfjpNjxIB5ssN8z3i_okAMfPUZ0j-_aaz0IILBBmKYOQ&__tn__=-UC%2CP-R)

²⁹¹ Шамсутдинов Р.Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газетлари. Биринчи китоб. – Т.: “Akademnashr”, 2017. –Б.6.

ишга бошқа халқлар каби бутун борлиғини, куч-қудратини сафарбар этди.²⁹²

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунларидаёқ Арсиф қишлоғидан ҳам саксондан ортиқ жасур йигитлар гитлерчи газандаларга қарши жангга отландилар. Афсуски, уларнинг ўттиз нафари юртига омон қайтмадилар.



Арсифлик 2-жаҳон уруши фахрийлари. 1975 йил 9 май кунда олинган сурат.

1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши не-не алп йигитларни ўз домига тортди. Жудоликлар жабрини тортганлар, меҳнат машаққатларини енгишга сабр-бардош топа олганлар, фронт ортида қолганлар зиммасига тушган эди. Қанча оналар учтадан, иккитадан ҳатто ёлғиз ўғилларини фронтга жўнатиб қон йиғлаб қолганлар қанча эди. Учтадан ўғилларини урушга жўнатиб, улардан хат-хабар ола олмай, бедарак кетганлар ёки “қора хат” олиб ақлдан озган оналар

²⁹² Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Биринчи китоб. – Т.: “Akademnashr”, 2017. –Б.7.

қанча эди. Ҳатто якка-ю ёлғиз ўғлини урушга жўнатиб ундан икки энлик хат ололмасдан ўзи ёлғизланиб, армон билан ўтган оналар қанча эди.



Арсифлик уруш ва меҳнат фахрийлари мактаб ўқувчилари даврасида.

Қишлоқда оғиздан-оғизга ўтиб бизгача етиб келган гапларга қараганда, забардаст ўғилларини фронтга жўнатган, жабрдийда оналардан бири (бу онани исми маълум эмас), ҳар куни томга шоти қўйиб томга чиққар, уч ўғиллари кетган томонга қараб ҳар бир ўғилини нома- ном чақириб ҳолдан тойиб қайтиб тушар экан, кунларини шу зайилда ўтказган жафокаш оналар бўлди. Бу онани ўғиллари ҳам дом-дараксиз кетган. Энг ачинарлиси, бу йигитларни кўпчилиги уруш нималигини билмаган, қўлига кетмондан бошқа нарса ушламаган, қишлоқдан нарига чиқмаган, саводи ҳам унча бўлмаган, бир сўз билан айтганда қишлоқни бўз йигитлари бўлганлигини қишлоқ оқсоқолларидан эшитиб турар эдик.

Биз ҳам урушни бундайин келтирган аянчли ҳолларини қишлоқ тарихи саҳифаларига ёзар эканмиз, ўша даврдаги ота-бобларимизни, момоларимизни қандай кунларга чидаб сабр

билан яшаганларини кўз ўнгимизга келтирдик ва уларга қанчалик қийин бўлганини, жудолик қанчалик машаққат бўлганини дилдан ҳис этиб, бу дунёдан ўтиб кетган дил бандларидан дарак ололмай не ҳасратлар билан бу дунёни тарк этган ота-боболаримиз ва момоларимизнинг сабр-бардошларига қойил қолдик ва улар ҳақларига дуода бўлдик.

Қуйида исми ва фамилиялари келтирилаётган ҳамқишлоқларимиз, юртимизнинг забардаст ўғлонлари урушнинг қайсидир жабҳаларида қатнашиб бедарак, ҳеч қандай хат-хабарсиз кетганлар ёки улардан “қора хат” келгани ҳақида, қишлоқнинг ёши улугʻларидан сўраб-суриштириб (улар ҳам ота-оналаридан эшитиб билганларини ҳикоя қилиб беришди) баҳоли қудрат, қўлимиздан келганича ушбу рўйхатни туздик.

Иккинчи жаҳон урушидан омон қайтган арсифликлар

1. Фаёзов Нормирзо (1920-2000).
2. Фаёзов Холмирзо (1907-1987).
3. Халилов Ҳасанобой (1920-2003).
4. Мирзажонов Носиржон (1922-2008).
6. Ғуломов Тешабой (1919-1991).
7. Халилов Комилжон (1922-1996).
8. Зайнулдинов Ваҳобиддин (1904-1990).
9. Шокиров Ҳожихўжа (1909-1989).
10. Жалолов Бурҳониддин (1912-1984).
11. Сафаров Аҳмаджон (1908-2004).
12. Сидиқов Сидиқвой (1922-1979).
13. Буваев Абдуназар (1926-2004).
14. Каримов Абдурайим (1922-1986).
15. Саломов Иброҳимжон (1912-2008).

16. Мамазоиров Маруфжон (1926-2011).
17. Мирзаев Жумавой (1930-2006).
18. Усмонов Мирзали (1909-1990).
19. Насимов Ортиқали (1907-1992).
20. Насимов Муҳсинжон (1903-1983).
21. Акрамов Солижон.
22. Ботиров Ҳамрали.
23. Бурҳонов Парпижон.
24. Ёрматов Ашурали.
25. Жабборов Абдусаттор.
26. Исомиддинов Мирзо.
27. Мияминов Усмон.
28. Мамажонов Тожибой.
29. Мирзарайимов М.
30. Низомиддинов Ориф.
31. Олимов Худоёр.
32. Отаев Рўзибой.
33. Охунжонов Жумавой.
34. Риев Ҳасанбой.
35. Саримсоқов Низом.
36. Сайидмуродов Мўмин.
37. Сангинов Сирож.
38. Султонв Аъзам.
39. Сафаров Юсуф.
40. Саидов Нажмиддин.
41. Тожиев Эшонжон.
42. Халилов Эргаш.
43. Шокиров Райимжон.
44. Шоюсупов Ҳомиджон.

45. Қамбаров Юсуфбек.
46. Ҳасанов Абдурахим.
47. Ибронов Раҳмат.
48. Сулаймонов Сайидрахмон.
49. Бадриддинов Нажмиддин.
50. Бадриддинов Фахридин.
51. Умаров Турсунбой.
52. Шералиев Раҳмат.
53. Абдурахмонов Аҳмаджон.
54. Аҳмедов Юсуфжон.



Арсифлик 2-жаҳон уруши фахрийлари.

Иккинчи жаҳон урушида Арсиф қишлоғидан фронтга кетган ўғлонлар ҳақидаги рўйхатни бирма-бир кўздан кечирав эканмиз Ҳазрати Нажмиддин Кубронинг: “Она Ватан йўлида, Ватанни ҳимоя қилаётиб шаҳодат жомини нўш айлаш — Аллоҳ висолига етишмоқ билан баробардир” деган ҳикматли сўзлари ёдимизга тушди. Арсиф қишлоқлик аскар

йигитларнинг жасоратлари ҳақида вақти келиб китоб ёзилар деган умид билан қуйида уларнинг рўйхатларини келтириб ўтмоқдамиз. Муҳтарам китобхон, ушбу номлар сизга балким танишдир. Эҳтимол қариндош-уруғингиздир ёки умуман улар ҳақида ҳеч нарса билмассиз. Нима бўлганда ҳам бир марта бўлса ҳам уларнинг ҳақларига дуо қилинг.

1. Абдуллаев Абдулхай - 1921 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар, бедарак йўқолган.

2. Абдуллаев Бурҳон - 1915 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1943 йилда бедарак йўқолган.

3. Абдурахмонов Аъзамжон - 1922 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1944 йилда бедарак йўқолган.

4. Абдуқодиров Парпи. Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар, бедарак йўқолган.

5. Азизбеков Ёрбек - 1919 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар, бедарак йўқолган.

6. Акрамов Солижон - 1924 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1944 йилда бедарак йўқолган.

7. Аҳмадшоев Давлатшо - 1922 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1944 йилда Украинада бедарак йўқолган.

8. Аҳмадшоев Раҳматшо - 1920 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. Сталинград шаҳрида дафн этилган.

9. Бадриддинов Назриддин - 1919 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1943 йилда бедарак йўқолган.

10. Зайнулдинов Ҳабибилло - 1920 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. Ленинград шаҳрида дафн этилган.

11. Калонов Назир – Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. Жангда ҳалок бўлган.

12. Камолов Қамбар - 1920 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1943 йилда бедарак йўқолган.

13. Камолов Сижойдин - Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар, бедарак йўқолган.

14. Мамазийев Мамасоли - 1922 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1942 йилда Ленинград шаҳрида дафн этилган.

15. Мирзажонов Раҳмат - Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар, бедарак йўқолган.

16. Мирзақандов Убайдулло - 1918 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1941 йилда бедарак йўқолган.

17. Миров Аҳмад - 1924 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1944 йилда бедарак йўқолган.

18. Миров Мамажон - Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар, бедарак йўқолган.

19. Нажмиддинов Мамадали - Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар, бедарак йўқолган.

20. Халилов Тошпўлат – 1910 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1944 йилда жангда ҳалок бўлган.

21. Халилов Турғунали - 1909 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1945 йилда бедарак йўқолган.

22. Халилов Эргашали - 1912 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1944 йилда бедарак йўқолган.²⁹³

23. Насимов Мамаражаб - 1912 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1943 йилда бедарак йўқолган.

24. Бурхонов Аминжон - 1921 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1943 йилда бедарак йўқолган.

25. Асқаров Саидғози - 1918 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1944 йилда бедарак йўқолган.

²⁹³ Хотира. Фарғона вилояти. Тўртинчи китоб. 1941-1945 йиллардаги урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган жангчилар. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1994.-Б.99-117.

26. Усмонов Сафарали -1917 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1943 йилда бедарак йўқолган.

27. Топиволдиев Аҳмаджон - 1917 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1943 йилда бедарак йўқолган.

28. Сулаймонов Файзираҳмон - -1918 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1943 йилда бедарак йўқолган.

29. Фаёзов Гулмирзо --1922 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1942 йилда ҳалок бўлган.

30. Саидов Аламиддин --1920 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Оддий аскар. 1941 йилда бедарак йўқолган.

Арсифлик иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларининг ҳар бирининг ўзига хос тарихи бор. Бироқ китобимизнинг ҳажмини ҳисобга олганда улар тўғрисида сўз юритишнинг имкони йўқ. Шу сабабдан фақат икки ўғлон билан боғлиқ айрим маълумотларни келтириб ўтишни лозим кўрдик. Бири Арсифдан олис юртда ҳалок бўлган Гулмирзо Фаёзов бўлса, иккинчиси ўн бир ёшида урушга кетиб, омон қайтган Жумавой Мирзаевдир.

Гулмирзо Фаёзов (1922-1942)

Арсиф қишлоғидаги 18-мактабда иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган жангчи йигитнинг бюсти бор.

Исройилжон Райимжоновнинг берган маълумотларига кўра, мазкур бюст 1973 йилда марғилонлик ҳайкалтарош Абдуллажон Иброҳим томонидан ясалган бўлиб, ўша вақтларда ҳайкалтарошга ушбу бюст учун 60 сўм иш ҳаққи ҳам тўланган эди. Бюстнинг плитасига Гулмирза Фаёзов деб ёзиб

қўйилган. Аслида ушбу ёдгорликни Арсиф қишлоғидан 2-жаҳон урушига кетиб қайтмаган азамат ўғлонлар хотирасига қўйилган дейиш мумкин.

Гулмирзо Фаёзовнинг отаси Фаёз Исоевдир. Онаси Гулшаной Муҳиддинова. Улар уч ўғил фарзанд кўришган.

1. Холмирзо. 2. Нормирзо. 3. Гулмирзо.

Фаёзбой қишлоқнинг саховатли бойларидан бири бўлган. Гулмирзо 1938 йилда Фарғонадаги Рабфакни (Ишчилар факультети – Н.А.) тамомлаган. Сўнгра Душанбе шаҳрида билим юртида ҳарбий таълимдан дарс берган. Сўнгра 1940 йилда ҳарбий хизматга кетиб Киев шаҳридаги ҳарбий учувчилар билим юртида таҳсил олган.²⁹⁴ 1941 йилда кичик лейтенант унвони билан Арсифга қайтади.

Гулмирзони сўнгги марта келинойиси Рисолатхон опа, ҳамқишлоқлари 1941 йилнинг баҳорида кўргандилар. Ўшанда у ҳовлидан “ҳали мен ҳақимда эшитасизлар” деб чиқиб кетганди.

Ҳақиқатда ҳаётда ҳам шундай бўлди. Фаёзбой отанинг учала фарзанди ҳам фронтга кетдилар. Бироқ Гулмирзо фронтдан тирик қайтмади. У ҳақда урушдан анча кейин бўлса ҳам эшитишди, ўқишди, ҳамқишлоқлари Россиянинг Смоленск вилояти, Рудянск тумани Тубольци қишлоғидаги қабрини ҳам зиёрат қилишди.

Гулмирзо ўша кетганича қайтиб келмади. Чўнтагида авиация билим юртини битирганлиги ҳақидаги ҳужжати бор эди. У Смоленск осмонида парвоз қилиб, гитлерчи фашистларга даҳшат солди. Парвозларнинг бирида унинг самолётини уриб туширишди. Гулмирзо парашют билан сакраб ўрмонга тушди. Шу тариқа “Ўн учлар” партизан

²⁹⁴ Зубрицкий В., Ефимов Ю. Человек из легенды // Ферганская правда. 4 июля 1975 года. №131.

отрядида Фарғона вилоятдан келган йигит пайдо бўлди. Бу воқеа 1941 йилнинг ноябр ойида рўй берганди.²⁹⁵

Тарихий маълумотларга кўра фашистлар Германияси 1941 йилнинг 22 июн куни СССРга қарши уруш бошланган вақтдан бир ой ҳам ўтмай 18 июлда Большевиклар ҳукумати “Немис қўшинлари орқасида курашни ташкил этиш тўғрисида” махсус қарор қабул қилган. Партизан ҳаракати биринчи навбатда Белоруссия ва Украинада ривожланди. 1941 йил 1 августга қадар Белоруссияда 230 дан ортиқ партизан гуруҳлари ва отрядлари (10 мингдан ортиқ киши) фаолият юритди. 1941 йил октябрь ойига келиб Украинада 738 партизан отряди тузилди. Ҳаммаси бўлиб 1941 йил охирига келиб 3500 га яқин партизан отрядлари ва гуруҳлари тузилди. 1942 йил май ойидан бери партизан отрядлари фашистлар қўшинларининг алоқаларига ҳужумларни кучайтирдилар.

1942 йил 27 июлда партизан ҳаракатининг марказий штаб-квартираси душман алоқаларига қарши оммавий зарба беришнинг тезкор режасини тасдиқлади.

1944 йилда партизан ҳаракати, айниқса Белоруссия ва РСФСРнинг бир қатор вилоятларида, душман чизиғи ортидаги халқнинг янада оммавий қуроли кураши характерини олди. Олий қўмондонлик, фронтлар ва армияларнинг Ҳарбий кенгашлари оператив гуруҳлар ёки партизан ҳаракати штаб-квартираси вакиллари билан биргаликда ҳарбий ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқдилар, Совет қўшинлари билан ҳамкорликда партизанлар ва ер ости жангчиларининг жанговар операцияларини режалаштирдилар.

²⁹⁵ Орипов И. Арсифлик шунқор // Дўстлик байроғи. 1990. 22 февраль. № 23.



Гулмирзо Фаёзов хотирасига Арсиф қишлоғида қўйилган бюст

Партизанлар душмanning алоқа линияларига хужум қилишди, чекинаётган фашистик бўлинмаларга хужум қилишди, совет халқини Германияга сургун қилишдан сақлаб қолишди ва ҳимоя қилишди, шаҳарлар ва қишлоқларни,

маданий қадриятларни, фабрика ва заводларни талон-тарож ва вайронагарчиликдан сақлаб қолиш чораларини кўришди.

2-жаҳон уруши йилларида совет партизанлари сафларида 1 миллиондан ортиқ қуроли партизанлар жанг қилдилар; кўп сонли совет одамлари яширин антифашистик ташкилотларда қатнашдилар, партизанларга ёрдам бердилар. Уруш пайтида партизанлар душманнинг 20 мингдан ортиқ поездларини ҳалокатга учратишди, 58 зирҳли поездни портлатишди, 10 мингдан ортиқ локомотив ва 110 минг вагонни ишдан чиқаришди, 12 мингдан ортиқ темир йўл ва автомобиль йўл кўприklarини портлатиб юборишди ёки ёқиб юборишди, юз минглаб тоннадан ортиқ ёқилғини вайрон қилишди. 2300 дан ортиқ танк ва зирҳли техникани портлатиб юборди ёки ишдан чиқарди, аэродромларда 1100 дан ортиқ самолётни уриб туширди ва йўқ қилди, 17000 км. дан ортиқ алоқа линияларини ишдан чиқарди.

Партизанлар босқинчиларнинг совет ҳудудларидан озик-овқат, хомашё ва жиҳозлар, ёғоч ва бошқаларни олиб чиқиш чора-тадбирларини бузди. Фашистлар қўмондонлиги босиб олинган ҳудудга салмоқли миқдордаги қўшинларни жойлаштиришга мажбур бўлди. 1942 йил ўрталаридан бошлаб Совет-Германия frontiда жойлашган немис қуруқлик қўшинларининг 10% гача партизанларга қарши курашга йўналтирилди. 1943 йилда немис қўмондонлиги партизанларга қарши (полиция, СС ва СД тузилмалари ва 500 минг ёрдамчи бўлинмалардан ташқари) армиянинг 25 га яқин бўлинмаларидан фойдаланган.

Ушбу партизан бўлинмаларида ўзбекистонлик жангчилар фаол иштирок этишиб мардона жанг қилганлар. Бироқ орадан 80 йилдан ортиқ вақт ўтди.



*Гулмирзонинг акаси Арсифлик 2-жаҳон уруши
фахрий Нормирзо Фаязов
(1920-2000)*

Афсуски уларнинг номларини ҳозирда ҳар ким ҳам билавермайди. Бинобарин, тарихий илдишларини англамаган инсон шамолга ўхшайди. Аниқ ва равшан миллий, маҳаллий маданий ва оилавий идентитетга эга бўлган инсон авваллари одамлар қандай, нима учун ҲАЁТ ва нимага асосланиб яшагани, нимага интилиб, нимага эришганини, аجدодлари ер юзида қандай из қолдирганини билади. Бундай инсонлар аجدодларининг хоки қаерда эканини билишади. Авлодлар давомийлиги жамиятнинг муҳим хусусиятидир. Ҳар бир

ватандош уни асраб-авайлаш учун тинимсиз ғамхўрлик қилиши керак. Авлодлар давомийлиги жамият ҳамда Ватан равнақи учун жуда муҳим, уни юксак қадрлаш керак.

Арсиф қишлоғидан айнан йигитлик даврида урушга кетиб партизанлик ҳаракатида қаҳрамонлик кўрсатиб ҳалок бўлган мард ўғлон Гулмирзо Фаёзовдир.

Уни партизанлар отрядида русчасига Николай деб чақиришарди.

- Николай бўлса, Николайда. Сизларга шундай маъқул бўлса айтаверинглар. Муҳими ҳақиқий инсон бўлишда, - деганди Гулмирзо.

Гулмирзо Фаёзовнинг қисқа ва шарафли ҳаёти “Партизанлар сўқмоқларида”²⁹⁶ номли асарда ҳикоя қилинади. Чунки мазкур китобнинг муаллифи Н.Москвин Гулмирзо Фаёзов (китобда Далмирзо деб аталган- Н.А.) билан елкама-елка туриб жанг қилган ва Гулмирзонинг жасоратларини тирик шоҳиди бўлган эди.

Н. Москвин 1915 йил 18 декабрда Орел вилояти Троитское қишлоғида (ҳозирги Орел вилояти Новосилский тумани қишлоғида) туғилган. 1926 йилда ота-онаси билан бирга Олтой ўлкасига кўчиб ўтди. Тўққиз синфни тугатгач, Барнаул қишлоқ хўжалиги техникумига ўқишга кирди. Баевский туман ер бўлими агрономи бўлиб ишлаган.

1937 йилда Қизил Армия сафига чақирилган. Хасан кўли яқинидаги жанглarda қатнашган. 1940 йилда Горкий ҳарбий-сиёсий билим юртини тамомлаб, ғарбий чегарада жойлашган 444-тўпчилар полкига юборилади. У урушнинг дастлабки кунлариданоқ иштирок этган. Москвин Белоруссия ва Смоленск вилояти ҳудудида 293-артиллерия полки таркибида жанг қилган. Смоленск жангида у қуршаб олинган ва

²⁹⁶ Бу ҳақда қаранг: Москвин Н. Партизанскими тропами. – Москва: “Московский рабочий”, 1967. 416 с.

снаряддан яраланган. Босиб олинган ҳудудда партизан ҳаракатида фаол иштирок этган. 1942 йил баҳорида Москвин бошчилигидаги 18 партизан Гришиннинг С.В партизан отрядига қўшилган. У сиёсий комиссар, комиссар, “Ўн учинчи” полкининг 1-баталонининг командири бўлган ва “Ўн учинчи” махсус партизан бўлинмасига айлантирилгандан сўнг 1-бригада командири бўлган. 1944 йил август ойида мунтазам армия сафига партизан бўлинмалари қўшилгач, ногиронлиги сабабли захирага ўтказилди.

Урушдан кейинги даврда Сйчевка наслчилик фермаси директори бўлиб ишлаган. У Шумячский туман партия қўмитаси котиби, Ершичский туман қўмитасининг биринчи котиби, Елнинский туман ижроия қўмитаси раиси, вилоят партия қўмитаси котиби, вилоят қўмитаси партия комиссиясининг раиси этиб сайланган. 1956 йилда Смоленск педагогика институтини тамомлаган.

Н. Москвин маҳаллий тарихчи сифатида ҳам танилган. Москвин кўплаб журнал ва газета мақолаларини, шунингдек, Смоленск вилоятидаги ўз сафдошларининг ҳарбий жасоратларига, партизан ҳаракати тарихига бағишланган “Партизан йўллари” ва “Жанговар биродарлик йўллари” китобларини ёзган.

2001 йил 22 февралда вафот этган. У Смоленскдаги биродарлик қабристонига дафн қилинди. Москвин яшаган уйга ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

“Партизан йўллари” китоби дастлаб Смоленскда 1967 йилда “Московский рабочий” нашриётида нашр этилган. Китобнинг ушбу нашри муаллиф томонидан қайта кўриб чиқилган ва сезиларли даражада кенгайтирилган. Айнан шу китобнинг катта қисми Гулмирзо Фаязовнинг жанговар фаолияти тўғрисида ҳикоя қилади.

Унга кўра Смоленск ўрмонларида тузилган партизан бўлинмаларидан бирида Гулмирзо Фаёзов хизмат қилган. Китобда арсифлик қаҳрамон тўғрисида қуйидагилар келтиради:

“Николай Мельник ва Фаязов билан Гришин полкига келган кунгач танишганман. Улар 4-отрядга бир оз олдинроқ келишган ва менинг кўзимда улар “эски” партизанларга ўхшарди. Мельник аллақачон взводни бошқарган, Фаязов эса унинг отряди бошлиғи эди. Иккаласи ҳам ёш, бақувват, зобитлик кийимида. Фаязовнинг тугмачаларида, сирланган нишонлар бўлмаганда, қизил ип билан иккита куб кашта тикилган ва қалпоқчада бир хил беш қиррали юлдуз бор эди”.

Гулмирзо Фаёзовнинг бир йил давомида партизан отрядида олиб борган фаолияти тўғрисида айрим мисолларни келтириб ўтсак.

Бир куни Николай Боличев группаси Лиознодан разведкадан қайтаётганда полициячилар уларга хужум қилиб, икки кишини ҳалок қилдилар. Боличев оёғидан яраланди. Шунда Гулмирзо чидаб туролмади:

- Асосий топшириқ бажарилди, энди бу сотқинларни тинчитмасак бўлмайди, деди.

Кечаси қирқ партизан Любачивага йўл олди. Полициячилар жойлашган ҳеч ким йўқ эди. Сотқинлар қўрққанларидан тунни бутазорларга писиб ўтказишаркан. Эрталабга кутишга тўғри келди. Гулмирзо билан Самкаев мактабга кириб пойлаб ётишди.

Тонг ёришгач полициячилар икки-уч кишиллаб, судралиб кириб кела бошлашди. Улар партизанлар тузоқ қўйганларини пайқашмади. Эшикда катта қулф осиглик, бирор из қолмаган, шарпа ҳам эшитилмайди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч қилган икки полициячи ичкарига кирди:

- Қўлини кўтар. Товуш чиқармасаларинг омон қоласизлар,
- буйруқ берди Самкаев.

Сотқинлар қуролсизлантирилди. Шу йўсинда бошқалари ҳам қўлга олинди. Йўлакда ўндан ортиқ одам тўплангач операцияни тинч бажариб бўлмади. Орқага ташланган полициячилар боши узра автоматдан “очередь” беришга тўғри келди. Қўрқоқ сотқинлар қуролини ташлаб, дарҳол полга чўзилишди. Шу маҳал мактабга яқинлашиб келган катта группа эса ўқ овозини эшитиб шериклари ҳазиллашяпти деб ўйлашди. Бирдан ҳовлига кираверишда хонадондан Гулмирзо Фаёзов автоматчилар билан уларнинг орқа томонидан чиқишди. Полициячилар бошлиғи Кочергин вазиятни фаҳмлаб “қочинглар” дея қичқирди. Бироқ ҳеч ким қочиб қутила олмади. Гулмирзо йигитлари билан ўт очди. Ўттиз беш “янги ҳаёт соқчилари”дан тўққиз киши ўлдирилди, қолганлари асир олинди.

Топшириқ бажарилиб отряд Дорогобужга қайтишга тайёргарлик кўрарди. Отрядга бир аёл қишлоқма- қишлоқ юриб, ўзини самолётда парашютда тушган ва шерикларидан орқада қолган разведкачи деб таништираётгани, Мельник отряди билан қизиқаётганини хабар қилишди. Бундан хабар топган Гулмирзо ўша номаълум аёлни ушлаб, отрядга олиб келиш “дарди”га тушиб қолди. Унинг характери шундай эди. Уни ниятидан қайтариш қийинчилиги билган Мельник рухсат берди. Фаёзов отлик шериклари билан тўрт кун “учбурчак”ни кезди. Любавичида бир аёл ўша сохта разведкачининг уникида тунаганини, ўзини тентакроқ қилиб қилиб кўрсатиб, Гитлерни тинмай қарғганини, сўнгра синглиси яшайдиган Махночи қишлоғига қандай бориш мумкинлигини сўраганини айтди. Фаёзов йигитларни Махночига юборди. Ўзи Рамановский билан Казимировага от чоптирди. Бу қишлоқда фашистлар тез-тез бўлиб турардилар. “Қизиқувчан

аёл” балки ахборот бергани бориш мумкин деб хулоса қилдилар.

Тахмин тўғри чиқди. Уларнинг рўпарасидан қўлида тугун, баланд бўйли сарвқомат аёл келарди. Равзедкачи жуда зийрак бўлиши керак. Гулмирзо Фаёзовда бу хусусиятлар айниқса ривожланганди. У тўрт кундан бери қидираётган аёл шу эканлигига ишонди. Унинг йўлини тўсишди. Гулмирзо олдинга тушиб юришини буюрди. Қишлоқ четида ўзига ноқулай бўлса ҳам тинтишга мажбур бўлди. Ҳеч нарса топилмади.

- Синглинг ким, - деб сўради Гулмирзо.

- У врач, Любавчида яшайди. Мен уникига Гусина қишлоғидан келаяпман. Қизил армия келсин, барча қилмишларинг учун жавоб берасизлар, талмовсираб ёлғон жавоб қилди, ўзича партизанларни полициячилар деб ўйлагандай.

Жавоблар пойма-пойлигидан Гулмирзо жосуслигига такрор ишонч ҳосил қилди. Отрядга ҳайдаб келди. Икки кундан сўнг отрядга Заслонов Сенно районида ҳаракат қилаётган разведкачилар билан келди. Қўлга тушган жосусни узоқ излаётганини айтди. Сўроқ давомида “парашютчи”нинг ҳақиқий башараси очилди.

Заслонов хонага кирибоқ сочини бамайлихотир аёлга гапирди:

- Мана яна учрашдик.
- Мени қаерда кўрибсиз. Мен сизни тушунмаяпман.
- Оршада. Машинист эсингиздами (Заслонов фамилиясини айтди), сиз сотганингиздан сўнг ошишган.

- Танимайман, сизниям, машинистниям билмайман. Оршада ҳам бўлганим йўқ.

Шу тахлит жосус тонди.

- Қани ботинкангизни ечинг, буйруқ қилди Заслонов

билан келган чекист.

Аёл дўлилик қилиб ечишдан бош тортди. Фаёзов соқчиларга ишора қилди. Анча кийилган ботинкаларни чекистга беришди. У пичоқ билан ботинка патagini кўчирди. Чекистнинг қўлида сув қоғозга ўралган Гитлернинг сурати пайдо бўлди. Суратнинг орқасида бургут расми туширилган муҳр бор эди.

-Таниш нарсa гитлерчи жосусларнинг пароли, - деди чекист.

-Энди нима дейсиз.

Жосус индамасди. Гулмирзо Фаёзов мамнун жилмайиб турарди.

Маълум бўлишича, у жосус аёл Орша гестапосида хизмат қилиб, кўп яширин ташкилот аъзоларини сотган эди.

Гитлерчи фашистлар билан бўлиб ўтган жангларнинг бирида рота командири Мельник ҳалок бўлди. Ўрнига лейтенант Гулмирзо Фаёзов тайинланди. 1942 йил декабр ойида Тубольци қишлоғида бўлган жангда Гулмирзо Фаёзовни яна энг қайноқ участкада кўришди. Партизанлар бу қишлоқни эгаллашганди. Ўша кеча душманнинг гарнизони тор-мор келтирилганди. Қочиб қолган фашистлар кечаси йиғилиб, отряд изидан саҳарда Тубольцига кириб келди. Бирин-кетин ойналардан уй ичидагиларни ўққа тутишди. Гулмирзонинг йигитлари биринчи бўлиб ташқарига чиқишди. Жанг қизиб кетди. Гулмирзо чамаси 30 даражали совуқ бўлса ҳам гимнастёркали юпун энг олдинда қўлида автомати билан душманни қува кетди. Автомат дискаларини тез-тез алмаштириб фашистларни қулатди. Шу дақиқада бирдан унинг қорнига чўғ тушгандай бўлди. У чайқалиб чалқанчасига қулади.

Газандалар қирилгач батальон командири яралаган Гулмирзонинг олдига келди. Пўстинини ечиб жанговар

дўстини ўради. Ўқ Фаёзовнинг қорнига теккан эди. Яқин атрофда госпиталь йўқ. Агар госпиталь бўлганида арсифлик мард ўғлон Гулмирзо Фаёзов омон қолиши мумкин эди. Жароҳати оғирлигидан у тўрт соатдан кейин жон берди. Автоматлардан салют берилди. рус аёллари унинг жасади устида йиғладилар, ўртоқлари қабрни қазиб, уни шу қишлоқнинг кенг майдонига кўмдилар. Тубольцилик Константин Васильевич Викарий ўз қўли билан қабрга қўйди. Гулмирзонинг қабр устида шундай сўзларни ёздилар: “Ўзини русча Николай деб атаган биродаримиз Далмирзо Фаязовга абадий шон-шарафлар бўлсин”. У Смоленск вилоятининг Рудня тумани Тубольци қишлоғида дафн этилди.²⁹⁷

Икки бор оддий солдат Жумавой Мирзаев

Болалик кезларимиз таниқли ёзувчи Валентин Катаевнинг (1987-1986) “Полк ўғли” повестни севиб ўқиганмиз. Мазкур повест 1944 йилда ёзилган ва 1946 йилда асар ўша даврнинг энг олий мукофотларидан бири, иккинчи даражали Сталин мукофотиغا сазовор бўлган. Чунки “Полк ўғли” повести қисқа муддат ичида собиқ СССРдаги миллионлаб китобхонларнинг севимли асарига айланиб улгурган эди. Асарнинг бош қаҳрамони болакай Ваня Солнцев уруш туфайли ота-онасидан жудо бўлган. Шу сабабдан уни ҳарбий қисмлардан бири ўзига худди тутинган ўғил қилиб олади. Болакай урушда катталар билан бир елкама-елка туриб жангларда иштирок этади.

Сўзимиз аввалини “Полк ўғли” повестидан бежиз бошламадик. Чунки тарихда чиндан ҳам айнан Ваня Солнцев қисматига ўхшаш болалар яшаб ўтган. Шулардан бири

²⁹⁷ Раҳимжонов И., Шодмонов Қ., Маҳмудов А. Иккинчи “Казбек”. // Комунна. 1985. 10 апрель. № 69.

Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти Қувасой шаҳрининг Арсиф қишлоғида истиқомат қилган Жумавой Мирзаевдир.

Жумавой Мирзаев 1930 йилда Арсиф қишлоғида туғилган. Отаси Холиқов Мирзавой (1897-1989). Онаси Содикова Орзихон (1904-1995).

1941 йилда 2-жаҳон уруши бошланган вақтда Арсиф қишлоғининг қир-адирлари янги ташкил қилинган 94-ўзбек дивизиясининг жангчилари учун машқ майдонлари вазифасини бажарган. Шу сабабдан ўн ёшли Жумавой аскарларнинг юмушларини бажариш билан ота-онасига ёрдам беришга киришади. У аскарларини отларига қарашда жонбозлик кўрсатади. Отларни яхши кўрганлиги учун бу ишлар унга завқ бағишларди. Дивизиянинг қўмондони ҳам Жумавойнинг ҳаракатларидан хурсанд бўлиб ташаккурнома ҳам эълон қилади. Тўрт-беш ойлик ўқув машғулотларидан сўнг 94-ўзбек ўқчи дивизиясига фронтга йўл олади. Марғилон шаҳрининг темирйўл станциясида аскарлар ва уларнинг отлари вагонларга чиқарилиб Сталинградга жўнатилади.

Эшалон уруш майдонига етиб келганда командир Ҳорунбой Эрматов (1907–1991)²⁹⁸ ҳар бир вагонни обдон кўздан кечириб чиқади. Вагонлардан бирида отлар ёнида Жумавойни кўрган

²⁹⁸ Ҳорунбой Эрматов 1907 йилда ҳозирги Тошлоқнинг Қўрғонча қишлоғида туғилган. 1929 йили ўқитувчилар тайёрлаш курсини тамомлаб, 1932 йилга қадар Зрақентдаги мактабда ўқитувчилик қилган, 1933 йилдан бошлаб эса “Марғилон ҳақиқати” газетасида, 1935 йилдан бошлаб Тошлоқ районинг “Совет пахтаси” газетасида бўлим мудир, кейин муҳаррир бўлиб ишлаган. 1939 йили уни Тошлоқ район партия комитетига ишга олишди. 1942 йилга қадар район партия комитетининг бўлим мудир ва секретари лавозимида ишлаган. 1942 йили 94 - ўзбек ўқчи дивизияси ташкил этилгач, Ҳорунбой Эрматов ана шу қўшин сафида фашистларга қарши курашишга отланди. Жангтоҳларга мардлик ва матонат кўрсата олган, жангчиларни руҳлантириб олган ундай олган ташкилотчи Ҳорунбой Эрматовнинг фронтдаги лавозимлари ҳам юксала борди. Урушдан қайтаётганда у полк командирининг ўринбосари эди. 1943 йили май ойида у Харьков яқинида ярадор бўлди. Иккинчи гуруҳ уруш ногирони бўлиб қолган Ҳ.Эрматов она қишлоғига қайтишга мажбур бўлди. Узоқ даволангач, 1944 йилнинг мартида сафга қайтди. Уни яна районга раҳбарлик қилишдек, машаққатли вазифалар кутиб турарди. 1944 йилдан 1961 йилга қадар Тошлоқ районида, 1961 йилдан 1969 йилга қадар эса Қува район ижроия қўмитаси раиси лавозимида фаолият кўрсатган. 1991 йилда вафот этган. Бу ҳақда қаранг: Тўхтасинов А. Фарғонанинг забардаст чинорлари. Фарғона, 2020.

командар ҳайратда қолади. У Жумавойдан қандай қилиб шундай олис йўлдан келганлиги сўрайди. Жумавой шу кунлар ичида отларга берилган ем билан озиқланганлиги айтиб, командирдан фронт ортига қайтариб жўнатмасликни илтимос қилади. Боши қотган Ҳорунбой Эрматов дивизия командирига Жумавой масаласини айтган вақт шароитдан келиб чиқиб бирдан-бир чора уни отларга қараш учун олиб қолишга рухсат берилади. Шу тарзда ўн бир ёшга тўлган Жумавой полк ўғли сифатида 2-жаҳон урушида бурилиш ясаган Сталинград жангларида иштирок этади. Жанговар варақасидаги қайдларга кўра Жумавой Мирзаев 1942 йилда 94-ўқчи дивизия таркибида Сталинграддан Берлингача бўлган масофани босиб ўтган.



Чапдан ўнгга. Жумавой Мирзаев, Носиржон Мирзажонов

Жумавой шу вақт давомида кўп марта душман ортида разведкада бўлиб, жуда муҳим маълумотларни қўмондонликка етказди. Унинг ўзига услуби шунда эдики, гўёки сарсон-

саргардонликда адашиб қолган бола кўринишида фашистлар ичкарисига кириб борар эди. Болакай аслида муҳим маълумотларни йиғиш билан шуғулланаётган разведкачи эканлигидан беҳабар эди. Жумавой душман шубҳаланиб қолмаслиги учун ўзини қуш овлаб қорнини тўйдирмоқчи бўлгандек кўрсатиб, қўлида доим чўзма олиб юрган. У кўрганларини тошлар билан белгилаб борган. Душман истехкомларини жойлашган нуқталари, ҳарбий техникалар ва қўшинлар сонини тошларни катта-кичиклиги билан қайд этган. Душман уни қўлга олиб, тинтув ўтказган тақдирда ҳам Жумавойнинг чўнтакларидан фақат тошлар топилган. Терговдан сўнг яна уни озодликка қўйиб юборишган.

Узоқ йиллар давомида она тили ва адабиёт фанидан дарс берган Исроийилжон Райимжонов бу ҳақда шундай ёзган эди:

“Лейтенантнинг спирт ичишга таклифида ҳеч қандай ғайри табиийлик йўқ эди. Бир кружка сувни сепиб юборсанг ерга чирс этиб муз тушадиган совуқ эди.

Йигитлар сал қизишиб олгандан сўнг лейтенант аҳволни тушунтирди.

— Полк штабига чопар юборишдан бошқа илож қолмаганига кўзим етиб турибди,— деди у.— Бу ҳам осон эмас. Ўрталикда тўрт юз - тўрт юз эллик метр келадиган очик майдон қолди. Тентак ҳам тушунадики, бундан ўтгандан кўра қил кўприқдан ўтиш осон бўлса керак. Чунки ҳар икки томонда душман пулемётлари қонсираб турибди. Чикдинг, қоқиб ташлайди. Қуш бўлсанг ҳам учиб ўтолмайсан.

Фикримча, битта иложи бор. Тўпчилар дивизиони ва мавжуд барча миномётлар душманни кўз очишга қўймай ўт очиб туриши, милтиқ ва пулемётлар эса тўғри отишма билан душманнинг қолган қуроллари эътиборни ўзига қаратиб туриши шарт. Беш-етти минут шундай қилиб туролсак бас. Алоқачи ана шу масофадан эсон-омон ўтса батальондан ёрдам

келади деявер, ёрдам келгунча эса ўзимиз ҳам бўш келмаймиз. Хўш, нима дейсизлар?

Лейтенантнинг плани ҳаммага маъқул бўлди. Зотан бундан бошқача йўл топиш ҳам мумкин эмасди.

— Артдвизионнинг энг чопқир отини оламиз. Хўш, пакетни ким олиб боради, ўртоқлар.

— Рухсат беринг, мен бораман, — деди Кабилин.

— Отни сен кўтариб чопасанми ёки от сеними, — лейтенант мийиғида кулди.

— Бу томони ҳам бор, — деб Кабилин пешонасини қашлади. У ўз таклифининг, фикрининг нотўғрилигига ўзи ишонганда ёнида ҳеч ким бўлмаганда ҳам шундай қиларди. Взвод командирлари ўз қўл остиларида эпчил ва чаққон жангчиларини бир-бир эслаб лейтенантга таклиф қилишди.

Эшик ёнида турган Жумабой эса “артдвизиондаги энг чопқир от” сўзини эшитиши биланок қашқа тўриқни эслаган эди. “Қани энди у шу ерда бўлса” деб турарди у.

Жўраевчи, — деб қолди Кабилин йўқотиб қўйган нарсасини топиб олгандек, қувониб, — Сиз уни яхши биласиз, ўртоқ лейтенант, қўл пулемётининг отувчиси.

— Уми? Бўйи теракдай. Бўлмайди.

— Бўйи узун бўлган билан тарашадай қотиб кетган, эллик килограмм ҳам эмас.

— Мана, дейди лейтенант Жумабойга ишора қилиб. — Жора бери кел. — Жумабой келиб тик турди.

— От минишни биласанми?

— Биламан.

— Чопдиришничи?

— Чопдиришни билмаган одам от минаман, дейдими. — Лейтенантнинг бу саволи малол келгандек ғурурланиб жавоб берди Жумабой.

— Қойилми, йигитлар. Эгарда ўтиргани ҳам билинмайди. Масала ҳал, Жора боради.

— Ёшда. қандай бўларкин, — деди Кабилин.

— Ҳеч нарса бўлмайди. Бунақа кўнгилли болаларнинг боши тошдан, ўқ ҳам буларни четлаб ўтади.

Ҳаммалари ертўладан чиқишди. Лейтенант Жумабойга йўлни тушунтирди. Кабилин унинг автоматига ўз автоматининг ўқдонини қўйиб берди.

— Бунн Комбатга берасан.— Лейтенаит дала сумкасидан пакет чиқариб унга узатди. Ўнггайроқ чўнтагинга бекит. Комбат бўлмаса штаб бошлиғига топшириб, ҳозироқ очиб ўқинг, дейсан. Бор гап ёзилган.

Ҳар эҳтимолга қарши бу ёғини ҳам уқиб ол. Агар ўзинг ёки отинг ўқ еб йиқилсанг, душман қўлига тушадиган бўлсанг, қоғозни чайнаб ютиб юбор. Пакет уларнинг қўлига тушса, ўзингни ҳам ўлдиради. бизнинг ҳам ҳолимиз вой бўлади.

-Эшитаман! - деди Жумабой Кабилин узатган автоматнинг қайишини бўйнига илиб. — Бажаришга рухсат беринг.

Лейтенант бир дақиқа унга боқиб қолди.

Жумабойнинг бетидан ўпмоқчи эди-ку, лекин фикридан қайтиб, қўлини олди:

— Бошла, Жора. Умидимиз сендан.

Жумабой бурилибоқ чуқур йўлакчадан югуриб кетди. Лейтенант доим ёнига осиб юрадиган чарм сумкасига қўлини қўйганича унинг кетидан қараб қолди. Сўнг бирдан:

— Кабилин, сен нима қилиб турибсан. Югур, уни жўнатиб келишинг керак,— деди. Кабилин взводнинг ертўласи ёнида Жумабойга етиб олди.

— Эҳ, ўзимнинг отим бўлмади-да,— деди Жумабой.

— Канақа отинг.

— Лагерда шундай отим бор эдики,— деди у чинакам болалик ғурури билан.— Тўриқ, пешанасида пахтадай қашқаси

бор. Одамдан эслик эди. Чопса-чи, куш дейсиз. Эҳ, у бўлгандами, биласизми, унга ўқ ҳам етолмасди. Ҳа, шундай чопқир эди. Мен уни Москвада бир учратдим. Таниди жонивор, шундай кўзига ёш келиб кетди. Замбарак судраб юрган экан. Қанд бериб, телпагим билан кўзини артганман.

— Қанақа от дединг?

— Қашқа, жудаям чиройлик. Бўйниям, оёқлариям жуда узун. Аммо Москвада кўрганимда думини кесиб ташлашипти.

— Буларда худди шунақа от бор эди, шекилли. Шошмачи, ҳозир кўрамиз.-Улар артдивизион турган дарахтзорга етиб қолган эди.

Тўпчилар лейтенантнинг топшириғи билан олдиндан отни эгарлаб кутиб ўтиришган экан. Улар келиши биланоқ япалоқ юзли қозоқ йигит, ертўладан югуриб чиқиб, отни етаклаб келди.

— Ҳой, сарт боласи. От минишни билесинми ўзи. Бу тўриқ қушдай учади. Аммо қайтариб ўзимга топширмасанг, икки дунё сен билан ғаш ўтаманаа.

Жумабой отни кўриши биланоқ гўё қотиб қолган эди. У ҳозиргина орзу қилиб қанча гапирган бўлмасин тўриқни шу ерда бўлади, деб сира ўйламаган, Кабилиннинг “уларда шунақа от бор эди шекилли” деган гапи эса қулоғининг ёнидан ўтиб кетган эди. Қаршисида эса қулоқларини диккайтириб элатдоши — у билан Арсиф булоғининг зилол сувидан симирган, у ўйнаган ўтлоқларда давр сурган ўша тўриқ турарди.

Жумабой отини эмас — дўстини. яқин ўртоғини, ҳатто ўз акасини учратгандек қувонч билан қўл узатиб. тўриқнинг бошини қучоқлади.

Жонивор Жумабойнинг кўли етмаслигини билгандек бошини сал эгди. Жумабой унинг ёлини силади.

— Бўл, Жора. Вақт тиғиз, минақол, — деди Кабилин у ўз отини топганидан мамнун бўлиб. Козоқ йигит қўлтиғидан олмоқчи бўлганди улгурмай қолди. Жумабой бир сакраб қарчиғайдай

эгарга кўниб олди. У Кабилинга ҳам, ўзини отнинг энг яқин дўсти билган қозоқ йигитга ҳам қарамай тўриқнинг ёлини силарди:

— Кейин гаплашамиз, жонивор,— деди у жиловни буриб, оёғини узангининг қайишига соларкан.

— Омадинг келсин, Жора,— қичқирди Кабилин!

— Она Ватанимиз учун! Улуғ Сталин учун!— Қичқирди у тўриқни бир йўла ҳақкалатиб. Одатича дарҳол энгашиб жиловнинг икки қайишини икки қўлига олди. Қирқ эллик метр ўтгач, у яна қичқирди.

— Ватан учун!

— Чиндан ҳам эгарда кўринмас экан,— деб ўзига гапирган Кабилин унинг бу овозини аниқ эшитиб, оғзини катта очиб мағрур жилмайди.

Жумабой дарахтзор панасидан чиқмасданок ҳаммаёк гумбурлаб қолди. Анча олдинда, чапроқда кетма-кет тўр беш снаряд портлади. Ўнг томонда эса ёки жойдан тупроқ кўтарилди. У — Хув, жонивор, Ҳаа! — дея тўриққа далда бериб ўрталикни мўлжаллаб узанги силкиди. Тўриқ шамолдек учиб борарди. У бўйнини чўзиб, гўё ерга ётиб, қуруқ қорда сирғаниб бораётгандек эди. Пулемётларнинг отнинг чопишига ноғора чалгандек эшитилиб турган “та-тата”си орқада қолиб, икки ён томондан душман минонамётларининг шовқини эшитилди. Тулпор қизишиб кетганидан сувлик тишлаб баттар жадаллаб кетди. Жумабой “оёғи бирор чуқурга кириб, суринмасин” учун жиловни енгил тортиб, суяб борарди.

Юз метрча олдинда ғув этиб келиб мина портлади. Навбатдаги мина анча орқада гумбурлади. У айна ўрталикқа келиб қолган эди. Яна олдинда мина портлади. У жиловни сал чапга бурди. Пулемёт ўқлари қорга “виз-виз” санчиларди. Душманнинг дзоти бир йўла уч пулемётдан отаётган эди. Лекин тўриқ эса нишабликдан селдай оқиб, тобора панага ўтиб бораётгани учун ўқ тобора ундан узоққа тушарди.

Жумабойнинг от қўйиб келаётганини батальон штабидагилар анча узоқданоқ дурбинда кўриб туришганди. Етиб келиши билан узун бўйли, қорасоқол, қийғир бурун офицер (бу комбат капитан Чишвилининг ўзи эди) унга қарши чиқди.

— Казбичмисан. Азаматмисан, — деди у узангининг қайишига тикилиб қолган этигини чиқариб, Жумабойни тушуриб олди. Эса Чишвилининг ҳазил саволига тушунмаган бўлса- да “Жумабойман” деди. Бир ўзбек йигит тўриқни етаклаб кета бошлади.

— Айил — пуштойини бўшатинг, — командирлардан сира тортинмай қичкирди Жумабой. — Тағии дарров боғлаб қўйманг. Юргизиб туринг. Бўлмаса оқсаб қолади.

— Эҳ—ҳа, — деди капитан, — чиндан ҳам Казбич ҳам, Азамат ҳам эмас, Жумабой экансан. Хўш, бу ёққа ўтирчи. Пакетни ўқидим. Бу тушунарли. Энди ўзинг гапириб берчи.

Жумабой билганини, аҳволни, қандай келганини сўзлаб берди.

— Келган йўлингни аниқ биласанми, — сўради Чишвили.

— Биламан.

— Яхши. Энди бориб дамнингни олиб тур. Чавандозни яхшилаб овқатлантиринглар, — капитан ўз чопарига қичкирди.

Жумабой эса овқатни кейинроқ ейишни айтиб тўриқни ёнига борди. Жангчи отни бир-бир бостириб айлантириб турган эди.

— Иее, сувлиғини чиқармабсиз-ку ака, беринг ўзим бироз айлантирай.

У тўриқни ўн минутча тўхтовсиз юргизиб турди. Тинмай гапирар. гўё от уни тушунаётгандек кўзларига тикилиб сўзлар эди.

— Энди шу ерда туриб тур жонивор. — Мен борайчи, берганини баҳам кўрамиз. — Отни бўш қўйиб ошхонага томон юрганди, тўриқ эшиккача эргашиб бориб, депсиниб тўхтади. Жумабой бир бўлак нон ва муштдек келадиган иккита қанд олиб

чиқиб тўриқни “меҳмон” қилди,

Чишвили Жумабойнинг қўлиғидан ушлаб ичкарига бошлади ва тўриқни отхонага элтиб топширишни буюрди.

— Икки соатдан сўнг келган йўлингдан бизни бошлаб борасан,— деди капитан ертўлага киргач.

— Шулардан хоҳлаганингни кўкрагингга тақиб қўярдим. Афсус мумкин эмас.— Капитан шинелнинг ёқасини очиб, кителининг кўкрагини тўлдириб турган орден ва медалларга ишора қилди.— Майли, биз сенинг жасурлигингни муносиб тақдирлаймиз”.



Жумавой Мирзаев

Жумавойнинг бу ҳаракатларини қўмондонлик муносиб тақдирланган Жумавой Мирзаев жангларда кўрсатган жасорати учун “Қизил юлдуз” ордени ва “Жасорат учун” жанговар медали билан мукофотланган.

Маълум бўлишича, душман еру осмондан ажал ўқларини ёмғирдек ёғдириб турган оғир бир вазиятда Жумавойнинг қахрамонлиги кейинчалик бутун фронт бўйлаб тарқалади. Дивизия командири Краснов жанг майдонида оғир яраланади. Бироқ уни ажал комидан олиб чиқишга бировнинг юраги дов бермайди. Шунда Жумавой сира иккинланмай қонга беланиб ётган командирини не-не машаққатлар билан ўқлар остида судраб олиб чиқади.

Жумавой Мирзаев кўкси тўла орден ва медаллар билан 1946 йилда жонажон Арсиф қишлоғига эсон-омон қайтиб келган. Орадан икки йил ўтиб ўн саккиз ёшга тўлганлиги муносабати билан ҳарбий хизматга чақирилади ва яна уч йил хизматда бўлиб қайтади. Шу сабабдан у ҳақда “Дважды рядовой солдат”, яъни “Икки бор оддий солдат” номли ҳужжатли фильм ҳам суратга олинган.

Фарзандлари:

1. Қизи Мирзаева Асалхон. 1956 йилда туғилган.
2. Мирзаев Сафарали (1962-2012).
3. Мирзаева Мамлакахон 1967 йилда туғилган.
4. Мирзаев Эркинжон (1974-2010).
5. Жумабоев Сайдали. 1980 йилда туғилган.
6. Жумабоев Мусулмонқул. 1982 йилда туғилган.

Айтишларича Жумавой Мирзаев ўзининг ҳаётини ҳафв остига қўйиб жангтоҳдан олиб чиққан Краснов орадан йиллар ўтиб генерал-лейтенант унвони билан Туркистон ҳарбий округини бошқарган ва Жумавой Мирзаев билан дўстона муносабатда бўлган. Арсиф қишлоғига қишлоқ хўжалиги техникаларини олиб келишда ва қишлоққа шаҳар марказидан автобус қатновларини йўлга қўйишда Жумавой Мирзаевнинг хизматлари катта бўлган.

Уруш ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор Жумавой Мирзаев 2006 йилда 76 ёшида вафот этган ва Арсиф қабристонига дафн этилган.

Жумавой Мирзаев билан бир замонда, бир маконда яшаб туриб, шундай қаҳрамон билан кўриша олмаганимизга минг пушаймонлар қилдик ва Мавлоно Жалолиддин Румийни ҳикматли сўзларини эсладик. “Бизни билган билади, билмаган ўзи билади”. На илож...


Агар суриштирсангиз Арсиф қишлоғида ана шундай ибратли умр соҳибларидан кўпларини кўрсатиш мумкин. Масалан, Халилов Ҳасанбой (1920-2003) “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” деган шарафли унвонга сазовор бўлган. Ҳасанов Тўхтасин (1929-2009) “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор”, Маражабов Олимжон (1925-1996) “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” фахрий унвонларнинг соҳиблари бўлишган.

АРСИФДАГИ “ХОТИРЖАМ МОЗОР”

Хотиржам сўзи изоҳли луғатда тинч бамайилхотир, мамнун маъносини англатиши таъкидланади. Хотиржамлик эса руҳан тинч бўлишлик, осойишталикни англатади. Чиндан ҳам Арсиф қишлоғида барпо этилган “Хотиржам мазор” деб аталган масканга ташриф буюрганлар ўзларини руҳан тинч сезадилар.

Бир муддат бўлса ҳам ҳаёт ташвишларидан ором топадилар. Ушбу маскан тўғрисида Тешабой Ҳамдамов шундай ёзган эди:

Кейинги 20 йил ичида Арсиф қишлоғида катта ўзгаришлар рўй берди. Давлат бош режаси асосида турар жойлар қурилди, кўчалар асфальт қилинди, маиший ва маданий бинолар қурилди. Бу ўзгаришларни келиб кўрган меҳмонлар албатта ажабланмасдан кетолмади. Шинам уйлар, тоза сувлар, табиий газ ҳаммаси мустақиллик шарофатидир. Шу даврда анча ишбилармонлар кўпайдилар. Шулардан арсифлик Муҳаммад Қодир Ҳожиакбар ўғли ҳақида ҳикоя қиламиз. Бу йигитнинг ота-онаси ўртаҳол деҳқон. Оилада икки қиз ва саккиз нафар ўғил. Аллоҳнинг инояти билан барчаси ишбилармон бўлиб кўзга кўринди. У маҳалладаги кам таъмиланган оилаларга беғараз ёрдам бермоқда, ободонлаштириш ишларида айрим кўчаларни асфальт қилди, тўй қиладиган ночор оилаларга кўмак бермоқда. Бошларига оғир кун тушган бева-бечораларга доимо кўлвдан келганича ёрдам бериб келмоқда. Унга бу қилаётган ишлари камдек кўринади. У бундан 10 йил олдин қир ёнбағирларидаги бир катта булоқни кўз остига олди. У ерда иморатлар қурди, ариқлар чиқарди, ҳовузлар қаздирди, кўчат эктирди, нотекис беш гектар ерни боғ-роғларга айлантирди. Ҳовузлардаги балиқларни кўриб, турли соя салқин мевали ва манзарали дарахтлар остида дам олган киши хурсанд бўлиб қайтади. Ўн йиллик тинмай қилган меҳнати туфайли бу жой “Хотиржам мазор” деган ном олди. Муҳаммад Қодирнинг сўзларига қараганда ушбу масканнинг яралишига қадрдон укасининг барвақт дунёдан ўтиши сабаб бўлган. “Онам болам қабристонда ёлғиз қолди”, деб йиғлаганларини кўриб юрагим эзилиб кетарди. Шу сабабдан қабристон ёнида бу жойни обод қилиб, “Онажон укам ёлғиз бўлмайди. Хотиржам бўлинг. Бу ерда кечалари ёниб турган чироқлар укамни қабрини ёритиб туради”, деган эдим. Бу қарангки биз обод қилган жой “Хотиржам мазор” номи билан машҳур бўлди”.



Арсифдаги санъат саройи. 2024 йилда олинган сурат.

Раҳмонов Муҳаммадқодир “Қишлоқ тараққиёти йили”ни хурсанд бўлиб кутиб олди. Арсифнинг хуснига хусн қўшадиган ажойиб қурилишларни юзага келтиришни, Аллоҳга таяниб иш қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Муҳаммадқодир Тошкентга тинимсиз қатнади Мусулмонлар диний идораси, ҳукуматнинг масъул ходимлари, қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб борди.

У “Сен ёлғиз эмассан” халқаро жамғармаси хомийлигида иш бошлади. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да Арсиф қишлоғида Мулло Искандар Халифа масжиди эскиргани учун қайта таъмирланиб, янги Жомеъ масжиди қад кўтарди. Қишлоқнинг қоқ ўртасида ёшлар учун “Санъат саройи”, спорт комплекси бунёд этилди”.²⁹⁹

²⁹⁹ Ҳамдамов Т. Арсиф – қадимий қишлоқ. Арсиф. 2011.



Муҳаммад Қодир Ҳожиакбар ўғли

Муҳаммад Қодирнинг бу қадар катта ишларни қандай қилиб амалга оширгани баъзи бир кишиларга маълум бўлса-да, бироқ бу билан боғлиқ воқеалар шу кунга қадар қоғозга туширилмаган. Шу сабабдан илк бор ўқувчиларимизга қуйидагиларни ҳавола этмоқдамиз.

Дасталаб сўз айтишдан олдин дуолар барокатидан шифо топиш, айниқса табаррук зотлар дуосининг баракасига доир кўплаб ибратли воқеалар юртимизнинг бошқа алломалари ҳаётида ҳам бўлиб ўтганини эслаш жоиз. Бинобарин, Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Аллоҳнинг қазойи қадарини дуодан бошқа нарса қайтара олмайди ва инсон умрини яхшиликдан бошқа бирор нарса зиёда қилмайди”, – дея, марҳамат

қилганлар³⁰⁰. Мазкур ҳадиснинг шарҳида киши умрининг узун бўлиши ва унга келаётган балоларнинг қайтишига кўпинча солиҳ кишиларнинг дуоси сабаб бўлиши келтирилган ва бу гўё келаётган ўқни қалқон тўсиб қолгани кабидир, дейдилар. Умуман, Аллоҳ таоло хоҳласа ўзи истаган кишиларнинг умрини узун қилиши мумкинлиги айтилган³⁰¹.

Айтишларича, XIX асрда яшаб ўтган Марғилоннинг пешқадам уламоларидан бўлган Калон ҳазратнинг аввалги ҳолларида ўнг қўл бош бармоғи устига жароҳат чиқиб, ҳадеган-да тузалавермайди. Номдор табибларга кўрсатилиб, муолажа қилинса-да, натижа бўлмайди. Оғриқ эса, кундан-кунга кучайиб бораверади.

Ўша вақтларда Марғилонда одамлар назаридан беэътибор бўлиб юрадиган, “Рўзи девона” деб аталадиган, девона одам бўлар экан. У ҳам гоҳо уйида беморларга муолажа қилиб, дам солар, баъзилар унинг муолажасидан шифо топар эканлар. Калон ҳазратнинг бармоқлари тузалавермагач, баъзилар, “Ҳазрат ҳам девонага учрасалар бўларди”, дейишади-ю, лекин ботиниб айта олмайдилар. Охири яқин кишилардан бири бу ҳақда оғиз очади. Ҳазрат қабул қиладилар ва икки киши ҳамроҳлигида девонанинг уйига борадилар.

Кириб келишганда у бир неча беморларга дам солиб ўтирган экан. Меҳмонларни кўргач, “Ўша ерда ўтириб туринглар”, дея, уларга пойгакдан жой кўрсатади ва ўзи ишида давом этади.

Беморларидан бўшагач, “Энди бу ёққа келинг”, – деб, Ҳазратни чақиради. У зотдан қаерлари оғриётганини сўраб билгач, кўзини юмиб, ичида бир нималарни ўқийди ва

³⁰⁰ Сунани Термизий, 8-жилд, 278 б; Сунани Ибн Можа, 1-жилд, -Б.104.

³⁰¹ Муҳаммад Абдурахмон ибн Абдурахим Ал-Муборакфурий. “Тухфатул Ахвазий шарҳи жомеъ-ут- Термизий”. “Дорул кутуб ал-илмийя” Байрут. 6-жилд, 289-б; Ал-Муновий. “Файзул қодир шарҳи Жомеъ-ус-сағир» Миср, “Мактабат-ул-тижорийят-ул- кубро” 1356-х, 2-жилд, -Б.332.

оғриётган бармоққа қараб, “Суф-ф” деб, дам уради. Шунда не кўз билан кўрилсин-ки, оғриётган бармоқ ўша тобда оғриқдан тўхтайдди.

Ҳазрат бундан таажжубланиб, “Менга қара, сен нималарни ўқиб, дам урдинг-ки, шунчалик тез таъсир қилса?!” – деб, сўрайдилар. Девона бир зум Ҳазратга тикилиб: “Тақсир, сиз сўзини дейсиз-у, биз ўзини деймиз”, дея, жавоб беради. Ҳазрат пешоналарига бир уриб: “Биз камол топдик деб, юраверган эканмиз-у, лекин, ҳали бир девоначалик ҳам бўлмабмиз”, дея, таслим бўлган эканлар.

*Вайрон кўнгиллар Ҳақ мазҳаридур,
Ганж ўлди пинҳон вайроналарга.*

Кўриниб турибдики, девона гарчи зоҳирдан кўринмаса-да, ботини ҳақ зикридан огоҳ бўлган.³⁰²

Дуо туфайли камолга етиш, айниқса устозлар ва синиқ кўнгилли кишилар дуосининг баракасига доир кўплаб ибратли воқеалар тўғрисида кишилар хотираларида сақланиб қолган. Шу сабабдан ҳар бир замонда одамлар жамиятидаги мавқеи, мансабидан қатъий назар инсонларнинг хайрли дуоларига эҳтиёжманд бўлганлар.

Айтишларича, Ўзбекистондаги олий мартабали хонадон аҳли Муҳаммадқодирнинг ожизона дуосига эҳтиёж сезадилар. Алал оқибат Муҳаммадқодирни мазкур хонадонга олиб келадилар.

Муҳаммадқодир бу ерда бир неча кун давомида ожизоналик билан тинимсиз дуолар ва илтижолар қилиб беморга Аллоҳдан шифо тилайди. Натижада бемор соғая бошлайди. Кўп ўтмай Муҳаммадқодирдан миннатдор бўлган хонадон аҳли ундан қандай истаклари борлигини сўрайдилар.

³⁰² Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний). – Т.: “Sharq”, 2013. -Б.74-75.

Муҳаммадқодир ўйлаб ҳам ўтирмай ўзи учун эмас балки жонажон Арсиф қишлоғини ободлиги учун ёрдам беришларини сўрайди ва унинг бу истагини бажо келтирадилар. Арсиф қишлоғида тез вақт ичида гўзал бинолар қад кўтаради. Кўп йиллардан буён хароб бўлиб ётган масжид ўрнида маҳобатли жоме масжиди қад кўтаради.

Таъкид жоизки, Муҳаммадқодир дуолар қилиб олий мартабали шахснинг бемор фарзандини даволаган бўлса, бир аср муқаддам Арсиф яқинидаги Бўзахўр қишлоқлик Мулло Иброҳим ҳаётида ҳам айнан шундай воқеа содир бўлган.

Айтишларича, XIX асрнинг ўрталарида Марғилон беклигининг ҳозирги Фарғона вилояти Қува тумани Бўзахўр қишлоғидан Иброҳим исмли киши ҳаж зиёратига боради. У Макка шаҳрида узоқ вақтга қадар қолиб кетади. Иброҳим ҳожи Маккадаги такяхоналардан бирида ибодат билан машғул кезлари, кунларнинг бирида уни бир араб амирининг саройига олиб келадилар. Амирнинг ягона қизи оғир бетоб бўлганлиги учун бирон бир ҳаким унинг дардига даво топа олмайди. Бу эса Маккадаги барча порсо кишиларни саройга чорлаб маликанинг шифо топиши учун дуо ўқишларига чорлашга сабаб бўлди. Бироқ бу ҳам ёрдам бермаган. Ноумидлик денгизига ғарқ бўлган амирни яна бир бор Имом Бухорий юртидан келган мусофир ҳожилардан ёрдам сўраб кўришни атрофдаги аёнлари маслаҳат беришади. “Маснавий” да айтилганидек:

Ул Бухоро гулшани ирфон эрур,
Ким бухорийдир, азиз инсон эрур.

Шу маслаҳатдан сўнг фарғоналик Иброҳим ҳожини ҳам саройга таклиф қилишган. Буни қарангки, Аллоҳнинг каромати билан Иброҳим ҳожининг ўқиган тасбиҳ ва дуолари

оғир бетоб ётган маликага таъсир этиб, тез кунларда ўзига келади. “Маснавий” да айтилганидек:

Айтса тасбиҳ Тангрига, қучгай нажот,
Айтмаса, ем бўлгай ул, топгай мамот.

Нури дийдасини соғ-саломат кўрган амир беҳад қувонганидан Иброҳим ҳожига Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг муборак соч толасидан икки донасини ҳадя этади. Иброҳим ҳожи муборак мўйни Арабистондан эмас, балки Туркиядан, Султон қизини даволаганлиги учун олиб келган дейишади.

Иброҳим ҳожининг Мўйи муборакни олиб келиши ўша вақтда бутун қишлоқда катта тантана билан кутиб олинади. Шундан сўнг Мўйи муборакка атаб Бўзахўр қишлоғининг шарқий томонидан сўлим бир ерга масжид билан хонақоҳ барпо этганлар. Мўйи Муборак масжидда сақланган ва унинг зиёратига бутун водийдан одамлар оқиб кела бошлаган. Мўйи муборакнинг саловат айтиш вақтида ҳаракатга келиши ҳаммани ҳайратда қолдирган. Афсуски, мазкур зиёратгоҳ шўролар ҳукуматининг илк ҳукмронлик давридаёқ бузиб юборилган ва Мўйи Муборак изсиз ғойиб бўлган.

Бўзахўр қишлоғига Мўйи Муборакни олиб келиши билан боғлиқ воқеаларни дастлаб Янгичек қишлоғида яшаб ўтган опоқимиз меҳнат ва уруш фахрийси Акбарали Зокировдан (1922–2004) эшитган эдик. Акбарали офоқимиз улуғ билан боғлиқ кўплаб қиссаларни ёддан билар эди. Айниқса Иброҳимҳожининг ҳаж зиёрати борар чоғида йўлда кечирган азоб-уқубатлари ва бошидан кечирган риёзатларини шундай жонли тарзда таъсирчан ҳикоя қилиб берар эдики, гўё Иброҳим ҳожининг аҳволи тингловчининг худди кўз олдида намоён бўлганидек туюлар эди.

Қачонки, “Мўйи Муборак” рисоласи чоп этилгач, Иброҳим ҳожининг набираси Бўзахўр қишлоғида истиқомат қилувчи Ғуломжон Айюбхон ўғли (1944-2016) бобоси ҳақидаги

маълумотлардан воқиф бўлгач уйимизга келди ва узоқ вақтгача отасидан эшитганларини сўзлаб берди. Ғуломжон ака алғов-далғов замонларда бу ҳақда бировга бир сўз ҳам айтмаган. Чунки отаси Айюбхон Иброҳимхожи ўғли фарзандига бу борада ҳеч кимга айтмаслиги кераклигини шарт қилган экан. Афсуски, Ғуломжон ака билан суҳбатимизни қоғозга туширишга улгурмадик. Фурсатимиз бўлмай бошқа ишларга овора бўлган чоғимизда Ғуломжон ака тўсатдан оғриб қолиб қазо қилдилар. “Шоҳнома”да айтилганидек:

Қарими, ёшгами етгани маҳал,
Барин битта билгай аёвсиз ажал.

Имон бўлса кўксинг гар арзандаси,
Надомат недур, эй Худо бандаси?

Бу олам тақозо қилур ишни бил,
Неки лозим эрса, сен ўшани қил.

Дарвоқеъ “Инаротул масобих лил қориул жомеъус соҳиҳ” китобида Иброҳим хожи билан боғлиқ худди шунга ўхшаш воқеа ҳикоя қилинган:

Муҳаддис, фазилатли шайх Муҳаммад Воил Ҳанбалий ҳафизаҳуллоҳ дейди:

“Буни менга Дамашқдаги баъзи шайхлар айтиб беришганди. Султон Абдулҳамидхон II-нинг қизи касал бўлиб қолибди. Султонликдаги табиблар унинг дардига бирон муолажа, даво топа олишмабди. Шунда ҳукмдорга: “Дамашқда Бадриддин Ҳасаний номли бир шайх бор. Илм ва салоҳиятда машҳурдир. Набавий ҳадиси шарифларнинг кўп ёд олган ҳофизлардан. Ўша зотни чорласангиз, шоядки қизингизга шаръий руқя ўқиб, дам солса”, дейишди. Шунда

Абдулҳамидхон шайхга элчи юборибди. Шайх бўлсалар, бормасликка узр айтган эканлар. Шомлик машойихларнинг шайх Бадриддинга талаб, қистовларидан сўнггина, шогирдларидан бирини Истанбулга дам солишга юборибдилар. Шогирд бориб султонни қизига руқя ўқиғач, у шифо топиб, тузалибди.

Бу воқеадан сўнг Султон шайх Бадриддинга бирон ҳадя юборишни истабди. Яқинлари шайхнинг китобларга муҳаббатлари кучли эканига ишора қилишибди. Шунда ҳукмдор “Султонийя нусха” деб ном олган “Саҳиҳул Бухорий”ни ҳадя тариқасида юборган экан”.

Шайх Муҳаммад Воил давом этиб айтадилар: “Аллоҳ таоло менга икром қилиб ўша нусхани кўриш насиб бўлди”.³⁰³

Шу ўринда дуо билан дам солиб императорнинг қизининг даволаган Халил Соҳибзода ҳазрат тўғрисидаги маълумотларга эътиборимизни қаратсак.

Тарихдан маълумки, Раббоний фарзандларидан бири Миён Муҳаммад Халил Соҳибзода ҳазрат Россия ва Қўқон хонлиги ўртасида 1831 йилдан тўхтаб қолган муносабатларни ўн йилдан сўнг қайтадан тиклашга муваффақ бўлган. Қўқон хонлигининг Халил Соҳибзода ҳазрат бошчилигида мўътабар зотлардан тузилган вакиллар гуруҳи 1841 йилнинг кузида Омскка, бу ерда бирмунча фурсат тургач, 1842 йилнинг бошида Петербургга расмий ташриф билан боради. Соҳибзодага берилган ҳужжатларда у олим, хоннинг ишончли вакили, авваллари ҳам Россияда бўлган, ҳатто, Қозонда маҳаллий мусулмонлар билан илоҳиёт илми

³⁰³[https://www.facebook.com/anvar.ahmad.98?__cft__\[0\]=AZUbKRRrOr9TTmApLeXUSwAZWpayeWOB1zdsVJ6iPe06WbomStIsiZ30w8fnm9SuxzKZkdUnKDC_KqpzuQ9spLO3iWnlu9oB3SvdFqhksYCRbDyoePVoyB-fpbxd_7vXsgks51E2c4ryylbAfOH3CfS1GWdKF3cNI8FDyS-55-7sPGOdjrR846DDvYI1XNtiT390&__tn__=UC%2CP-y-R](https://www.facebook.com/anvar.ahmad.98?__cft__[0]=AZUbKRRrOr9TTmApLeXUSwAZWpayeWOB1zdsVJ6iPe06WbomStIsiZ30w8fnm9SuxzKZkdUnKDC_KqpzuQ9spLO3iWnlu9oB3SvdFqhksYCRbDyoePVoyB-fpbxd_7vXsgks51E2c4ryylbAfOH3CfS1GWdKF3cNI8FDyS-55-7sPGOdjrR846DDvYI1XNtiT390&__tn__=UC%2CP-y-R)

юзасидан ўтказилган баҳсда қатнашган эшон сифатида таърифланади.

Бу ҳақда Раҳматилла Иноғомов “Муҳаммад пайғамбарнинг туркий авлодлари” номли китобида шундай ёзади: “Соҳибзода ҳазрат Николай I саройи ва хонадонида обрў-эътибор қозонишининг расмий элчилар бошлиғи бўлишидан ташқари шахсий томонлари ҳам бор эди. Гап шундаки, Соҳибзода Петербургга ташриф буюрган пайтда Николай I нинг суюкли қизи оғир руҳий хасталикка учраган эди. Кўплаб табибларнинг зўр бериб қилган муолажалари фойда бермайди. Хасталик кучайгандан кучайиб борди. Подшо саройида хизмат қилувчи татарлар Николай I га: “Қизингизнинг касалини фақат Соҳибзода ҳазрат тузата олиши мумкин” — деб маслаҳат беришади. Николай I нинг шахсан илтимосига биноан илоҳиёт ва табиблик илмларининг ўткир билимдони Соҳибзода беморни тузатишга киришади. Асосан, дуо ўқиш йўли билан қилинган муолажанинг самараси кўп ўтмай сезила бошлайди. Қиз кун сайин соғайиб, биров муддат ўтгач, касалдан бутунлай фориг бўлади. Ҳазратга қойил қолиб унга муҳаббати ошган Николай I: “Соҳибзода жаноблари, сиз ўзига тўқ одамсиз, шунинг учун пул, мол-мулк билан сизни хурсанд қилолмайман. Нима иш ҳилсам рози бўласиз?” — дейди. Баайни шу сабабдан ҳам унча-мунча подшолару элчилар яқинлаштирилмайдиган қурол-яроғ омборхоналарию зарбхоналарнинг эшиклари Соҳибзодага лангиллаб очилади”³⁰⁴.

Айтиш жоизки, валий зотлар боғлиқ бундай ҳодисалар ёзма манбаларда ҳам ўз ифодасини топган³⁰⁵. Масалан Марғилоннинг машҳур уламози, шайхул ислом Сайид Валихон тўрага (1812-1889) бағишлаб ёзилган روضة الأنساب

³⁰⁴ Иноғомов Р. Муҳаммад пайғамбарнинг туркий авлодлари. –Т.: “Камалак” - “Хазина”, 1995. - Б.43.

³⁰⁵ Абдулаҳатов Н. Файзи зоҳир хонақоҳ. – Т.: “Tamaddun”, 2015.-Б.18.

“Равзат ул-ансоб” маноқибида³⁰⁶ Валихон тўранинг отаси Саййид Подшоҳхон тўра (1771-1853) билан боғлиқ ҳикоятларда худди шундай воқеа баён этилган: “Баногоҳ дарвозадин бир жамоа халқ бир шални занбилга солиб олиб кирдилар ва бул нечанд вақт ва нечанд муддатдин бери қўл ва оёғини тутмас бўлуб ётқон эрди. Бу шалга Подшоҳхон тўрани муборак назарлари тушди. Эrsa буюрдиларким: “Бери олиб келинглaр” деб. Яқинроқ олиб келдилар. Занбил билан бирга ерга қўйдилар. Андин сўнг Худоҳа мутаважжух бўлуб, ғайратлари жўш қилиб, илтифот қилиб айдиларким: “Тур ўрнингдин”, деб подшоҳлиқ қилдилар. Филҳол ҳаракат қилиб роси ўрнидин турди ва “занбилдин тушгин”, деб подшоҳлиқ қилдилар. Занбилдин тушди. “Уйингга бор” деб меҳрибончилик қилдилар. Асил қадамдек соғлом бўлуб юруб уйига борди...

Эrsa, сифат валийликлари хуш қилиб, бениҳоят хушвақтликдин муборак юзлари гул каби очилди. Филҳол икки рақат намози шукурона бадаргоҳ бениёз адо қилдилар. Андин сўнг мулозимиға нечанд қўй ва сўқум тайин қилдиларким: “Дадамни мазор шарифларида оби оташ қилиб ва яна нечанд қориларини олиб бориб хатм қилдурғил” деб буйурдилар. Мулозим айтганидек, хизматни бажо келтурди ва нечанд қорилар онда хатм Қуръон қилиб, савобини Убайдуллахон тўрани руҳи поклариға бахшиш қилдилар”³⁰⁷.

Шу каби воқеа тўғрисида “Туркистон вилояти газети”нинг 1907 йилнинг 15 июлида чоп этилган № 52-сонида “Балиқчилик эшон” номли мақола чоп этилган.

³⁰⁶ Ҳозирда қўлёзма Марғилон шаҳри, Жўрахон Султонов кўчасида яшовчи Ахрорхон Қиличхонов (1944 йилда туғилган) хонадонида сақланмоқда

³⁰⁷ Абдулаҳатов Н. “Равзат ул ансоб” маноқиби – муҳим тарихий манба // Ёш олимлар илмий тўплами. Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2019. – Б.62-69.

“Таажублик воқеа бўлгон ҳодиса бўлса ҳам кўрмаган одам инонмайдур. Чунончи яқин фурсатларда Фарғона вилоятига тобеъ Балиқчи қишлоқлик бир эшон Тошканд шаҳрига келиб, ҳазрат Шайхованд Тахур навра марқада мазор шарифларини ёнидаги нақшлик масжидни айвони ёнига яна бир айвон таъмир айлаб, бир неча кун туруб ул эшонни масжид таъмир қилгонларини атроф жавонибдаги одамлар эшитиб келиб зиёрат қилиб, дуо фотиҳа ва тумор олим кетар эканлар. Хусусан ушбу кунлардин икки уч ҳафта муқаддам мазкур эшон баъзи чўлоқ ва шол ва фалаж ва гунгларга шифо берди деган шуҳрат тамоми шаҳрга шойе бўлуб, ҳар кун ўшал эшоннинг суҳбатларига ҳазрат Шайхованд Тахурга эрта билан субҳдин то хуфтонгача беш юздин то мингга яқин эркак ва заифа жам бўлуб дуо олмоқ ва тумор олмоқ ва дам солдурмоқ ва чибиқ урдирмоқ учун мунтазир бўлуб турар эканлар. Ул борган бетобларнинг аксари сиҳат топиб хусусан, беш йил, ўн йилфалаж касалға мубтало бўлуб ўрнидан тура олмай ётган одамларга дам солиб, чибиқ уруб дарҳол ўрнидин турғазуб ва юрғузуб юборадур деган хабарлар мардум ораларига шойе бўлди. Камина муҳаррир эшитиб агарчи ул дуогўй эшон хусусида шак-шубҳа қилмасам ҳам ул хорик одат тўғрисида мақом ҳайратда эдим.

Иттифоқа ушбу июлни 7 нчи кунида Хўқандин бизга меҳмон бўлуб келган Юсуфхон Мирзони ҳамроҳ айлаб ул эшонни зиёратларига бордук. Дарҳақиқат, ҳазрат Шайхованд Тахур жаворларидаги олтунлик масжидни саҳни ва айвони ва кўчалари ва томонларига эркак, заифа ва ёш бола тўлуб, ҳаттоки, одамни кўблигидан кўчадин ўтмоқга имкон йўқ. Ул жамиятни кўруб камина ҳайратда қолиб, бир одамдин сўрадим: “Ҳазрат Эшонни зиёрат қилмоққа мумкин бўладурми?” деб. Ул одам жавоб берди: “Кўрдингизму бу жамиятни? Эшон илан суҳбат қилишмоқ ва сўзлашмоқ ҳеч

бир мумкин эмас. Ҳар кун намоз жамоатдин бошқа вақт эртадин кечгача одамларга дам солмоқ ва чибиқ урмоқ ва тумор бермоқ илан машғулдурлар. Бирор дақиқа сўзлашиб ўлтурмоққа фурсатлари бўлмайдур” деб.

Бул сўзни эшитиб камина ҳайрон бўлуб туруб эдим. Бир мударрис домла бизни ўшал мазор ёнидаги меҳмонхоналарига таклиф қилдилар. Зиёратга келган уч-тўрт одамлар илан меҳмонхонага кириб ўлтурдук. Бир оз фурсат ўтгондин сўнг бир одам келиб хабар берди: “Ҳазрат Эшон шул меҳмонхонага келадурлар”, деб. Оз фурсат ўтмай эшон келдилар. Ҳаммамиз туруб зиёрат қилиб ўлтурушдук.

Ҳазрат Эшон ўзларини саргузаштлари ва ҳазрат Шайхованд Таҳурга масжид солганларини баён айлаб, одамларни ҳужум қилғониға шикоятнамо қилиб айтдилар: “Бул жамият бизга обрў эмас ва бул одамларни ҳужум қилғониға ман хурсанд эмасман ва фахр ҳам қилмайман. Замона нозиклигин Худодин ҳам қўрқаман: “Сенга шул ҳожатбарорлик хосиятини ато қилсам. Сен бахиллик айлаб келган муҳтож, кўр, шолларни ҳожатини чиқармадинг” деган итобга қолурман” деб ноилож аларни иложига машғул бўламан”, деган иборатларини айтдилар.

Шул аснодаҳам илтимос дуо қилган одамлар бир сўм, икки сўм мундин кўб ҳадя келтуриб дуо олиб турдилар. Берган ҳадияни эшон масжлисдагиларга улашиб ва каминаға ҳам бердилар. Шул вақт Ҳазрат эшон бизларга қараб айдиларким: “Ижозат берасизларму. Ташқарида маътал ва мунтазир турган мафлужларга дам солиб келсам” деб ўрунларидин туруб меҳмонхона саҳнида ётган, уйидан занбилга тушиб келган, бир ўн икки, ўн уч яшар фалажни олдиға чиқдилар ва бизлар ҳам кўрмоқ учун биргалашиб чиқдук.

Ҳазрат эшон ул фалаж болани тепасига келиб бирор дуо ўқуб, дам солиб қўлидаги толни барглик майда чибиқи илан

болани бошига, орқасига уруб: “Қўлунгни кўтар ва бошингга еткуртил”, деб чибиқ илан уруб турдилар. Бир оз фурсатда бола фалаж қўлини кўтариб, бошига еткурди. Андин кейин чибиқни оёғига уруб: “Оёгингни торт” деганда неча йилдин буён оёғини жони бўлмай узотилиб қолгон оёғ ҳаракат қилиб олдиға тортиб олди. Шул вақтда ҳам эшон “Тур-тур” деб чибиқ илан уруб турган ҳолда фалаж бола турмоқға ҳаракат қилиб туролмай турган эди, ёнида турган қариндошлари болани қўлтиғидин кўтармоқ бўлганда эшон болага: “Тегма. Ўзи турсун” деб яна чибиқ илан урганда бола ўзи ўрнидан туруб беш-олти қадам босиб юргунча эшон орқасидин “Юргил” деб чибиқ илан уруб юргизиб юбордилар.

Шунга ўхшаш тўрт-беш бутун фалажларни чибиқ уруб юргузуб юборганларини ўз кўзимиз илан кўруб, таажжубда қолдук. Яна эшонни суҳбатида турган тошкандлик машҳур ва маълум инобатлик одамларни айтгонига қараганда ҳам эшон фалажни сиҳат қилгондин бошқа кўрни кўзини очиб ва гунгни сўзлатган эмиш.

Камина муҳаррир ҳамсуҳбатлари тошкандлик баъзи уламолардин эшонни аҳволотларини савол қилганимда айдиларким: “Ҳазрат эшонни ўзларини айтганларича ўзлари балиқчилик. Аслари ўзбек бағиш тоифасидин. Ҳазрат Шайхованд Таҳур жаворларидаги Қарлуғочбий лақаблик Кўкамбий деган катта гунбазда ётган бузрукворға авлод эканлар. Ўзи уламо ва ҳам адияларни хўб шарт ва шароит ва қавоидлари илан таълим ва такрор қилгон эканлар. Инобат қилганларни аҳволиға қараб хоҳ нақшбандия ва хоҳ қодирия сулукиға тақвиз қилар эканлар ва саёҳатни кўб қилган саёҳ эканлар. Хусусан беш йил, ўн йил фалаж бўлуб ётганларни ўқуб уруб тургузуб юборганлариға ҳеч кимни ақли етмайдур.

Чунки” авлиёи муқаддинларимизда ҳам мундай ишлар кам вуқуъга келган эди. Билакс ул зотлар ҳар қанча авлиёи баҳақ расида бўлсалар ҳам мундай ишларни аҳёна изҳор қилар эдилар. Ҳаттоки мурдага жон бермоққа қодир бўлган авлиёлардин ҳам мунча иш зоҳир бўлгани маълум эмас. Бо вужул мазкур эшон айтар эмишларким: “Бул фалажларни яхши қилмоқ ва шифо бермоқ ҳеч бир иш эмас. Ҳаттоки ўшал ётган фалаж одамларга бирор ит даъфатан ҳайбат қилса ва ё ногаҳондин ўшал фалаж ўлтургон жойиға ўт тушуб яқинлашган вақтда ул фалаж ва ҳам ва хуф илан ўрнидин туруб юруб кетадур. Бизни ишимиз ҳам шунга ўхшашдур”, деб қилғонлариға фахр қилмас эмишлар.

Камина мулоқот қилган куни кечқурун Тошканд шаҳрини полициямистри мени чақирибдурлар деган. Айдилар: “Ул эшонни чақириб, мундай йиғин ва жамият бўлмасун” деган экан. Лекин ул эшон одамларни келмаслигини иложини тополмай ўшал кечаси Тошканддин ўз вилоятлариға қараб жўнаб кетибдурлар”³⁰⁸.

³⁰⁸ Туркистон вилояти газети. 1907 йил 15 июл № 52

ИЗ ДРЕВНЕЙ ИСТОРИИ АРСИФА

До недавнего времени большинство зданий, в которых проживало большинство населения, были построены из соломы или кирпича-сырца. Средняя “жизнь” такой постройки определяется археологами в 40-50 лет. По истечении этого срока, если его снова не отремонтировать, то здание, каким бы красивым и роскошным оно ни было, засияет. Таким образом, большие и малые города начинали свою вторую жизнь в результате влияния природы, или агрессии врагов, или еще хуже, заканчивали свою деятельность. С течением времени заброшенные роскошные особняки превратились в безлюдный холм. Их история тоже похоронена в лоне этого пустынного холма. Но легенды и рассказы о них до сих пор живы в народе. Похожий случай произошел с памятником Арсифу, и легенды, связанные с его историей, до сих пор передаются из уст в уста.

В интернете очень мало информации о селе Арсиф, расположенном на территории города Кувасай Ферганской области Республики Узбекистан. Однако история этого села насчитывает несколько тысяч лет.

Говорят, что село Арсиф, название которого فسرا зафиксировано в документах архива Кокандского ханства, первоначально называлось “Арки Юсуф”, то есть арка Юсуфа. Говорят, что пророк Юсуф построил здесь роскошную арку для своей возлюбленной Зулейхи и для себя. В народе это место называлось “Арки Юсуф”. Со временем это место стало называться в просторечии “Арсиф”.

76-летний Холматджон Мелибоев, рассказавший нам эту легенду в 1998 году, сказал, что слышал эту историю от своего деда. На наш взгляд, связь Арсифа с пророком Юсуфом, вероятно, была связана с тем, что в народе был широко

распространен известный на Востоке эпос “Юсуф и Зулейха”. Сказания и былины о Юсуфе и Зулейхе, родившихся на основе повествования о прекрасном Иосифе в “Библии” и о пророке Юсуфе в Священном Коране, уже несколько столетий любимы нашим народом.

Из создания эпоса “Юсуф и Зулейха” Фахми Маргинани в конце XIX века известно, что этот эпос был любим народами Ферганской долины и вызвал распространение в народе различных сказаний. Поэтому не исключено, что слово “Арсиф” может быть близко к Арки Юсуфу по произношению, что привело к связи названия места с Пророком Юсуфом. Например, места, связанные с упоминаемыми в источниках именами пророков, можно найти в Ферганской долине. Некоторые историки также упоминали об этом в своих работах. Например, автор книги “Хайр ул-билад” таким методом построил город Ош.

На самом деле, согласно выводам археологических раскопок в Арк-тепе, он был разрушен к концу V века н.э. В пятом веке нашей эры нашествие врагов на Фергану не обошло стороной и село Арсиф. Однако здесь противнику, должно быть, пришлось сражаться не с воинами, а с монахами, отдавшими свою жизнь за поклонение. Отшельники в храме Арсифа сделали то же самое с врагом. Однако об этом свидетельствует наличие 14 военных башен вокруг храма и большое количество отверстий, приспособленных для стрельбы в оборонительной стене.

О том, что здесь происходили страшные события, свидетельствуют следы пожаров на башнях Арк-тепы, где храм Арк-тепа некоторое время был охвачен огнем. Стены якобы были выкрашены в красный цвет. На самом деле, если учесть, что этот цвет — цвет покрасневшей от огня глины, то можно быть уверенным, что Арк-тепа был сожжен. К сожалению,

численно превосходящий враг захватывает Храм Арсифа и стирает его с лица земли. С годами люди забывают о храме Арсифа и его служителях. Вероятно, местные жители называли руины храма “Арк-тепа”, связав их с легендарным царем. Это всего лишь предположение.

Даже почему название села называлось “Арсиф”, потом никого не интересовало. Хотя. Имя Арсифа также может быть тесно связано с находящимися в нем насельниками храма. Слово “Арси” - “Arsi на древнетюркском языке означает “святой”, “отшельник”, и не исключено, что с этим словом связано происхождение имени Арсиф. Следовательно, святое место в Арсифе населяли в основном святые-подвижники, и именно по этой причине эти земли могли называться “Место святых”, то есть “Арси” или “Арсиф”. По мнению местных жителей, имя “Арсиф” может происходить от слова “Arz so‘gamoq”, то есть “Обращается с прошением”.

По одной из легенд, здесь когда-то стояла арка древнего царя Кувы Кайкубада, который любил отдыхать здесь, когда выезжал на охоту. Тешабой Хамдамов, один из старейшин села, рассказывал о нем следующее: “В XI веке возникло царство Кува, и наше село также было подвластно этому царству. Его окрестности состояли из невысоких холмов и равнин. Деревня расположена в чашеобразной котловине и с южной стороны окружена горами. С тех пор с этого склона горы бьет вода из 10 родников. Вода, которая вытекала из них, могла легко снабжать жителей деревни питьевой водой. Этой воды хватало для посевов и огородов.

Царь Кувы, возжелавший красивого места, построил на склоне холма место для отдыха, то есть “Арк”, и пришел сюда отдыхать. В этот период село не имело названия. Позже в народе его называли “Арсиф”, что означает “место, где царь просит прощения». Жители этого села в основном пришли из

